

**Шодмон Ҳайитов, Камол Раҳмонов,
Олимжон Аҳмадов**

**БУХОРО ВА БУХОРИЙЛАРНИНГ
ЖАҲОНИЙ ШУҲРАТИ**

**Тошкент
“Наврўз” нашриёти
2020**

УО'К: 454.81.3
КВК 63.3 (5Ўзб)
Ҳ-14

Ушбу монографияда Бухоро тарихи билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнлар илмий асосда, манба ва адабиётлар талқинида баён қилинган. Шунингдек, Бухорода XIX асрнинг охири - XX аср биринчи чораги ва ундан кейинги даврлардаги иқтисодий аҳвол, демографик ҳолат, миллий масала, табақа ва тоифалар ҳолати каби масалалар архив хужжатлари, матбуот маълумотлари ҳамда хотира парчалари, шахсий суҳбат материаллари орқали қиёсий таҳлил қилинган. Китобдан муаллифларнинг Бухородан ўтмишда ўтган ва замонавий олимларга бағишловлари ҳам ўрин олган. Мазкур нашр Ўзбекистон ва Бухоро тарихи билан шуғулланувчи илмий ходимларга, докторант ва магистрларга ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Мазкур китоб 2020 йил “Бухоро – Ислом олами маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши, Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топганлиги ва Бухоро матбуотининг 100 йиллиги ҳамда Бухоро давлат университети 90 йиллик юбилейига бағишланади.

Масъул муҳаррир:

Шодмонова Санобар Бозорбаевна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Иноятов Сулаймон Иноятович – Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори

Олимов Ширинбой Шаропович - Бухоро давлат университети профессори, педагогика фанлари доктори

Монография БухДУ Илмий-техник кенгашининг 2019 йил 28 декабрдаги 2-сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6021-3-7

Ушбу монография 2020 йил “Бухоро – Ислом олами маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши, Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топганлиги ва Бухоро матбуотининг 100 йиллиги ҳамда Бухоро давлат университети 90 йиллик юбилейига бағишланади.

1-БОБ. БУХОРОНИНГ ЖАҲОНИЙ ШУҲРАТИ

“БУХОРО” ВА “БУХОРИЙ” НОМЛАРИНИ ЖАҲОНИЙ ШУҲРАТИ

Тарихий манбаларда “Илм маскани”, “Тангри жамоли”, “Тангри сайқал берган шаҳар”, “Зебу зийнат шаҳри”, “Фохира”, “Фахр ва ғурурга тўла жой”, “Тепаликдаги шаҳар” номлари билан аталган, “Ат-тарих ал-Кабир” (“Катта тарих”) асарининг муаллифи, ҳадис илми донишманди Имом Исмоил ал-Бухорий хизматлари туфайли “Қуббатул-Ислом” – “Ислом динининг гумбази” рутбасига эришган, “Шарқнинг Парижи”, “Рим тенгдоши” каби номларга сазовор бўлган Бухоройи Шариф Шарқ гавҳари, жаҳон мўъжизасидир. Дунё тамаддуни ривожига беқиёс ҳисса қўшган, ўтмишда Ғарб ва Шарқни боғловчи Буюк Ипак йўлида муҳим марказ ҳисобланган Бухоро ҳамда унинг бой тарихи ҳар бир инсон қалбини тўлқинлантиришга қодир кучга эгадир. “Бухоро” ва “Бухорий” номларининг ўтмишда дунё халқлари олдида қанчалик қадр-қимматга эгаллиги, таъсирчан мавқеи ҳақида мухтасар фикр юритмоқчимиз. Айниқса, ўрта асрларда Бухоро жаҳон савдогарларининг карвонсаройи бўлган. Бир неча минг километрларга чўзилган Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган ушбу шаҳар транзит савдода ҳам етакчи мавқега эга бўлган. Ҳатто,

бухороликларнинг хорижий мамлакатларда кенг миқёсдаги савдо-сотиғи туфайли “Бухоро” номи айрим халқларнинг кундалик маиший турмушига ҳам сингиб кетган. Ҳозиргача озарбайжонларда уйни иситадиган чўян печлар “Бухара печ” деб аталса, қоракўл теридан тикилган телпакни “Бухара папах” деб номлаш таомилга кириб қолган эди¹. Маълумки, XVI асрдан бошлаб Россиянинг Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги минтақаларида ўзбек миллатига мансуб минг-минглаб кишилар истиқомат қила бошлаганлар. Бу ҳудудлар билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи ва ўзаро маданий таъсир масалаларини узоқ йиллар илмий жиҳатдан ўрганган Ҳ.З.Зияев қимматли маълумотларни келтирган. “XVI асрдаёқ Астраханда Бухоро номи билан аталган ўрта осиеликлар колонияси (“Бухоро колонияси” (манзилгоҳи) вужудга келган. Бухоро колониясида туркистонликлар, қошғарликлар, самарқандликлар, тошкентликлар, қисман туркманлар ҳам бўлиб, барчаси “бухоролик” дейилган”², - деб ёзади профессор Ҳ.З.Зияев. Юқоридаги парчадан шу аён бўладики, “бухоролик” тушунчаси кенг маънода бутун ўзбекларга нисбатан қўлланилган, шунингдек, “Бухоро” атамаси “Туркистон” сифатида, яъни бутун минтақа маъносини ҳам ифодалаган. Шу сабабли германиялик ўзбек олими Боймирза Ҳайит: “XIX аср бошларигача Туркистон ҳудуди инглиз адабиётларида “Бухоро” номи билан танитилгандир. Ғарбий Туркистонни “Катта Бухоро”, Шарқий Туркистонни “Кичик Бухоро” деганлар”³, – мазмунидаги фикрни қайд қилиб ўтади.

Сибирда яшаган ўзбеклар татарлашув жараёнига қадар Ўрта Осиёнинг қайси шаҳридан бўлмасин ўзларини

¹ Кол.авт. Позднефеодальный город Средней Азии (сборник статей). –Т.: Фан, 1990. –С.91-92.

² Зияев Ҳ.З. Волга ва Урал бўйидаги ўзбеклар. –Т.: Фан, 1963. –Б.12-13.

³ Боймирза Ҳайит. “Туркистон” атамаси хусусида // Ёшлик . 1992. № 1,2. –Б. 41.

“бухороликлар” деб аташ билан бирга уларнинг карвонсаройлари, дўкон ва расталарини ҳам маҳаллий аҳоли “Бухороликлар карвонсаройи”, “Бухороликлар растаси” каби номлар билан атаб келганлари тадқиқотлардан аён бўлади⁴. Профессор Ф.Х.Қосимовнинг ёзишича: “Ўрта Осиё минтақасини рус подшоси Пётр I давридан (хукмронлиги: 1682-1725) “Бухария” деб аташ таомилга кириб, Сибирдан Волга бўйларигача бўлган ҳудудларда бу юртнинг маданиятига қойил қолишган эди. Бухоро илм-фани, айниқса, адабиёти ва тарихшунослиги, ҳунармандчилик санъати, мусиқаси, меъморчилиги тилларда дoston эди, ҳатто оддий турмушдаги анъанавий тартиб ва қоидалар бошқалар учун намуна эди”⁵. Ушбу фикрлар заминда бухороликларнинг Сибирда токим шведлар келгунга қадар энг маданиятли халқ бўлганлиги, бу минтақадаги аҳолига илк бор Хитойдан буғдой уруғи олиб келиб, уни экиш орқали деҳқончиликни ўргатганликлари, чорвачилик, ҳунармандчиликка асос солганликлари, Россия ҳукумати номидан Бухоро савдогарларининг Хитой ва бошқа Шарқ мамлакатларига элчилик миссиясини бажарганликлари, ички ва ташқи савдодаги тенгсиз маҳорат ва бой тажрибаси, илм-фан соҳасидаги хайрли ишлари каби кўпдан-кўп омиллар назарда тутилганлигини эътироф этмоқ керак.

Тадқиқотларимиз зарурати юзасидан Ўзбекистон Марказий давлат архиви фондлари билан танишиш жараёнида Тоболь, Астрахань ва Арахангельск каби Россия шаҳарларида савдо-сотиқ билан шуғулланган Қошғардан келган савдогарларни (Шарқий Туркистон,

⁴Қаранг. Зияев Ҳ.З. Ўрта Осиё ва Сибирь. –Т.: Фан, 1964; шу муаллиф. Сибирдаги ўзбеклар.–Т.: Фан, 1966; шу муаллиф. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар. –Т.: Шарқ, 2003; Рустам Обид. Яқиндаги йироқлар ёки Сибирь ўзбеклари хусусида // Саодат, 1992. -№12. –Б.24.

⁵ Қаранг. Қосимов Ф.Х. Бухоро-жаҳон тамаддуни ўчоғи / Истиқлол ва тарихий хотира (Мақолалар тўплами). Бухоро-2006. –Б.18.

ҳозирги ХХРнинг Шинг-Жонг мухтор районидаги Қошғар, Гулжа, Ёркенд, Кучар, Кўрла ва ҳоказо шаҳарлари савдогарлари) “кичик бухороликлар” деб аташганликларига амин бўлинди. Шунингдек, Европа шаҳарларидаги Шампань, Сен-Жермен, Исо меърожи, Женева, Ирбит, Нижний-Новгород, Макаревск, Москва ярмаркаларида савдо-сотиқ билан шуғулланган ўрта осиеликлар “катта бухороликлар” дейилган. Ҳатто, Россия империясидан мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж зиёратига жўнаб кетганликларни “бухороликлар”, Шарқий Туркистон (Қошғария)дан шу мақсадда йўлга чиққанларни “кичик бухороликлар” деб ҳужжатларда қайд қилиш ҳолатлари мавжуд⁶.

XVI-XVII асрларда Ўрта Осие хонликларидан Туркия ҳудудларига турли сабабларга кўра юзлаб ўрта осиеликлар кўчиб борганлар. Уларнинг аксарияти Хожа Баҳуддин Нақшбандий тариқатига мансуб бўлган уламолар, савдогарлар, оддий кишилар бўлган. Айниқса, Султон Селим II (ҳукмронлиги: 1556-1574)нинг бош вазири Сўқули Меҳмет пошо замонида Истанбулда уч қаватли ғиштин бино “ўзбеклар такаси (теккеси)” қурилган. Аслида ушбу бино “бухороликлар такаси” деб номланган бўлиб, Ўрта Осие хонликлари билан Усманийлар салтанати ўртасидаги дипломатик, савдо ва сиёсий муносабатларнинг маркази ҳисобланган Туркиянинг бошқа шаҳарларида қурилган, муҳожир ўзбеклар бошпанаси бўлган 20 дан ортиқ такалар ҳам “Бухоро” номи билан аталганлиги диққатга сазовордир. Ушбу такахоналарни таъмирлаш ҳақида фармон берган Султон Абдулҳамид I (ҳукмронлиги: 1774-1789) фармонида ҳам “бухороликлар такаси” деган жумлалар келтирилиши Бухоро номи нақадар ҳурмат-эҳтиром билан олдинги ўринга қўйилганлигини билдириб турибди⁷.

⁶ЎзРМДА. И-1. 4-р. 1632-ҳ.36-, 37-варақлар; И-3. 11-р. 215-ҳ. 131-, 132-варақлар.

⁷ Қаранг. Gagatay Kogar. Atayurtan anayurda Turkistanlilar. –Adana, 2009. –S.169-179.

“Туркистоний” ва “Бухорий” номлари ўтмишда бир хил маънони ифодалаш билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни давом эттирар эканмиз, хорижда “Бухорийлар” номи билан истиқомат қилган ва ҳозирда оз сонли бўлсада ҳаёт бўлган ўзбекларнинг барчаси ҳам Бухоро музофотидан бўлишмаган. Масалан, Саудия Арабистони ва бошқа Шарқ мамлакатларидаги ўзбеклар Ўзбекистоннинг қайси шаҳридан бўлмасин ўзини “Бухорий” деб атаганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, тарихий маълумотлар шунини исботлайдики, “Бухорий” номини олганларга мусулмон мамлакатларда алоҳида иззат-икром кўрсатилган. Ҳадис илмининг султони Имом Исмоил Бухорий (810-870)нинг ҳурмати ҳамда Бухоронинг тарихий шон-шухрати туфайли “Бухорийлар” 1930-1950 йилларда Туркия Республикаси ва Саудия Арабистонида 5 йилгача ҳар қандай солиқлардан дархон этилганлар. Уларга касб-кор танлашда, савдо-сотиқ билан шуғулланишда алоҳида имтиёзлар берилган⁸. Икки муҳим далилни келтириш билан устида баҳс юритаётган мавзуга нуқта қўйишни лозим топдик.

1920-1924 йилларда БХСР ҳукуматида маориф нозири, “Бухоро ахбори” газетасининг бош муҳаррири, молия нозири, давлат назорат қўмитаси раиси каби лавозимларда ишлаган “ўз тўшагида ўлган бирдан бир жадид” - Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965) 1922-1923 йил қишида Россия саёҳатида бўлган. У саёҳат хотираларини ёзар экан: “Бухоро амирлиги даврида айрим маълумотларга кўра, Оқмасжидда (Қозоғистон) бир минг оилалик, Казалида (Казалинск) ундан кўпроқ бухориликнинг келиб ўрнашиб қолғони билинадур. Улар қайси

⁸ Қаранг. Ҳайитов Ш.Ҳ. Саудия Арабистонидаги “Бухорийлар” ва “Туркистонийлар” // Бухоро университети илмий ахборотлари, 2004. -№3. -Б. 51-55; шу муаллиф. “Бухорийлар” ва “Туркистонийлар” номлари хусусида // Ўша жойда. 2004. №2. -Б. 12-14; Муҳаммад Али. Абадий соғинчлар. -Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2005. -Б.186-199.

шаҳардан бўлмасин ўзини “бухоролик” деб аташди... Бу кўчиб келганларда шундоқ бир ўзгариш борким, уларнинг кийик-кечаклари, турмуши ва машғулоти буткул ўзгарибди, яъни маданийлашибди, тоторлардан қиз олиб, қиз бериш тилларини ҳам тоторларга яқинлаштирибди. Муаллимлик қилувчилар орасида анчагина бухороликлардан чиққан қизларнинг борлигини сўзладилар⁹”, - каби фикрларни келтиради.

“Бухорий” номининг яшовчан ва ҳозирги даврда ҳам ўзига хос мавқега сазовор бўлиб келаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Фарғона вилоятида илмий сафарда бўлганимизда кекса отахон, диний уламо Муқаддас ҳожи Солмонов (1916-2010) билан кўп бор шахсий мулоқотларда бўлганмиз. Нафақат диний илмлар билимдони, сўзамол ва одамохун бу отахон (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!) ўзаро мулоқотларимиздан бирида Макка ва Мадина ҳаж зиёратида илк бор бўлганларида ногаҳон адашиб қолганликларини ҳикоя қилиб берадилар. Кеч кирганлиги туфайли ўзлари учун ажратилган чодирга етиб бориш мақсадида араб таксичиларидан бирини тўхтатадилар. Араб такси ҳайдовчиси отахонга қараб: “Бухорий”(яъни бухороликмисиз?) деб сўрайди. Фавқулотда берилган бу саволдан шошиб қолган отахон: “Йўқ, йўқ “Фарғоний”-деб жавоб берадилар. Такси ҳайдовчиси индамай машинасини ҳайдаб кетиб қолади. Иккинчи такси ҳайдовчиси билан ҳам шу ҳолат такрорланган. Учинчи таксичи томонидан “Бухорийми?” деб берилган саволга шоша-пиша “Ҳа, ҳа Бухорий”-деб жавоб қайтардилар. Шунда араб ҳайдовчиси у кишини машинасига миндириб, ўзбекистонликлар яшайдиган чодиргача етказиб қўяди. Отахон томонидан узатилган йўл кирани астойдил рад этаркан, таксичи арабчалаб “Бухарий, Бухарий”-дейди, яъни бухорийлардан пул олиш гуноҳи

⁹ Қори Йўлдош Пўлатов. Йўл хотиралари //Бухоро ахбори. 133-сон. 1923 йил 11 февраль.

азим деган. Отахон фикрларини тугатар эканлар, Сизлар шундай буюк шаҳар, авлиёлар масканида яшайсизлар, деган эдилар.

БУХОРО ҚОРАКЎЛИНИНГ АФСОНАВИЙ ТАСНИФИ - ТАРИХИЙ МАНБАЛАР ТАЛҚИНИДА (“ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ” МИСОЛИДА)

Бухоро дунё тамаддунида ўзининг сирли, жозибали ва инсониятни лол қолдирадиган бойликлари билан қадимдан машҳур бўлган. Шу сабабли бухоролик деҳқонлар, чорвадорлар ва хунармандлар маҳсулотига бутун дунёда талаб юқори даражада бўлганлигидан тарих гувоҳлик беради. Табиий бойликларга бой Туркистон ўлкасини XIX аср иккинчи ярмида Россия империяси истило қилди. Ярим мустамлакага айлантирилган Бухоро амирлиги табиий бойликларини эса ташиб кетиш ва минтақани ўз саноат маҳсулотлари сотиладаган бозорга айлантириш сиёсати юритилди. Бухоро чорвадорларининг машаққатли меҳнати билан етиштириладиган ва империя хазинасига катта фойда келтирган маҳсулот турлардан бири бўлган қоракўл териси ва қоракўлча дунё мамлакатлари тадбиркорлари ва корчалонларини мафтун қилган. Ҳатто, қоракўлчилик хўжалигини Европа, Америка, Африкада йўлга қўйиш билан боғлиқ ҳаракатлар ва амалий ишлар хусусида XIX асрнинг охири - XX аср муҳим тарихий манбаси ҳисобланган “Туркистон тўплами” (594 том) ва маҳаллий даврий матбуотда Бухоро қоракўл териси ва қоракўлча етиштириш, бу хом ашёнинг миқдори, сифати, жаҳон бозоридаги баҳоси, товарлар орасидаги мавқеи, унга қизиқиш билдирган фирмалар ҳақида ноёб маълумотлар келтирилган.

“Туркистон тўплами”даги мақолалардан бирида Қоракўл - Бухоро яқинидаги туман эканлиги, унинг аҳолиси 5 минг киши бўлиб (1910 й), халқ чўл ҳудудида

қийналиб сувсизликдан кўчиб кета бошлаганлиги, қоракўлнинг олий навлиси асосан шу туманда, Бухоро ва Қарши шаҳарлари оралиғидаги Ўрта чўлда етиштирилиши, бундан ташқари Каспийорти вилоятининг Пендин воҳасида, шунингдек, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ва Хўжанд уездларида қоракўл қўйлар боқилиши ёзилган. Қоракўл қўйлар болалагандан кейин орадан 4 - 5 кун ўтиб, унинг боласи сўйилиб сифатли тери олиниши қайд этилар экан, асл ва қимматбаҳа қоракўл қўйнинг қорнидан туғруқдан бир неча кун олдин ёриб олиниши билан боғлиқ маълумотлар келтирилган¹⁰.

Бухоро қоракўли Россия ва Европа мамлакатларидаги ярмаркаларда кўп миқдорда сотилган. Бу хом ашёни Россиянинг асосан Нижний-Новгород шаҳридаги ярмаркада сотилиши билан боғлиқ маълумотлар кўп учрайди. Қоракўл терилари Россиянинг Макар, Франциянинг Лион ярмаркаларида ҳам сотилган. Тўпламнинг 505 - тоmidан ўрин олган В. Шимановский мақоласида: “1908 йилда биргина Нижний-Новгород ярмаркасида 1 млн 700 минг дона қоракўл тери сотилган. Сотилган қоракўлнинг ярми Россия фирмалари ва маҳаллий аҳоли томонидан, қолган ярми эса, чет эл фирмалари томонидан харид қилинган”¹¹, -деб ёзилган.

Хорижий давлатларнинг Бухоро қоракўлига талаби йилдан-йилга ошиб борганлиги кузатилади. Бухоро чўпон-чўлиқлари чорва учун қулай келган, ўт-ўланлар кўп бўлган йилларда қўйлар туёғини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиб, қоракўл қўзичоқларни боқувга қолдирганлар. 1907 йилнинг қиши чорва учун омадли келган, шу туфайли бухороликлар қоракўлнинг катта қисмини кўпайтириш учун боқувга қолдирганлиги қайд этилади. Бу эса Англия ва АҚШдан келган қоракўл тери

¹⁰ Каракульская овца //Туркестанский сборник. Том. 543. – С. 88-89.

¹¹ Шимоновский В. Москве перед ярмаркой //Туркестанский сборник.Том.505. – С.43-45.

харидорларининг қоракўл савдосида рақобатини кучайтириб, охир - оқибат нархни ошувига хизмат қилган. Инглиз ва америкалик харидорлар олий сифатли қоракўлнинг ҳар бир донасига Бухоронинг ўзидаёқ 98-104 рублдан, экстра сортли қоракўлга 115-120 рублдан пул тўлаб, кўтарасига сотиб олганлар. Ўша вақтда империя бозорларида қоракўлнинг бу каби сортлари нархи Россия корчалонлари томонидан 92 рублдан оширилмаган эди. Қоракўлнинг бош кийимлари тайёрланадиган қуроқ ва майда бўлаклари нархлари ҳам ошиб, бу иккинчи сортли хом ашё 52-63 рублдан токим, 65-75 рублгача инглиз ва америкалик савдогарлар томонидан баҳолаганлиги хусусида маълумот келтирилади тўпламда¹².

1909 йилги қиш ҳам қўйчивонлар учун омадли келганлиги сабабли, Москва корчалонлари ярмаркада қоракўл териси кўп бўлиши ва бозорда нархларнинг арзон бўлиши билан боғлиқ умидларини саробга айлантирган. Аксинча, ярмаркада нархлар кескин ошиб, қоракўл баҳоси 110-130 рублгача кўтарилган. Бу кўрсаткич эса, ўтган йилги (1908 йил) нархдан 25 фоиз баланд бўлганди. Нархларнинг баландлигига асосий сабаб қоракўл терига хориж фирмаларининг талаби йилдан-йилга ошиб бораётганлиги эди. 1909 йили ярмаркада олий навли қоракўл ва қоракўлча 107-112 рубль баҳода нархланган бўлса, ҳукуматга тегишли (Бухоро амирига) қарашли қоракўл териси 120-125 рубль миқдорда баҳоланган. Чунки, Бухоро амирининг ўзи ҳам қоракўл териси билан савдо қиладиган энг йирик тижоратчилардан бири эди. Унинг савдо қилувчи вакиллари Европа ва Шарқнинг, шунингдек, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон шаҳарларда қоракўл териси билан савдо-сотик қилишарди. Бухоро воҳасидан узоқроқда (Пендин воҳаси, Каттакўрғон, Хўжанд) етиштирилган

¹² Каракул //Туркестанский сборник. Том. 434. – С.93.

қоракўлнинг нархи бир қадар паст бўлиб, 85-88 рубль баҳода нархланган. Нижний-Новгород ярмаркаси нафақат қоракўл тери, балки ундан тайёрланган маҳсулотларни ҳам сотадиган йирик бозор бўлган. Бу ерда энг охири русумдаги кийим - кечаклар бозори ҳам ташкил этилган. “Туркистон тўплами” маълумотларида, қоракўлдан аёллар учун тикилган узун пальтоларга қизиқиш кучли бўлган. Бундай пальтолар бир неча қоракўл терисидан тайёрланиб, айниқса, аслзода хонимлар бундай уст кийимини ҳар доим юқори баҳода сотиб олишга истак билдирганлар. Эркаклар учун эса асосан бош кийимлари, хусусан, армия зобитлари учун тайёрланган қоракўлдан папах (кубанка)га эҳтиёж катта эканлиги қайд этилган. Аммо, қоракўлнинг қимматлилиги уни сотиб олиш имконининг чекланишига сабаб бўлган, барча ҳам бухом ашёни харид қилишга қурби етмасди¹³.

“Туркистон тўплами”даги хабар ва мақолаларда Нижний-Новгород ярмаркаси Россиянинг йирик ярмаркаси бўлиш баробарида қоракўл тери маҳсулотини сотадиган дунёдаги энг йирик бозор эканлиги қайта-қайта қайд этилган. Қоракўл теридан Россия империяси катта даромад олган. Ушбу маҳсулотни империянинг табиати мўътадил ҳудудларида кўпайтириш учун амалий ҳаракатлар ҳам бўлган. Жумладан, 1887 йилда “Полтава қишлоқ хўжалик жамияти” Бухордан қоракўл зотли қўйлардан олиб кетиб, маҳаллий қўй зотларини парвариш-лаш ҳаракатини бошлайди. Бу ташаббусга империянинг яна бир қатор губерниялари қўшилган бўлиб, уларнинг 1888 йилда бу мақсад учун сарфлаган маблағлари 4500 рублни ташкил қилганлигини “Харьков губернияси ахборотномаси” саҳифаларида босилганлиги билан боғлиқ маълумотлар тўпланда келтирилган¹⁴.

¹³ Шимановский В. Каракуловый рынок //Туркестанский сборник. Том. 511. –С.45-47.

¹⁴ Выписка овец из Бухары //Туркестанский сборник. Том. 432. – С.91.

“Полтава қишлоқ хўжалик жамияти” ўз вакилларини 1910 йили Бухорога саккизинчи бора жўнатиб, бир бош қоракўл зотли қўйни сотиб олиш учун 60 рубль, қўйнинг боласи учун 45 рубль, ёш қўзичоқ учун эса 75-85 рубль маблағ ажратади. Жамият мутахассислари ўша йилнинг январь ойидан бошлаб сотиб олинган қўйларни маҳаллий чўпонлар назоратида тутиб, қоракўл қўйларнинг қўзилаш жараёнидан ёзнинг охирларигача, яъни, қўчқорларни қўйларга қўшиш жараёнигача бўлган босқични синчиклаб ўрганишган. Улар бу ишни амалга оширганлар ва қўзилашдан олдин кузда сотиб олинган Бухоро қоракўл зотли қўйлар Полтавага юборилган. Полтавада сотиб олинган қўйларни “Полтава қишлоқ хўжалик жамияти”-нинг махсус комиссияси кўздан кечириб сўнгра қабул қилган. Қоракўлчилик билан шуғулланмоқчи бўлган шахслардан бири, 1909 йили Бессарабиядан (ҳозирги Молдавия Республикаси) В. К. Ласкари исм-шарифли шахс бўлиб, у “Туркестанское сельское хозяйство” журнаliga мактуб йўллаб, Бухоро қоракўл зотли қўйларини қандай қилиб ўз хўжалигида етиштириш тўғрисида маслаҳат сўрайди. Унга “Полтава қишлоқ хўжалик жамияти” томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумотлар берилиб, “Бессарабия қишлоқ хўжалик жамияти” билан ҳамкорлик қилиш борасидаги таклифлар берилган¹⁵.

Юқорида таъкидланганидек, Бухоро қоракўлини сифатли етиштириш барча ҳудудларда ҳам натижа бермаган. Россия империяси маъмурлари эса уни боқиладиган кўпроқ ҳудудларини кенгайтиришга, янада кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилишган. Қоракўл маҳсулотига Европада асосан Германия ва Австрия-Венгрияда талаб катта бўлган. Шунинг учун қоракўлни кўпроқ етиштириш ва юқори даромад олишга қаратилган фирмалар фаолиятидан “Туркистон тўплами”даги мате-

¹⁵ Каракульская овца //Туркестанский сборник. Том. 543. – С.86-89.

риаллар орқали билиб олишимиз мумкин. Туркистон генерал - губернаторлигининг Каспийорти вилоятида мустамлака маъмурлари Бухородан олиб кетилган қўйларни маҳаллий қўйлар билан чатиштириб, улардан олий сифатли қорақўл олишга ҳаракат қилганлар. Бу ерда қорақўл зотли қўйларни боқиш, кўпайтириш билан боғлиқ жараёнлар, уларни урчитиш, йил давомидаги вазнидаги ўзгаришлар, неча килограммгача гўшт қилиши, бўйи, жунининг сифати, маҳаллий қўй зотининг ўзгариб бориш ҳолати билан боғлиқ жараёнлар диққат билан кузатилиб мунтазам бу ҳақда ахборотлар бериб борилган¹⁶.

Европада қорақўлга бўлган талаб ва қизиқишнинг ортиб бориши ушбу минтақа давлатларининг Россия орқали қиммат нархларда бу маҳсулотни олиш қаноатлантirmасди, албатта. Шу сабабли айрим давлатлар ўз ҳудудида қорақўл қўйлар боқиб, қорақўл тери етиштиришга ҳаракат қилганлар. 1903 йилда илк бора Германияда профессор Юлиус Кун Бухородан кам сонли бўлсада қорақўл қўйларни сотиб олиб, ўзининг Линдхен шаҳарчаси яқинидаги фермасида уларни боқиш ишларини йўлга қўйишга уриниб кўрган. Унинг фермаси жойлашган ерлар қумлоқ ва деҳқончилик қилиш учун бир қадар яроқсиз бўлгани боис, у ерларини қўйларни боқиш учун яйловга айлантиради. Олимнинг бу борадаги уринишлари сезиларли бўлмасада натижа бериб, етиштирган маҳсулотини бозорда 1,5-3 рубль баҳосида нархлайдилар. 1907 йили Юлиус Кун қўйларининг сони 300 бошга етгач, “Ганновер қишлоқ хўжалик палатаси” унинг қўйларини етиштиришга ҳомийлик қила бошлайди¹⁷.

Германия қорақўл терини сотиб олишда Россия империясининг асосий рақобатчиси ҳисобланарди. Немис

¹⁶ Ермаков И. Стадо каракульских овец при Ашхабадском опытном поле //Туркестанский сборник. Том 455. – С.95.

¹⁷ Каракульевая овца и разведение ее в Средней Европе //Туркестанский сборник. Том. 468. – С.99.

ишбилармонлари ва фирмалари Германиянинг Лейпциг шаҳрида қоракўл маҳсулотлари ярмаркаларини ташкил этиб турганлар. 1909 йилги маълумотларда, қоракўл териси етиштириладиган мавсумда Бухорога Лейпцигдан энг йирик фирма эгаси жаноб Торрер келгани, бу фирма бир неча ўн йиллардан буён Нижний-Новгород ярмаркасини четлаб ўтиб, ўз вакилларини Бухорога юбориш орқали савдо қилиши, бу эса Новгород ярмаркасида нархларнинг баланд бўлишига сабаб бўлиши манбаларда келтирилган. Бу ҳолат Москва савдогарларининг даромадига катта зарба бўлаётганлиги, немис фирмалари шу йили (1909 йил) Бухородан 200 минг дона қоракўл терисини сотиб олганликлари, аммо, Бухоро статистикасига ишониб бўлмаслиги, чунки, сотувчи ва харидор солиқдан қочиш учун савдо вақтида учинчи бир шахснинг бўлишини хоҳламаслиги, немислар қоракўл терини сотиб олиш билан чекланиб қолмасдан, ўзларининг Африкадаги мустамлакаларига уни етиштириш мақсадида, баҳорда бир неча партия қоракўл зотли қўйларни жўнатганликлари билан боғлиқ маълумотлар В.Шимановский мақолаларидан ўрин олган¹⁸.

Европанинг бошқа малакатларида ҳам қоракўл зотли қўйларни иқлимга мослаштириш ишлари немислар билан деярли бир вақтда бошлаб юборилганди. Жумладан, Босния ва Герцоговинада 1904 йилдан бошлаб ҳукумат қоракўл зотли қўйларни Европа иқлимига мослаштириш билан боғлиқ фирмалар фаолиятига ҳомийлик қила бошлайди. Француз нашрларида эса, қоракўл зотли қўйлар, уларни боқиш ва парваришlash, қайси иқлим шароитларига тўғри келиши билан боғлиқ маълумотлар чоп этилган. Ушбу нашрларда қоракўл зотли қўйларни парваришlash учун ёзи иссиқ, қиши совуқ, йилнинг июнь ойидан сентябригача умуман ёмғир ёғмайдиган ҳудудлар

¹⁸ Шимоновский В. Москве перед ярмаркой //Туркестанский сборник.Том.505. – С.43.

танланиши маслаҳатлари берила бошланган бўлса, Бельгиянинг Арденн ва Кампинь вилоятларида қоракўл зотли қўйлар парвариши бошланганлигини, Австрия-Венгриянинг Каринтия вилоятида 1907 йили Бухородан 290 бош қоракўл зотли қўйларнинг иқлим шароитларига мослаштириш учун олиб кетилганлиги, бу ишга Вена агрономия институти ҳам ҳамкорик қилаётганлиги, улар қисман рус, қисман бухоролик чўпонлар билан ҳамкорликда иш бошланганлигини “Туркистон тўплами”нинг 468- томидаги маълумотларда учратиш мумкин¹⁹.

Россия империяси маъмурларини, айниқса, Германиядаги Юлиус Кун тажрибалари ва қисман унинг томонидан қўлга киритган натижалар хавотирга солган. Айниқса, Германиянинг ўз мустамлакаларида (муваффақиятсизликка учраган бўлсада) қайта-қайта қоракўл қўй зотини етиштиришга уриниши, Лейпцигда ҳар йили қоракўл ярмаркаларининг ташкил этилиши рус матбуоти ва қоракўл савдосидан катта даромад оладиган Москва корчалонларини хавотирга солиб қўяди. Шунинг учун дунёнинг бошқа минтақаларида қоракўл зотли қўйларни етиштиришга бўлган уринишлардаги омадсизликлар рус матбуотида мамнуният билан ёзилган. Жумладан, Америкада бу борадаги уринишларнинг барбод бўлиши ҳақида хушнудлик билан ёзилганлиги фикримизга мисол бўла олади²⁰.

Империя корчалонларини хавотирига асосий сабаб, уларнинг жаҳон бозорида қоракўлчилик соҳасидаги устунликни қўлдан беришгина эмас, балки, даромад манбаидан ажралиб қолиши билан боғлиқ эди. Россия матбуотида агар қоракўлчиликда Европа давлатларнинг ишлари илгари силжиб иқлимга мослаштирилса, Россия

¹⁹ Каракульевая овца и разведение ее в Средней Европе //Туркестанский сборник. Том. 468. – С.101.

²⁰ Шимоновский В. Москве перед ярмаркой //Туркестанский сборник.Том.505. – С.45.

бу соҳада етакчиликдан айрилиб қолишдан хавфсираган. Бу эса Туркистон ўлкасидан ҳар йили келадиган даромаднинг 5 млн. рублдан кўпроққа камайиб кетишига олиб келиши хавфи очиқ ёзилган. Бундан ташқари қоракўлчилик соҳасидаги етакчиликни қўлдан бермаслик чоралари кўрилиб, Туркистонга империя “Деҳқончилик ишлари департаменти” катта мутахассиси М. Карпов юборилади. Унга минтақадаги вазиятни ўрганиб, аниқ амалий таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилган эди. М. Карпов ўз ҳисоботида Туркистон ўлкасида қоракўлчилик питомниги ташкил этиш, у ерда қоракўл қўйининг энг зотлиларини йиғиш, қоракўлчилик соҳасида етакчиликни қўлдан бермаслик учун Туркистон ўлкасининг бошқа ҳудудларида ҳам уларни етиштиришни йўлга қўйиш каби таклифларни берганлигини “Туркистон тўплами” материалларида учратишимиз мумкин²¹.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Бухоро қоракўли ва унга бўлган талаб XIX аср охири - XX асрнинг бошларида дунё бозорида мунтазам ошиб борган. Жаҳоннинг тараққий этган давлатлари: Германия, Франция, Австрия-Венгрия, Бельгия, АҚШ, Перу ва бошқа мамлакатларда, ҳатто, айрим мамлакатларнинг Африкадаги мустамлакаларида қоракўл зотли қўйларни етиштириш учун амалий ҳаракатлар, катта уринишлар бўлган. Бу соҳадаги уринишларда сезиларли ютуқлар қўлга киритилмаган бўлсада, Россия империяси маъмурлари Туркистон ўлкасидан қоракўлчилик туфайли келиб турадиган катта даромаддан маҳрум бўлиб қолишдан хавотирга тушишган. Россия империяси марказий ҳудудларида бу соҳани тараққий эттириш борасидаги ишлар ҳам кутилган натижа бермади. Бухоро қоракўл қўйларини боқиш орқали олинадиган олий сифатли қоракўл тери ва қоракўлча фақат бухороликларга Аллоҳ

²¹ Каракульская овца //Туркестанский сборник. Том. 543. – С.88.

томонидан инъом этилган олий неъмат эканлигидан фахр ҳисларини туямиз. “Туркистон тўплами” эса Бухоро қоракўли тарихи, унинг жаҳон савдо бозоридаги шон-шухрати ҳақида маълумот берувчи муҳим тарихий манбалардан бири эканлиги билан аҳамиятлидир. Таъкидлаш жоизки, айнан “Туркистон тўплами”нинг турли томларида тўпланган маълумотлар истиқболда атрофлича ва янада жиддий ўрганилса, Бухорода қоракўлчилик хўжалиги билан шуғулланган бой чорвадорлар ҳаёти ва фаолияти, қоракўл ва қоракўлча савдоси соҳасида сарбаст бўлган тадбиркор шахслар ҳақида маълумотлар учратиш эҳтимолдан холи эмас.

XIX аср биринчи ярми – XX аср бошларида Бухоро қоракўл кўйларини парваришlash ва кўпайтиришда Чориқулбой Пирнафасов (1847-1934) эришган ютуқлар алоҳида эътиборга лойиқ. Шунингдек, қоракўл савдосида шахсан Бухоро амири Сайид Олимхоннинг иштироки ҳам манбаларда кўрсатилган. Убайдуллохўжа Қосимхўжа ўғли (1858-1912, Файзулла Хўжаевнинг отаси)нинг қоракўл савдосидан келадиган бир йиллик даромади 1 млн. олтин сўмни ташкил қиларди. Унинг Россия ва Европа шаҳарларида қоракўл ва қоракўлча билан савдо қиладиган махсус дўконлари бўлган.

Ушбу мавзудаги яна бир истиқболдаги вазифа “Туркистон тўплами”да мавжуд бўлган материалларни Туркистон маҳаллий матбуоти, ҳамда архив ҳужжатлари билан қиёсий таҳлил асосида ўрганишдир.

БУХОРОЛИКЛАРНИНГ ХОРИЖДАГИ МУЛКЛАРИ ВА ВОРИСИЙЛИК ҲУҚУҚИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Бухоро амирлиги даврида (1756-1920 йиллар) мусулмонларнинг муқаддас шаҳарлари – Макка ва Мадинага ҳаж зиёратини адо этиш, савдо-сотик билан шуғулланиш, қашшоқлик ва муҳтожликдан қутулиш,

ҳукумат тазйиқ ва таъқибидан халос бўлиш каби бир қатор сабаблар туфайли кўплаб бухороликлар хорижга, асосан, Шарқ мамлакатларига муҳожирликка кетишган. Хорижий мамлакатларга сафар учун ва бошқа омиллар билан чиққанлардан барчаси ҳам Бухорога қайтавермасди. Улар тақдир тақозоси билан бирор-бир мамлакатда яшаб қоларди. Янгидан ҳаёт бошлаш мақсадида бундай шахслар ўзга мамлакатда оила қуришарди. Муҳожиратда истиқомат қилиб қолганлар сафига диний ва дунёвий билимларни эгаллаш мақсадида Туркияга ўқиш учун юборилганларнинг бир қисми ҳам қўшиларди. Шунингдек, Бухоро амирлигининг бадавлат фуқаролари, айрим хукмдорлар Шарқ мамлакатларида ўзларининг маблағлари ҳисобидан иншоот ва биноларни, савдо дўконлари кабиларни бунёд этишган. Шу тариқа бухороликларнинг асрлар ва йиллар давомида ўша мамлакатда яшаб қолиши учун уларга така, мусофирхона, мадраса, уй-жой, савдо дўкони, вақф уйи, ётоқхона, ер майдони, қимматбаҳо буюмлар, пул ва уй-рўзғор анжомлари мавжуд бўлган. Хориждаги бухороликлар ўзлари муқим яшаб қолган “иккинчи Ватан”ларида оила қуриб насл-насабларини давом эттирганлар, натижада уларнинг юқорида саналган мулклари фарзандлари ва қавм-қариндошларига мерос бўлиб қолган. Бироқ, айримларнинг чет элда яқин қариндошлари йўқ эди, бундайлар кўп ҳолларда ўз меросларининг бир қисмини туғилган юртларидаги яқинларига васият қилиб қолдиришарди. Бухороликларнинг хориждаги мулклари ҳақида ўрганилаётган тарихий-хронологик чегарада фикр юритар эканмиз, бу борада бизга Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фондларида сақланаётган нодир ҳужжатлар катта ёрдам беради.

XIX аср охири - XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги фуқаролари томонидан Макка ва Мадина шаҳарларида бунёд этилган иншоотлар, уларнинг баҳоси,

бошқарувчилари, жойлашган ўрни билан боғлиқ маълумотлардан бир неча тарихий манбалар²² орқали воқиф бўлиш мумкин. Юқорида назарда тутилган манбаларда фақатгина Макка ва Мадина шаҳарларида жойлашган бухороликларнинг мол-мулклари, уларнинг турлари, баҳоланиши, бошқарувчилари, турли биноларнинг эгалари ҳақида фикр юритилади.

Усманийлар салтанати (Туркия)нинг пойтахти Истанбулда ҳам бухороликлар кўп сонли бўлиб яшашган, уларнинг бу шаҳардаги XVII асрда Султонаҳмет маҳалласида бунёд этилган такаси (мусофирхонаси) бўлган. Така бухороликлар томонидан қурилган бўлиб, уч қаватли бино ҳисобланган. Аслида бу такада Хожа Баҳоуддин Нақшбандий (1318 -1389) тариқатига кирган ҳожи ва шайхлар бутун Туркистон минтақасининг шаҳар ҳамда қишлоқларидан келиб яшашган. Уларнинг кўпчиликлари кейинчалик уй-жой қуриб, оилали бўлиб, тижорат ва бошқа соҳаларда омадлари юришиб, Туркия мамлакати бўйлаб тарқалиб кетишган. Архив маълумотларида: “Бухоролик обрў-эътиборли уламолардан бири Нурали Ҳасанов 1905 йилда Макка ва Мадина ҳажидан қайта туриб, Туркия султони Абдулҳамид II билан учрашган... Н.Ҳасанов Истанбулда бухоролик таҳсил олувчи ўқувчилар учун ўз дўконларидан иккитасини вақф қилиб берган²³”, -тарзидаги фикрлар мавжуд. Туркиялик олим Чигатой Кўчарнинг ёзишича, XIX асрнинг охирида диний илмларни эгаллаш учун Туркистондан 400 нафар ёшлар Макка ва Мадина шаҳарларидаги мадрасаларга ўқиш учун келишган, улардан 40 нафари Биринчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги даврда ўз юртларига қайтмай Туркияга келиб жойлашишган. Туркиянинг мустақиллиги учун курашларда (1918-1923) 26 нафар туркистонлик (кўпчилиги

²²ЎзРМДА. И-126-ф. 2-р. 6011-х. 7-в., 8-в.

²³ЎзРМДА. И-3-ф. 1-р. 1168-х. 163-в.

бухоролик)лар иштирок этишган. Улар орасидан Ҳожи Йўлдош, Заки Болтали кабилар қаҳрамон бўлишган²⁴.

1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тартиби ағдарилганидан сўнг вужудга келган Бухоро Халқ Совет Республикаси (1920-1924) ҳукумати томонидан Макка ва Мадинадаги бухоролик фуқароларга тегишли бўлган мулклар миқдори, турлари ва баҳоси билан боғлиқ рўйхат тузиб чиқилган. Афтидан, Абдуқодир Муҳиддинов бошчилигидаги Бухоро Иқтисодий Кенгаши аъзолари бу каби рўйхатни бошқа Шарқ мамлакатларидаги бухороликларга тегишли бўлган мулклар учун ҳам тузишган. Мазкур рўйхатларни тузишдан мақсад: 1922-1923 йилларда эгалари ноаниқ бўлган, диний муассаса ва ташкилотларга вақф қилинган турли мамлакатлардаги бухороликлар мулкларини Бухорога қайтариш бўлган. Шунингдек, Бухородаги вақф мулклари ҳам айна пайтда ўрганилаётган эди.

Юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун БХСР ҳукумати томонидан Шарқ мамлакатларида фаолият юритаётган СССР элчихоналарига махсус хатлар билан мурожаат қилинган. Жумладан, Бухоро Иқтисодий Кенгашининг раиси А.Муҳиддинов ва унинг котиби Никольский томонидан СССРнинг Бухородаги вакили А.Знаменский номига ёзилган билдиришномада: “БХСР вақф ишлар бошқармаси тўплаган маълумотларга кўра, бухоролик фуқароларининг Мадина, Макка, Константинополь (Истанбул) шаҳарларидаги вақф мулкларининг умумий баҳоси 735.000 олтин сўмга тенгдир”²⁵, -деб хабар қилинади. Шу мазмундаги мурожаат хатлари СССР ташқи ишлар вазирлигига, СССРнинг Жидда (Арабистон), Анқара (Туркия Республикаси)даги элчихоналарига ҳам юборилган.

²⁴ Gagatay Kogar. Ўша асар. –Б. 32-33.

²⁵ Ҳайитов Ш., Жумаев А. Бухоро амирлигидан Истанбул ва муқаддас шаҳарларга вақф қилинган мулклар // БухДУ илмий ахборотлари. 2005. -№ 3. –Б. 49.

Биринчи жаҳон уруши арафасида ва уруш воқеалари кечган йилларда бухоролик фуқароларнинг мулклари Эрон, Шарқий Туркистон (Хитой), Ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакатларида, Россия империясининг бир қатор шаҳарларида, амирнинг пул-маблағлари Россия, Англия, Швейцария, Франция, Ҳиндистон банкларида ҳам бўлган. Бухоро амирлари Абдулаҳадхон (ҳукмронлиги: 1885-1910), Саид Олимхон (ҳукмронлиги: 1910-1920) кабиларнинг хориждаги кўчмас мулклари ва пул маблағлари ҳақида бир қатор тадқиқотлар эълон қилинди. Амир Олимхоннинг намераларидан бири Саййид Мансур Олимий хотиравий китобида: “Амир Олимхоннинг ўғиллари бир неча бор Лондон ва Покистонга мурожаат қилиб, ўз ҳаққоний пулларини қайтаришни сўрашди, лекин бу пуллар қайтарилмай ҳанузгача ҳавода муаллақ турибди”²⁶, – деган фикрларни келтиради.

Бу масалада кўп ёзилгани учун биз ҳукмдорлик рутбасида бўлмаган бухороликларнинг хориждаги мулклари ва улардан қолган мол-мулкни меросхўрларга етказиш билан боғлиқ ҳуқуқий жиҳатларга бирламчи манбалар орқали аниқлик киритмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг “Бухоро амири қушбегиси бошқармаси” фондининг (И-126-фонд) ҳужжатлари таҳлил қилинса, бу борада устида баҳс юритилаётган илмий масала ўз ечимини бир қадар топади.

Бухоро амирлиги ҳузуридаги “Россия императори сиёсий агентлиги” идораси томонидан амирнинг бош вазири ҳисобланган қушбеги ва ҳуқуқ-тартибот идораси раҳбари ҳисобланган қозикалонга йўлланган хатларда амирлик маъмурлари томонидан тайёрланган юзлаб билдиришномаларда хорижда яшаб қолган бухоролик фуқароларнинг исм-шарифлари, мол-мулклари, пул-

²⁶ Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги /форс-тожик тилидан Ҳ.Тўраев таржимаси. Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2004. –Б.120.

маблағлари, уларни меросхўрларга етказиш билан боғлиқ ишлар ҳақида бой маълумотлар олиш мумкин. Тарихий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, Россия империясининг Эрон, Ҳиндистон, Хитой сингари мамлакатлардаги элчихона ва ваколатхоналарининг хизматчилари хорижда вафот этган бухоролик фуқаролар ва Бухоро амирлиги ҳудудида яшаб, кейинчалик муҳожирликка кетган Россия империяси фуқаролари ҳақида тезкорлик билан маълумотларга эга бўлишган. Марҳумнинг кўчар ва кўчмас мол-мулклари дарҳол рўйхатга олиниб, у ёки бу мамлакатда истиқомат қилувчи меросхўрлари аниқланган. Шунингдек, Бухорода ҳам бундай кишиларнинг қавмқариндошлари, меросхўрлари борлиги билан боғлиқ масала ҳал қилиниб, аввало, марҳумнинг шахсини аниқлаштиришга жиддий эътибор қаратилган.

Айрим тарихий ҳужжатлар келтирилса, бу борадаги фикримиз янада қатъийлашади. Бухоро амирлигидаги сиёсий айғоқчилик томонидан 1915 йил 2 декабрда Насрулла қушбегига йўлланган билдиришда: “Ҳиндистонда бухоролик зиёратчилардан Тўрақул Боборажаб, Хўжа Назар Туроб ўғли, Вали Хўжа Муҳаммад ўғлилар вафот этишган. Россия ташқи ишлар вазирлигининг хабар қилишича, улардан 414 рубль 82 коп пул мерос қолган. Ушбу маблағнинг 118 рубль 64 копи Тўрақул Боборажабга, 212 р. 57 копи Хўжа Назар Туроб ўғлига, 83 р. 61 копи Вали Хўжа Муҳаммад ўғлига тегишлидир. Сиздан Бухородаги ушбу кишиларнинг меросхўрлари ҳақида ёзма маълумот беришингиз сўралади”²⁷ , дейилади. Иккинчи бир ҳужжатда Калькуттадаги Россия бош ваколатхонасидан олинган маълумотга кўра, 5 нафар бухоролик Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида вафот этганлиги ҳамда улар мол-молки ҳақида маълумот келтирилади²⁸.

²⁷ЎЗРМДА. И-126-ф. 2-р. 5958-ҳ. 3-варақ, 3-варақнинг орқа томони.

²⁸Ўша жойда, 5-варақ

1915 йил 8 ноябрда қайд этилган билдиришлардан бирида Эрондаги Турбати Ҳайдар деган жойда Бухоро таъбаси Мулла Абдулмажид Мулла Ҳасанов вафот этганлиги, ундан Эроннинг Турбати Ҳайдар вилояти ҳудудида ер-мулклар, кумуш соат, баққоллик буюмлари, Машҳад шаҳрида дўкон қолганлиги қайд этилган²⁹.

Бухоро фуқароси Мулло Абдулмажид Ҳасан Машҳаднинг Ҳайдия қишлоғида вафот этган. Бухоро амирлиги ҳукумати унинг меросига Муҳаммад Ражаб мирохўр Мулло Ҳасанни мутасадди қилиб қўйган. Насрулло қушбегининг 1915 йил 28 декабрдаги 364-рақамли хати билан Эроннинг Турбати Ҳайдар вилоятидаги рус консули воситачилигида меросни олишга расмий рухсат сўралган. Бухоро амирлиги идораси томонидан Муҳаммад Ражабга дастхат ёзиб берилган ва муҳр билан бу дастхат тасдиқланган. Муҳаммад Ражаб йўллар хатарли бўлганлиги учун ўзи билан бир ҳамроҳ олиб Турбати Ҳайдарга кетган³⁰.

Архив ҳужжатлари билан танишишда давом этсак: Муҳаммад Ражаб мирохўр Турбати Ҳайдарда вафот этган Абдулмажид Ҳасаннинг укаси бўлиб, марҳумдан қолган пуллар Машҳаддаги рус ваколатхонасида асраб қўйилган. Марҳумнинг Бухородаги Ҳамроой Ҳожимурод қизи ва Марзияой Алиакбар қизи номли икки хотини, Муҳаммад Али (13 яшар), Санобарой (21 яшар), Мушаррафой (18 яшар), Саломатой (14 яшар) номли фарзандлари ҳисобига мерос ўтказилган. Турбати Ҳайдардаги унга тегишли бўлган ариқ ва ер майдонлари сотилган. Ундан келган пул маблағлари ҳам оиласига етказилган³¹.

1914-1916 йиллардаги тарихий ҳужжатлар билан танишар эканмиз, Шарқий Туркистондаги Чира шаҳри Гулаҳбар қишлоғида асл насл-насаби бухоролик, бироқ

²⁹ЎзРМДА. И-126-ф. 2-р. 6011-х. 7-в., 10-в.

³⁰ЎзРМДА. И-126-ф. 2-р. 6011-х. 9, 11, 12-варақлар.

³¹Ўша жойда, 13, 14, 15, 16, 17-варақлар.

Россия фуқаролигига ўтган Солия биби Мадраимбоева вафот этиб, унинг меросхўрлари аниқланаётганлиги, Ёркент шаҳрида вафот этган Бухоро таъбаси Камолжонбой Собиржоновнинг авлодлари қидирилаётганлиги, Бомбейда яшаган бухоролик Мулла Бобо Назар Усто Қорабой, Муҳаммад Кабирларнинг меросхўрлари изланаётганлиги билан боғлиқ маълумотлар мавжуд³².

Хориждаги бухороликларнинг вафотидан кейин олдин яшаган жойлари, меросхўрлари, қавм-қариндошлари кабиларни аниқлаш, улардан қолган мулкларни тегишли шахсларга топшириш масаласига қушбеги идораси жиддий муносабатда бўлганлигини олдинда қайд этдик. Бу фикрни архив ҳужжатлари тасдиқлайди.

Ҳужжатлардан бирида: “Тўрақул Боборажабнинг мерос қолдирган маблағи - 312 сўму 57 тийин, Хўжа Назарнинг қолдирган маблағи - 83 сўму 41 тийин, Хўжа Муҳаммаднинг қолдирган маблағи - 118 сўму 64 тийин. Бу пуллар ворисларига топширилди”³³, - деб ёзилган.

Агар хорижда вафот этган бухороликларнинг яшаш жойи аниқланмаса ёхуд меросхўрлари топилмаса, бу ҳақдаги маълумот ҳам юқори идораларга мунтазам билдириб турилган.

1915 йил 26 ноябрда 341-рақам билан қайд этилган Насрулло қушбеги мактубида: “Ёркент (Хитой)да вафот этган Камолжонбой Собирбоевнинг Бухорои-шарифда қариндоши топилмади, унинг ворислари топилгани йўқ”, - деб хабар қилинган. Ёки Ҳиндистонда 1915 йилнинг 6 ноябрида Бухоро фуқароси Солиҳа биби бинти Муҳаммад Раҳимхон Бухорий вафот этган. Унинг Бухорода ворислари борлиги тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Мазкурни ҳатто, ҳеч ким танимас экан. Бухородан бу

³²ЎЗРМДА. И-126-ф. 2-р. 5965-ҳ. 1-варақ. 6012 -ҳ. 15-варақ.

³³ ЎЗРМДА. И-126-ф. 2-р. 5958-ҳ. 4-варақ.

аёлнинг чиқиб кетганига кўп йиллар бўлгандир”³⁴, -деб ёзилади иккинчи бир ҳужжатда.

Айрим ҳужжатлар таҳлил қилинар экан, хорижда яшаб қолган ёхуд ҳаж зиёратига кетиб йўлда вафот этган бухороликларнинг аслида яшаган жойлари ва меросхўрлари ҳақидаги маълумотлар аниқ бўлмаганлиги учун улар шахсини аниқлаштиришда мураккабликлар келиб чиққан. Байтуллоҳ зиёратига йўлга чиқиб 15 йил хорижда яшаб қолган, 1915 йилда чет элда вафот этган Ҳожиназар Туроб деган бухоролик шахснинг ва меросхўри аввал Ёиждувон туманининг Бобоғози қишлоғидан қидирилган. Дастлаб бундай шахс Бухорода яшамаганлиги, унинг меросхўри йўқлиги, ҳаж зиёратига ҳам бормаганлиги ҳақида Жиддадаги Россия империяси ваколатхонасига хабар қилинади. Иккинчи бир хатда эса, Ҳожиназар Туроб аслида Харгўш қишлоғи фуқароси эканлиги, унинг Қодирназар исмли бир меросхўр ўғли борлиги маълум қилинади. Агар Ҳожиназар Туроб ўғлидан қолган пуллар Бухорога узатилса, уни Қодирназар Ҳожиназар ўғлига берилиши билдирилган.

Таъкидлаш жоизки, хорижда яшаб, умргузаронлик қилган бухороликларнинг мол-мулклари, уларни кейинчалик қонуний меросхўрларга топшириш масъулияти амирлик маъмурий идоралари томонидан қатъий назорат остида бўлган. Бухоро амирлиги даврида давлат ўз фуқароларига нисбатан эътиборли бўлмаган, ҳукмдорлар айш-ишратдан бошқа иш билан шуғулланмаган мазмунидаги ўтмишга нуқул қора бўёқли ёндашувлар тўқима ақидалардан бошқа нарса эмаслигини тарихий манбалар исботлайди.

³⁴ЎзРМДА. И-126-ф. 2-р. 6011-х. 2, 5-варақлар.

БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ АФҒОН ФУҚАРОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАШҒУЛОТЛАРИ ХУСУСИДА

Бухоро амирлиги ва Афғонистон ўртасида узоқ асрлардан буён ўзаро савдо-сотиқ алоқалари йўлга қўйиб келинган. Турли тарихий босқичларда икки мамлакатни бир-бирига боғловчи савдо йўллари мавжуд бўлган. Шундай йўллардан: Бухоро-Балх-Кобул, Бухоро-Маймана, Бухоро-Қарши-Шибирғон-Ҳирот йўналишлар орқали узлуксиз алоқалар ўрнатилган. Афғонистон ва Бухорони туташтирувчи савдо-сотиқ ва карвон йўлларида 200-300 туя юк ортилган карвонлар қатнови мунтазам қатнарди. Маълумки, XIX асрнинг охирида икки давлат ўртасидаги чегара чизиғи Амударё орқали ўтган. Россия-Бухоро-Афғонистон чегарасидаги ўтиш пунктларда Керки, Келиф, Айваж божхоналари ташкил этилди. Шу пайтдан бошлаб Бухоро-Афғонистон савдо йўлларининг назорати, савдодан ундириладиган бож тўловлари Россия хазинаси ихтиёрига ўтди. Афғонистоннинг кўплаб шаҳарлари орқали Бухорога кўк чой, писта, бодом, тери, жун маҳсулотлари олиб келинган. Россия маҳсулотлари шакар, қанд, темир, чўян қозонлар, гугурт, мис, сандиқ, мўйна, идиш кабилар Бухоро орқали Афғонистонга чиқарилган. 1900-1913 йилларда Афғонистонга чиқариладиган маҳсулотларнинг турлари кўпайиб, чарм, қоғоз, заркалава, темир ва мис симлар, керосин, лампа шишалар, шам ва шамдонлар, галантерия маҳсулотлари, совун кабилар олиб бориб сотилган.

Бухоро амирлигининг юзлаб савдогарлари Афғонистоннинг турли вилоятларида савдо-сотиқ билан шуғулланиб, улар ўзларининг дўкон ва савдо расталарига эга бўлганлар. Бир қатор ўнлаб Бухоро фуқаролари турли сабабларга кўра Афғонистон шаҳарларида яшаб қолишган. Шунингдек, XX аср бошларида Бухоро амирлиги шаҳар ва қишлоқларида, чегара ҳудудларидаги бекликларда турк ва афғон фуқаролари истиқомат қилишган. Улар тирик-

чилик илинжида турли машғулотлар билан шуғулланганлар. Архив ҳужжатларидан бирида: “XX аср бошларида биргина Бухоро шаҳрида 7000 турк ва 4000 сонли афғонлар истиқомат қилишган”³⁵, - деб маълумот берилади.

Биринчи жаҳон уруши арафасида ва кейинги йилларда Бухоро амирлигида истиқомат қилган афғонлар, уларнинг машғулотлари, сармояси ва турмуш тарзлари ҳақида “Бухоро амири Қушбегиси бошқармаси”нинг архив ҳужжатлари орқали бой маълумотлар олиш мумкин. Афғон фуқаролари амирлик ҳудудига тегишли бўлган икки давлат чегарасидаги шаҳар ва вилоятларда кўпчиликни ташкил қилиб, улар турли сабабларга кўра келиб қолишган. Архив ҳужжатларидан кўринадики, афғонистонлик фуқароларнинг салмоқли қисми амирликнинг Бойсун ва Карки вилоятида ҳамда Бухоро, Қарши, Чоржўй, Термиз каби шаҳарларда истиқомат қилиб, тижорат ишлари билан машғул бўлганлар. Улар бир жойда муқим яшаб қолмаганликлари, ўзларининг яшаш жойларини доимо ўзгартириб турганликлари кузатилади. “Карки вилоятида тижоратчи афғонлардан ташқари яна 300 нафарга яқин афғонистонликлар истиқомат қилиб, улар пахтачилик билан шуғулланадилар, баъзилари эса мардикорлик қиладилар. Кунлик ва ойлик маоши ҳисобидан қашшоқларча яшайдилар, улар ўз ватанларига бориб турадилар”³⁶, -деб маълумот берилади архив ҳужжатида.

Тарихий манбаларнинг бирида Карки шаҳрида 1914-1915 йилларда истиқомат қилган афғонистонлик тижоратчи ва дўкандор фуқароларнинг исм-шарифи, туғилган жойи, касб-кори, тўплаган сармояси, амирликда қачондан бошлаб истиқомат қилиши, оилавий аҳволи ҳақида атрофлича маълумот келтирилган. Афғон фуқаролари ҳақидаги маълумотномаларда уларнинг асосий қисми Карки шаҳрига Афғонистоннинг Қандаҳор,

³⁵ЎзРМДА. И-3. 1-р. 1168-ҳ. 200-в.

³⁶ЎзРМДА. И-126. 1-р. 240-ҳ. 18-в.

Тошқўрғон, Ойбалиқ, Шибирғон, Кобул, Балх, Сабғон, Андхўй, Маймана, Ҳирот, Оқча каби шаҳар ва аҳоли марказларидан келиб қолганлиги аниқ бўлади. Афғонистон фуқароларининг Бухоро амирлигида турли машғулотлар билан шуғулланганлигини ҳам манбалар орқали англаб олиш мумкин. Улар шол, чой, газлама, нон, ҳолва ва қандолатлар, ковуш ва оёқ кийимлари ҳамда устки кийимлар сотадиган тужжорлар, қассоб, фойтунчи, ошпаз, тикувчи, тўқувчи, самоварчи каби турли касб-кор ва ишларни бажаришган. Уларнинг орасида амирликда 27 йилдан 20, 16, 14, 12, 10, 6, 5 йиллар давомида истиқомат қилганлар, ҳатто, кўчганига бир неча ой бўлганлар ҳам мавжуд бўлиб, кўпчиликлари муҳожирликда оила қуришни лозим топишмаган. Афғонистон фуқароларининг сармоялари билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг аниқ келтирилиши, улар амирлик маъмурий идоралари томонидан қатъий назорат қилиб борилганлигидан далолат беради. Архив ҳужжатлари қиёсий таҳлил қилинганда, Афғонистон фуқаролари орасида 20.000 танга миқдорида сармоёга эга бўлган тужжор ва атторлик қилувчилар борлиги кузатилди. “Афғонистонлик Мирзо Ҳасанхон Исоқхон Тепакабирда (Бойсун вилояти) атторлик касби билан шуғулланади, саройи бор, сармоёси 20.000 танга. Оиласи йўқ”³⁷, - дейилади архив ҳужжатларидан бирида. Афғонистонликлардан яна бири ҳақида: “... Муҳаммад Али ҳам шу жойда яшайди, у бадавлат эди, ҳозирда қарздор бўлиб, синиб қолган. Тепакабирдаги Вазирхоннинг ҳовлисида ижарада яшайди. Оиласи бор”³⁸, - деб ёзилади.

1914-1916 йилларда Бухоро амирлиги ҳудудида яшаб келаётган афғон фуқаролари қарздорликлари, моддий аҳволлари танглиги, нотавонликлари, яъни тирикчиликларини йўлга қўя олмаганликлари туфайли Туркистон генерал-губернаторлик ҳудудидаги вилоятлар бўйлаб

³⁷Ўша архив. 1195-ҳ. 6-варақнинг орқа томони.

³⁸Ўша архив. 23-варақ, 23-варақнинг орқа томони.

тарқалиб кетишган. “Афғонистон раиятидан келган Фазлул Қодир Афғоний 20 йил шу вилоятнинг Тудий қишлоғида яшади, атторлик билан шуғулланди, у қарздор бўлганлиги туфайли Фарғонага кетган. Яна бир афғон Насим 6 йилдан буён Бойсун вилоятига қарашли Жаъфар қишлоғида яшаган. Нотавонликдан ҳозирда Фарғонага кўчибкетган. Ҳожимуҳаммад афғон аввало Деновнинг Ярчи мавзеида, кейинчалик 4 йил давомида Начак кўрғонча-сида яшаган, Ярчида дўкон очиб, бойиб кетган, бироқ дўконига ўт тушиб, ҳозирда (1914 йил) ҳеч нарса сиз қолган. Қарздор. Ўзига тегишли уйда яшайди”³⁹, – деб маълумот берилади архив ҳужжатларида.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Бухоро амирлигидаги Афғонистон фуқароларининг айримлари ўзларининг шахсий дўконлари, уй-жойларига эга бўлишган. Бундан ташқари уларнинг от-уловлари, фойтунлари, чорва моллари, деҳқончилик қилиш учун ер участкалари ҳам бўлган. Бундайлар оз сонли бўлиб, улар бир қадар сармоя орттирган ва бадавлатлашган афғонлар эдилар. Бироқ, амирликдаги аксарият муҳожир афғонлар камбағал ва уй-жойсиз, оиласиз шахслар бўлиб, мавсумий ишларни бажаришган. Улар тирикчилик ўтказиш мақсадида ҳар қандай ишларга рози эдилар, XX аср бошларида Афғонистон ва Бухоро орасида қатнаб юрган мардикор афғонлар сони ҳам оз эмасди.

БУХОРО НАҚШБАНДИЯ ШАЙХЛАРИНИНГ ТУРКИЯДАГИ ЎЗБЕК (ТАКЯ) ТЕККЕЛАРИ ТАРИХИДАН

1299 йилда Усмонбей томонидан асос солинган Усманийлар давлати 1923 йил 29 октябрга қадар, яъни Туркия Республикаси эълон қилингунча яшади. Ўрта асрларда ушбу давлат салтанат (империя) даражасига кўтарилди.

³⁹ЎзРМДА. И-126. 1-р. 240-х. 18-варақнинг орқа томони.

Узоқ вақт ўрта аср анъаналарини сақлаб қолган Усманийлар салтанати XVII-XVIII асрларда ҳам Европа, Осиё, Африка қитъаларидаги ўнлаб давлатларни ўзида бирлаштирган эди. Арабистон ярим ороли (Ҳижоз, Макка, Мадина) ҳам Усманий султонлар измида бўлиб, Ўрта Осиё хонликларидан Макка ва Мадина ҳажи зиёратига чиққан мусулмонлар ушбу салтанат пойтахти Истанбул шаҳри орқали ўтиб, қайтардилар. Улар ўзини халифа издоши деб ҳисоблаган турк султонидан рухсат олиб, унинг паноҳида ҳаж арконларини бажарганлар. Истанбулгача етиб келган зиёратчилар, шайх ва уламолар, уларнинг шогирдлари бир неча кун ётиб қоладиган бино-текке (такя) деб аталиб, унинг луғавий маъноси - “дарвиш ва мусофирлар ибодатхонаси” (қароргоҳи)ни ифодалайди. Теккеларда масчит, мадраса ва хонақоҳ (ўрта аср меҳмонхонаси ва таомхонаси) кабилар бўлган. Теккеларда кейинчалик Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) сулукига кирган шайхлар, уларнинг муридлари, хонлар таъқибидан қочиб келиб, муқим яшаб қолганлар жойлашганди. Муҳожир ўзбекларнинг асосий яшаш жойи бўлган теккеларда айрим оилалар ўрнашган, улар кейинчалик уй-жой қилиб кўчиб чиқиб кетаверганлар. Манбаларда теккелар “Бухороликлар теккеси” дейилган. Чунки XIX аср биринчи ярмига қадар “Бухоро ва “Туркистон” тушунчалари бир маънони ифодалаган. Ўзбеклар (бухороликлар) теккеси биргина Истанбул шаҳрида 8 тача бўлиб, улардан фақат учтасининг ҳозирги кунда ўрнашган жойи маълум, қолганлари турли асрларда бузилиб, ўрнига бошқа иншоотлар қурилган. Бухоро нақшбандий шайхлари такялари Шом (Сурия), Боғдод, Қоҳира (Миср), Уммон, Дамашқ, Халаб, Қуддус каби шаҳарларда ҳам бўлган.

Энг олдин қад кўтарган текке - Истанбул шаҳрининг Ускудор районидаги Султонтёпа тепалигида жойлашган уч қаватли бинодир. Бу текке 1592 йилда қурилган бўлиб, Истанбул шаҳрининг Осиё қисмида жойлашган. Иккинчи

текке, Истанбул шаҳрининг Европа қисмидаги Сўқили Меҳмет пошо кўчасида жойлашган бўлиб, машҳур Султон Аҳмет (Яшил масчит)дан 200 метр узоқликда жойлашган. Учинчи текке эса, Аюб тарихий масчити яқинида бўлиб, ундан фақат бошланғич мактаб биноси сақланган. 1970-йилларда теккенинг асосий биноси ўрнида Аюб масчити диний ишларининг бошқарма мажмуаси ва идораси қурилган.

Истанбулдаги ўзбек теккелари турли-туман вазифаларни бажарган. Жумладан, Ўрта Осиё хонликларининг ваколатхонаси, ўзбеклар меросини сақлаш жойи, агар мол-мулклар эгаси бўлмаса, мерос теккенинг умумий мулкига ўтказилиб юборилган. Теккеларда бошпанасиз сайёҳ, савдогар ва турли мақсадда Туркияга келган одамлар тунаган, маълум муддат яшаган бундай мусофирларга озиқ-овқат берилган. Ўзбек мусофирлари тўпланиб, миллий таом - палов (ош) тайёрлашган, миллий тилда диний кўшиқлар айтишган. Масалан, Истанбулнинг Ускудор районидаги текке янгидан 1752-1753 йилларда қад кўтарган бўлиб, дастлаб Султон Меҳмет I ва унинг вазири томонидан қурилган текке Бахоуддин Нақшбанд ордени шайхлари бошпанаси бўлган. Текке уч қаватли, неоготик услубда қурилган жозибадор кириш ва ички эшиклари бўлган. Бу теккедаги барча ўзбеклар асли Бухородан бўлишган. Теккени сақлаб туриш учун турк султони хазинаси ва давлат томонидан ёғ, гурунч ва бошқа маҳсулотлар учун озиқ-овқатлар берилган. Шунингдек, нақшбандийлик таълимоти тарғиботчиларига маълум миқдорда маош ҳам берилган. Шайхлар таклифи билан бу текке бир неча бор давлат томонидан таъмирланганлиги манбаларда қайд этилган. XIX аср охирида Султон Абдулҳамид II (хукмронлиги:1876-1909) томонидан 80 минг лира берилган. Туркистон генерал-губернаторлиги (1867-1917) даврида, Ўрта Осиёда кўзғолонлар бўлганида исёнчилар Туркия теккеларидаги

шайх ва уламолардан моддий ва маънавий мададлар олишган. Масалан, 1898 йилда Андижон (Дукчи эшон) кўзғолони вақтида Мадали эшонга турк султони ёрлиғи ва “мўйи муборак”ни аслида турк султони эмас, текке шайхи Зиёвуддин Муҳаммад (Қошғарий) юборган эди.

Маълумки, 1920 йилда Истанбулни инглизлар босиб олган ва Туркия мустақиллиги хавф остида қолганди. Миллий озодлик ҳаракатига Мустафо Камол Отатурк (1881-1938) раҳбарлик қилиб, Истанбулнинг Ускудор туманидаги ўзбеклар теккесида ватанпарварлар тўпланадиган, Онадўли ва Анқара ҳарбийларига қурол-яроғ ва озиқ-овқат жўнатиладиган муҳим база бўлганди. Истанбул-Анқара алоқаларида муҳим кўприк бўлган теккеда қурол-яроғ, ўқ-дори омборлари ташкил этилганди. 1920-1922 йилларда “Ўзбеклар (бухороликлар) теккеси”дан катта партидадаги қурол-яроғлар, ўқ-дорилар билан ватанпарварлар кечқурун Анқарага қараб яширин йўлга чиқишган. Муҳожир ўзбеклардан бири теккелардан бошпана топган айрим ўзбеклар ҳам ҳатто, миллий озодлик учун курашларда бевосита иштирок этишганини ҳикоя қилиб берганди. Жумладан, Шукурово шаҳрини озод қилишда Ҳожи Йўлдош ва у билан 28 нафар ўзбек миллати вакиллари жангларда иштирок этишган. Улар диний билимларни эгаллаш мақсадида Ўрта Осиёдан Арабистонга Биринчи жаҳон уруши арафасида (1912-1913 йиллар) ўқишга кетиб, ўз юртларига қайтмай, кейинчалик Туркия ерларида умрбод жойлашиб қолганлар эди. Инглизлар узоқ вақт уринишиб ҳам Истанбулдаги теккелар Туркия озодлиги учун курашларда қурол-яроғ омбори бўлганлигини аниқлай олишмаган.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Султонаҳметдаги текке шайхи, фикҳшунос Ато Афанди 1920-йилларда Ўрта Осиёга саёҳат қилган, Анвар пошо (1881-1922) билан учрашиб, унинг ҳарбийлари сафида Қизил Армияга қарши жангларда қатнашган. Туркия Республикасига

моддий ёрдам беришга қаратилган иона (маблағ) тўплаш компаниясини уюштирган ҳам Ато Афанди бўлганди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Ўрта Осиёда усмонийлар давлатини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳаракати бўлган.

Хуллас, ўзбек теккелари Усмонийлар салтанатининг ижтимоий, сиёсий, диний, маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Истанбулдаги Усмонли идораси Бош архиви ҳужжатларининг гувоҳлигича, Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларидан XVIII-XX аср бошларида турк султони саройига ташриф буюрган элчилар, савдогарлар теккеларда бўлиб, уларда истиқомат қилаётган шайх ва уламолардан тегишли маслаҳатлар олишган.

Бухоро амирлиги билан Усмонийлар салтанати ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш учун усмоний подшоҳ текке шайхларидан бири Сулаймон Афандини (1821-1883) Ўрта Осиёга юборган. Сулаймон Афанди асли Бухоро амирлигининг Қоракўл туманидаги Қундуз қишлоғидан бўлиб, 1846 йилда Амир Насруллохон (1826-1860) томонидан турк султониغا элчи қилиб юборилганди. У турк султони ишончига кириб, Истанбулда яшаб қолган, нақшбандийлик таълимотини тарғиб қилган. Ҳатто усмоний ҳукмдорининг Ҳиндистон, Афғонистон, Қошғардаги вакили ҳам бўлган.

Ускудордаги ўзбек теккеси сўнгги шайхининг ўғли Адҳам Ўзбек Кангўй қуйидагича фикрларни билдиради: “Теккенинг биринчи шайхи – Иброҳим Адҳам афанди бўлиб, у “минг санъат эгаси” эди. У яхши ҳунарманд бўлиб, тўқимачилик ва ёғочга ишлов беришда устаси фаранг бўлган, теккени ҳақиқий музейга айлантирган. Иккинчи шайх Ато Афанди бўлиб, мени амаким ҳисобланади. Унинг даврида текке миллий озодлик ҳаракатининг марказига айланган. Бу даврда турк миллатининг машҳур вакиллари Аднан Одил, Меҳмет Акиф Эрсуй (Туркия Республикаси гимни -“Истиқлол”ни ёзган), Февзи пошо,

Чақмоқ кабилар инглизлардан яшириниб теккедан паноҳ топганлар. Охирги, учинчи шайх эса менинг отам - Нажмиддин Афанди бўлиб, унинг даврида текке musiқа марказига айланди. Мен отам ишини давом эттирдим”. Ушбу текке майдонида 50 тача қабр бўлиб, бу мазорлар текке шайхларига тегишли бўлиб, БХСР ҳукумати раҳбарларидан Усмон Хўжа Пўлатхўжаев (1878-1968)нинг қабри ҳам шу ердадир.

1925 йилда Туркия Республикаси Президенти Мустафо Камол Отатурк барча теккелар фаолиятини таъқиқлашга фармон берди. Президент Туркия миллий озодлиги ҳаракатида алоҳида хизмат кўрсатган Ускудордаги текке фаолиятини давом эттириши ҳақида алоҳида фармонга имзо чекди. Ушбу текке ҳозир ҳам фаолият юритаяпти. Туркия Республикаси Президенти лавозимида ишлаган, “Ватан” партияси раҳбари Турғут Ўзол Нақшбандия оқимида кирган.

Бугунги кунда Туркия Республикасида Нақшбандия сулукига ихлосмандлар ва вакиллар сони 8-10 млн. киши, айрим маълумотларда эса, аҳолининг 19 фоизини ташкил қилади. Ушбу далилнинг ўзи Нақшбандия тариқати Туркия сингари Шарқ мамлакатларида кенг тарқалганлиги ва юксак эҳтиромга эга эканлигидан далолат беради.

БУХОРО (ТУРКИСТОН) ТЕККЕЛАРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ

XI асрдан бошлаб Туркистон (Бухоро) ва Кичик Осиё (Онадўли) ўртасида савдо-сотик, маданий-маърифий, дипломатик алоқалар ўрнатилган бўлиб, ушбу муносабатлар Салжуқийлар ва Усманийлар даврида узоқ, мураккаб, зиддиятли тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ҳозирги Туркия ҳудудидаги туркий қабилалар ўз аجدодларининг юрти Туркистон билан маънавий

алоқаларни, диний муштаракликни сақлаш мақсадида ҳамиша ота-боболари заминига интилиб келдилар. Айниқса, XII-XVII асрларда Туркистон минтақасидан муслмон уламо ва шайхларнинг Кичик Осиёга кўчиб ўтиб, яссавия, чиштия, кубравия, нақшбандия таълимотларини ёйиши муҳим роль ўйнайди. Ушбу мақсадда Кичик Осиёга кўчиб ўтган туркистонлик (бухоролик)лар турли шаҳарларда ўзларининг қаландархоналари, дарвешхоналари, такя (текке)ларини бунёд қилганлар. Бундай бинолар Шарқ мамлакатларида 100 дан ортиқ бўлган. Усманийлар салтанатининг пойтахти, тарихий манбаларда “Олтин кўприк” деб қайд этилган Истанбулда бухоролик муҳожирларнинг 8 та теккеси (мусофирхонаси) бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.

2017 йилда Истанбул (Туркия Республикаси)да чоп этилган “Истанбулдаги Туркистон теккелари. Ота юрт ва она юрт ўртасидаги маънавий кўприклар” китоби⁴⁰ ҳақида айрим мулоҳазалар билдирмоқчимиз.

Авалло, ушбу китобнинг нашр қилиниши ва тузилмаси, шакли, мазмуни ҳақида умумий тавсиф бериб ўтсак. Мазкур нашр муаллифлар жамоаси томонидан чоп этилган бўлиб, китобга тақдимот фикрини Туркия Республикаси Президенти (Жумҳурбошқони) Режеп Таййип Эрдоғон ёзган. Китоб кўк тусдаги рангли муқовада, юқори дид билан дизайн берилган, альбом шаклида, ўнлаб рангли фотолавҳалар билан чоп этилган. “Истанбулдаги Туркистон теккелари” китоби кириш, беш бўлим, хулоса (sönsüz) қисқартма сўзлар кўрсатгичи каби қисмлардан иборат.

Ушбу нашр ҳақидаги маълумотни биз Туркиядаги қозоқ миллати вакили, тарих профессори Абдулваҳоб Қорадан олдик ва Истанбул китоб палатасидан 125 турк лирасига харид қилдик. Мазкур китобда Истанбулдаги

⁴⁰ Istanbuldaki Türkistan Tekkeleri (Ata yurt ile Ana yurt arasındaki manavi köprüler). – İstanbul, 2017. –294 s. (Türk tilinde).

Туркистон (Бухоро) теккеларидан 5 таси ҳақида имкон қадар фикр-мулоҳазалар билдирилган. Тўғри, Туркиядаги Бухоро теккеларининг тарихи бундан олдинги тадқиқотларда ҳам баён этилган. Жумладан, турк олими Тоҳир Чиғатойнинг “Ота юртда, Она юртда туркистонликлар” китобида⁴¹ Истанбулдаги учта текке тарихи билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Бироқ биз устида мулоҳаза юритаётган китобда Истанбул шаҳрининг турли қисмларида жойлашган Амир Бухорий теккеси (EMIR BUHARI TEKKESI), Бухоро теккеси (Türkistanlilarin Fahr Konsoloslugu BUHARA TEKKESI), Шайх Мурод Бухарий теккеси (SEYH MURAD BUHARI TEKKESI), Аюб қаландархонаси (Buhara Dervislerin Melecul EYUP KALENDARHANESI), Ускудардаги ўзбеклар теккеси (ÜSKUDAR ÖZBEKLER TEKKESI), яъни жами 5 та текке тарихи баён қилинган⁴².

Китоб матни билан танишиш асносида ушбу теккелар Истанбулда бухоролик тижоратчи ва савдогарлар, амалдор ва аъёнлар томонидан ажратилган маблағлар, вақф мулклари (дўкон, тегирмон ва ҳоказо)дан келган даромад ҳисобига қурилган. Мусофирхоналар қуришда Бухоро ҳукмдорлари, Усмоний султонлар, уларнинг вазиру-вузаролари ҳам маблағ сарфлашган. Бухородан келиб диний тарғибот билан шуғулланган Хожа Баҳоуддин сулукидаги шайхлар ҳузурига Усмоний султонлар ҳам ташриф буюриб туришган. Ёхуд, Баҳоуддин шайхлари Усмоний ҳукмдорлар саройида ҳам бўлиб, айрим тадбирларда иштирок қилганлиги китобда архив манбалари ва вақфнома ҳужжатлари орқали исботланган.

Шунингдек, “Истанбулдаги Туркистон теккелари” китобидан ҳар бир теккенинг қурилган тарихий санаси, майдони, уларда фаолият юритган шайх ва дарвешлар,

⁴¹ Tahir Çagatav. Ata yurta –ana yurta Türkistanlilar.Adana, 2009.(Türk tilinda). - s. 45-103.

⁴² Istanbuldaki Türkistan Tekkeleri... -s.39-72; -s.73-126; -s.127-178; -s.179-222; -s.223-274.

уламолар автобиографияси, теккелардан етишиб чиққан маданият, фан, санъат, сиёсат, адабиёт намояндалари, улар тақдири кабилар ўрин олган.

Маълумотларда келтирилишича, Туркия заминига XI асрданоқ яссавия таълимотини ёйиш учун Яссавий шайхлари (альперин)лар ташриф буюришган. Баҳоуддин шайхлари XIV асрдан, асосан XVI асрдан кўплаб кела бошлашган.

Агар Амир Бухорий теккеси (Истанбул шаҳрининг Ўгрикапи қисмида- муаллифлар)ни қуриш 1516 йилда бошланиб, 1540-1545 йилларга қадар давом этган бўлса, туркистонликларнинг Бухоро теккеси 1692-1693 йилларда, Мурод Бухорий теккеси XVII асрда Аюб қаландархонаси турк султонларидан Мустафо III (1757-1774), Меҳмед II (1808-1839) ҳукмронликлари даврида тўлатқис бунёд этилган.

Истанбул шаҳрида бунёд этилган теккелар бухороликлар мулки бўлиб, уларга муҳожирликни ихтиёр этган турли табақа вакиллари жойлашаверган. Улар бир муддат теккеларда истиқомат қилиб, иқтисодий аҳволлари яхшилангач, уй-жой қуриб оилалари билан Туркия турли шаҳарларига кўчиб ўтишган. Айрим шахслар ўн йиллаб теккелардаги хонақоҳларда текин овқатлантирилиб, улар ётоқхонасида умргузаронлик қилишган. Теккедан кўчиб чиқиб кетган айрим бухороликлар баъзи сабабларга кўра яна қайтиб келиб ўз ҳаётларини теккелардан бирида давом эттирарди.

Туркистон минтақасидан муқаддас шаҳарлар Макка ва Мадина ҳажига борганлар ҳам зиёрат сафари давомида теккеларда тўхтаб ўтишарди. Бухоро, Хива, Қўқон хонликларидан Усманийлар салтанати ҳукмдори ҳузурига элчи бўлиб келган шахслар теккеларнинг шайхларидан маслаҳат олишар, савдогарлар улар воситачилигида султон ва унинг амалдорлари билан учрашишга муваффақ бўларди. Тақриз қилинаётган китобда биз

юқорида теккеларнинг шайхлари ва дарвешлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилганлигини қийд этдик. Жумладан, Ускудордаги ўзбеклар теккесида Иброҳим Адҳам Афанди, Шайх Маҳмуд Содик Афанди, Шайх Ато Афанди, Маҳмуд Мажидиддин Афанди (Ўқтой) кабилар фаолият юритган. Уларнинг қабрлари текке олдида жойлашган ўзбеклар қабристонида жойлашган, ҳар бир шайх қабри устида тош устун ўрнатилган.

“Истанбулдаги Туркистон теккелари...” китобини варақлаш асносида қуйидаги таклиф ва тавсиялар юзага келди.

- XIV-XIX асрларда Туркиядан ташқари Арабистон, Сурия, Ироқ каби Шарқ мамлакатларида ўнлаб бухороликлар теккелари бўлган, улар тарихи ҳақида илмий асарлар яратиш зарур.
- Ўзбек теккеларининг ижтимоий, маданий-маърифий, давлатлараро иқтисодий, дипломатик алоқалардаги ўрни, мавқеи ва ролини кўрсатишга қаратилган тадқиқотларга эҳтиёж бор.

БУХОРОЛИКЛАРНИНГ ХОРИЖДАГИ ТАШКИЛОТ ВА ЮШМАЛАРИ ТАРИХИДАН

Орта қолган XX асрда ер юзидаги сўнги салтанат ҳисобланган совет мустабид тузуми йилларида тазйиқ ва қатағонлик сиёсати туфайли бир неча босқичда “муҳожирлик тўлқинлари” рўй берди. Совет Иттифоқидан 1917-1930- йилларда хорижга оммавий муҳожирликка кетиш тарихда “ўзбек диаспораси”ни вужудга келтирди. Ўзбеклар учун иккинчи Ватан, аввало, Шарқ мамлакатлари бўлди.

Муҳожирлик тўлқинлари юз берган XX асрнинг биринчи ярмида Ватанидан йўли айри тушганларни ҳимоя қиладиган бирор бир халқаро ташкилот йўқ эди, ёки муҳожирлар манфаатига қаратилган халқаро қонун-

қоидалар, конвенция ва ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тарихий шароитда муҳожиратдагилар учун ажнабий мамлакатларда истиқомат қилиб, ўз тирикчиликларини таъминлаш осон кечмади.

Ватанидан жудо бўлганлар бир-бирларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маънавий мадад бериш, миллий урф-одат ва анъаналари, она тилларини сақлаб қолиш мақсадида турли мамлакатларда ўзларининг миллий уюшма ва ташкилотларига асос солдилар.

Шахсан ўзи ёки ота-боболари асли бухоролик бўлган муҳожирлар туркистонликларнинг “Туркистон Америка Ассоциацияси” (ТАА), “Метрополитен Америка Ассоциацияси” (АҚШ), “Канада ва Америка Бухоро яҳудийлари Конгресси” (АҚШ), “Туркистонлик ватандошлар жамияти” (Германия), “Туркистонликларга маданий ва ижтимоий ёрдамлашма дернеги”, “Евроосиё турк жамиятлари уюшмаси”, “Турк ветеранлар уюшмаси” (Туркия), “Ўзбек тили ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази” (ХХР), “Ўзбеклар маданий маркази” (Исроил) каби уюшмалар фаолиятида иштирок этиб келганлар. Қуддусдаги “Ўзбеклар маданий маркази”ни Шайх Абдулла Азиз ал-Бухорий бошқарган⁴³.

Сурия Араб Республикаси (САР) 1930-йилларда ўзбек муҳожирлари зич яшаган мамлакатлардан бири бўлган. Архив манбалари билан танишар эканмиз, Сурияда истиқомат қилувчи ўзбеклар (туркистонликлар) барчаси “Бухорийлар” деб аталганлигига гувоҳ бўламиз. Улар ҳақида фикр билдирилганида Бурхон ал-Бухорий, Фотима ал-Бухорий (ушбу рўйхатни давом эттириш мумкин) каби номлар кўплаб қайд қилинади⁴⁴.

⁴³Ўзбекистон чет эллар билан дўстлик жамиятлари уюшмасининг жорий архиви, 2000 йил ҳисоботи, папка №6. -Б.3.

⁴⁴ЎзРМДА, Р-2661-Ф, 1-Р, 385-х, 3-в;ЎзРМДА, Р-2822-Ф, 1-Р, 33-х, 12-в, 24-в, 88-х, 40-в, 89-х, 44-в, 87, 88, 89-в.

Мустақиллик арафасида, яъни 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси мутассади раҳбарларига маданий ёрдам сўраб мактуб йўллаган бухорийлар ҳам Сурия Араб Республикасидаги ўзбек муҳожирлари эдилар⁴⁵.

Ота-бобоси асли андижонлик бўлган Бурхон ал-Бухорий филология соҳасида илмий изланишлар олиб бориб профессор унвонига сазовор бўлган. У узоқ йиллар давомида Сурия пойтахти Дамашқда истиқомат қилиб, “Ўзбек - араб тили луғати”ни яратди. Ҳазрат Алишер Навоийнинг асарларини транскрипция йўли билан Европа тиллари (инглиз ва француз)га таржима қилиб, тарқатиш иши билан шуғулланди⁴⁶.

Яқин ва Ўрта Шарқдаги нотинч вазият минтақадаги уруш ҳолати (1948-1949, 1967, 1973, 1980), яъни исроил-араб можароси оқибатида Суриядаги Бухорийлар Саудия Арабистони, Туркия, АҚШ, Австрия мамлакатларига кўчиб ўтдилар. Шунга қарамай, 1990 йилларда САРда 1000 нафар ўзбек муҳожирлари бўлиб, улар асосан ушбу мамлакатнинг Дамашқ, Латакия, Алеппо вилоятларида истиқомат қилганлар⁴⁷.

Суриядаги муҳожирлар ҳақида бир қадар кенгроқ маълумот беришдан мақсад, илк бор бухороликлар айнан шу мамлакатда ўзларининг миллий уюшмаларига асос солганликларини баёнқилишдир. 1930-йилларнинг охирида салмоқли рақамни ташкил этадиган бухоро-ликлар жамоаси Суриянинг асосан Шом вилояти ва мамлакат пойтахти Дамашқда яшаганлар. Улар орасида иқти-содий жиҳатдан бир қадар бадавлат, сарбаст шахслар ҳам бор эди. Бухоролик муҳожирлар ўзларининг мусулмон масчитларига эга бўлишган. Маълумки, Биринчи жаҳон уруши натижаларини кўрган 1919 йилдаги Версал (Франция) шартномаси қарори

⁴⁵ Қаранг. Юсупов А. Хориждаги ўзбеклар // Ёшлик, 1989, №6. -Б.13-15.

⁴⁶ ЎЗРМДА. Р-1618-Ф, 5-р, 2350-х, 112, 113-в.

⁴⁷ЎЗРМДА, Р-2822-Ф, 1-р, 88-х, 40-в.

билан Сурия Францияга мандат қилиб берилган эди. Бухороликлар Сурия аҳолисининг умумий рўйхатига киритилгач, 1940 йилда Дамашқда “Бухороликлар ёрдамлашма жамияти” тузилган. Ушбу жамият қошида муҳожир ўзбек болаларига бошланғич диний билим берадиган мактаб ва ўзбек тилидан савод чиқаришга йўналтирилган махсус курс мавжуд бўлган. Мактаб ва курсда бухороликларнинг фарзандлари текин ўқитилган, ўқиш харажатлари бой муҳожирлардан тушган иона маблағлари ва вақт-вақти билан тўпланган бадаллар ҳисобидан қопланган⁴⁸.

Бухороликлар зич яшайдиган Жоми ал-Аъзамда (бу ҳудуд Дамашқ шаҳри атрофида эди) диний мактаб базасида “Ўзбеклар ёрдамлашма жамияти” ҳам бўлган. Ушбу уюшманинг мақсади моддий аҳволи оғир бўлган муҳожирларга моддий мадад бериш ҳамда миллий тил ва урф-одатларни сақлаб қолишда кўмаклашиш эди⁴⁹.

Таъкидлаш жоизки, уюшмаларнинг аъзолари ўртасида мазкур ташкилотларни бошқариш, улар тузилмалари, вазифаларини аниқлаш йўналишларида зиддиятлар бўлиб турган. Бироқ, бу сабаб бухороликлар жамиятларини тарқатилишида асосий омил эмасди.

Муҳожирлар жамиятининг тугаб кетишига 1958 йилда мустақил Сурия Араб Республикасининг ташкил топиши ҳамда ҳукумат томонидан чиқарилган ҳар қандай уюшмаларнинг фаолиятини мамлакатда таъқиқлаш тўғрисидаги махсус қонун сабаб бўлган. Бундай жараён Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудидаги барча араб мамлакатларининг ҳукуматлари учун хос бўлиб, мазкур давлатларда ўзбеклар - қанчалик кўп сонли бўлиб яшамасинлар, бугунги кунда уларнинг деярли бирорта ҳам расмий жамиятлари йўқ.

⁴⁸ЎзРМДА, Р-2822-Ф, 1-р, 88-х, 25, 83-в.

⁴⁹Ўша архив, Р-2822-Ф, 1-р, 89-х, 33-в.

Тарихдан маълумки, Бухорода ўтмиш асрлардан буён “Бухоро яҳудийлари” номи билан яҳудий миллати вакиллари истиқомат қилиб келишган.

XX асрда Бухоро яҳудийларининг ҳам хорижий мамлакатлар бўйлаб муҳожирлик жараёни тез кечди. Бухоро яҳудийлари нафақат Исроил давлатига, қолаверса, хорижнинг АҚШ, Австрия, Англия, Италия каби мамлакатларига муҳожирликка кетдилар. Бухоро яҳудийларининг ҳам айрим мамлакатларда миллий уюшмалари вужудга келди. Жумладан, 1985 йилда Австрия пойтахти Вена шаҳрида бухоролик яҳудийларнинг “Сафардий яҳудийларининг диний ватандошлар жамияти” тузилди. Ушбу жамият қисқа фурсатда Австрия мамлакатада истиқомат қилаётган 2000 нафар бухоролик яҳудийлардан 500 нафарини ўзида бирлаштирди ва махсус матбуот органи “Бухорий” газетасига асос солди⁵⁰.

Пойтахт Венада ўзининг шахсий медицина клиникасига эга бўлган Г.С. Галибов “Сафардий яҳудийларининг диний ватандошлар жамияти” раиси сифатида фаолият олиб бориб, собиқ “Родина” (“Ватан”) жамияти ва унинг раҳбари Арис Кухар билан алоқалар ўрнатганди. Ушбу ташкилот муҳожир Бухоро яҳудийларини ишга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш каби хайрли ишларни амалга оширди⁵¹.

Бухороликларнинг хориждаги ташкилотларига Бухородан бир қатор маҳаллий характерга эга бўлган буюмлар, сувенирлар, миллий кийим-кечаклар, китоб ва дарсликлар, грампластинкалар, видеокассеталар, газета ва журналлар юборилган. Муҳожирликда истиқомат қилган бухороликлар орасида совет даври тарихий адабиётларда қайд қилинган “гадо”, “қашшоқ”лар йўқ. Улар ўзларига тўқ ва фаровон яшашади, бироқ юртдошларимиз Бухорои шариф “гадоси” эканликларини унутмаслигимиз керак.

⁵⁰ЎЗРМДА, Р-2822-Ф, 1-р, 72-х, 48-в.

⁵¹Ўша архив, Р-2822-Ф, 1-Р, 88-х, 45-в.

Истиқлол йилларида, яъни 1999 йилда она шаҳри Бухорони зиёрат қилиш учун Исроил давлатидан ватандошимиз Шайх Абдул Азиз Бухорий юртимизга ташриф буюрди.

У Иеруссалим (Қуддус) шаҳридаги “Байтул Мақдус” масчити қошидаги “Ўзбеклар маданий маркази” бошлиғи бўлиб, ўзаро музокараларда Бухородаги Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳини таъмирлашда ҳомийлик қилиш, Тошкент Ислом Университетига ёрдам кўрсатиш масалаларини кун тартибига қўйганди.

Хуллас, Бухородан ўзга мамлакатларга муҳожир бўлиб кетганлар имкон қадар уюшмаларга бирлашиб, бир-бирларини қўллаб, Бухорои шариф фарзандларига лойиқ инсонлар эканликларини кўрсатдилар.

БУХОРО АМИРЛИГИ ВА АФҒОНИСТОН МАСАЛАСИДА АНГЛИЯ – РОССИЯ ЗИДДИЯТЛАРИ (XIX АСРНИНГ 70-90-ЙИЛЛАРИ)

XIX аср биринчи ярмида Россия империяси Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари чегараларига яқинлашиб қолган, Туркистон ўлкасини босиб олишга қаратилган стратегик режалар ишлаб чиқилган, шунингдек, ҳарбий ҳаракатларни йўналтирувчи хариталар тайёрлаб қўйилганди. Ўрта Осиё хонликларидаги ҳукмдорлар Россия босқини хавфига қарши чоратадбирлар кўрмадилар, деган даъводан йироқмиз.

Россия босқини арафасида ҳукмдор бўлиб турган мустақил амир ва хонлар Россия-Англия ўртасидаги зиддиятлардан, Усманий салтанати ҳарбий мададидан фойдаланиш учун ўз элчи ва махсус дипломатик вакилларини Британия Ҳиндистони ҳамда Истанбул (Туркия)га юбордилар.

Хонликлар ўртасидаги зиддиятлар туфайли улар умумий, ягона иттифоқни вужудга келтира олмаган

эдилар. Айниқса, Бухоро амирлиги Хива ва Қўқон хонликлари билан умумий рақибга қарши яқдил бўлиб кураш таклифини рад этиб келганлиги манбаларда қайд этилади. Қўқон хонлигидаги айрим беклар Худоёрхон билан зиддиятда бўлиб, Қурама беги Ёқуббек 50 нафар навқари билан Шарқий Туркистонга ўтиб кетди ва бу ерда Еттишаҳар давлатини (1865-1877) ташкил этиб, Худоёрхоннинг акаси Маллахон ва турк султони Абдулазиз номидан тангалар зарб эттирди, Усманийлар ҳукмдорига ўз элчиларини совға-саломлар билан юборди⁵².

Бухоро ҳукмдори Амир Музаффар (1860-1885) Россия ҳарбийлари Туркистон, Чимкент, Тошкент шаҳарларини забт этиб, Қўқон хонлигининг бир қатор ҳудудларини эгаллаб бораётганлиги, амирлик чегараларига яқин келиб қолганлигидан саросимага тушди.

Амир 1867 йилнинг ёзида муфтий Мулла Муҳаммад Хўжа Порсони Усманий ҳукмдор ҳузурига, яъни Истанбулга элчи қилиб узатди. Муҳаммад Хўжа Порсо амирнинг совға-саломлари ва махфий мактубини Султон Абдулазизга 1867 йилнинг 24 сентябрида топширган. Турк султони Бухоро амирлигига хайрхоҳ эканлигини билдирса-да, айти пайтда амалий ҳарбий ёрдам бера олмаслиги, тўп қуювчи ва ҳарбий маслаҳатчиларини юбориши мумкинлигини билдирган, холос.

У султонлик хазинасидан 50000 қуриш пул бериб, Хўжа Муҳаммад Порсони ҳажга жўнатган⁵³.

Амир Музаффар инглиз қироличасига мактуб йўллаб, инсон ҳуқуқлари поймол бўлаётганлиги, моддий-маънавий ёрдам бериш, ҳукмдор сифатида давлатни адолат билан бошқараётганлиги кабилар ҳақида уни хабардор қилади. Амирнинг шу мазмундаги мактуби

⁵² Қаранг: Тўхтиев И. Тангалар тилга кирганда. –Т.: Фан, 1989. -Б.40.

⁵³ Mehmet Saray. Rus ishğ'ali devrinda Osmanli devletining Turkistan hanliklari orasindagi siyasi munasebetler(1775-1875). Istanbul, 1994. –S. 101-105.

Британия Ҳиндистонидаги вице-қирол Жон Лауренсга ҳам юборилган эди⁵⁴.

Қўқон хони Худоёрхон (1864-1876) хонликка рус босқини арафасида Туркияга Хўжа Бек Исхоқ Оғони элчи қилиб юборди. Элчи турк султони ва Истанбулдаги инглиз вакилидан ҳарбий ёрдам сўрашга қаратилган хон мактубини ўзи билан олиб борганди. Туркия султони жавоб мактубида: “Ўз халқингиз ва имкониятингизга суянишдан бошқа илож йўқ. Буни элчингиз Хўжа Бек Исхоқ Оғога тушунтирдим. Талаб қилинган тўплар ва тўпчи усталарни юбориш имкони йўқ”, -деб фикр билдирганди.

Можар олими, сайёҳ ва айғоқчи Ҳерман Вамбери (1833-1905) ҳам 1865-1867 йилларда Ўрта Осиё хонликлари Россия босқинидан қутулиб қолиш учун Англия ва Туркияга умид кўзини тикканликларини қайд этади.

1867 йилнинг 24 декабрида Истанбулдаги Англия бош элчиси Генри Эллабга Бухоро элчиси амир мактубини тақдим этган, лекин ундан аниқ жавоб ололмаган. Ўша йили Англия ташқи ишлар вазири Лорд Кларендон Россиянинг ҳаракатлари ҳарбий босқинчилик эканлиги ҳақида махсус нота берган. Бироқ, Россия ташқи ишлар вазири Горчаков ва ҳарбий вазир Милютин Ўрта Осиё масаласида Англия-Россия таъсир доиралари келишиб олишганлигини унга эслатиб қўйишган. Англия ва Туркия томонидан Россияга нисбатан салбий муносабат туфайли узоқни кўрувчи сиёсатчи Горчаков эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш тарафдори эди. Бироқ, ҳарбий вазир Милютин кескин ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш керак, деб ҳисобларди.

Бухоро амири элчилар юбориш билан чекланиб қолмади, 1868 йил 7 февралда амир ва унинг 14 нафар мансабдор шахслари инглиз ҳукуматига мактуб юбориб,

⁵⁴ Ўша жойда.

унда рус кўшинлари Жиззах, Ўратепа, Янгиқўрғон кабиларни эгаллаб, минглаб оддий аҳолини, мусулмонларни қирғин қилганлиги баён этилган⁵⁵. Бу хат билан Англия эътиборини амирликка қаратиш эканлиги исбот талаб қилмайди.

Хива хонлигининг ҳукмдори Саид Муҳаммад Раҳимхон (1865-1910) ҳам хонлик ҳудудларини Россия босиб олиши арафасида Европа давлатларидан мадад сўраган. 1872 йилда Саид Муҳаммадхон Феруз ўз элчиси Аминбой Муҳаммад ўғлини Ҳиндистон вице-қироли Норсбрук ҳузурига юборди. Элчи Ҳиндистон генерал-губернаторлиги маркази Калькуттада Лорд Норсбрук билан учрашиб, музокаралар олиб борди ва хоннинг ёрдам сўраб ёзган мактуби инглиз маъмурига топширилди. Англия Россия империяси билан очиқ тўқнашувдан хавфсирарди. Инглиз дипломатияси эҳтиёткорлик йўлини тутиб, “Англия тожидаги гавҳар” бўлган Ҳиндистон мустамлакасида ажралишни, Афғонистондаги мавқеига путур етишидан кўрқарди. Юқоридаги омиллар туфайли Хива хонлигига ҳарбий ёрдам бермаслик йўли тutilди. Норсбрук инглиз ҳукумати Хива хонлигига хайрхоҳ эканлигини, бироқ очиқ ҳарбий ёрдам беролмаслигини билдирар экан: “Сиз имкони борича руслар билан алоқаларни яхшилашга ва мусулмон давлатлари иттифоқини вужудга келтиринг” - деб элчига панд-насиҳат қилишдан нарига ўтмади. Лорд Норсбрук агар рус ҳарбийлари ва Хива хонлиги ўртасида уруш очилса, Англия мададига умид қилмасликни очиқ айтган⁵⁶.

Юқоридаги тафсилотлардан келиб, чиқиб, қуйидагича хулосаларга келиш мумкин.

⁵⁵ Содиқов Ҳ. Тарихнинг чигалсўқмоқлари // Ватан, 1994. №28.

⁵⁶ Машарипова Г., Бекчанов С., Жуманиёзов Ш. XVI-XIX асрларда Хива-Россия муносабатлари /Хонлик тарихининг баъзи муаммолари (мақолалар тўплами). Урганч. - 2004. -Б.28.

Совет даври тарихий адабиётларида таъкидланганидек, Ўрта Осиё хонлари Россия босқинининг олдини олиш учун ҳеч қандай чора кўрмаганликлари ҳақидаги фикр асоссиз бўлиб, амир ва хонлар ўз давлати суверенитетини сақлаб қолиш учун имкон қадар ҳаракат қилишган.

Ўрта Осиё хонликларининг асосий умиди Англия (Буюк Британия) ва Усманийлар салтанати (Туркия) давлатларидан бўлиб, ўз элчиларини юбориш, мактуб йўллаш воситалари орқали ушбу мамлакатлар ҳарбий мададини олишга интилишган.

Айни Ўрта Осиё Россия мустамлакасига айланиши даврида халқаро вазият хонликлар учун ноқулай бўлиб, Англия-Россия, Россия-Туркия муносабатлари кескинлашган, Усманийлар салтанати тобора Европа мамлакатларига қарам бўла бораётганлиги, ўрта асрлардаги халифачилик мавқеидан ажралаётган эди.

Ўрта Осиё масаласида Англия дипломатиясининг мағлубияти эса бир қатор омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, Россия Англияга нисбатан хонликларга яқин масофаларда турар, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши учун чегара ҳудудларида ҳарбий қалъалари ва омборхоналар барпо этган эди. Иккинчидан, Россиянинг Ўрта Осиёга босқини арафасида инглиз мустамлакаларида халқ кўзғолонлари кўтарилиб (Ҳиндистон, Хитой ва ҳоказо) халқаро майдонда инглиз ҳукумати ва дипломатиясига ишонч сусайган эди. Учинчидан, Россия-Англия музокараларида икки мамлакат таъсир доирасининг чегараси Амударё ўнг ва чап қирғоғи бўлиб, демаркацион чегара чизиғи Амударёнинг ўртаси деб белгиланганди.

Англия ва Усманийлар салтанати Россиянинг Ўрта Осиёдаги эркин ҳарбий ҳаракатларига монеълик қилмаганда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги протекторат (ярим мустамлака) бўлмай, Қўқон хонлиги сингари

Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритиб юборилган бўларди.

Кейинчалик Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини Россия империяси таркибига киритиш масаласи кун тартибига қўйилганди, империя маъмурий доиралари гуёки улар тараққиётини Россияга яқинлаштириш учун хазина маблағларининг катта сарфини талаб қилади, деб ҳисоблашган.

БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ БОСҚИНИ АРАФАСИДАГИ ҲОЛАТИ

XIX аср биринчи ярмида Россия империяси Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари чегараларига яқинлашиб қолган, Туркистон ўлкасини босиб олишга қаратилган стратегик режалар ишлаб чиқилган, шунингдек, ҳарбий ҳаракатларни йўналтирувчи хариталар тайёрлаб қўйилганди. Ўрта Осиё хонликларидаги ҳукмдорлар Россия босқини хавфига қарши чоратадбирлар кўрмадилар, деган даъводан йироқмиз.

Россия босқини арафасида ҳукмдор бўлиб турган мустақил амир ва хонлар Россия-Англия ўртасидаги зиддиятлардан, Усманий салтанати ҳарбий мададидан фойдаланиш учун ўз элчи ва махсус дипломатик вакиллари Британия Ҳиндистони ҳамда Истанбул (Туркия)га юбордилар.

Хонликлар ўртасидаги зиддиятлар туфайли улар умумий, ягона иттифоқни вужудга келтира олмаган эдилар. Айниқса, Бухоро амирлиги Хива ва Қўқон хонликлари билан умумий рақибга қарши якдил бўлиб кураш таклифини рад этиб келганлиги манбаларда қайд этилади. Қўқон хонлигидаги айрим беклар Худоёрхон билан зиддиятда бўлиб, Қурама беги Ёқуббек 50 нафар навқари билан Шарқий Туркистонга ўтиб кетди ва бу

ерда Еттишаҳар давлатини (1865-1877) ташкил этиб, Худоёрхоннинг акаси Маллахон ва турк султони Абдулазиз номидан тангалар зарб эттирди, Усманийлар ҳукмдорига ўз элчиларини совға-саломлар билан юборди⁵⁷.

Бухоро ҳукмдори Амир Музаффар (1860-1885) Россия ҳарбийлари Туркистон, Чимкент, Тошкент шаҳарларини забт этиб, Қўқон хонлигининг бир қатор ҳудудларини эгаллаб бораётганлиги, амирлик чегараларига яқин келиб қолганлигидан саросимага тушди.

Амир 1867 йилнинг ёзида муфтий Мулла Муҳаммад Хўжа Порсони Усманий ҳукмдор ҳузурига, яъни Истанбулга элчи қилиб узатди. Муҳаммад Хўжа Порсо амирнинг совға-саломлари ва махфий мактубини Султон Абдулазизга 1867 йилнинг 24 сентябрида топширган. Турк султони Бухоро амирлигига хайрхоҳ эканлигини билдирса-да, айти пайтда амалий ҳарбий ёрдам бера олмаслиги, тўп қуювчи ва ҳарбий маслаҳатчиларини юбориши мумкинлигини билдирган, холос.

У султонлик хазинасидан 50000 қуриш пул бериб, Хўжа Муҳаммад Порсони ҳажга жўнатган⁵⁸.

Амир Музаффар инглиз қироличасига мактуб йўллаб, инсон ҳуқуқлари поймол бўлаётганлиги, моддий-маънавий ёрдам бериш, ҳукмдор сифатида давлатни адолат билан бошқараётганлиги кабилар ҳақида уни хабардор қилади. Амирнинг шу мазмундаги мактуби Британия Ҳиндистонидаги вице-қирол Жон Лауренсга ҳам юборилган эди.

Қўқон хони Худоёрхон (1864-1876) хонликка рус босқини арафасида Туркияга Хўжа Бек Исхоқ Оғони элчи қилиб юборди. Элчи турк султони ва Истанбулдаги инглиз вакилидан ҳарбий ёрдам сўрашга қаратилган

⁵⁷ Қаранг: Тўхтиев И. Тангалар тилга кирганда. –Т.: Фан, 1989. -Б.40.

⁵⁸ Mehmet Saray. Rus ishğ'ali devrinda Osmanli devletining Turkistan hanliklari orasindagi siyasi munasebetler(1775-1875).Istanbul, 1994.–S. 101-105.

хон мактубини ўзи билан олиб борганди. Туркия султони жавоб мактубида: “Ўз халқингиз ва имкониятингизга суянишдан бошқа илож йўқ. Буни элчингиз Хўжа Бек Исхоқ Оғога тушунтирдим. Талаб қилинган тўплар ва тўпчи усталарни юбориш имкони йўқ”, -деб фикр билдирганди.

Можар олими, сайёҳ ва айғоқчи Ҳерман Вамбери (1833-1905) ҳам 1865-1867 йилларда Ўрта Осиё хонликлари Россия босқинидан қутулиб қолиш учун Англия ва Туркияга умид кўзини тикканликларини қайд этади.

1867 йилнинг 24 декабрида Истанбулдаги Англия бош элчиси Генри Эллабга Бухоро элчиси амир мактубини тақдим этган, лекин ундан аниқ жавоб ололмаган. Ўша йили Англия ташқи ишлар вазири Лорд Кларендон Россиянинг ҳаракатлари ҳарбий босқинчилик эканлиги ҳақида махсус нота берган. Бироқ, Россия ташқи ишлар вазири Горчаков ва ҳарбий вазир Милютин Ўрта Осиё масаласида Англия-Россия таъсир доиралари келишиб олишганлигини унга эслатиб қўйишган. Англия ва Туркия томонидан Россияга нисбатан салбий муносабат туфайли узоқни кўрувчи сиёсатчи Горчаков эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш тарафдори эди. Бироқ, ҳарбий вазир Милютин кескин ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш керак, деб ҳисобларди.

Бухоро амири элчилар юбориш билан чекланиб қолмади, 1868 йил 7 февралда амир ва унинг 14 нафар мансабдор шахслари инглиз ҳукуматига мактуб юбориб, унда рус қўшинлари Жиззах, Ўратепа, Янгиқўрғон кабиларни эгаллаб, минглаб оддий аҳолини, мусулмонларни қирғин қилганлиги баён этилган⁵⁹. Бу хат билан Англия эътиборини амирликка қаратиш эканлиги исбот талаб қилмайди.

⁵⁹ Содиқов Ҳ. Тарихнинг чигалсўқмоқлари //“Ватан” газетаси, 1994. №28.

Хива хонлигининг ҳукмдори Саид Муҳаммад Раҳим-хон (1865-1910) ҳам хонлик ҳудудларини Россия босиб олиши арафасида Европа давлатларидан мадад сўраган. 1872 йилда Саид Муҳаммадхон Феруз ўз элчиси Аминбой Муҳаммад ўғлини Ҳиндистон вице-қироли Норсбрук ҳузурига юборди. Элчи Ҳиндистон генерал-губернаторлиги маркази Калькуттада Лорд Норсбрук билан учрашиб, музокаралар олиб борди ва хоннинг ёрдам сўраб ёзган мактуби инглиз маъмурига топширилди. Англия Россия империяси билан очиқ тўқнашувдан хавфсирарди. Инглиз дипломатияси эҳтиёткорлик йўлини тутиб, “Англия тожидаги гавҳар” бўлган Ҳиндистон мустамлакасидан ажралишни, Афғонистондаги мавқеига путур етишидан қўрқарди. Юқоридаги омиллар туфайли Хива хонлигига ҳарбий ёрдам бермаслик йўли тutilди. Норсбрук инглиз ҳукумати Хива хонлигига хайрхоҳ эканлигини, бироқ очиқ ҳарбий ёрдам беролмаслигини билдирар экан: “Сиз имкони борича руслар билан алоқаларни яхшилашга ва мусулмон давлатлари иттифоқини вужудга келтиринг” - деб элчига панд-насихат қилишдан нарига ўтмади. Лорд Норсбрук агар рус ҳарбийлари ва Хива хонлиги ўртасида уруш очилса, Англия мададига умид қилмасликни очиқ айтган⁶⁰.

Юқоридаги тафсилотлардан келиб, чиқиб, қуйидагича хулосаларга келиш мумкин.

Совет даври тарихий адабиётларида таъкидланганидек, Ўрта Осиё хонлари Россия босқинининг олдини олиш учун ҳеч қандай чора кўрмаганликлари ҳақидаги фикр асоссиз бўлиб, амир ва хонлар ўз давлати суверенитетини сақлаб қолиш учун имкон қадар ҳаракат қилишган.

⁶⁰ Машарипова Г., Бекчанов С., Жуманиёзов Ш. XVI-XIX асрларда Хива-Россия муносабатлари /Хонлик тарихининг баъзи муаммолари (мақолалар тўплами). Урганч - 2004. -Б.28.

Ўрта Осиё хонликларининг асосий умиди Англия (Буюк Британия) ва Усманийлар салтанати (Туркия) давлатларидан бўлиб, ўз элчиларини юбориш, мактуб йўллаш воситалари орқали ушбу мамлакатлар ҳарбий мададини олишга интилишган.

Айни Ўрта Осиё Россия мустамлакасига айланиши даврида халқаро вазият хонликлар учун ноқулай бўлиб, Англия-Россия, Россия-Туркия муносабатлари кескинлашган, Усманийлар салтанати тобора Европа мамлакатларига қарам бўла бораётганлиги, ўрта асрлардаги халифачилик мавқеидан ажралаётган эди.

Ўрта Осиё масаласида Англия дипломатиясининг мағлубияти эса бир қатор омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, Россия Англияга нисбатан хонликларга яқин масофаларда турар, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши учун чегара худудларида ҳарбий қалъалари ва омборхоналар барпо этган эди. Иккинчидан, Россиянинг Ўрта Осиёга босқини арафасида инглиз мустамлакаларида халқ кўзғолонлари кўтарилиб (Ҳиндистон, Хитой ва ҳоказо) халқаро майдонда инглиз ҳукумати ва дипломатиясига ишонч сусайган эди. Учинчидан, Россия-Англия музокараларида икки мамлакат таъсир доирасининг чегараси Амударё ўнг ва чап қирғоғи бўлиб, демаркацион чегара чизиғи Амударёнинг ўртаси деб белгиланганди.

Англия ва Усманийлар салтанати Россиянинг Ўрта Осиёдаги эркин ҳарбий ҳаракатларига монеълик қилмаганда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги протекторат (ярим мустамлака) бўлмай, Қўқон хонлиги сингари Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритиб юборилган бўларди.

Кейинчалик Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини Россия империяси таркибига киритиш масаласи кун тартибига қўйилганди, империя маъмурий доиралари гуёки улар тараққиётини Россияга яқинлаштириш учун

ҳазина маблағларининг катта сарфини талаб қилади, деб ҳисоблашган.

БУХОРО ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ ТУРКИСТОНДА МАТБААЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

Россия империясида ХХ аср бошларида содир бўлган кескин сиёсий воқеликлар Бухоро амирлиги ҳудудига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Амирликда фаолият олиб бораётган тарққийпарварлар Россия марказий районларида бўлгани сингари аҳолига сиёсий ва демократик эркинликлар берилишини кун тартибига қатъий қилиб қўйдилар. Амир манифести эълон қилинганидан сўнг (1917 йил апрель) маълум бир ижобий ўзгаришлар қилишга умид туғилиб, нашриётчилик ва босмахона ишларини ташкил этиш ва йўлга қўйиш истиқболи очилгандек туюлганди. 1917 йил апрел намойиши ва кейинчалик тарихга “Колесов воқеаси” номи билан кирган 1918 йил март воқеалари оқибатида амирликда 1917 йилда ташкил қилинган босмахона биноси ҳам катта зарар кўрди. Пойтахт Бухоро шаҳри ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги “Ёш бухороликлар”нинг ташкилотлари тор-мор келтирилди⁶¹. Диний мутаасибликнинг кучайиши оқибатида илғор фикрли, зиёлиларга бўлган тазйиқ жадидларнинг Туркистон ўлкасидаги шаҳарларга қочиб кетишларига сабаб бўлди.

Туркистон ўлкасининг турли шаҳарларидан паноҳ топган жадидлар нашриёт ва матбуот ишларини жонлантириб, Бухородаги каби кенг қамровли матбуотчилик ва нашр ишларига шўнғиб кетдилар. Айниқса, Абдурауф Фитрат бу борада анчагина ибратли ва хайрли ишларни бажаришга улгурди. 1917 йил февраль ойидан Самар-

⁶¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-том, Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида // тузувчилар М. Жўраев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва бошқ.; таҳрир ҳайъати А. Азизхўжаев (раис) ва бошқ./ - Т.: “Шарқ”, 2000. - Б. 117.

қандга кўчиб ўтган Абдурауф Фитрат “Хуррият” газетаси⁶²нинг нашр этилишида самарали фаолият олиб борганлигини тарихий далиллар исботлайди. Мазкур газетанинг Абдурауф Фитрат муҳаррирлик қилган сонлари билан танишиш асносида бунга амин бўлинди.

“Хуррият”нинг 1917 йил 10 августида чоп этилган 26 - сонида Абдурауф Фитрат газетага муҳаррир бўлганлиги ҳақидаги хабар босилган. Шунингдек, газетага хат ва мақола юборувчилар қоғознинг бир томонига ёзиши, сатрлар очикроқ қолиши, агар чиройли ва тартибли ёзилмаса мақолалар нашр этилмаслиги қайд қилинган. Газета 27 – сонидан бошлаб муҳарририят рус, тожик, форс, қозоқ тилларида юборилган мақолаларни қабул қилиши, уларни ўзбек тилига таржима қилиб нашр этиши ҳақидаги эълон ҳам берилгани эътиборга лойиқ⁶³. Абдурауф Фитрат газетага бош муҳаррири бўлганидан сўнг унда сиёсий мавзу билан боғлиқ жиҳатларга кенг ўрин берилиб, “Юрт қайғуси”, “Биринчи чорамиз” каби рукнлар ташкил этилди. “Хуррият” газетасининг сонлари яширин йўллар билан Бухорога ҳам юбориларди. “Хуррият”га Фитрат муҳаррирлик қилган даврда уни умумтуркистон нашрига айланиб қолганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Фитрат газета саҳифаларида долзарб масалаларга бағишлаб ўнлаб мақолалар билан иштирок қилди. Бош муҳаррирнинг “Бухоронинг ҳоли”, “Инглиз ўйинлари”, “Инглиз ва Туркистон”, “Икки рўйхат”, “Мактаб керак” каби сиёсий мақолалари ҳамда турли мавзуларга бағишлаб, “Сайловлар яқинлашди”, “Озуқа

⁶²“Хуррият” газетаси 1917 йил февралдан бошлаб босмадан чиқади. Газета “Матбуот миллат чироғидур” шиори остида нашр этила бошланган. “Хуррият”ни самарқандлик маърифатпарвар ва тадбиркор Ақобир Шоҳмансурзода ўз маблағлари ҳисобидан таъсис қилди. Мардонкул Муҳаммадзода ҳам газетага моддий жиҳатдан ёрдам берган. Абдурауф Фитрат Самарқандга қайтганида унга Маҳмудхўжа Бехбудий тавсияси билан газета муҳаррирлиги вазифаси таклиф этилганди.

⁶³ Хуррият, 26-сон, 1917 йил 10 август.

масаласи”, “Юрт қайғуси”, “Шўрои исломнинг хатоси”, “Бу кун” каби кўплаб мақолаларини санаб ўтиш мумкин. Абдурауф Фитрат ушбу нашрда “Бухоро” мавзусини эътибордан сира қочирмаган. Газета таъсисчилари билан Маҳмудхўжа Бехбудий, Ҳожи Муин, Сайид Аҳмад Васлий каби истеъдодли қаламкашлар ҳамкорлик қиларди. Шу туфайли улар хизмати билан “Хуррият” газетасида миллий истиқлол ва озодлик учун кураш ғоялари кенг тарғиб қилинганди.

Ўзбек вақтли матбуоти ҳақида 1927 йилдаёқ махсус тадқиқот олиб борган Зиё Саид ҳам Абдурауф Фитратнинг Самарқанддаги фаолиятига тўхталиб: “Бу газета 1917 йил 16 апрелдан бошлаб Самарқанд жадиidlари томонидан чиқарила бошланди. Бошда унинг муҳаррири Мардонқул Шоҳмуҳаммадзода эди. Ундан кейин икки ойча Ақобир Шоҳмансур ўғли мудир бўлиб турди, 27-сонидан эътиборан, бош муҳаррирлигига Абдурауф Фитрат белгиланди. Таҳрир ҳайъатида Ҳожи Муин билан Саид Ризо ишлади. Газета беш юз, минг дона орасида нашр бўлиб турди. Самарқанд жадиidlари томонидан ташкил этилган “Зарафшон” ширкати китобхонасининг кўпроқ сармояси шу газетага сарф қилинди. Охирида газета моддий жиҳатдан сиқилгани учун унинг ноширлигини Муҳаммадқул Ўринбой ўғли бажариб турди. Газета бир йилдан ортиқроқ давом этиб, 1918 йилда 87 – сони чиқиб тўхтади. Бунга Бехбудий, Сиддиқий, Ҳалимий, Муҳаммадий, Ҳўқандбой, Мулла Иброҳим ва Рожийлар ёзишиб турдилар. Тил жиҳатдан муайян бир йўлга кира олмади. Мардонқулий даврида ярим туркча эди. Фитрат замонида бир оз соддалашган бўлса ҳам юксала олмади”⁶⁴, – каби фикрларни келтирган.

⁶⁴ Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870-1927). - Тошкент-Самарқанд: Ўздавнашр, 1927 (Бу асар 1974 йил Тошкентда чоп этилган Зиё Саиднинг “Танланган асарлар” китобига ҳам киритилган). – Б. 81 – 82.

1918 йилнинг баҳорида Самарқанд шаҳридан Тошкентга кўчиб ўтган Абдурауф Фитрат 1919 йилда “Чиғатой гурунги” уюшмасини ташкил этиб, бу ташкилотга ижодкорларнинг кўп сонли вакилларини “Чиғатой гурунги” туркий (ўзбек) тилининг софлигини сақлаш йўлида хайрли ишларни бажарди. Шунингдек, Абдурауф Фитрат ўз даври ижодкорларига Элбек, Боту, Чўлпон каби бадий тахаллусларни берган, улар мазкур уюшманинг ёшлар қаноти сифатида ҳам фаолият олиб борганди. “Чиғатой гурунги” аъзолари матбаачилик билан ҳам шуғулланиб, “Тонг” номи билан махсус журнал чоп эттиришган. Ушбу журналнинг ношири: Бухоро коммунистлар фирқасининг нашриёт шўъбаси эди. Журнал ҳайъати таркибига Боту, Элбеклар ҳам киритилган. “Тонг” журналида чоп этилган мақолалар аксарияти “Чиғатой гурунги” аъзолари томонидан ёзилганди. Маҳаллий вақтли матбуот тадқиқотчиси Зиё Саиднинг ёзишича, бу журналга Ўктам, Боту, Элбек, Саидали, Тошқин, улардан бошқа, Бекбўлат, Дарвеш, Намақоб, Абдуллабегий, Чўлпон, Ишчи, Лутфий, Субутой, Туйғун, Ёлқин, Жулқунбой ва Мирмуллалар ҳам қатнашиб турганлар. Зиё Саид маълумотича: “Тонг” журналининг шиори “Яшасун илмий, адабий, ижтимоий ўзгариш!, мия ўзгармагунча бошқа ўзгаришлар негиз тутмас!, Яшасун Шарқ қутулиши!⁶⁵” – деган шиор билан чоп этилган.

Матбаачилик тарихи билан шуғулланган Азиз Ҳамид ўғли Бобохонов таъкидича, “Тонг” журнали Бухорода 1920 йил 9 апрелда нашр юзини кўрган. Унинг ташаббускорлари Фитрат, Боту, Элбеклар бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилади⁶⁶.

“Тонг” (“Заря”) журнали 1920 йилда ҳам чоп этилиб, бу журналнинг саҳифаларида Абдурауф Фитрат мақола-

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви (ЎЗРМДА) Р - 56 - фонд, 1 - рўйхат, 41 - ҳужжат, 24, 25, 26, 29 - varaқлар.

⁶⁶ Бобохонов А. Асрдан ошган зиё масканлари: (тарихий очерклар) / А. Бобохонов, Р. Сафаев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2010. – Б. 121 – 122.

лари эълон қилиб борилган⁶⁷. 1920 йилнинг апрелида Абдурауф Фитрат муҳожирликдан қайтган Файзулла Хўжаевга “Учқун” газетасини чиқаришни таклиф қилди. Мазкур газетанинг муҳаррири Файзулла Хўжаев ҳисобланса-да, таҳририят фаолиятини Абдурауф Фитрат бошқариб, унинг таклифи билан “Учқун”да асли туркиялик муҳожир ўзбек Сайид Аҳрорий ҳам фаолият юритган.

Биргина Абдурауф Фитратнинг “Хуррият” ва “Учқун” газеталари ҳамда “Тонг” журналидаги матбаачилик фаолияти тажрибасини сарҳисоб қилишнинг ўзиёқ, Бухорода газета ва журналлар ташкил қилишда тараққийпарварлар қанчалик бу борада куч ва салоҳиятларини ишга солганлари муҳим омил сифатида эътиборга моликдир.

XX аср дастлабки ўн йилликлари воқеликларига шахсан гувоҳ бўлган ва ўзи ҳам матбаачилик ишида қатнашган адиб Садриддин Айний ҳам Самарқанд шаҳрида амир таъқибидан чекинган вақтларида нашриёт ва матбуот ишларини бир зум ҳам тўхтатмади. Унинг ёзишича: “Самарқандда тожик тилида “Шўлаи инқилоб” журнали ва ўзбек тилида “Меҳнаткашлар товуши” газетаси нашр бўлар эди. Бу журнал ва газета саҳифаларини турли хил имзо билан деярли якка ўзим тўлдирар эдим. “Шўлаи инқилоб” журналида “Бухоро манғит амирлари тарихи” номи билан бир тарихий очерк чиқара бошладим. Бу мақолалар цикли Бухоро инқилобига қадар бўлган даврни ўз ичига олди. 1920 – 1921 йилларда қимматчилик бўлди. Нашриёт идорасидан олган маошим бир ҳафтага етмас эди⁶⁸” – каби маълумотлар келтирадики, бу далиллар Садриддин Айний нашриёт ва матбуот ишларида шахсан иштирок этганлигини кўрсатади. Зиё Саид маълумотларида “Шўлаи инқилоб” журнали ҳақида: “1919 йил Самарқандда Саидризо Ализоданинг муҳаррир-

⁶⁷ ЎзМРДА, Р – 56 – фонд, 1 – рўйхат, 41 – хужжат, 30- варақ.

⁶⁸ Садриддин Айний. Асарлар 8 томлик 1– том / Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. -Т.: Ўзбекистон ССР давлат адабиёти нашриёти. 1963. – Б. 95; 99.

лиги остида нашрдан чиқди. Ўзи ҳафталик... Фирқа қўмитасининг нашр афкори. Бу журнал Шарққа, айниқса Эронга катта аҳамият берди...⁶⁹ – деган сўзларни ўқиш мумкин.

Туркистонда Бухоро тараққийпарварлари ва “Ёш бухороликлар” ташкилоти аъзолари томонидан амалга оширилган матбуотчилик ишлари кенг қамровли, мураккаб тарихий вазиятда, ўта зиддиятли кечганлиги билан характерланади. 1917-1920 йиллардаги Бухорода кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий воқеалардан ҳикоя қилувчи мақола ва хабарлар таҳлилий матбуотни нашр қилиш ишларининг кескин зиддиятларга тўлиб тошганлигидан далолат беради деган фикрлар манбашунос олим К. Раҳмоновнинг монографиясида имкон қадар очиб берилган⁷⁰. Тадқиқотчи “Учқун”, “Тонг”, “Қутилиш” каби газета ва журналларнинг айрим сонларидаги мақолаларига оид мулоҳазаларини таҳлил қилар экан, уларнинг бир неча сонлари нашр этилиб, тўхтаб қолиш сабабларини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Бухоролик йирик давлат ва сиёсат арбоби Файзулла Хўжаев “Учқун” газетаси ҳақида: “Инқилобий “Ёш бухороликлар” фирқаси “Учқун” исмли газета чиқариб, қайноқ сиёсий ишни бошлаб юборди ва 1917 йилдан бери “Ёш бухороликлар” томонидан ишланиб келинган программани ишлаб битириб эълон қилди⁷¹”- деган маълумотларни келтириб ўтади. Зероки, “Ёш бухороликлар” ташкилоти ўз фаолиятини сиёсий курашга қаратгани ва амирлик тартибларига қарши бўлганлиги сабабли, бу тартибларга қарши кайфиятдагиларни ўз атрофида бирлаштириш йўлида матбуот кучидан фойдаланган. Бу

⁶⁹ Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. - Т.:1927. – Б. 81

⁷⁰ Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920 – 1924 йиллар).- Т.: “ABU MATBUOT KONSALT” , 2012. – Б. 13.

⁷¹ Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар (Файзулла Хўжаевнинг 100 йиллигига). Т.: “Фан”, 1997. – Б. 151.

фикримизни адиб ва тарихчи Садриддин Айний маълумотлари билан янада қатъийлаштириш мумкин. С. Айний ёзишича: “Коммунистлар фирқаси “Тонг” исмида бир журнал чиқарган бўлсалар ҳам Бухоро масаласида озроқ баҳс қилгани сабабли “Тонг”ни ёпиб, унинг ўрнига “Қутилиш” исмида бир газета чиқардилар. Аммо, Бухоро инқилобчилари қўмитаси “Қутилиш”дан олдин “Учқун” исмида бир газета чиқармоқда эди. Икки газета ора – сира чиқарилган хитобномалар билан бирга Бухоро мамлакатада тарқалиб бутун фақир халқни қўзғатганидек, Туркистон афкори умумиясини ҳам ёшлар томонига ағдарди⁷²”.

“Ёш бухороликлар” уюшма аъзоларининг 1917 – 1920 йиллардаги матбуотчилик фаолияти сиёсий журнал адабиётлар ва газеталар чиқаришга қаратилиб, эндиликда маърифатчиликдан сиёсий – ғоявий томонга ўзгариш жараёни кузатилади. Юқоридаги фикрлар хулосасида, эндиликда амирлик тартибларини танқид қилишга қаратилган нашрлар салмоғи ошиб, оддий халқни сиёсий жараёнларга кўпроқ жалб қилиш тарғиботи кўзланганди.

Бухоролик адиб, журналистика соҳаси фахрийси Аҳмаджон Ниёзмуродов “Бухоро ҳаётининг кўзгуси” номли китобида Бухорода 1920 йилда вужудга келган айрим матбуот нашрлари ҳақида сўз юритар экан, “Қутилиш” газетасига алоҳида урғу беради. “Қутилиш”нинг нашр этилиши 1920 йил 28 июндан бошланган. Газета туғилиши биланоқ тўнтаришлар юз берган воқеалар гирдобига қўшилди. У 3 минг нусхада нашр этилиб, омма ўртасида тарқатилган. Янги туғилган газета дастлабки сонларидан бошлаб оммани озодлик ва бахтли ҳаётга, хуррият ва мустақиллик ва истиқлол учун курашга даъ-

⁷²Садриддин Айний. Асарлар. 8 томлик. 1- том / Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. -Т.: Ўзбекистон ССР давлат адабиёти нашриёти. 1963. – Б.346.

ват этди. Халқ ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлаш овози баланд янграй бошлади”⁷³- деб ёзади муаллиф.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, 1917 – 1920 йиллардаги Бухорода кечган ижтимоий – сиёсий жараёнлар натижасида тараққийпарварлар, зиёли аҳоли қатлами ва илғор фикрли кишилар қўшни Туркистон АССР ва бошқа қўшни мамлакатларга муҳожирликка кетишга мажбур бўлдилар. Туркистон ўлкасига бухоролик тараққийпарварларнинг матбуотчилик фаолияти ҳам тарихда ўзининг изини қолдирди. Улар муҳожирликда бўлганларида ҳам турли-туман нашрлар орқали Бухородаги сиёсий аҳвол ва амирлик маъмурий бошқаруви ҳақида баҳс-мунозара юритиб, демократик эркинликларни тарғиб қилишни ўз олдларига мақсад қилганликлари кузатилади. Амирлик тузумининг сўнгги йилларидаги матбаа органларида нашриётчиликда асосан сиёсий мақсадлар етакчилик қилган.

БУХОРОДА МАНФИТЛАР ҲУҚМРОНЛИГИ ДАВРИ ТАРИХИ ГЕРМАНИЯЛИК ШАРҚШУНОС ТАЛҚИНИДА

Ўрта Осиё азалдан кўҳна тарихи, қадимий маданияти, табиати, халқларнинг урф - одатлари билан Ғарб ва Шарқнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда. Шу боисдан ҳам ҳар йили европалик шарқшунос олимларнинг Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари, қадимий шаҳарлари, тарихи ва тарихшунослиги ҳақида қатор асарлари босилиб чиқмоқда. Ўлкамизнинг жаҳонга машҳур шахслари ва уларнинг дунё маънавияти хазинасига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида йирик илмий тадқиқотлар яратилмоқда. Ўлкамиз ўтмишига қизиқиш хорижда мустақиллик йилларида янада кучайди. Зероки, шўролар даврида ўрганилмаган, аниқроғи атрофлича

⁷³ Ниёзмуродов А. Бухоро ҳаётининг кўзгуси. – Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 2009 . – Б. 9.

тадқиқ этишга рухсат этилмаган тарихимиз ва маданиятимизни чуқурроқ ўрганишга имкон туғилди. Бу масалага ўзимизда алоҳида эътибор берилаётганидек, хорижда, жумладан Германияда ҳам ўзбекистонлик машхур шахслар, айниқса, хонликлар даври, Бухоро амирлиги тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда, улар ҳақида илмий тадқиқот асарлари яратилмоқда. Фикримизнинг далили сифатида германиялик шарқшунос олим, ислом фалсафаси ва илоҳиёти бўйича етук мутахассис Ульрих Рудольфнинг “Ал Мотурудий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти” монографиясини⁷⁴, Анке Фон Кюгельгеннинг Бухоро хонлиги даври тарихшунослигини ўрганишга бағишланган йирик тадқиқот ишини⁷⁵ кўрсатиш мумкин. Ўрта асрларда ислом маданияти ва маънавиятининг маркази бўлган, айти вақтда дунёга юзлаб маърифат дарғаларини етиштириб берган Бухоро ва Туркистон тарихида ҳақиқатдан ҳам ўзига хос мавқе ва аҳамият касб этган. Айниқса, манғитлар сулоласи ҳукмронлик қилган йиллардаги Бухоро амирлиги тарихи (1753 - 1920) хорижда ҳам, Ўзбекистон тарихшунослигида ҳам бугунга қадар илмий мунозараларга сабаб бўлмоқда. Германиялик шарқшунос олим Анке Фон Кюгельген манғит амирлари тарихининг маҳаллий тарихшунослар асарларидаги XVIII – XIX асрлар даври талқинига бағишланган йирик илмий тадқиқотини чоп эттирганлигини юқорида қайд этдик.

Аввало, мазкур илмий асарнинг муаллифи бўлган Анке Фон Кюгельген ҳақида фикр юритсак. Анке Фон Кюгельген Германиянинг Бохум шаҳридаги Рур университетининг “Россия ва Марказий Осиёдаги мусулмон маданияти (XVIII-XIX асрлар)” мавзусида халқаро илмий тадқиқотлар лойиҳаси бўйича фаолият олиб боради. У

⁷⁴Ульрих Рудольф .Ал Мотурудий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. –Т.,2002.

⁷⁵ Анке Фон Кюгельген.Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведения историков(XVIII – XIX вв). –Алматы. :Дайк – пресс, 2004 г. -516 стр.

1995-1999 йилларда Қозон, Санкт-Петербург (Россия), Тошкент ва Душанбе (Тожикистон Республикаси) кутубхоналарида самарали изланишлар олиб борди. У араб ва форс-тожик тилларини мукаммал эгаллаганлиги учун асл қўлёзма манбалар устида самарали ишлади. Муаллиф ўнлаб қўлёзма асарлар устида ишлаб, уларни Ғарбда яратилган Бухоро тарихига оид тадқиқотлар билан қиёсий таҳлил қилди. Анке Фон Кюгельген Бухоро тарихшунослиги соҳасида ўлмас тарихий тадқиқот ярата олди, десак муболаға бўлмайди.

Китоб мазмуни билан танишар эканмиз, Бухоро амирлиги тахтини бошқарган дастлабки манғит ҳукмдорлари: Муҳаммад Раҳимхон (1753-1758), Муҳаммад Дониёлбий оталиқ (1758 - 1785), Амир Шоҳмурод (1785 – 1800), Амир Ҳайдар (1800-1826) кабиларнинг шахсияти, сиёсий фаолияти, ҳукмдор сифатидаги ижобий ва салбий фаолияти кабилардан воқиф бўламиз⁷⁶.

Анке Фон Кюгельген маълумотича, XVIII аср охиридан XIX аср ўрталарига қадар салкам 90 йил ичида, юқорида номлари зикр этилган 4 та манғит амирларига бағишлаб маҳаллий тарихчилар ва йилномачилар 9 та йирик асар яратганлар. Тарихшунослик соҳасида қалам тебратган шахсларнинг тўрттаси сарой тарихчиси, 2 таси манғит амирларининг фарзандлари, 1 таси умуман саройдан узоқ киши, 1 тасининг асл касби чўпон, 1 таси ҳеч қаерда саводини чиқармаган шахс эди⁷⁷.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган маҳаллий тарихчиларнинг асарлари билан ҳам олим батафсил танишган. Илк манғитлар даври тарих-

⁷⁶ Биз устида фикр юритаётган ушбу китоб илк бор “Бухорода биринчи манғит ҳукмдорларининг тарихшунослиги (1747 - 1826)” номи билан 1999 йилда Германияда немис тилида чоп этилган.

⁷⁷ Бундан кейинги иқтибослар, ушбу китобдан олинган фикрлар фақат қавс ичида, бетлар билан кўрсатилади.

шунослари: Муҳаммад Шариф (“Тадж-ат таворих”), Мирзо Содик Мунший (“Тарихи манзума”), Мир Абдулкарим (“Аҳволоти мамлакатҳо подишоҳон”), Мир Ҳусайн Мирий (“Маҳозун-ат-токва”), Муҳаммад Ёқуб Дониёлбий ўғли (“Рисола”), Хумулий (“Тарихий Хумулий”), Мирзо Шамс Бухорий (“Баёни баъди ҳаводисоти Бухоро, Ҳўқанд ва Қошғар”) каби асарларнинг асл нусха ва қўлёзма ҳолатида ўрганилиб, улардаги воқеалар тафсилотлари бошқа ўнлаб манбалар билан қиёсий таҳлил қилинганлиги жуда катта ҳажмда илмий ҳосила олинганлигидан далолат бериб турибди.

Китобнинг илмий қадр-қиммати шундаки, Ғарб тарихшунослигида ҳанузгача давом этиб келаётган Шарқ мамлакатларидаги маҳаллий тарихчиларнинг асарлари нуқул ҳукмдорлар шаънига ҳамду-санолар айтиш, мақтовлардан иборат қуруқ йилномачилик (хроника) тарзида битилган деган ноўрин қарашларга чек қўяди.

Таъкидлаш жоизки, биз номларини келтирган тарихчиларнинг баъзилари 2-3 та ҳукмдор амирликни бошқарган даврда яшашган. Шу туфайли улар янгидан тахтга келган амир даврида олдин ўтган ҳукмдор шаънига объектив ва холисона фикр айтиш имконидан фойдаланишган.

Иккинчидан, ушбу асар билан танишар эканмиз, бизга совет мафкураси асосида таълим беришганидек, хон ва амирларнинг барчаси “жоҳил”, “қонхўр”, “бойликка ва айш-ишратга муккасидан кетган” шахслар бўлганлиги билан боғлиқ узоқ йиллар давомида онгимизга ўрнашиб қолган ғайриилмий фикрлар ноўринлиги аён бўлди. Тўғри, истиқлол йилларида ўтмишни холисона тадқиқ қилишга бағишланган анча самарали ишлар амалга оширилди, дарслик ва ўқув қўлланмалардаги бир ёқлама, советча қарашлар билан боғлиқ фикрларга чек қўйилди. Бироқ хон ва амирлар билан бир даврда яшаган, тарихий воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган шахсларнинг

ёзиб қолдирган асарлари орқали ҳақиқатдан воқиф бўлиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Манғитлар сулоласининг биринчи ҳукмдори Муҳаммад Раҳим оталиқ ўзини “хон” деб эълон қилади. Маҳаллий тарихчилардан унинг жияни Муҳаммад Ёқуб (Дониёлбийнинг ўғли) амакисини жасур, ўз мақсадига эришиш йўлида куч-қуввати ва иродасини аямайдиган, ҳарбий саркардалиқ қобилиятига эга шахс бўлганлигини қайд қилади. Бироқ унинг шахсиятидаги ижобий хислатлар билан бирга салбий жиҳатлар ҳам қаламга олиниб, исломий маънавият ва маърифатдан мукаммал хабардор эмаслиги баён қилинади (309-бет). Хумулий эса уни “маҳоратли қўмондон”, “адолатпарвар” деб таърифлаб, мамлакатни марказлаштиришдаги хизматларини ёзади (310-бет).

Муҳаммад Раҳимхондан меросхўр ўғил фарзанд дунёга келмаганлиги туфайли ундан кейин амакиси Муҳаммад Дониёлбий оталиқ амир бўлиб, тахт эса оилавий сулоладан қариндошчилик сулоласига ўтади. У мамлакат осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, ислом ва шариат қонун-қоидаларини жорий қилиш учун курашганлиги маҳаллий тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган. Дониёлбийдаги кўнгилчанлик ва раҳмдиллик хислатлари туфайли 92 ўзбек қабилаларининг оқсоқоллари мустақилликка интилганлиги, юқори чиндаги сарой амалдорлари ўз мансабини суистеъмол қилишга киришиб кетганликлари ҳам эътибордан четда қолмайди (315-320 бетлар). Муаллифлар Дониёлбийдан кейин яна оилавий сулола анъанаси бошланганлигини ёзар эканлар, Шоҳмурод амирлик қилган давр (1785 - 1800) амирлик тарихида энг ривожланган йиллар бўлганлигини тан оладилар.

Шоҳмурод 8 ёшида Кармана вилояти ҳукмдори бўлган. Тарихчи Мирийнинг ёзишича, унга отаси болалик йиллариданоқ ҳарбий санъат сирларини ўргатган. У

кейинчалик Қарши ҳукмдори бўлган (321-бет). Укаси Муҳаммад Ёқубнинг ёзишича, Шоҳмурод куннинг биринчи ярмида фикҳ илми билан, тушдан сўнг эса “Қуръон”нинг сура ва оятларини ёд олиш билан шуғулланган, 8 ёшидаёқ “Қуръон”ни ёд билган (325-бет). Шоҳмурод камтарона ҳаёт кечирган, энг арзон ва оддий кишилар киядиган оёқ кийимини кийган. Оиласининг бир кунлик харажати 7 тангадан ортмаган. Оила эҳтиёжларини Бухоро атрофидаги “Работи Кофирун” қишлоғида истиқомат қилувчи, исломни қабул қилмаган кишилардан тўпланадиган “жизья” солиғи ҳисобидан қондирган.

Шоҳмурод олим ва фузалоларга ғамхўрлик қилган, ислом ва исломий қоидаларни мустаҳкамлаш йўлида ҳарбий ҳаракатлар олиб борган. Марвга қарши уюштирилган юришлардан бирида омади чопмаган Шоҳмурод ўз мулозимларига ғоз тутиб келишни буюради. Ўша пайтда кимсасиз бир ғордан ғоз ушлаб келиниб, уни учириб юборишади. Шоҳмурод ғозни нишонга олиб ўқ узади, отган ўқи нишонга хатосиз текканлигидан хурсанд бўлган амир Бухорога “ғолиб” бўлиб қайтган (399-бет). Шоҳмуроднинг адолатпарвар ҳукмдор бўлганлиги ҳақида XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги бухоролик маҳаллий тарихчилар ҳам илҳомланиб ёзадилар. Жумладан, Аҳмад Дониш (1827-1897) Шоҳмурод ҳақида фикр юритиб: “Ҳар минг йилда битта улуғ ҳукмдор келиб кейинги ривожланишни бошлаб беради. Ушбу минг йилнинг 500 йили ижобий ўзгаришлар, 500 йилида эса таназзул рўй беради, ҳар 100 йилнинг ҳам ўзаро нисбати 50 йилдандир. Мусулмон календари (ҳижрий) билан VIII асрда Амир Темур ҳукмронлик қилди, XIII асрда эса Амир Шоҳмурод исломий ривожга ҳисса қўшди”, деб қайд қилади (414-бет). С.Айний эса (1878-1954) “Шоҳмурод ўқувчи ва олимларга ғамхўрлик қилди, мамлакатда

интизом ўрнатди”-деб ижобий фикр билдиради (415-бет).

Амир Шоҳмуроднинг отаси давридаги қозикалон ва қушбегига нисбатан кескин олий жазо, яъни ўлим жазоси беришини ўша давр тарихчилари айрим ҳолларда “адолатни тиклаш учун кўрилган тўғри чора-тадбир”, деб баҳоласалар, айрим ҳолларда шафқатсизлик сифатида қоралайдилар (328-бет)⁷⁸. Амир Шоҳмурод ўз ҳукмронлиги йилларида кўпроқ диний тавсифдаги жамоат бинолари қурдирган.

Амир Ҳайдар даврида унинг аждодлари эгаллаган “оталиқ” мансаби фахрли ном бўлиб қолиб, амирликдаги барча диний ва дунёвий мансабларни назорат қилиш мақомидан маҳрум бўлган (98-бет). Шоҳмурод замонидаёқ оталиқ ўз мавқеини йўқотиб бораётган, кўп ҳолларда суғориш ишларини назорат қилиш вазифасини бажарарди (97-бет).

Амир Ҳайдар исломий илмларни эгаллашга ёшлигиданоқ қасамёд қилган бўлиб, хотин-қизларга меҳрибонлиги билан ажралиб турган. У мадрасада 11 йил давомида таълим олиб, маълум муддат мударрислик ҳам қилган. Ўша давр тарихчиларининг асарларида Амир Ҳайдарнинг диний илмдан мадрасада таълим олувчи 400-500 нафар атрофида талаба шогирдлари бўлганлигини қайд қилишган. Муллаваччаларга чуқур илм бериш мақсадида Амир Ҳайдар Истанбул (Усманийлар салтанати)дан шахсан китоблар юборишларини сўраб мурожаат қилган. Амир динийуламолар билан мунозарага киришиб ўзининг бу соҳадаги илмини вақти-вақти билан имтиҳондан ўтказиб турган (103-бет).

⁷⁸ Бу ўринда зулми ва зўравонлиги, адолатсизлиги ва порахўрлиги билан халқ нафратига сабаб бўлган Низомиддин қозикалон ва Давлатманд қушбеги ҳақида фикр юритилган.

Амир Ҳайдар тарих фанига Шоҳмуроддан кўра кўпроқ иштиёқманд бўлиб, унинг давридан бизгача 4 та йилнома етиб келган (105-бет).

Манғит амирлари, айниқса, Амир Ҳайдар диний ва дунёвий маълумотда шайбоний ва аштархоний ҳукмдорлардан устун бўлган. Бухоро унинг даврида ислом илмлари марказига айланган. Амир Ҳайдар ўзи томонидан чиқарилган барча фармонлар ва тарихий ҳужжатларни тўплаб тартибга солишни буюрган. Унинг даврида Бухоро аркида ҳашаматли меҳмонхона қурилган ва халқ ташаббуси билан мактаб, масчит, хонақоҳ, мадраса кабилар қурилишига ҳомийлик қилинган (403-бет).

Амир Ҳайдар даврида Бухоро амирлиги Қорақўл, Бухоро, Кармана, Миёнқол, Самарқанд, Жиззах, Қарши, Лубоб, Балх вилоятлари ҳамда Марв ва Бадахшон тобе ҳудудлардан иборат бўлган. Шунингдек, Афғонистоннинг шимолий қисмидаги Маймана ва Андхўй ҳам унинг давлати тасарруфига кирган (85-91 бетлар). Мовароуннаҳр тарихчилари Шоҳмурод ва Амир Ҳайдар даври Бухоро амирлигининг кучайган, гуллаб-яшнаган йиллари эканлигини ёзиб қолдирганлар.

Анке Фон Кюгельген ўз тадқиқотида профессорлардан Пўлат Солиев (1882-1937), Абдурауф Фитрат (1886-1937), Мирзо Ҳамид Абдулқодирбек ва Шарифжон Махдум (Садр Зиё, 1867-1932) кабиларнинг манғит амирлари тарихига оид асарларини ҳам таҳлил қилган. П. Солиев ва А. Фитрат асарларида совет мафкураси таъсири кучли бўлганлиги туфайли ҳукмдорларга асосан салбий баҳо берилганлигига эътибор қаратилган (380-388 бетлар).

Фон Кюгельген манғит амирлари давлатни бошқаришга киришишидан олдин ўзларининг келиб чиқишини тарихий сулолаларга боғлаб, турли атамалар билан атаб тахтга ўтирганликларини ёзади. Муҳаммад Раҳим ўзини “хон” (улуғ ҳукмдор) деб атади ва

аждодларини “хон авлодлари” сулоласидан эканликларига ишора қилади. Дониёлбий “оталиқ” унвонида қолиб, расмий жиҳатдан аштархонийлар хонадони вакилларида хон кўтарди.

Шоҳмурод ва Ҳайдарлар “амир” (буюк саркарда) деб ном олдилар. Шоҳмурод давридан бошлаб манғит ҳукмдорлари “амир” номи билан тахтни бошқариб келдилар. Шоҳмурод ва Амир Ҳайдарлар сўфийликнинг нақшбандийлик сулукига мансуб бўлиб, уларнинг жасади ҳам Имло Эшон қабристонига дафн этилган.

Муаллиф умуман тарихда ҳукмдорлар тахтга келганидан кейин ўзларини “хон”, “султон”, “халифа”, “подишоҳ”, “амир” кабилар билан аташи, ўз шажарасини Чингизхон ва унинг авлодларига, Усманийлар салтанати ҳукмдорларига, Муҳаммад пайғамбар авлодлари кабиларга боғлаш билан ифодаланишини очиб берган.

Германиялик шарқшунос олимнинг Ўрта Осиё тарихнавислигига оид асарида айрим жузъий ҳолатлар ҳам учрайди.

Баъзи бир тарихий саналарнинг баёнида ноаниқликлар мавжуд. Жумладан, XX аср бошларида Эронда рўй берган инқилобий воқелик 1906 йил деб қайд қилинган. Аслида ушбу тарихий сана 1905-1911 йилларни ўз ичига олади (365-бет).

Шарифжон Маҳдум (Садр Зиё) исм-шарифи ҳамма жойда Садр Зиё тарзида қўлланилган. Тадқиқотчининг китоб муқаддимасида ўзи таъкидлаганидек, Тожикистон Республикасида ўша йиллардаги (1990 йиллар охири) сиёсий нотинчликтуфайли қўлёзма манбалардан фойдаланиш имконияти чекланганлиги ҳам китобни бунданда мукамал чоп этилишига тўсқинлик қилган.

Хулоса ўрнида қайд қилиш мумкин бўлардики, Анке Фон Кюгельген Ўрта Осиё тарихшунослигининг XVIII-XIX асрлар даврига оид йирик илмий асар ёзишдек вазифани удалай олган. Унинг ушбу китоби Бухоро тарихи ва

тарихшунослиги соҳасида яратилган илмий ишларнинг энг мукаммалларидан бири сифатида бу соҳа мутахассисларига катта илмий-амалий ёрдам беради.

БУХОРОНИНГ СЎНГГИ АМИРИ САИД ОЛИМХОННИНГ МУҲОЖИРЛИКДАГИ ҚИСМАТИ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ТАЛҚИНИДА

Бухоро амирлигининг сўнги хукмдори Саид Олимхон (1881-Бухоро, 1944-Кобул, 1910-1920) ва унинг тарихий тақдири ҳақида истиқлолнинг ортда қолган йилларида талайгина мақола ва асарлар яратилди. Таъкидлаш жоизки, Амир Олимхон сиёсий қиёфаси ва унинг ҳаёти йўлини ёритувчи тадқиқотлар бевосита Ватанимиз тарихига оид бўлган муҳим жиҳатларни ҳам ўрганишга хизмат қилади.

XX асрнинг биринчи чорагида Зарафшон воҳасида ва бутун Туркистон минтақасида кечган сиёсий жараёнларда Амир Олимхонга дахлдор бўлган масалалар ҳам қараб чиқилмоқда.

Ушбу тадқиқотда ота-боболаридан мерос бўлиб қолган тахти ва она Ватанидан жудо бўлган, бир умрга муҳожирликка маҳкум этилган Амир Саид Олимхон ҳақида айтиш мумкинки, “олимхоншунослик”ка оид ишлар тўғрисида бир қадар фикр юритилади. Ушбу мавзу мазмунини ёритишга хизмат қиладиган ўнлаб китоб ва тадқиқотларни санаб ўтиш мумкин. Аввало, амирнинг бевосита ўзи томонидан ёзилган “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” ва Ўзбекистон тарихининг собиқ совет даври ҳақида маълумот берувчи бир қатор нашрларни қайд қилиш ўринли бўларди⁷⁹.

⁷⁹Амир Саид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. -Т.: Фан. 1991, -31 бет; Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида (2 китоб) // Тузувчилар:М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камалов ва бошқ. Таҳрир хайъати: А.Азизхўжаев (раис) ва бошқ. -Т.: “Шарқ”, 2000. -Б.250-251. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (учинчи китоб). Андижон - 2004. -Б.278-285.

Амир Олимхон ўзининг эсдаликларида Афғонистон ҳудудига ўтишнинг сабаблари, афғон амири Омонуллахон (1919-1929) ҳузурида, Кобул шаҳрида бўлганлиги, мужоҳидлар ҳаракатига раҳбарлик қилганлиги, халқаро ташкилотларга ҳамда йирик давлатларга ёрдам сўраб қилган мурожаатлари билан боғлиқ маълумотларни келтиради. Амир 1921 йилнинг 4 март куни Тожикистоннинг Кўлоб вилоятига қарашли Вахш дарёсининг Чубек ирмоғидан ўз ортидан 200-250 минг (50 минг оила) ўзбек ва тожикларни эргаштириб қўшни Афғонистон ҳудудига ўтади. 1920 йилларда амирликни Керки ва Чоржўй бекликларидаги 35 минг оила туркманлар ҳам 2 млн. бош чорва моллари билан қўшни давлат ҳудудига ўтиб кетишган⁸⁰.

Амир Олимхоннинг Афғонистон давлатига муҳожирликка кетиш сабаблари, яъни айнан ушбу ҳудудни танлашидаги омиллар ва амирнинг бундан кейинги ҳаёт йўли, ўша пайтдаги сиёсий вазият тадқиқотчилардан Мир Ғулом Ғубор, Саййид Мансур Олимий, К.Абдуллаев, Қ.Ражабовва ушбу рисола муаллифларидан бирининг илмий изланишларида⁸¹бир қадар баён қилинган.

Юқорида номлари зикр қилинган муаллифлар Амир Олимхоннинг Афғонистонга ҳижрати қизиллар хужумига

⁸⁰ Афғонистондаги туркманлар ҳақида // Озод Бухоро. 68-сон, 1924 йил 29 март; ЎЗРМДА. 48-ф, 1-р. 7-в.

⁸¹ Абдуллаев К. Из истории Бухарской послереволюционной эмиграции (Историографии проблемы) // *Общественные науки в Узбекистане*. 1990, №4. –С. 47-53; Он же: Бухарская послереволюционная эмиграция (к историографии проблемы) // В сб: *Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: Теория, проблемы, перспективы изучения*. -Т: Фан, 1991. –С.187-196; Бойко Б. Среднеазиатское эмиграция в Афганистане в 20-е с начале 30-х годов XX века // *Ўзбекистон тарихи*, 2004, №3; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. -Т. Маънавият, 2002. -142 бет; шу муаллиф. Юрт дийдорига талпиниб... // *Ўзбекистон овози*, 1996 йил 25 октябрь; Мир Гулям Губар. Афганистан на пути истории. -М.: Наука. 1986, -С. 126-128; Саййид Мансур Олимий. Бухоро -Туркистон бешиги. Бухоро -2004, -Б.89-91; Ҳайитов Ш. Амир Олимхон ва афғон амирлари // *Бухоронома*, 2002 йил 26 январь; шу муаллиф. Бухоро-Туркистон бешиги: тарих ва тақдир // *Бухоронома*, 2004 йил 25 июнь; шу муаллиф. Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро-2005. -Б.29-34 ва ҳоказо.

бардош беролмаганлиги туфайли келиб чиққанлигини далиллайдилар. Айниқса, К.Абдуллаев хорижий манбаларга таянган ҳолда амир муҳожирликда яшаш учун танлаган мамлакат: Афғонистон ўзаро яқин чегараларда жойлашганлиги, узоқ масофаларга чўзилган чегара чизигининг ўша пайтда бўш қўриқланганлиги, афғон ва Бухоро амирлари ўртасида азалдан ҳамкорлик алоқалари мавжудлиги, диний омил каби асосларни бирин-кетин санаб ўтади. Тадқиқотларда Амир Олимхон Афғонистон пойтахти Кобулда меҳмонлардек кутиб олинганлиги қайд қилинади. Амирнинг Кобулдаги биринчи қароргоҳи Ҳусайн Кавт боғи бўлган, кўп ўтмай у Ҳошимхон боғига кўчирилган, сўнгра Муродбек қалъасига ўтказилган. Кобулдан 11 км узоқликда жойлашган Фатух қалъаси амирнинг сўнгги қароргоҳи бўлиб қолган. Амир афғон ҳукумати белгилаган 12 минг афғон рупийси (кейинчалик 14 минг рупий) миқдоридagi нафақа ва 1 млн олтин сўм маблағга эга бўлган заргарлик дўконидан келган даромад ҳисобидан яшаган⁸².

Амир Олимхон шахси билан боғлиқ хислатлар, унинг Бухорода яшаган даврдаги ва муҳожирликдаги оилавий ҳаёти ҳақидаги масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу йўналишда Н.Наимов, А.Эгамназаров, М.Олимпур, М.Ҳасаний, Ражаббой Отатурк, Қ.Ражабов, С.Жалилов⁸³ кабиларнинг ишларини санаб ўтиш мумкин.

1923 йил ёзида БХСР ҳукуматининг қарори билан Амир Саид Олимхоннинг оналари Тўраойим, Шамсияойим, Тўтиойим, қизлари Хосиятой, Саодатой, завжалари

⁸²Сайид Мансур Олимий. Бухоро -Туркистон бешиги. Бухоро-2004, - Б.86-89.

⁸³ Наимов Н. Эгамназаров А. Амирнинг авлодлари // Шарқ юлдузи, 1992, №3. - Б.167-184; Наимов Н. Амирнинг зурриёди. Бухоро-1996; Олимпур М. Бухоро сўнгги амирнинг аччиқ қисмати //Ленинобод ҳақиқати (Тожикистон), 1993 йил 1 июль; Мажид Ҳасаний. Юрт бўйнидаги қилич ёки истило. -Т.: Адолат. 1997. -Б. 68-71; Ражаббой Отатурк. Юракдаги Бухоро. -Т: Маънавият.1996; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Устод Айний публицистикасида Бухоро тарихи муаммолари //Бухоро мавжлари, 2004, №3. -Б.23-24;Жалилов С. Бухорийлар қиссаси. -Т., 2006.-281 бет.

Муҳаррамойим, Мушаррафойим, Муборакойим, Хурсан-дойим, амакилари Мир Муҳаммад Сиддиқ Музаффархон ўғли, Мир Носир Музаффархон ўғли, Мир Абдул Азимхон Музаффархон ўғли, синглиси Шохой, туққан онаси Давлат Бахт ва бошқа яқин қариндошлари ўз ихтиёрларига кўра Афғонистонга юборилди⁸⁴. “XX аср 90-йиллари бошида 2 завжаси, 12 нафар ўғли, 10 нафар қизи тирик эди. Улар Туркиянинг Ғозиантиб шаҳрида, шунингдек, АҚШ, Германия, Афғонистон, Покистон, Саудия Арабистони ва Эронда истиқомат қилардилар. Улар 1993 йил сентябрь Бухорони зиёрат қилишди⁸⁵”, - деб ёзади Қ. Ражабов.

Амир муҳожирликда ҳам бир неча бор уйланиб, унинг хорижда 37 фарзанди, 16 ўғиллари ва 21 та қизлари дунёга келди. Амир Олимхоннинг фарзандлари Афғонистондан ташқари Туркия, Саудия Арабистони, Покистон, Эрон, Германия, АҚШ каби мамлакатларда истиқомат қилишяпти⁸⁶ каби маълумот берилади бошқа асарларда.

Муаллифларнинг ёзишича, амир Афғонистон амирлари Омонуллахон (1919-1929), Бачаи Сақо (1929, январь-октябрь), Нодиршоҳ (1929-1933), Муҳаммад Зоиршоҳ (1933-1973) кабилар билан мулоқот ва учрашувларда бўлган. Амир Олимхон улардан большевикларга қарши курашда ёрдам сўраган. Бироқ, афғон амирлари унинг илтимосларини жавобсиз қолдиришган. Амирнинг совет ҳокимиятига қарши курашни давом эттириш истаги натижасиз қолади. 1922 йилнинг ёзидаги ҳарбий тўқнашувларда Анвар пошо (1881-1922) енгилиб, Балжувонда ҳалок бўлганидан сўнг Анвар пошо “босмачилар”ининг кўплари Афғонистонга, амир олдига қочиб кетдилар⁸⁷.

⁸⁴ Ражабов Қ. Юрт дийдорига талпиниб... // Ўзбекистон овози, 1996 йил 25 октябрь.

⁸⁵ Ўша жойда.

⁸⁶ Олимпур М. Бухоро сўнгги амирнинг аччиқ қисмати // Ленинобод ҳақиқати (Тожикистон), 1993 йил 1 июль.

⁸⁷ Сотувчи сифатида босмачилар ичида // Ёш Туркистон, 1930 йил декабрь. 13-сон, -Б.32.

Тадқиқотларда Амир Олимхоннинг шахсий хислатлари ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Амир Олимхон ижобий хислатларга эга бўлиб, Кобулдаги Қалъайи Фатухда “бедилхонлик” ҳамда “шеъроят кечалари” ўтказган. Кобулдан келган афғон футбол жамоаси билан муҳожир ўзбекларнинг “Турон” командаси ўртасида мусобақа уюштириб, мусобақада намунали ўйин кўрсатганларни совғалар билан тақдирлаган. Амир шарқона миллий кийимда юриш ва миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни сақлашда бошқа муҳожир ўзбекларга намуна кўрсатган. Амирнинг Афғонистонда туғилган фарзанди Сайид Умархон: “Падарибузрукворимизшикор(ов)ни хами кўрар эдилар. Амир Омонуллахон билан овга чиқиб ўзларининг ўта мерганликларини кўрсатган эдилар, афғон амири билан бирга тушган суратлари бор. Суратда афғон амири европача кийимда, отамиз эса бухороча кийимда тасвирланганлар⁸⁸”, - деб хотирлайди.

Амир Олимхон ўз фарзандларини ўқитиш, уларга инглиз ва урду каби хорижий тилларни ўргатиш учун ўқитувчилар ёллаганлар. Кобулда унинг фарзандларига Британия Ҳиндистонининг Миробод шаҳридан келган ака-ука Хўжа Раҳматулла ва Хўжа Кароматуллоҳлар сабоқ беришган. Амир Олимхон фарзандлари орасидан шоир, журналист, врач, давлат арбоблари етишиб чиққан⁸⁹.

Амир Олимхон сиёсий мавқеини йўқотган бўлсада, у билан айна бир пайтда инглиз ва совет айғоқчилик идоралари қизиқишган. Оға Муҳаммад исмли “Доривор” лақабли инглиз жосуси онаси билан бирга амир боғида яшаб Англияга амир ва унинг оиласи ҳақида маълумот бериб турган... Амирнинг Кобулдаги Фатух боғида Нарзулла исмли шахс яшаб, чой қайнатиб берувчилик хизматида бўлган. У ҳар куни амир олдида кимлар келиб кет-

⁸⁸ Ражаббой Отатурк. Юракдаги Бухоро. -Т.: Маънавият, 1996 йил, -Б.48.

⁸⁹ Мажид Ҳасаний. Эслатилган китоб. -Б.69.

ганлигини инглизларга етказиб, улардан бир ойда 600 кольдер олиб турган.

Амир Олимхон Афғонистонда Ватан меҳри ва ҳасрати билан яшади. Амир Олимхон шахсияти ва унинг муҳожирликдаги ҳаёти билан боғлиқ масалада келгусида янада мукамал тадқиқотлар яратилади деган умиддамиз.

БУХОРОНИНГ МУХТАСАР ҚОМУСИ

Тарихий манбаларда турли тилларда ўнлаб номлар билан аталган, таърифи ва тавсифи беқиёс бўлган Бухоро ҳақида асар ёхуд китоб яратиш инсонга фахр ҳамда ғурур бағишлайди. Ушбу хайрли ишга қўл урган, асл Бухоро фарзандлари бўлган, тарих фанлари докторлари, профессорлар Қ.К.Ражабов ва С.И.Иноятовларнинг “Тафаккур” нашриётидан 2016 йилда “Бухоро тарихи” китобини чоп эттириб, китобхонлар ҳукмига ҳавола этишлари, энг қувонарли ишва айни муддао бўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

Мазкур китоб тарих ёзишнинг анъанавийлик андозаларидан чиқиб, айтиш мумкинки, энциклопедик услубда ёзилган ва узоқ йиллар давомида муаллифларнинг илмий изланишлари, кузатишлари, бой илмий-назарий тажрибаларимаҳсули эканлиги яққол кўзга ташланади.

Бухоро кўп асрлар давомида “Фохира” (“Фахрли шаҳар”), “Буғ аро” (“Тангри жамоли”, “Тангри сайқал берган шаҳар”), “Илмлар мажмуаси”, “Мадинат-ус-суфра” (“Савдогарлар шаҳри”), “Қуббат-ул ислом” (“Ислом гумбази”), “Бухорои Шариф” (“Шарофатли Бухоро”) каби номлар билан улуғланиб келган. Бухоро тавсифи ва униномини келиб чиқиши устидаги илмий баҳслар ҳамон давом этмоқда. Сўғдийшунос, арабшунос, хитойшунослар ва кўплаб манбашунос олимлар “Бухоро” атамаси устидаги изланишларида шаҳарни “Пасттекисликдаги шаҳар”,

“Ибодатхона” (ўша даврларда ибодатхоналар илм-фан маркази бўлган) каби изоҳларни келтирадилар.

Устида мулоҳаза юритилаётган китобда Бухоро ҳақида умумий маълумотлар, “Бухоро” атамасининг келиб чиқиши ҳақидаги мулоҳазалар, воҳа аҳолисининг шаклланиши ва этник таркиби масалалари тарихий изчилликда, ширали, содда, равон ва халқчил тилда баён этилган.

Бухоронинг табиати, географияси, ландшафти, ер ости ва ер усти бойликлари, ширин-шакар мевалари, моддий-маънавий маданияти, Шарқ ва Ғарб цивилизациясида тутган ўрни ҳақида турли даврларда яшаган тарихчи, сайёҳ, адиб ва ёзувчиларнинг асарларидан лавҳалар келтирилганлиги ушбу заминга меҳр-муҳаббатни кучайтиради. Жумладан, “Бухоро-Туркистон Рими” (Жюль Верн), “Бухоротаърифга сиғмайдиган иқбол юлдузли дин вашариат қарор топган қуббатул ислом шаҳридир. Бу ерни қадимдан суви ширин, ҳавоси латиф, ноз-меъматлари бисёр” (Маҳмуд ибн Вали), “Бухоро Шарқнинг Мадинасидир (Алоуддин Атомалик Жувайний), “Бухоронинг “ҳаммомлари ғоят моҳирона қурилганки, бунга ўхшашлари дунёда йўқ” (Антоний Женкинсон), “Бухоро-жаҳон савдогарларининг омборхонаси” (Егор Мейендорф) кабилар фикрларининг иқтибос ҳолатида келтирилиши Бухорога қадами етган ҳар бир шахс у ҳақда бирор бир илиқ фикр айтмай қолмаганлигидан далолат беради (43-50-бетлар).

Китобда Бухоро тарихи солномасида юз берган муҳим воқеалар хронологик тартибда келтирилган. Зарафшон воҳаси ва Бухорода ўтган сулолалар, уларнинг ҳукмдорлари, фаолиятлари тўғрисида мухтасар фикр-мулоҳазалар билдирилган. Айниқса, сомонийлар ҳукмронлиги даври (874-999) ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Бухоро ўзининг жаҳонга машҳур меъморий обидалари билан бугунги кунда дунё сайёҳлик марказига айланиб

бораётганлиги таъкидланар экан, шаҳар ва унинг атрофида мавжуд бўлган ўнлаб маданий ёдгорликлар ҳақида китобда маълумотлар келтирилади. Арки Олий, Бухоро қалъаси, Регистон майдони, Бухоро дарвозалари, мадрасалари, миноралари, масжидлари, савдо расталари (тим ва тоқилар), хонақолари, муқаддас қадамжолари (қабристон ва мақбаралар), ҳаммомлари, меъморий ёдгорлик мажмуалари, қалъа ва қўрғонлари ҳақида китоб саҳифаларидан маълумотга эга бўламиз (144-202 бетлар).

Китобнинг “Бухоронинг машҳур кишилари” бўлимида бу заминдан ўтган таниқли уламолар, олим, шоир ва адиблар, ҳукмдор ва давлат арбоблари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Имом ал-Бухорий, Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Имом Кабир Бухорийлардан бошлаб, етти пир, Жўйбор хўжалари, ўнлаб шайбоний, аштархоний, манғит ҳукмдорлари тарихи ҳақида қизиқарли лавҳалар асар мағзига сингдирилган. Нафақат ҳукмдорлар, балки оталиқ ва қушбегилар тарихи тўғрисида фикрлар билдирилганлиги эътиборга лойиқ (202-284 бетлар).

“Бухоро тарихи” китобини варақлар эканмиз, унинг саҳифаларида Ўзбекистонистиклолива озодлиги йўлида турли тарихий даврларда кураш майдонига кирган, Ватан ва халқ манфаати учун ўз жонини гаровга тиккан бухороликлар ҳақидаги воқеликлардан хабардор бўламиз. Айниқса, XX аср дастлабки ўнйиллигида “Озодлик!, Тенглик!” шиорларини кўтариб, қўлига қурол олган Мулла Абдулқаҳҳор, Ҳайит Амин, Ўрмон Полвон, Остон Қоровулбеги, Ҳамро Полвон кабилар жасоратидан воқиф бўлинади (288-292 бетлар).

XX асрда Бухородан етишиб чиққан давлат ва жамоат арбоблари: Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Ҳошим Шоиқ, Порсо Хўжаев, Абдулвоҳид Бурҳонов, Мукамил Бурҳонов, Абдуқодир Муҳиддинов, Муинжон Аминов, хуллас, бу рўйхатни узоқ давом

эттириш мумкинки, муаллифлар ушбу каби шахсларнинг қисқача биографиясини тарихий изчилликда баён этишган (292-344 бетлар).

Бухоро олимлари, шоир ва адиблари, санъаткор ва рассомлари, машхур спортчилари, сармоядорлари, таълим тизими, меъморий-бадий музейқўриқхоналари, маданий-оқартув муассасалари, соғлиқни сақлаш тизими, оммавий ахборот воситалари ҳақида муаллифлар манбаларга бой маълумотлар келтиришган. Китобнинг 415-442 саҳифалари Бухоро шаҳрини мустақиллик йилларидаги залворли одимларини тавсифлашга бағишланганлиги эса эътиборга лойиқ.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу китобдан Бухоро тарихига қизиқувчилар етарлича маълумотлар олиш билан бирга, ўлкамиз тарихи ҳақида ўз билимларини янада бойитиш имкониятига эга бўладилар.

“Бухоро тарихи” китобида муаллифлар жуда катта ҳажмдаги илмий вазифани бажаришган. Бухоронинг қайнар булоқ сингари битмас-туганмас тарихидан гавҳар шодаларини бир китоб доирасида тўплаб, бугунги авлодга тақдим этишдекхайрли иш бажарилганлигининг ўзиёқ таҳсинга сазовор.

Бироқ, “Бухоро тарихи” китобига айрим эътирозларимиз ҳам бор. Биринчидан, китобда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маърифий жабҳаларда Бухоро тарихида кечган воқеликларнинг тарихий-хронологик кетма-кетбаён қилиш қоидаси бузилган. Унинг 78-115 саҳифаларини эгаллаган “Бухоро тарихи солномаси”ни китоб сўнггида бериш ўринли бўларди. Ёхуд, Бухорода чоп этилган матбуот органлари ҳақидаги маълумотларни ҳам бир жойда тўплаш керак эди. Шунингдек, газета ва журналлар ҳақида фикр юритганда “Бухоро университети илмий ахбороти”, “Педагогик маҳорат”, Республикада ягона бўлган “Психология” журналлари ҳақида мухтасар маълумот берилса, фойдадан холи бўлмасди.

Иккинчидан, “Бухоро тарихи” асосан далил ва рақам санаш, маълумот келтириш йўналишида ёзилган бўлиб, турли даврларда олиб борилган изланишлар тўпланмаси бўлиб қолганлиги сезилади. Тўғри, бу ҳақда муаллифларнинг изоҳлари мавжуд. Бироқ, Бухоро тарихи ҳақида ёзилган китобга китобхонлар эътибори ўта жиддий бўлишмасъулиятини унутмасликкерак.

Юқоридаги нуқсонларга қарамай, К.К. Ражабов ва С.И.Иноятовлар маънавий жасорати туфайли кўп йиллардан буён Бухоро илмий жамоатчилиги қалбидаги истак рўёбга чиқиб, “Бухоро тарихи” китоби нашр юзини кўрди.

Ҳурматли олимларимиз китобнинг сўнггида “Бухоро ёши нечада?” – номли сарлавҳа билан чиққанликлари ҳам тасодифий эмас. Бухорода ХХ аср бошларидан бугунги кунимизга қадар бир қатор археологик экспедициялар фаолият юритиб, 1997 йил 18-19 октябрда биринчилардан бўлиб Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи халқаро миқёсда нишонланди. Бироқ, муаллифлар ўринли таъкидлаганидек, Бухоронинг ёши камида Самарқанд шаҳри билан тенг бўлиши, ёхуд шаҳар 3000 ёшда эканлиги қайд этилади. Шаҳар ёши билан боғлиқ масала очиқ бўлиб қолаётганлигининг омиллари эса, Бухородан бирорта ўз мактабини ярата олган таниқли археолог олим етишиб чиқмаганлиги, узоқ вақт олий малакали археологлар тайёрлаш йўлга қўйилмаганлиги, ХХI асрда давлат миқёсида йирик археологик экспедициялар (хориж ва маҳаллий олимлар иштирокида) уюштирилмаганлиги кабилардир. Бухоронинг айрим тарихий объектларида вақт-вақти билан олиб бориладиган қазилар билан бу улкан вазифани бажариш амалда мумкин эмаслиги аён. “Бухоро тарихи” китоби устида мулоҳаза юритар эканмиз, бизда қуйидагича таклиф ва мулоҳазалар билдириш истаги туғилди.

1. Қ.К.Ражабов ва С.И.Иноятовларнинг “Бухоро тарихи” китобини истиқболда инглиз, немис, француз ва

бошқа хорижий тилларга таржима қилиб, сайёҳларга, чет эллик Бухоро тарихи тадқиқотчилари ва ихлосмандларига тарқатиш ҳам илмий, ҳам сайёҳлик (туризм) соҳаси ривожига хизмат қилган бўларди.

2. Китобни Бухоро тарихига бефарқ бўлмаган ватандошларимиз орасида тарғиб қилиш ва улар хонадонига етиб боришини таъминлаш ҳам истиқболдаги вазифадир.

3. "Бухоро тарихи" китоби заминида ва бошқа ўлка тарихига оид мақола ҳамда асарлар, манбаларни тўплаб кўп томлик "Бухоро энциклопедияси"ни яратиш вақти келди, деб ҳисоблашга асосларимиз бор.

БУХОРОДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИНГ МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ ВА АДАБИЁТЛАР ТАСНИФИ

"Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси"да таълим, илм-фанни ва тарбияни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, рақобат-бардош миллий кадрлар тайёрлаш ва бўш ишчи ўринлари ажратиш масалалари долзарб қилиб қўйилди. Истиқболдаги улкан вазифаларни бажариш учун ўзбек педагоги-каснининг тарихий тажрибаси муҳим ўрин тутади. Айниқ-са, Бухорода асрлар давомида таълим-тарбияда ўзига хос йўналиш ва анъаналар вужудга келиб, улар яшовчан бўлиб келмоқда.

Ушбу машқимизда Бухорода XIX аср охири - XX аср бошларида таълим-тарбия тизимини ўрганишга асос бўладиган манбалар ва адабиётлар таҳлилига эътибор қаратилади. Ушбу масала ҳеч қачон ҳозиргидек долзарблик касб этмаган. Айтиш мумкинки, бу зарурий мавзулардан бири бўлиб келган.

Россия империяси Бухоро амирлигини протекторат (ярим мустамлака) қилганидан сўнг (1868, 1873 йиллардаги шартномалар асосида), амирлик ушбу давлатнинг хом ашё базасива саноат маҳсулотларини сотадиган бозорига айланди. Амирлик ҳудудида руспоселениелари ва шаҳарлари вужудга кела бошлади, Европа маданияткириб келиши билан эса амирликдаги таълим-тарбия масалалари, унинг тарихий педагогик асослари билан қизиқиш янада кучайди.

XIX аср охири - XX аср биринчи чорагида Бухорода таълим-тарбия масалаларига оид манба ва эълон қилинган ишларни бизнингча, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Кўрсатилган тарихий-хронологик босқичда яшаб фаолият кўрсатган кишиларнинг асар, мақола ва эсдаликлари. Бухоро амирлиги даври воқеаларининг бевосита гувоҳи бўлган Аҳмад Дониш (1827-1897), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Садриддин Айний (1878-1953), Файзулла Хўжаев (1896-1938), Мусо Саиджонов (1890-1938)⁹⁰ кабиларнинг асарлари, эсдаликлари, мақола ва илмий публицистик-бадий характердаги китоблари бир пайтнинг ўзида ҳам манбавий ҳам тарихий маълумот беради. Ушбу муаллифларнинг ишлари орқали биз Бухоро амирлиги ва БХСРдаги

⁹⁰ Аҳмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург-Сталинабад: Таджикгосиздат; 1960.-298 с.; шу муаллиф. Наводир ул-вақое (Нодир воқеалар). Форс- тожик тилидан А.Ҳамраев ва А.Шокиров таржимаси. -Т.: Фан, 1964. -41 бет; Абдурауф Фитрат. Нажот йўли (Раҳбари нажот). -Т.: Шарқ, 2001. -176 бет; шу муаллиф. Спор Бухарского мударрисас европейцем в Индии о новометодных школах (перевод с персидского полковника Ягелло. -Т.: 1911. -48 стр; шу муаллиф. Танланган асарлар. Т. I. Маънавият. 2001. -208 бет; Т. 4. -2006.-322 бет; Т. 5. -2010. -304 бет; Садриддин Айний. Қисқача таржимаи ҳолим. Н.Маликов таржимаси.-Т.: ЎзССР Давлат бадий адабиёти нашриёти, 1960. -136 бет; шу муаллиф. Асарлар. Эсдаликлар (I-II-қисмлар).-Т.: 1953. -312 бет; III қисм. 1965.-240 бет; IV қисм; 1965.-312 бет. шу муаллиф. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. 8 томлик. -Т 6. 1963. -Б. 181-350; Хўжаев Ф. Бухоро инқилобитарихига доир. -Т.: Ўздавнашр, 1926 (1996). -126 бет; Саиджонов М. Бухоро шаҳри ва эски бинолар // Маориф ва ўқитувчи. 1927.-№3-4. -Б.8-11 ва ҳоказо.

маориф, таълим тизими, бу борадаги ислохотлар ҳақида муҳим далил ва рақамлар ҳамда тарихий воқеликларга гувоҳ бўламиз.

Аҳмад Дониш асарларида Европа ва Туркия таълим тажрибаси, Россиядаги илғор ғояларни жорий этиш масаласи илгари сурилган. Қомусий олим ибрат-намуна, оила ва тарбия, ҳунар ва тарбия каби компонентларни тарбияда муҳим омиллар деб ҳисоблайди. Бироқ инсон ҳаётида тақдири азалга ҳам ишониш кераклигини ўз шахсий ҳаёти мисолида баён қилади.

Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” ва “Оила” китоблари тўлиғича таълим-тарбия масаласига бағишланган. Файзулла Хўжаев мақолаларида ва тарихий китобида жаҳид мактаблари, уларнинг фаолият босқичлари таҳлил қилинган. Хуллас, юқоридаги китоблар таълим-тарбиянинг ислоҳ қилиш масалаларига йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

2. Бухоро амирлиги ва БХСРда бўлган европалик элчи, сайёҳ, айғоқчи, тадқиқотчиларнинг маълумотлари ва хотиралари.

3. Совет давридаги тадқиқотлар.

4. Мустақиллик йилларида эълон қилинган ишлар.

5. Хорижда чоп этилган тадқиқотлар.

Иккинчи гуруҳ манбаларга Бухоро амирлиги ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати (БХСР) йилларида саёҳатчи, элчи, айғоқчи, тадқиқотчи каби мақсадларда этносоциал тадқиқотлар олиб борган, ўз эсдалик ва хотираларини чоп эттирганларнинг ишларидан ҳам амирлик ва республика даврига тегишли таълим-тарбия тизимига оид айрим маълумотларни олиш мумкин. Ушбу гуруҳга Россия давлати айғоқчиси 4 ой давомида Бухорода “Татаристонлик мулла”ниқобида истиқомат қилган, миллати француз бўлган П.Демезон ва рус вакили Н.Ханников, можар олими Ҳерман Вамбери,

шунингдек, Л.Костенко, Д.Логофет, А. Шубинский⁹¹ кабиларни киритиш мумкин. Улар Бухоро хонлиги ва амирлигидаги мактаб вамадраса таълимини тарихий далилларда кўрсатишган.

Совет ҳокимияти йилларида Бухоро амирлиги ҳамда БХСРдаги таълим ва тарбия тизими масалалари К.Бендриков, А.Самойлович, Л.Ремпель, О.Сухарева, Н.Йўлдошев, Б.Эргашев кабиларнинг китоб ва мақолалари⁹²да бир қадар тадқиқ қилинган. Ушбу муаллифлар асарларида Бухородаги таълим-тарбия масалалари алоҳида тадқиқот мавзуси қилиб олинмаган бўлсада, улардан ўрганилаётган мавзуга оид кўпгина рақам ва далилларни олиш мумкин.

Мустақиллик йилларида бутун Марказий Осиё минтақасида, шунингдек, Бухорода биз ўрганаётган тарихий босқичда таълим-тарбия тизимини ўзида мужассамлаштирган, янгича назарий-методологик ёндашув асосида илмий ишлар эълон қилинди. Айниқса, Бухородаги анъанавий таълим тизими, унинг муаммолари масалаларига қаратилган фундаментал асарлар чоп эттирилганлиги кўзга ташланади. Бу соҳада манбашунос олим Абдусаттор Жуманазар ва тарихчи олима Феруза

⁹¹ Записки о поездке в Бухару П.Демезона (1833-1934). В кн. История Узбекистанав источниках.-Т.: Фан, 1990;Ханыков Н. Опицание Бухарского ханства. СПб: Императорской академии наук. 184-308 стр.; Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. -Т.: Адабиёт ва санъат. 1996.-96 бет; Костенко Л. Путешествие в Бухару русской миссии в 1876 году. СПб; Б.И. 1876.-107 стр; Логофет Д. Бухарское ханство и его современное состояние.-СПб: Б.И.Изд. В.Березовского, 1909.-357 стр; он же. История завоевания Бухарского ханства под русским проректоратом. Т.1. СПб. Б.И.-1911. -340 стр.; Шубинский А. Очерки Бухары.-СПб.1910.-356 стр.

⁹² Бендриков К.Очеркипо историинародного образования в Туркестане (1865-1924); Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари //Туркистон, 1991, №4-6. -Б.20-21; Самойлович А. Первое тайное общество младобухарцев // Восток. 1922. -№ 1. -С.97-99; Ремпель Л. Далекое и близкое. -Т.: 1981. -301 стр; Сухарева О. Бухара XIX-начало XX вв. -М.: Наука, 1966. -327 стр; Эргашев Б.Идеология национально-освободительного движения вБухарском эмирате. -Т.:Фан.1991.-116 стр.

Бобожонова⁹³ларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ф.Бобожонованинг номзодлик диссертацияси монографияси ва ўнлаб илмий мақолаларида XIX аср охири-XX аср бошлари Бухоро амирлигидаги бошланғич ва юқори босқич таълим тизими, анъанавий таълим муаммолари, ҳолати, таълим жараёни, амирликда маърифатпарварлик ғоялари тарғиботи, янги усул мактаблари очилиши, улар-даги муаммовий жиҳатлари очиб берилган. Абдусаттор Жуманазар китобининг тадқиқот доираси кенг бўлиб, бой манбалар ва адабиётлар таҳлили орқали Бухоро таълим тизимининг VIII асрдан бошланган тарихи, бошқарув тизими, таълим соҳасининг моддий таъминот тизими, Бухоро мадрасалар тарихи (324 та мадраса номи, тарихи, алфавит бўйича келтирилган), шунингдек, мадрасалар ҳолати, уларга совет ҳокимиятининг муносабати масалалари талқин этилган.

Мустақиллик йилларида Ш.Воҳидов, И.Долимов, Д.Зияева, Н.Йўлдошев, Н.Наимов, Э.Орифжонов, Қ.Ражабов, А.Саидов, Б.Қосимов, Г.Солижонова, У.Уватов, Н.Ғафуров, Ш.Ҳайитов⁹⁴каби ўнлаб олимларнинг ишлари чоп

⁹³Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири-XX аср бошларида).-Тарих фанлари номзоди дисс... автореферати. -Т.: 2011. -30 бет; шу муаллиф. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири-XX аср бошлари). -Т.: "ADIB". 2014. -126 бет; Абдусаттор Жуманазар. Ўргимчак китоби. -Т.: Янги аср авлоди,2003. -96 бет; шу муаллиф. Бухоро: таълим тизими тарихи. -Т.: "Akademnashr",2017. -592 бет.

⁹⁴ Воҳидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его библиотека (Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века). Книга I.-Т.:Янги аср авлоди. 2007. -184 стр.; Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. -Т.: Университет, 2006. -125 бет; шу муаллиф. Эски мактаблар // Тафаккур. -2010. -№7. -Б.66-73; Зияева Д. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари //Тошкент ислом университети. Илмий-таҳлилий ахборот. - 2009. -№3. -Б.10-12; шу муаллиф. XX аср бошида Ўзбекистонда анъанавий таълим тизими /XX аср Ўзбекистонда маданият тарихидан очерклар.-Т.: 2011. -Б.18-20; Йўлдошев Н. Абдурауф Фитратнинг "Раҳбари нажот" ("Қутқарув йўли") асаридан мухтасар фасллар. Бухоро-1996. -17 бет; Наимов Н. Бухоро жадидлари. -Т.: Фан. 2000. -42 бет; Орифжонов Э. XX аср бошларида Бухородаги жадид мактаблари //Халқ таълими, 1997. -№3. -Б.50-53; Ражабов Қ. XX аср бошларида Туркистон ёшлари //Хуқуқ ва бурч, 2008. №1. -Б.40-43; №2. -Б.35-37; Саидов А. Бухоро ва Хива фикҳ

этилдики, уларда Бухородаги анъанавий таълим тизими ва уни ислоҳ қилиш учункураш масаласи миллий истиқлол мафқураси нуқтаи-назаридан ўрганилган.

Истиқлол йилларида Бухорода таълим ватарбия тарихи масалалари билан хорижлик олимлар ҳам шуғулланиб, маҳаллий журнал ва нашрларда улар асарлари мақолалари чоп этилганлигини қайд этишўринли бўларди. Бундай олимлар қаторига Элен Каррер д'Энкаус, Анкефон Кюгельген кабиларни киритиш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда педагогика тарихини янги талаблар асосида ўқитишга қаратилган бир қатор дарслик, ўқув қўлланма, хрестоматиялар чоп этилиб, улардан мухтасар бўлсада, Бухорода XIX аср охири - XX аср бошларида анъанавий таълим тизими ва тарбиясига оид маълумотлар ҳам ўрин олган. Ушбу гуруҳ қаторига О.Ҳасанбоева, Ж.Халанбоев, Ҳ.Ҳамидов, К.Ҳошимов, С.Нишонова, М.Имомов, Р.Ҳасанов, А. Қодиров, Э.Орифжонов ⁹⁵ кабиларнинг китобларинисанаб ўтиш мумкин. Кейинги даврларда ушбу дарслик, қўлланма ва хрестоматияларни қайта кўриб чиқиш, улардаги

мактаблари анъаналари тарихидан //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. №7-8. -Б.50-51; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маънавият, фидойилик. -Т.: Маънавият. 2002. -178 бет; Солижанова Г. Учебно- просветительские очаги в Туркестане и общественное значение (конец XIX- начало XX вв.). Авт.дисс.... канд.ист.наук. -Т.: 1998. -28 стр; Уватов У. Донолардан сабоқлар. -Т.: Халқ мероси, 1994. -126 бет; Гафаров Н. История культурно-ровительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. -Худжанд.: Госиздат, 2000. -176 стр. Ҳайитов Ш. Усмонхўжа Пўлатхўжаев - миллий мустақиллик курашчиси. Бухоро-2006. -56 бет.

⁹⁵ Ҳасанбаева О. Педагогика тарихиданхрестоматия. Педагогика олий билим юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. -Т.: Ўқитувчи, 1992. -208 бет; Ҳасанбаева О., Ҳасанбаев Ж., Ҳомидов Ҳ. Педагогика тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1997. -248 бет; Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова Ж., Ҳасанова Р. Педагогика тарихи.-Т.: Ўқитувчи, 1996. -446 бет; Hoshimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi. II qism. Darslik. -Т.: 2005. -304 бет; Қодирова А., Орифжонова Э. XX аср бошларида Бухоро мадрасаларида ўқитиш услублари //Шарқ машъали. 1997. -№1-2. -Б. 4-9 ва ҳоказо.

ноқисликлар ва айрим хатоликларни тузатиш ҳақида фикрлар билдиришмоқда⁹⁶.

Хорижда чоп этилган тадқиқотларда ҳам Бухоро XIX аср охири- XX аср бошларида таълим-тарбия масалалари ҳақида илмий фикр-мулоҳазалар юритилган. Шундай муаллифлардан Заки Валидий Тўғон, Ширин Акинер, Инковский, Паоло Сартори⁹⁷ кабиларнинг асарларида Бухоро таълим ва тарбия ислом мафкураси асосида йўлга қўйилганлиги унинг муаммоларига оид маълумотлар илмий қийматга эга эди.

Хуллас, XIX асрнинг кинчи ярми – XX аср биринчи чорагида Бухорода таълим-тарбия тизими билан боғлиқ манбаларни мустақиллик мафкураси асосида ўрганиш, тўпланган материаллардан илмий-иждоий хулосалар чиқариш вазифаси тўла ҳал қилинган эмас. Бу йўналишдаги тадқиқотлар давом этмоқда.

БУХОРОНИНГ НОЁБ ЁДГОРЛИГИ - ИСМОИЛ СОМОНИЙ МАҚБАРАСИ (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ МАТБУОТИДАГИ БИР МАҚОЛА ХУСУСИДА)

Бухоронинг моддий ва маънавий бой тарихи ўтмишнинг барча босқичларида муаррихларни ўзига мафтун қилиб келган. Айниқса, ўрта асрларда Бухоро шаҳри ва унинг атрофида бунёд этилган тарихий бетакрор обидалар, уларнинг мусулмон дунёсидаги ўрни ва роли беқиёс эканлиги исбот талаб қилмайди.

X-XII асрларда Бухоро нафақат Шарқда, қолаверса, бутун дунёда илм ва маданиятнинг улуғ бир масканига айланган. Айни ушбу асрларда иқтисодий тараққиёт,

⁹⁶ Қаранг. Абдусаттор Жуманазар. Бухоро: таълим тизими тарихи. -Т.:2017. -592 бет.

⁹⁷Zeki Velidi Togan. Bugungi turk til(Turkestan) ve Vakin Tarek .-Istambul. 1981. -354 s; Akinder Gh. Islam peoples of the Soviet Union. -London. Payl international. 1983. -462 s; Ienkovskiy S.A. Pan-(Turkestan)Islam in Russian. Cambridj-1967. -88s; Paolo Sartori. Altro che Seta.Covano e progresso in Turkestan (1865-1917).Prato, 2003.-158 s.

ижтимоий-сиёсий барқарорлик, сомонийлар ва қорахонийлар даври ҳукмдорларининг олиму фузалоларга ҳомийлик қилиши, улар томонидан яратилган илмий кашфиётларга ҳадя ва совғалар берилиши маданият ривожига кенг йўл очган. Нафақат Бухорода, қолаверса, мусулмон дунёсининг турли мамлакатларида олимлик рутбасига эришган илмли ва илмпарвар кишилар Бухоро ҳукмдорлари ҳимматидан баҳраманд бўлишган. Бугунги кунда ўзининг қурилиш санъати ва бетакрор жамоли билан минг-минглаб сайёҳларни ўзига жалб қилаётган Бухоро ҳукмдорлари қароргоҳи Арк, Исмоил Сомоний мақбараси, Минори Калон кабилар юқорида қайд қилинган асрларнинг меъморий гултожиларидир. Шунинг учун моддий ва маънавий тарихимиз ҳақида юртдошларимиздан қайси бири бирор-бир калом айтишга жазм қилар экан, ўз она юрти тарихий осори-атиқалари ҳақидаги фикрларни маржон шодаларидек оқ қоғозга туширар экан, мўъжизакор обидалар қурилиш санъати, тарихи, мусулмон ва Шарқ меъморчилигидаги мавқеи ҳақида фахр ва эҳтирос билан ёзади.

Устида фикр юритадиганимиз Бухоро Халқ Совет Республикаси йилларида (1920-1924 йиллар) матбуот жонкуярларидан бири бўлган, “биринчи муҳаррир” номи билан тарихга муҳрланган Саид Аҳрорийнинг⁹⁸ “Исмоил Сомонийнинг сағанаси (X аср ёдгорлиги)” номли салмоқли мақоласи таҳлили ҳақидадир. Аввало, мақолани

⁹⁸Маҳмуд Саид Аҳрорий -1895 йилда Арабистонда туғилган. 1920 йилнинг кузида Бухорога келади ва Ёш бухороликлар партиясига аъзо бўлиб киради. Шу вақтдан бошлаб, БХСРнинг ягона матбуот органи “Бухоро ахбори” газетасида муҳаррир вазифасида хизмат қилади. 1921 йил июнидан БХСРнинг Озарбайжондаги консули бўлиб ишлади. Бухорога қайтгач, 1923-1924 йиллар давомида “Озод Бухоро” газетасида муҳаррир ўринбосари ва давлат нашриёти раҳбари лавозимларида фаолият юритди. 1925 йилдан Саид Аҳрорий Самарқандда молия-иқтисод техникумида ўқитувчилик қилган. 1930 йил 12 ноябрда айнан шу ерда хибсга олинган. 1931 йил 23 майда Москва шаҳрида РСФСР жиноят мажмуасининг 58-моддаси 4-банди билан отувга ҳукм этилган. Ўлимидан сўнг оқланган.

чоп этилиши билан боғлиқ масалага бир қадар аниқлик киритсак.

Саид Аҳрорийнинг номи зикр қилинган мақоласи “Озод Бухоро” газетасининг “Тарих ва осори-атиқа” рукни остида чоп этилган бўлиб, у газетанинг 1924 йил 27 сентябрдаги 146-сонидан ўрин олган⁹⁹. Ушбу мақолани ёзишга муаллифни айнан БХСР йилларида Бухоро тарихий обидаларини ўрганиш, асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодга етказиш, бу борада таъмирлаш ишларини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилганлиги ундаган. “Бухоро инқилоби” даврида шаҳар ичидаги тарихий обидаларнинг анчаси шикаст кўрган. Оғир иқтисодий аҳвол ва сиёсий вазиятга қарамай, БХСР Нозирлар Кенгаши Бухорони кўрки бўлган обидаларни таъмирлаш ва янгидан тиклаш учун маълум миқдорда маблағ ажратган. Афтидан, қаламкашлик тажрибасига эга бўлган, ўтмишни чуқур билган шахслардан бири Саид Аҳрорий ҳукуматни ва жамоатчиликни эътиборини Исмоил Сомоний мақбарасига қаратган. Мақолада: “Исмоилнинг (ҳукмронлик йиллари: 874-907) буйруғи билан жуда яхши зийнатланган муҳташам, шоҳона бино солинғондур, тарихнинг гувоҳлигига кўра, бу жой чиройли боғлар, кўркам ҳовузлар, гулзор ва фонтанлар ҳамда доимо оқиб турғон ариқлар билан қуршалғон бўлиб, жуда жозибали кошона бўлғондур”¹⁰⁰, - деб ёзади муаллиф.

Саид Аҳрорий Исмоил Сомонийнинг хўжалик ва ободончилик соҳасидаги хайрли ишларини бирма-бир санаб чиқади. Сунъий суғориш соҳасига алоҳида эътибор қаратилганлиги, шаҳар ободончилиги йўлида боғу роғлар барпо этилганлиги, мадрасалар, масчит ва хонақолар қурилганлиги ҳақида ғурур билан ёзади. “Бироқ, - дейди муаллиф, - уларнинг кўпчиликлари замонлар ўтиши

⁹⁹ Қаранг. Саид Аҳрорий. Исмоил Сомонийнинг сағанаси (X аср ёдгорлиги) // Озод Бухоро. 146-сон. 1924 йил 27 сентябр.

¹⁰⁰ Ўша мақола.

билан тарих қаърига кетди. Бирдан-бир ўша давр ёдгорлиги Сомоний сағанаси ҳозиргача йўқолмаган бир атиқадур. У қиммати назар диққатларни жалб этгон, араб ва форс меъморчилигининг кўшилишидан пайдо бўлгон бир усул каби кўринсада, бутунлай бошқача бир кўриниш арз этадур”. Бу обида ҳақида ёзар экан, Саид Аҳрорий бундай меъморчилик санъати усули бетакрор эканлиги, ўзига хослиги, бино оддий бўлиб кўринсада, ғиштлари жуда санъаткорона, тўғри, текис ва залворли терилганлиги билан ажралиб туришига эътиборни қаратади. Ўрта асрларда пишиқ ғишдан бинолар барпо этиш анъанаси шаклланганлиги, ғишларнинг девордан бир қадар чиқиб туриши, бу эса сояли чизиқлар ҳосил қилиши баробарида тамоман ўзгача латиф бир шакл беришини синчковлик билан илғай олган.

Мақола матни билан танишар эканмиз, С.Аҳрорий Сомоний мақбарасининг қурилиш усулини ундан икки аср кейин қурилган Минораи Калон шакли билан чоғиштиради. “Исмоилнинг сағанасига қарағанда минорнинг ғишлари деворидан ташқарига жуда оз чиққондур. Исмоилнинг сағанасида эса бу ғишлар жуда кўп илгари чиқиб, бундан ҳосил бўлгон сояли чизиқлар бинога тамоман бошқача бир шакл берадур”, -деб ёзади муаллиф. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, минора “инқилоб даври”да кўп шикаст кўрган. Шунинг учун Саид Аҳрорий Сомонийлар мақбараси Минори Калонга нисбатан яхшироқ сақланганлигига алоҳида урғу беради.

Сомонийлар мақбараси тарихнинг нодир меъморий обидаси экан, унинг кўринишини сақлаш, кўзга яққол ташланиб туришига эришиш учун обиданинг латофатини янада жозибали қилиб кўрсатишга хизмат қиладиган тавсияларни ҳам мақола матнидан ўрин олганлиги унинг илмий қимматини оширган. С.Аҳрорий шахсий тавсияларига кўра, кейинги асрлардамақбара олдида бунёд этилган уй (бино)лардан бири тарихий обиданинг

тўлалигича кўзга ташланишига тўсиқ бўлиб қолганлиги, ўша иморатни эҳтиёткорлик билан олиш кераклиги қайд этилади. “Шунда,- деб ёзади Саид Аҳрорий, - Исмоил сағанасининг кўрар кўздан яширинғон тарафи очилиб, бутун нафосатини арз эта оладур”. Иккинчидан, асрлар давомида сағана қанчалик мустақкам қурилмаган бўлмасин, унинг шикаста бўлган, сал нураган жойларини таъмир этиш зарур деб ҳисобланади.

“Яна бир вазифа – бинони озода тутиб қуббасининг устидаги лайлак уяси тездан кўтарилган тақдирда осори-атиқамизга ҳурмат этилғон бўлур эди”, –деган фикрлар билан мақолага сўнгги нуқта қўйилади.

Бундан бир аср муқаддам ёзилган С.Аҳрорийнинг мақоласи Сомонийлар мақбарасининг ўша даврдаги ҳолати ва кўриниши ҳақида маълумот бериши билан қимматли манбадир. Мақола матнининг чуқур таҳлили шуни кўрсатадики, у 3 қисмдан иборат.

Мақоланинг биринчи қисмида муаллиф И.Сомоний яшаган тарихий давр, ҳукмдорнинг моддий ва маънавий маданият ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси, бунёдкорлик фаолияти ҳақида фикр билдиради.

Иккинчи қисмида эса мақбаранинг Бухоро тарихий обидалари орасидаги беқиёс ўрни, қурилиш услуги ва санъати, бундан юз йиллар олдинги аҳволи ҳақида фикр ва мушоҳада юритилади.

Ниҳоят, мақола сўнгги қисмида Сомонийлар мақбарасини асраб-авайлаш, бутунлиги ва жозибаторлигини сақлаш ҳақида аниқ тавсиялар берилади.

БХСР йилларида Бухородаги Сомонийлар мақбараси сингари тарихий обидаларнинг таъмирлашдек қутлуғ ишлар тўлалигича бажарилмади. Истиқлол туфайли моддий ва маънавий бойликларимиз халқимизга қайтарилди. Тарихий обидаларга, қадриятларимизнинг муҳим бир бўғини сифатида қаралиб, Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси ва Минораи Калон Бутунжаҳон нодир

обидалари рўйхатига киритилганлиги С.Аҳрорий сингари аждодларимизнинг орзу-умидлари амалиёт кўзини очганлиги билан бир асрлик тарихий довон орқали бизни боғлаб турибди.

БУХОРО ШАҲАРСОЗЛИГИ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА

XX аср иккинчи ярми ваXXI асрнинг ортда қолган йилларида жаҳонда урбанизация жараёнлари жуда тез кечди. Аҳолининг шаҳарларга кўчиб ўтиши ва табиий ўсиш шаҳарларнинг кенгайишига, улар сонини кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда. Халқаро нуфузли ташкилот БМТ статистикасига кўра, ҳар қандай аҳоли пункти шаҳар статусини олиш учун 20 минг сонли аҳолига эга бўлиши керак. Айрим мамлакатларда бу рақам асос қилиб олинмай, масалан, Россия Федерациясида 12 минг аҳоли яшаётган марказлар шаҳар статусига эга бўлмоқда. Агар XX аср бошларида дунё аҳолисининг 14 фоизи шаҳарларда истиқомат қилиб, 12 та“миллионер” шаҳар мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда ер юзи аҳолисининг 45 фоизи шаҳарларда истиқомат қилиб, 200 та “миллионер” шаҳарлар рўйхатга олинган¹⁰¹.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам инсоният цивилизацияси ва шаҳарсозлик маданияти тарихида мислсиз ҳисса қўшган, тенги йўқ шаҳарлармавжудлиги, улар турли тарихий босқичларда ўзига хос ривожланиш хусусиятларига эга эканлиги билан ажралиб туради.

2010 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида 1199 шаҳар манзилгоҳлари, жумладан, 119 шаҳар ва 1080 та шаҳарчалар мавжуд. 2009 йил 13 мартда Вазирлар Маҳкамасининг 86-сонли қароридан сўнг 966 та шаҳарчалар ташкил топиши биланмамлакатда урбанизация жараёнлари кўрсаткичи мислсиз ошиб, мамлакат бутун

¹⁰¹ // “XXI аср” газетаси. 2013 йил 16 май.

аҳолисининг 51,7 фоизи шаҳарларда яшамоқда. Рақамлар шуни кўрсатадики, республика ҳудудининг 70 фоизи чўл зонасидан иборат. Бухоро вилоятида эса 88,6 фоиз (35,7 минг км²) майдон чўлларга тўғри келади. Юқорида қайд этилган қарордан сўнг Бухорода жами 60 та шаҳарчалар (Далмун, Харгўш, Гаждумак, Саёт кабилар шулар жумласидандир) вужудга келди. Чўл шароитида шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фарқ қилади. Чўл шароитида вужудга келган шаҳарлар аҳолиси асосан 20 минг кишидан кам, яъни кичик шаҳарлар ҳисобланади. Ҳозирда чўлли ҳудудларда 35,7 фоиз, тоғ ва тоғолди ҳудудларда 65,3 фоиз республика шаҳарлари мавжуд.

Бухоро вилоятида 73 та шаҳар ва шаҳарчалар рўйхатга олинган бўлиб, улар вилоятнинг чўл-воҳа ва чўл-яйлов қисмларида жойлашган. Чўл-яйлов қисмида учта “ресурс шаҳарлар” - Қоровулбозор, Газли, Зафарободқад кўтарган. Қолган 70 та шаҳар Бухоро ва Қоракўл воҳаларига тўғри келади.

Бухоро вилояти шаҳарларининг вужудга келиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан табиий омилга боғлиқ, биринчи навбатда сув ресурслари муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир шаҳарнинг кенгайиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, қурилишлар, инфратузилма, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари сув ресурслари билан узвий боғлиқлиги исбот талаб қилмайди. Шаҳарлар агломерацияси шаҳар-қишлоқ агломерациясидир. Бухоро шаҳрига агломерация ҳудудидан ҳар куни 12-15 минг киши келиб кетади. Республикада, шунингдек, Бухоро вилоятида мавжуд бўлган шаҳарлар бир неча поғонада ўз аҳолисининг сонига қараб тақсимланади. 3-5 минг, 5-7 минг, 7-10 минг, 10-20 минг, 20-50 минг, 50-100 минг, 7-поғонада эса Бухоро шаҳри жойлашган бўлиб, у 100 минг кишидан кўп аҳолили шаҳарлар гуруҳига киритилади.

Бухоро шаҳри аҳолиси ҳозирги аҳоли суръати ўсиши сақланса, шаҳар кенгашига қарашли қишлоқлар (Ширбудин, Отбозор, Фошун ва б.) билан ҳисобланганда 2020 йилда -284 минг, 2025 йилда -295 минг кишини ташкил қилиши тахмин қилинмоқда.

Когон шаҳри вилоятнинг асосий транспорт маркази функциясини бажариши билан ажралиб туради. Бу шаҳарда аҳоли кўпайиши ҳозирги даражасида сақлаб қолинса, 2020 йилда - 58 минг, 2025 йилда - 60 минг кишини ташкил этади. Атрофдаги қишлоқлар агломерацияси билан қўшиб ҳисоблаганда 2020 йилда бу шаҳар аҳолиси – 66 минг кишига етади.

Ғиждувон шаҳри аҳолиси 2020 йилда - 47 минг, 2025 йилда - 50 минг атрофдаги қишлоқларнинг шаҳар ҳудудида қўшилиши билан 58-60 минг кишига етиши мумкин.

Бухоро вилояти шаҳарларини уч гуруҳга: тез, ўрта ва суст ривожланган шаҳарларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга Бухоро, Когон, Ғиждувон, Қоракўл ва Қоровулбозор каби шаҳарларни киритиш мумкин.

Жондор ва Янгибозордан ташқари барча туман марказларидаги шаҳарлар ўртача ривожланишга эга. Жондор ва Янгибозор шаҳарчалари 3-гуруҳга кириб, иқтисодий салоҳияти паст, инвестиция учун қулай вазият яратилмаган, ривожланиш балансидан ташқарида, шунинг учун шаҳар мақомини ҳам ололмаган.

Янги шаҳарчалар орасида Ғаждумак, Харгўш, Работак кабилар қулай географик ўрни васув таъминоти қулайлиги учун тез ривожланаяпти, воҳанинг чекка қисмларидаги сув тақчиллиги, коммуникация-транспорт алоқалари тизимидан четда бўлган Тобогар, Шавгон, Кесакли, Шўробод шаҳарчалари секин ривожланмоқда.

Ўзбекистон жанубий-ғарбида жойлашган Бухоро вилоятининг умумий майдони 40.320 км², аҳолиси 2013 йил январь ҳолатида 1.818 мингдан ортиқ кишини

ташкил қилди. Охирги статистик маълумотларга кўра, вилоят аҳолисининг 68 фоизи қишлоқларда (121 та қишлоқ фуқаролар йиғини бор), 32 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Вилоят маркази Бухоро шаҳри бўлиб, шаҳарнинг 1997 йилда 2500 йиллик юбилеи расман халқаро майдонда нишонланди. Тарихий маълумотларда шаҳар 2520, 3000 ёшда эканлиги билан боғлиқ рақамлар ҳам келтирилади. Шаҳар майдони 73 км², аҳолиси 232 минг киши атрофида, яъни вилоят аҳолисининг 15,7 фоизини ташкил қилади. Шаҳар шимоли-шарқдан Бухоро тумани билан, жануби-шарқдан Когон тумани билан чегараланган. Шаҳарда аҳоли зичлиги - 1 км²га - 2702 кишидир. Бухоро шаҳрида 63 та маҳалла фуқаролар йиғини, 14 та аҳоли пункти мавжуд. Аҳолисининг 82,0 фоизини ўзбеклар ташкил қилиб, шаҳарда тожик, татар, рус, украин, корейс, туркман каби миллатларнинг вакиллари ҳамжиҳат бўлиб яшашади.

Бухоро шаҳри ландшафти чўл ва чала чўллар зонасида жойлашганлиги учун иқлими ёзда иссиқ, камёғин, қишда эса совуқ бўлади.

Истиқлол йилларида шаҳар қиёфасида туб ўзгаришлар рўй берди. Бухоро шаҳрида вилоят ҳудудида жойлашган 997 меъморий ёдгорлик ва 660 та маданий мерос объектига эга бўлган моддий маданият намуналарининг катта қисми жойлашган.

Кейинги йилларда Бухоронинг туристик салоҳиятини ошириш мақсадида эски шаҳар ҳудудида тарихий муҳитни қайта тиклаш, меъморий обидаларни таъмирлаш ва консервация қилишда мислсиз ишлар амалга бажарилди. Ҳукумат ташаббуси билан Арк қалъаси, Сомонийлар мақбараси, Болоҳовуз масжиди каби жами 28 та маданий мерос, объект, обидалар таъмирланди, атрофи ободонлаштирилди. Бугун кўп қаватли бинолар қуриш, тарихий объектларни туризм марказига айлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Аслида эски шаҳар ҳудудидаги таъмирлаш ишлари 1991-1992- йилларда бошланиб, Бухоро шаҳрининг тарихий марказидаги Телпакфурушон, Заргарон тоқлари ва савдо расталари атрофлари сатҳи пасайтирилиб, ёдгорликларни кўмай деб қолган юзлаб тонна тупроқ ва ахлатлар чиқариб ташланди ҳамда таъмирланди. Сўнгги йилларда қадимий қалъанинг маълум қисми қайта қурилди, шаҳарнинг Шайх Жалол, Самарқанд, Ҳазрати Имом, Саллоҳхона каби дарвозалари янгиданбунёд этилганлиги, муқаддас қадамжо - Ҳазрати Имом зиёратгоҳида улуғ фикҳшунос ва файласуф, беназир авлиё Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий номи билан аталувчи тарихий-меъморий мажмуа бунёд этилгани кабилар Бухоро меъморчилиги ва шаҳарсозлик маданияти анъаналарини қайта тиклаш йўлидаги амалий ҳаракатлар бўлди. 2008-2009 йилларда Бухоро шаҳрида эски шаҳарни тиклаш ишларига 3 млрд. 180 млн. сўм маблағ сарфланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 мартдаги қарори билан тасдиқланган “2020 йилгача Бухоро шаҳри ҳудудидаги маданий мерос объектларини илмий ўрганиш, консервациялаш, таъмирлаш ва уларни замонавий фойдаланишга мослаштириш Дастури” асосида ишларнинг янги кўлами бошланди. Ундан олдин Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 11 сентябрдаги “Бухоро шаҳри тарихий қисмидаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганди. Дастурда эса 2020 йилгача шаҳарнинг эски қисмида икки босқичда 90 дан ортиқ меъморий ёдгорликларни илмий ўрганиш, уларни таъмирлаш ва консервациялаш ишлари амалга оширилиши мўлжалланган. 2013 йилга қадар 30 та тарихий-маданий ёдгорликлар қайта тикланди, обидалар инфратузилмаси кенгайтирилди. 2011-2020 йилларда Дастур ижросига 21 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Маълумки, 1993 йил 11 декабрда ЮНЕСКОнинг 93-сессияси қарорига

биноан Бухоро шахрининг тарихий маркази Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди.

Шаҳарда давлат муҳофазасига олинган 292 та маданий мерос объектларидан 70 таси Республика, 222 таси маҳаллий аҳамиятга эга маданий мерос ҳисобланади. Шулардан 118 таси ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон маданий мерос рўйхатидадир.

Кейинги йилларида Чашмаи Аюб ёдгорлиги таъмирланиб, унинг олдида Имом ал-Бухорий ёдгорлик музейи ташкил этилди. Шаҳарнинг замонавий иморатлар қурилган, улуғлар дафн этилган мазорнинг бир қисми обод этилиб, унга “Даҳмаи Беҳиштион” (Жаннатийлар даҳмаси) деган ном берилди. Моғоки аттори, Лаби Ҳовуз меъморий ёдгорликлари ва Кўкалдош мадрасалари атрофида таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Истиқлол йилларида Бухоро шаҳрида бир неча бор Республикава халқаро миқёсда турли номинациядаги анжуманлар ўтказилди. Шунингдек, икки бор “Универсиада” спорт мусобақалари (2001 ва 2013 йиллар) ўтказилиши шаҳарни ободонлаштириш, янги бинолар қад кўтаришида импульс бўлди. Илк ўтказилган “Универсиада” мусобақаси арафасида замон талабларига жавоб берадиган “Бухоро спорт мажмуаси”нинг қад кўтариши, олийгоҳларда амалга оширилган таъмирлаш ишлари, янги биноларнинг қурилиши, ободонлаштириш ишлари шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартирди. Шунингдек, Бухоро Муҳандислик технология институти янги биносининг қуриб ишга туширилганлиги, институти учинчи биносидаги қурилиш ишлари жадаллаштирилганлиги, шаҳарнинг бўш қисмларида замонавий талаблар асосида академик лицей ва коллежлар қад кўтарганлиги, кўп қаватли уйлар қурилганлиги, шунингдек, тўйхона, қаҳвахона, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо дўконлари қад кўтарганлиги, транспорт йўллари кенгайтириш ва модернизациялаш,

шаҳарнинг эски шаҳар қисмида жойлашган бозорнинг замонавий тарзда янгидан бунёд этилганлиги, шаҳар четида карвонбозорнинг ишга туширилганлиги каби кўпдан-кўп бунёдкорлик ишларини санаб ўтиш мумкин.

2010 йил август ойида очилган, 107 гектар майдонни эгаллаган “Бухоро маданий маркази” мажмуи яратилганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу мажмуа “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументини, 700 ўринли Вилоят мусиқали драма театри, 2000 томошабинга мўлжалланган амфитеатрни ўз ичига олади. Мажмуа марказида 18 метрли монумент ушбу заминнинг илмий-маданий ва тарихий-фалсафий меросини ўзида акс эттирган. Обида тепасига ўрнатилган, баландлиги 5 метр, вазни 32 тоннадан иборат айланиб турувчи ер шари модели бўлган глобус узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Монумент марказида уч авлод: ота, она ва бола, ниҳол ўтказаетган бобо ва набира ҳамда уй қураётган ота ва ўғилнинг ҳайкаллари акс этирилган. Бунинг асосида ҳаёт абадий, инсон бу дунёда эзгу ишлар қилиши лозимлиги, ҳар бир инсон келажакни, эртани ўйламоғи керак деган чуқур фалсафа ётибди.

Бухоро шаҳрининг янги ва эски шаҳар йўл бўйида жойлашган пахта қабул қилиш пункти, пахта ёғини қайта ишлаш заводи кабилар кўтарилиб, бу жойлар ободонлаштирилди. Хуллас, Бухоро шаҳри, тубдан ўзгариб янги қиёфа акс этиши истиқлол йилларидаги хайрли ишлар самарасидир. “Вухара Siti”да турар жой ва бошқа мажмуаларнинг қад кўтарилиши шаҳар кўркига кўрк қўшиши шубҳасиз.

Бироқ шаҳар ва шаҳарсозлик маданияти тараққиётига таъсир кўрсатадиган салбий тенденциялар, муаммолар ҳам талайгина эканлигини ҳам унутмаслик керак.

-Бухоро вилоятида чўл шароитида вужудга келган шаҳарлар ўта нотекис жойлашган бўлиб, асосан агроин-

дустриал ихтисослашув шаҳарлариқтисодиётида етакчилик қилади.

-Вилоят шаҳарларини ичимлик суви билан таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга эътибор қаратилмаса муаммолар кескинлашади. Тўғри, 1993 йилда Дамхўжа сувининг Бухорога келтирилиши бу борада катта аҳамиятга эга бўлди. Бироқ, Газли каби шаҳарларга Амударё сувининг қувурлар билан олиб борилганлигини унутмаслик керак.

-Бухоро шароитида темир-бетондан қурилган уйлар экологик талабларга жавоб бермайди. Шаҳардаги аҳолининг салмоқли қисми бундай уйларда истиқомат қилади, шаҳарсозликнинг миллий анъаналаридан келиб чиқиб, пишиқ ғиштлардан янги лойиҳадаги уй-жойлар, кўп қаватли бинолар қурилаётганлиги диққатга сазовордир.

-Шаҳарларда аҳолида архитектура маданиятини тарбиялаш зарур, шунингдек, “яшил белбоғ” (кўкаламзорлаштириш) ишлари якунига етган эмас.

-Бухороавлиёлар юрти бўлганлиги учун “чўл туризми”ни ривожлантириш имкониятлари кенг. Айниқса, Ғиждувон, Шофиркон, Ромитан, Вобкент, Когоншаҳарларини ривожлантириш ўзаро боғлаш имкониятлари кенгайиб бормоқда. “Етти пир” зиёрати бўйлаб йўлга чиққан зиёратчилар учун шаҳарларни боғловчи қишлоқ транспорт йўллари талаб даражасига келтирилмоқда. Туман марказларидан шаҳар ва қишлоқларни бир-бири билан боғловчи муҳим йўл тармоқларини замон талаблари асосида таъмирлаш, йўл қирғоқларини ободонлаштириш зарур.

Бухоро шаҳридаги ички, яъни кўча ва маҳаллаларни бир-бири билан боғловчи йўллар талабга жавоб бермайди, улар таъмирталаб бўлиб қолган. Шаҳарнинг Бухоро кинотеатридан собиқ Бухоро пахта ёғи ишлаб чиқариш заводига қадар бўлган масофадаги иккиёқлама

асосий йўл йўналишининг торлиги туфайли транспорт воситалари вақт-вақти билан тирбанд бўлиб қолмоқда.

Бухоро шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги айрим меъморий ёдгорликларни савдо дўконлари, меҳмонхоналар ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари тўсиб қўйган. Шунингдек, иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида Бухоро шаҳарлари атрофида дам олиш зоналарини ташкил этиш ишларини янада кучайтириш керак.

Юқоридаги муаммоларини ҳал қилиш учун Бухорода анчагина амалий ишлар олиб борилаяпти. Экологик носоғлом муҳит туфайли келиб чиққан касалликлар олдини олиш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари эътиборга лойиқ. Бухорода агломерация жараёнлари кенгайиб, Бухоро ва Когон, Бухоро шаҳри ва Бухоро тумани қишлоқлари қўшилиб кетиб, йирик урбанизацион макон юзага келади.

Истиқболда агломерация жараёни Вобкент, Пешкў, Ромитан, Жондор тумани воҳа ерлари бирқисмини эгаллаб, бу урбанизация жараёнига ўз ижобий таъсирини кўрсатиши кузатилмоқда.

2-БОБ. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВРИ -ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ МАСАЛА

1920 йилнинг 2 сентябрида Бухорода амирнинг монархия бошқаруви ағдарилганидан сўнг, қисқа муддат ичида Файзулла Хўжаев рахбарлигидаги Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати тузилди. Янги ҳукумат амирлик давридаги бекликлар ўрнига вилоятлар, туманлар, кентлар, амлоклар ва қишлоқлар каби ҳудудий бўлинмаларни жорий қилди. Республика ҳудудига Ўзбекистоннинг бир қисми (Ғарбий Бухоро), Тожикистон Республикаси (Шарқий Бухоро), Туркманистоннинг Чоржўй (ҳозирги Туркманобод) ва Карки вилоятлари кирган. Республикага тегишли бўлган ҳудудларда ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, қозоқлар яшаган.

Бухоро Республикасининг аҳолиси билан боғлиқ маълумотлар манбаларда турлича рақамларда баён қилинади. Республиканинг 9 та вилоят, 41 та туман, 132 такентида аҳоли сони қуйидагича бўлган: Бухоро вилоятида 420.000 нафар, Кармана вилоятида 180.000 нафар, Беҳбудий (Қарши) вилоятида 220.000 нафар, Чоржўй вилоятида 250.000 нафар, Шеробод вилоятида 220.000 нафар, Ҳисор вилоятида 140.000 нафар, Кўлоб вилоятида 140.000 нафар, Ғарм вилоятида 80.000 нафар аҳоли яшаган¹⁰².

1923 йил кузида мамлакатнинг янги ҳудудий бўлиниши амалга оширилиб, республикада 5 та округ, 48 та туман, 195 та кент ташкил этилди. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, бу даврда Зарафшон округида

¹⁰² Бухоро жумҳуриятида қанча халқ бор? //Озод Бухоро. 14 (223)-сон. 1923 йил 21 ноябрь.

800.000, Шарқий Бухоро округида 600.000, Қашқадарё округида 450.000, Туркман округида 350.000, Сурхондарё округида 300.000 киши атрофида аҳоли рўйхатга олинган¹⁰³. Хориждан БХСРга келтирилган товарлар тақсимоти ҳам округлардаги аҳоли сонига қараб: Зарафшонга-40 фоиз, Шарқий Бухорога-20 фоиз, Қашқадарёга-17 фоиз, Туркман округига-12 фоиз, Сурхондарёга-11 фоиз миқдорида бўлинарди¹⁰⁴.

БХСР аҳолисининг миллий таркиби билан танишар эканмиз, нуфузи жиҳатидан ўзбеклар биринчи, тожиклар иккинчи, туркманлар учинчи ўринда турганлигига гувоҳ бўламиз. Ўзбек ва тожиклар амирликда узоқ асрлардан буён “икки тилли бир халқ” сифатида ёнма-ён истиқомат қилиб, урф-одат ва анъаналарида, кундалик маиший ҳаётида муштараклик жиҳатлар бисёр эди.

Аҳоли асосан қишлоқларда истиқомат қилиб, муҳим хўжалик тармоқлари ҳисобланган деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланган. Тожиклар тоғ ва тоғолди ҳудудларда хўжаликнинг узумчилик соҳасида устаси фаранг бўлишган. Республиканинг Чоржўй ва Карки вилоятларида истиқомат қилувчи туркманлар азалдан чорвачилик ва деҳқончилик билан кун кечиришган. Улар Афғонистоннинг чегара ҳудудларига яқин жойларда яшаётганлиги туфайли савдосотиқ муносабатларида ҳам иштирок қилишган ва афғон, ўзбек, тожик савдогарлари ўртасида воситачилик қилишган. Бироқ туркманларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб, ушбу тармоқнинг қорамолчилик ва қоракўл қўйлар боқиш соҳалари кенг тарқалган. Катта туёқли уй ҳайвонларидан от, сигир парваришlash, кенг далаларда боқишга эътибор кучли эди.

1918-1920 йилларда совет давлатидаги “ҳарбий коммунизм” сиёсати ва фуқаролар уруши оқибатида

¹⁰³ ЎзРМДА. 48-ф. 1-р. 257-ҳ, 51, 52-в.

¹⁰⁴ Ўша жойда.

қоракўл терилар Россия ҳамда бошқа хорижий давлатларга сотилмай, омборларда тўпланиб қолди. Оқибатда ҳар йили жаҳон бозорига 1 млн. 800 мингдан-2млн. атрофида қоракўл ва қоракўлча териси етиштириб турган Бухоро қуйчивон чорвадорлари бу соҳадан фойда олиш имкониятидан деярли маҳрум бўлдилар. Оқибатда 1920 йилга келиб бор-йўғи 200.000 дона қоракўл тери етиштирилди, холос¹⁰⁵. 1922 йилда эса “Бухоро сахро иқлимигагина махсус табиат тарафидан берилгон бир бойлик ҳисоблангон қоракўл сони 800 минг” донага етди¹⁰⁶. БХСР ҳукумати қоракўлчилик соҳасини аввалги мавқеини тиклаш учун бир қатор чора-тадбирлар кўрди. Қоракўл етиштирувчиларга имтиёзли қарзлар (кредит) бериш, қоракўл харид нархини ошириш кабилар жорий этилди. Қоракўлчиликка алоҳида эътибор қаратиш мақсадида 1922-1924 йилларда ҳукумат томонидан чорвадорларга 11 минг олтин сўм миқдорида имтиёзли қарз берилди¹⁰⁷. Қоракўл териларининг нархи 6 олтин сўмдан 8 олтин сўмга кўтарилди¹⁰⁸. Қоракўл терисига “савдо назорати” томонидан жорий қилинган юқори бож ва четга чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай таъқиқлар бекор қилинди. Охир-оқибатда Афғонистонга қоракўл териларини яширин сотишга бир оз чек қўйилди. Лекин чегара худудларига яқин яшовчи туркманлар давлат тайёрлов идораларига қоракўл териларини сотишганидан кўра, Афғонистонга яширин йўллар билан ўтказишдан кўп фойда кўрардилар. Афғон савдогарларидан инглизлар қоракўл териларини юқори баҳоларда сотиб олишган.

¹⁰⁵ Бухорода қоракўлчилик иши //Озод Бухоро. 7-сон. 1923 йил 1 ноябрь.

¹⁰⁶ Тошмат. Бухоро савдоси //Бухоро ахбори. 89-сон. 1922 йил 8 июль.

¹⁰⁷ Қоракўлчиларга моддий ёрдам //Озод Бухоро. 58-сон, 1924 йил 6 март.

¹⁰⁸ Бухоро Республикасида қоракўлчилик//Озод Бухоро. 127-сон, 1924 йил 14 август.

Қоракўл қўйларни боқиш туркман чорвадорлари моддий аҳволининг ижобий томон ўзгаришига деярли катта таъсир кўрсатмади. Шунинг учун 1924 йилнинг чорва мавсумида ҳаммаси бўлиб республикада 243.016 дона қоракўл тери етиштирилиб, унинг 170.000 донаси давлат савдо назорати томонидан тайёрланган. Аслида 200.000 дона қоракўл териси тайёрлаш режалаштирилган эди. Режадаги мўлжалланган қоракўл терининг 90 фоизи тайёрланган холос¹⁰⁹. 1924 йилда ҳам Чоржўй ва Карки вилоятларида чорвадорлар қоракўл тери берадиган қўйларини бошқа соғим қўйлар сингари сўйиб йўқотганлар. Шунинг учун келгусида БХСР савдо ва саноат назорати хом қоракўл терисини олиш ишига жиддий эътибор бериши лозимлиги матбуотда алоҳида қайд қилинади¹¹⁰.

Шарқий Бухородаги Шеробод, Ҳисор, Кўлоб, Фарм вилоятларида ҳунармандчиликнинг ўнлаб турлари ривожланган бўлиб, жумладан, гиламдўзлик, дўппидўзлик, сўзаначилик соҳасида юқори натижаларга эришилган. Ҳунармандчиликнинг темирчилик, тўқимачилик тармоқларида, сават ва карзиналар тўқишда тожик ҳунармандларига етадигани йўқ эди.

Карки ва Чоржўй вилоятларида минглаб косиб-ҳунармандлар ва тўқувчи-усталар фаолият юритиб, улар қўл меҳнати асосида гилам ва қолин тўқиш машғулоти орқали кун кўрар эди. Улар ўз товарларини кўтарасига маҳсулот олувчи савдогарларга ёки ижарачиларга беришган. Савдогар ва ижарачилар тўқимачиларнинг маҳсулотини жуда арзон нархда сотиб олишган. Бундан ташқари 1923-1924 йилларда Республика ҳукумати тўқувчи-ҳунармандларга 40/1 фоизли закот солиғини ҳам жорий қилганди. Ҳисоб-китобларга қараганда 40 минг олтин сўм миқдорида баҳоланган туркман

¹⁰⁹ Ўша жойда.

¹¹⁰ Қоракўл қўйларни ўлдиришга қарши //Озод Бухоро. 58-сон, 1924 йил 6 март.

гиламчиларининг маҳсулотидан 1 минг олтин сўм миқдорида закот солиғи олинарди. Туркманларнинг моддий аҳволи оғирлигидан келиб чиқиб давлат ушбу солиқни кейинчалик бекор қилган¹¹¹.

Республикадаги туркман ва қирғизлар асосан кўчманчи чорвадор аҳоли сифатида баъзан чорва молларига яйлов қидириб, БХСРга тегишли бўлган ҳудудлардан ТАССР ва ХХСРга қарашли чегара ерларига ҳам ўтишарди. Шундай пайтда уч республика ҳукуматлари муаммони тинч йўл билан ҳал этиш ва чорвадорлардан бир марта солиқ олиш масаласида музокаралар олиб боришларига тўғри келарди.

Амирлик давридан мерос бўлиб қолган тожик ва туркманларнинг моддий аҳволи аянчли бўлиб, улар маънавий-маданий жиҳатдан ҳам қолоқ эдилар. Чорвадорларяшаш жойларини ўзгартириб турганлиги ҳамда чорвачилик соҳасидаги қийинчиликлар, оила тирикчилиги билан боғлиқ муаммолар оқибатида уларнинг фарзандлари кўпчилик ҳолларда мактабларга қатнамасди. Республика ҳукумати тожик ва туркманлар маънавий-маданиятини кўтариш мақсадида Кўлоб, Фарм, Ҳисор каби чекка тоғли районларда, Чоржўй ва Каркида бошланғич мактаблар, қизлар мактаби, саводсизликни битириш курслари кабилар очди. Ушбу чеккада жойлашган таълим муассасаларига ишлаш учун Бухородан муаллим вামутасаддилар юборилди. Кўрилган чораларга қарамай кўпгинатожик ва туркман оилалари ҳатто, 1924 йилда ҳам ўз фарзандларини мактабларга доимий юборишмаган. БХСР маориф нозирлигининг “Тожик бўлими”, “Туркман бўлими” томонидан болаларни зўрлаб мактабга жалб қилиш эса тегишли самара бермаган. Қолаверса, кўпгина туркман оилалари ўзлари яшаб турган

¹¹¹ Каркида гилам саноати //Озод Бухоро. 56-сон, 1924 йил 6 март.

жойларидан бошқа ерларга кўчиб кета бошлаганлар¹¹². Республика ҳукумати Чоржўй ва Каркида эски усул мактабларини сақлаб, мадрасаларда таҳсил кўрган муллавачалар орқали туркман ёшларини саводини чиқариш, уларга ихтиёрийлик ҳуқуқини бериш каби усуллардан фойдаланишга мажбур бўлган.

Бухоро амири Саид Олимхон (1880-1944; ҳукмронлиги: 1910-1920) 1921 йил март ойида Вахш ва Панж дарёлари қўшиладиган Чубек ирмоғидан Афғонистонга ўтганида унга эргашиб, 200-250 минг ўзбек ва тожиклар қўшни давлатга кўчди. Тожикистоннинг Қўрғонтепа вилоятидаги 3/2 қисм хонадонлар бўшаб, қишлоқлар ярим вайрона ҳолатга келиб қолди. Ўзбек ва тожиклар яшаётган қишлоқларда моддий аҳвол оғир бўлиб, мактаб-маориф ишларини йўлга қўйишда мураккабликлар вужудга келди.

БХСР ҳукуматини туркманлар масаласида ташвишга соладиган энг катта муаммо - “туркман қочоқлари” муаммоси эди. 1920 йилнинг кузида амир амалдорлари ва диндор руҳонийлар билан бирга собиқ Чоржўй ва Карки бекликлари ҳудудидан қўшни Афғонистонга 35 минг оила туркманлар 2 млн. қорамоллари ҳамда сон-саноксиз қўй ва подалари билан ўтиб кетишганди¹¹³. Бухоро фуқаролари ҳисобланган туркманлар асосан Шимолий Афғонистоннинг Анхўй ва Маймана вилоятларида бориб жойлашганлар¹¹⁴. Туркман қочоқларининг бир қисми Афғонистон давлатида азалдан истиқомат қилиб келаётган маҳаллий миллатдошлари ёрдамида деҳқончилик ва чорвачилик машғулоти билан шуғулланиб тирикчилик қилишган. Кўпгина туркман оилалари эса асл Ватанларига қайтиш умиди билан

¹¹² Маҳмуд Саид Аҳрорий. Тўртинчи инқилобий йилимиздан нималар кутамиз? //Бухоро ахбори. 199-сон, 1923 йил 9 сентябрь.

¹¹³ ЎзРМДА, 48-ф, 1-р, 207-х, 6-в.

¹¹⁴ Ўша архив. 207-х, 3-в.

яшаган. Бироқ Афғонистоннинг Маймана ва Анхўй вилоятларидаги маҳаллий ҳукумат бошлиқлари Бухоро туркманларига жабр ўтказиб уларнинг чорва молларини тортиб олар, солиқ тўлашга ва афғон фуқаролигини қабул қилишга мажбур этишарди¹¹⁵.

Туркман оилалари ўз чорва моллари билан эркин ва очиқ равишда Бухоро Республикасига қайта олмайдилар. БХСР ҳукумати афғон марказий ҳукуматига бир неча бор махсус ноталар билан мурожаат қилиб, туркманларни Бухоро-афғон чегарасидан ўтишларига монелик қилмаслигини сўради. Бу масалада ёрдам сўраб РСФСРнинг Қобулдаги бош элчиси Раскольниковга, РСФСР ташқи ишлар нозири Чичеринга, Майманадаги совет элчихонаси вакили Постниковга мурожаатлар қилинди. Постниковга юборилган мурожаатлардан бирида: “Маймана ва Анхўйдаги Бухоро фуқаролари ҳисобланган 35 минг оилали туркманларни ўз юртларига қайтишлари учун ёрдам ва енгилликлар яратишни маҳаллий ҳукумат органларидан сўрашингизни илтимос қиламиз”¹¹⁶, дейилганди.

1923 йилнинг 10-15 сентябрида Умумтуркман учинчи қурултойи бўлиб, қурултой иштирокчилари туркманларни Афғонистондан ҳеч қандай тўсиқ ва қаршиликсиз қайтиб келишларини талаб қилувчи қарор қабул қилишганди¹¹⁷. БХСР ҳукумати 1922 йил 11 февралда Абдураҳим Юсуфзода ўрнига Ҳошим Шайх Ёқубовни Бухоронинг Афғонистондаги элчиси қилиб юборади. Ҳошим Шайх Ёқубов олдига бир қатор вазифалар қўйилган. Биринчи топшириқ сифатида бухоролик тожик, туркман ва ўзбек муҳожирларини ўз

¹¹⁵ Ўшажойда. 207-х, 5-в.

¹¹⁶ Ўша жойда. 7-в.

¹¹⁷ Ўша жойда. 30-в.

юртига қайтариш чорасини кўриш эканлиги уқтирилади¹¹⁸.

Афғонистондаги бухоролик туркманлар билан боғлиқ масала 1923 йилда янада кескинлашади. Жумладан, ушбу мамлакат БХСРга нисбатан “босмачилик” ҳаракати марказига айланиш билан бирга, омонсиз жангларда енгилган “босмачилар”га ҳам сиёсий бошпана берган эди. БХСР ҳукумати Афғонистон ҳукумати бошлиғи Маҳмудбек Тарзига ва ташқи ишлар нозири Муҳаммад Валихонга норозилик ноталари юбориб, Афғонистон-Бухоро чегарасида тартиб ўрнатишни сўраган эди. Афғонистоннинг БХСРдаги элчиси Абдурасулхон “Бухоро босмачилари” билан алоқа ўрнатилганликда ва БХСРда душманликда айбланиб мамлакатдан чиқариб юборилганди¹¹⁹. БХСРда савдосотиқ билан машғул афғонлар ҳам шубҳали ҳисобланиб қамоққа олинган. Карки вилояти ижроия қўмитасининг БХСР МИҚга йўллаган маълумотномасида: “Афғонистондан келган савдогарларнинг молларини тортиб олиб ўзларини ҳибс қилиниши бир ой давомида (1923 йил октябрь) ҳар куни Карки вилоятига 30 оиладан туркманлар қайтарилиши билан боғлиқ жараёнга салбий таъсир кўрсатди. Агар афғон савдогарларини ҳибс қилиш давом этса собиқ муҳожирлар ўз юртига қайтиб қелишдан кўрқиб қоладилар”¹²⁰,-дейилганди. 1923 йилнинг кузига қадар эса Карки ва Чоржўй вилоятларига 3 минг оила туркманлар қайтарилганди. Уларга ҳукумат озиқ-овқат чорва моллари, ер-мулк бериб ёрдам кўрсатди. 1922-1923 йиллар давомида Афғонистондан қайтган ва қайтмоқчи бўлган йўқсул туркманларга ёрдам учун бир юзи беш (105) ҳўкиз, 1000 (бир минг) пуд мош, 4000 (тўрт минг) пуд кунжут, 5000 (беш минг) пуд

¹¹⁸ ЎзРМДА. 48-ф; 1-р; 182-х, 328-в.

¹¹⁹ Ўша архив. 103-х, 48-53-в.

¹²⁰ ЎзРМДА. 47-ф; 1-р; 118-х, 2-в.

жўхори, 10.000 (ўн минг) пуд буғдой берилган¹²¹. Собиқ туркман қочоқларига кўрсатилган ёрдам етарли бўлмай туркман оилалари уй-жойсиз, озиқ-овқатсиз қолганди.

“Туркман қочоқлари” орасида бой-бадавлат оилалар ҳам бўлиб, улар ўз чорва моллари учун сотиб олган яйловлар ҳисобига Афғонистонда доимий яшаш учун қолгандилар. Улар учун ортга йўл ёпиқ эди. Бироқ БХСР-Афғонистон муносабатлари совуқлашганидан сўнг афғонлар уларга ҳам тазйиқ ўтказа бошлашган. Бир қисм Афғонистондаги муҳожир бойлар қўй ва подалари билан Эронга кўчмоқдалар. Муҳожирлар мол-мулкини кўриқлаш учун милтиқ ва қуролга эгадирлар. Афғон маҳаллий ҳукумати улар қўлидан қурол-яроғларини зўрлик билан тортиб олмоқда. Ошиқбой (чорвадор бой оила бошлиғи) сингариларнинг қурол билан фақат ўзини ҳимоя қилишлари, ҳеч кимга зарар етказмасликлари билан боғлиқ илтимослари инобатга олинмаган¹²²,-деб қайд қилинади. 1923 йилнинг кузидан бошлаб Бухоро-афғон чегарасида жойлашиб олган айрим “босмачи” гуруҳлари ҳам моддий манбаларидан маҳрум бўлганларидан кейин БХСРга йўл олган туркманларни ва афғон савдогарларининг йўлини тўсиб улар мол-мулкини тортиб олишарди. Холбой номли “босмачи” тахминан 150 йигити билан сон-саноксиз қўй ва қорамол подаларини ҳайдаб Афғонистонга ўтганди. У Амударё бўйидаги чегарада туриб Бухоро-Афғонистон савдо-сотиғи тўхтаб қолганлигидан фойдаланиб, у ёқдан (Афғонистон) келган туркманлар ва афғон савдогарларининг мол-мулки ва чорва молларини тортиб олиб ўзларини ҳибс қилмоқда... Хўжа Жонниёз ва Шариф исмли Афғонистонга ўтган “босмачилар” ўз ихтиёрлари билан ортга қайтишди ва ўзлари аввал яшаган ерларда жойлашишди. Уларнинг

¹²¹ Маҳмуд Саид Аҳрорий. Тўртинчи инқилобий йилимиздан нималар кутамиз? //Бухоро ахбори. 199-сон. 1923 йил 9 сентябрь.

¹²² ЎзРМДА. 47-ф; 1-р; 249-х, 20-в.

мол-мулклари ва қурол-яроғлари ўзларида қолдирилди. Тўп-тўп бўлиб қайтиб кўчиб келаётган туркманларга ёрдам беришда уларнинг ҳарбий кучларидан фойдаланилмоқда”¹²³, - дейилади тарихий ҳужжатда. Юқоридаги маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, туркман муҳожирларининг азалий ватанларига қайтиш жараёни БХСР-Афғонистон алоқалари узилиши ҳамда Бухоро Республикасининг Қобулдаги ваколатхонаси тугатилиб, унинг ваколатлари РСФСРнинг Афғонистондаги элчихонасига берилганидан сўнг янада қийинлашган.

Карки ва Чоржўй вилоятларига қайтаётган Афғонистондаги туркманлар чегара ҳудудларида таловчилар ва йўлтўсарлардан янада кўпроқ зарар кўришган. БХСР ҳукумати ўз юртига қайтаётган турман муҳожирлари талофатларининг олдини олиш мақсадида ўз ихтиёри билан қаршилик кўрсатишни тўхтатган “босмачи тўдалари” кўмагидан ҳам фойдаланиш чораларини кўрган.

1924 йилнинг баҳорида Афғонистондаги бухороликларни ўз ватанига қайтариш учун махсус ҳукумат комиссияси тузилган. Бухоро тупроғидан Афғонистонга ўтган туркманлар ҳақида Афғонистон ҳукуматининг қилган қарорларини қарамоқ ва уларни қайтадан Бухорога келтириш чораларини кўрмоқлик учун алоҳида комиссия сайланди. Комиссияга Мирзо Абдулқодир (раисдур), Шариф Хўжа, Абдулҳамид Воҳидов ҳамда Аннагелди ўртоқлар кирдилар”¹²⁴ -деб ёзганди “Озод Бухоро” газетаси. 1920 йилнинг кузида Афғонистонга ўтган барча муҳожирларнинг оилалари БХСРга қайта олмадилар. Уларнинг анча қисми Шимолий Афғонистон ҳудудидаги маҳаллий ўзбек ва туркманлар сингари афғон ҳукуматининг миллий зўровонликка ва камситишга асосланган сиёсати билан боғлиқ хўрликларга чидаб,

¹²³ ЎзРМДА. 47-ф; 1-р; 118-х, 3-в.

¹²⁴ Афғонистондаги туркманлар ҳақида //Озод Бухоро. 68-сон, 1924 йил 29 март.

ушбу мамлакатда яшашга мажбур бўлдилар. Айрим оилалар Эронга кўчиб ўтдилар. Учинчи қисм муҳожирлар оилалари ота-боболари юрти ҳисобланган Ҳисор, Кўлоб, Фарм, Чоржўй ва Карки вилоятларига қайта кўчиб келадилар. Муҳожиратда вафот этган ва чегара ҳудудларида қуролли тўқнашувлар туфайли халок бўлганлар ҳам кўп сонли эди. Айниқса, кексалар, аёллар ва ёш болалар жуда катта жабр кўрдилар. 1920 йилнинг кузида Бухорода юз берган амир тузумига қарши большевикча тўнтариш минг-минглаб бухоролик оилаларни тақдирида муҳожирликка сабаб бўлиб, уларни Афғонистон ва Эрон мамлакатлари бўйлаб тарқатиб юборди.

БХСР ҳукумати ва унинг Файзулла Хўжаев сингари доно сиёсатчи раҳбарлари Республика ҳудудидаги бошқарув ишларига мумкин қадар маҳаллий миллат вакиллари ни жалб қилиш йўлини тутганлар. Ф. Хўжаев туркман, қирғиз ва тожик миллати вакиллари нинг қурултойларида, “...давлат тузилишимизни ерлаштиришимизга, жумҳуриятимизда яшовчи майда миллат ва қабилаларнинг ҳуқуқларини қозонмоғимизга тўғри келадур”¹²⁵, -деб таъкидлаган. БХСРда дин ва ҳуқуқ масаласи замонавий давлатнинг энг муҳим вазифаси бўлиши, халқ урф-одатларидан узоқ бўлган шахсларни ҳокимият идораларидан четлатиш сиёсатини юритиш кўзда тутилганди. Файзулла Хўжаев фикрича, БХСРда доҳилия (ички), адлия, ижроқўм, идораларида, курьер, дарбон, доимий мирзолар, хўжалик бўлими мудирлари, кичик мирзолар, дафтардорлар қабилар маҳаллий аҳоли вакиллари ўзбек, тожик, туркман, ва қирғиз қабилардан бўлиши керак эди. Бироқ иқтисодиёт, солиқ, хўжалик, маориф ва халқ саломатлиги соҳасида ўзимизда тажрибали мутахассислар мавжуд эмаслигини ҳисобга

¹²⁵ Файзулла Хўжа. Давлат тузилишида миллат масаласи // Бухоро ахбори. 212-сон, 1923 йил 23 октябрь.

олиб европалик мутахассислардан фойдаланиш, истиқлол ва истиқболимизга зарар келтирмас¹²⁶, деб ҳисобларди.

Хуллас, БХСР ҳукумати Республикада истиқомат қилаётган туркман халқининг маънавий-маданий, иқтисодий-сиёсий қолоқлигини тугатиш учун мумкинқадар чора-тадбирлар кўрди. Республикадаги икки олий ўқув юртидан бири Чоржўйдаги ўқитувчилар тайёрлаш дорилмуаллимини эди. Чоржўй ва Каркида бошланғич, саводсизликни тугатиш мактаблари, интернат-мактаблар ва махсус қизлар таҳсил оладиган мактаб очилган эди. Вилоятларга давлат ҳисобидан мутассил моддий ёрдам кўрсатилиб кўпгина туркман оилалари ўзини тиклаб олишлари мақсадида ҳар қандай солиқлардан озод қилинганди. Россия ва бошқа хорижий мамлакатлардан республикага олиб келинган саноат махсулотлари камбағал чорвадорлар ва деҳқонларга арзон нарҳда ёки текинга берилган. Республика ҳукумати имкон қадар туркман муҳожирларини ўз юртига қайтариб, уларнинг ота-боболари Ватанида яшашлари учун кучларини аямадилар. Ватанига қайтганлар эса моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. БХСР мавжуд бўлиб турган тўрт йиллик тарихий даврда мислсиз қуроли тўқнашувлар, “марказ” тазйиқи, мутахассисларга бўлган муҳтожлик, хуллас адоғи кўринмайдиган ички ва ташқи муаммолар туфайли хўжаликни замон талаблари даражасида тиклаш ва юксалтиришга имкон бўлмади. Ушбу сабаблар туфайли Республика даврида халқнинг, шу жумладан кўп сонли бўлган ўзбек, тожик ватуркманларнинг ҳам турмуш даражаси пастлигича қолган эди.

¹²⁶ Ўша мақола.

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА ВАҚФ МУЛКЛАРИ

Вақф мулклари Шарқ дунёсида асрлар давомида иқтисодий ва маданий-маърифий тараққиётда муҳим ўрин эгаллаб келган. Вақфлар маориф ва маданиятнинг асосий моддий таянчи бўлган.

Вақф мулкларига ер, сарой, дўкон, сув тегирмони, карвонсарой, бозор жойлари, ҳаммом, ҳовли жойлари кабилар кириб, улар орасида ер мулклар асосий даромад манбаи ва кўчмас мулк ҳисобланган.

Вақфлар иккига бўлиниб: а) “Вақфи хайрия” - масчит, мадраса, қабристон, муқаддас жойларга тегишли бўлган мулклар; б) “Вақфи авлоди” - саид, хўжа, аълам, пир, мутавалли, эшон, мулла, сўпи каби диндор табақаларга тегишли бўлган ер ва мулклардир.

Вақфларни мутаваллилар бошқарган. Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитетининг “Мадраса ва масчитларга вақфларни қайтариш тўғрисида”ги махсус декретида (1922 йил 30 июнь, №75) мутаваллилар мадраса Кенгаши аъзолари томонидан сайланади ва ўттиз ёшдан кичик бўлмаслиги керак деб қайд қилинган. “Мутаваллининг вазифаси кирим-чиқим дафтарини юритиш, маблағлар ҳисоботини тайёрлаш, вақф даромадларини тўплаш ва асраш, мадраса ва масчитларни таъмирлашни уюштириш, давлат солиқларини ўз вақтида тўлашни ташкил этиш, ҳосилни, мева ва сабзавотларни йиғиб-теришга бошчилик қилиш, вақф мулкларини ижарага бериш, ижара ҳақлари тушуми кабиларни назорат қилишдан иборат эди”¹²⁷.

Маълумки, XX асрнинг 20-йилларига қадар Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги каби давлатларда мактаб, маориф ишлари масчит ва мадрасалар сингари диний муассасаларга қарашли бўлган. Бошланғич таълим

¹²⁷ Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви, 25-фонд, 1-рўйхат, 1414-ҳужжат, 56- 58-варақлар.

масчитларда, ўрта ва олий таълим эса мадрасаларда берилган. Диний ва дунёвий таълим олиш учун зарур бўлган барча сарф-харажатлар вақф мулклари ҳисобидан қопланган. 1923-1924 йилларда Хоразм Халқ Совет Республикасида давлат бюджети маблағларининг 30-35 фоизи вақф мулклари ҳисобидан келган даромадлар эди¹²⁸.

Бухоро Халқ Республикасида амирлик тартиби ағдарилганидан сўнг, ўн та вилоятнинг барчасидаги вақф мулклари тўла рўйхатга олинмаган эди. Фақатгина тўртта вилоят: Бухоро, Чоржўй, Қарши, Кармана вилоятларида вақф идораларига қарашли 276 737 таноп ер мулклари бўлган. Бундан ташқари 57 та сарой, 10 та ҳаммом, 23 та тегирмон, 24 та бозор жойи, 1769 та дўкон, 262 та ҳовли жойи ҳам вақф идораси таркибида бўлган¹²⁹. Бухоро вақфларидан 1683119 танга даромад, 779 минг ботмон буғдой, 15 минг ботмон жўхори олинган.

БХСР халқ маорифи нозири Абдурауф Фитрат 1922 йил ёзида БХСРда 19 моддадан иборат “Вақф ишлари ҳақида”ги лойиҳани ишлаб чиққан. Абдурауф Фитрат Бухородаги вақф мулклари даромадлари ҳисобидан диний муассаса ва ташкилотларни таъмирлаш, таълим-тарбия курслари, музей, касалхона, етимхона, қорихона, дорилмуаллимин, кутубхона, хонақолар очиш, газета ва журналлар чоп эттириш имкониятлари ҳақида фикр юритганди. Вақф мулклари даромадидан аҳоли соғлиғини сақлашга харажатлар ажратиш алоҳида таъкидланганлиги айниқса диққатга сазовордир. Чунки, ўша пайтда Бухорода ришта (тери ости қуртлаши), “Бухоро варажаси” (иситма), тери-таносил каби касалликларнинг ўнлаб турлари кенг тарқалган бўлиб,

¹²⁸ ЎзРМДА, 94-фонд, 1-рўйхат, 322-хужжат, 11-варақ.

¹²⁹ // Бухоро ахбори, 204-сон, 1923 йил 21 сентябрь; Озод Бухоро, 1-сон, 1923 йил 16 октябрь.

уларнинг олдини олиш билан боғлиқ чоралар кўриш энг муҳим вазифалардан бири бўлганди.

1923 йил 5 октябрда Бутун Бухоро вақф қурултойи чақирилди. Қурултойда вақфкор деҳқонлардан “амлок”, “хирож” каби солиқлар олмаслик, улардан фақат 10/1 фоизли ушр олиш кераклиги таъкидланди. Ҳатто, ғўза (пахта) эккан вақфчи деҳқонларни ушрдан ҳам озод қилиш тартиби жорий қилинди. “Вақф ерларининг теваарагида бўлган мевали дарахтлардан ҳам ҳеч нарса олинмасун; вайрона ётгон вақф ерларини обод қилгон деҳқонлардан уч йилга қадар ушр ҳам олинмасун; вақф идоралари ва маҳаллий раҳбарлар бу ҳақда деҳқонларга гувоҳнома берсунла¹³⁰”, - дейилганди қурултой қарорида.

Диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти ҳамда вақфларни тиклаш жараёни оғир иқтисодий шароитда Бухоро Республикаси аҳолиси орасида дафн этиш ва уйланиш (никоҳ) маросимлари учун ортиқча харажатлар қилиш, ушбу масалаларга мутаасибдиндорлар томонидан сохта исломий тус берилишига йўл қўймаслиги керак эди. 1924 йилнинг 31 январида бўлиб ўтган “Бухоро Республикаси уламоларининг қурултойи”да ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Дафн маросимларида сарф-харажатларни камайтириб, маросимларни камчиқим қилиб ўтказиш билан боғлиқ махсус қарор қабул қилинган¹³¹. Ушбу қарорда майит руҳига “Қуръон” оятларини ўқиб, бир пиёла чой устида уни хотирлаш” маросими шариатга тўғри келиши уқтирилади. Камбағаллик ҳамда қалин пули катталиги туфайли эркак жинсидаги фуқароларнинг кўпчилиги 30-35 ёшга тўлишларига қарамай уйлана олмаётганлиги, бу эса республикада оиланикоҳ мўътадил муносабатларига ва аҳоли нуфузи ошувига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳам махсус декретда қайд қилинган. Ушбу масалани тартибга солишга

¹³⁰//Озод Бухоро, 7-сон, 1923 йил 1 ноябр; 8-сон, 1923 йил 6 ноябр.

¹³¹ ЎзРМДА, 47-ф, 1-р, 347 ҳ, 55 -варақ.

қаратилган декретда: “Никоҳ маросими бўлажак келин ва куёвнинг икки томонлама розилиги асосида ўтказилиши керак.Тўй харажатлари (никоҳ ва суннат тўйларида) қалин билан бирга 10 тангадан ошмаслиги керак. Моддий аҳволи яхши бўлганлар оила қуриши ёки никоҳ тўйларига 3000 тангадан ортиқ маблағ сарфлашга ҳақли эмаслиги” ёзиб қўйилганди¹³².

Юқоридаги қарор ва декретдан кўриниб турибдики дафн этиш ва тўй маросимлари билан боғлиқ урф-одат, расм-русумларни камчиқим қилиб ўтказиш чоралари кўрилган. Ушбу муаммо бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотган эмас.

1924 йилнинг кузида ва 1925 йилда Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий давлат чегараланиши ўтказилиб, “Марказ” хоҳиш-иродаси билан миллий-ҳудудий белгиларга қараб совет республикалари тузилди ва БХСР, ХХСР, Туркистон АССР ҳукуматлари тугатилди. Улар ўрнида вужудга келган республикалардан бири Ўзбекистон ССР 1925 йилнингфевраль ойидан расмийлашди. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши арафасида собиқ БХСРда вақф мулклари миқдори ва аҳволи қўйидагича эди:

Мулк турлари	Маданий-маърифий муассасаларга тегишли мулклар	Диний ташкилотларга тегишли мулклар	Жами
Дўкон бинолари	960	1117	2077
Карвонсаройлар	111	48	159
Ҳаммомлар	8	7	15
Сув	9	10	19
тегирмонлари	11	16	27
Бозор	48	7	55
майдонлари	327037	161127 тано	488265

¹³² ЎЗРМДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 547-ҳужжат, 32-варақ.

Уй-жойлар Ер майдонлари	таноп		таноп
----------------------------	-------	--	-------

Бухоро вақфларидан келадиган умумий йиллик даромад эса 882 889 сўмни ташкил этган¹³³.

Ўша йилда вақф мулклари ҳисобига таъмирланган диний муассаса ва ташкилотлардан: 231 та мадраса, 429 та эски усул мактаблари, 199 та қорихона бинолари, 2306 та мачитлар, 4 та кўшма вақфлар бўлган. Бухоро вақфлари ҳисобидан маблағ билан таъминланган маданий-маърифий муассасалар қайта ташкил қилинган мадрасалар (асосан дунёвий билим беради) 10 та янги усул мактаблари, 90 та кутубхоналар, 2 та биринчи даражали меҳнаткашлар мактаби, 3 та иккинчи даражали шундай мактаблар бўлган¹³⁴.

Вақф мулкларидан келган даромаддан Бухородаги 60 та ўқувчи ўқиган 6 ойлик ўқувчилар тайёрлаш курси, болалар истироҳат боғлари, оталиққа олинган бир қатор мактаб, интернат-мактаблар ва етимхоналар ҳам фаолият олиб борган.

БХСРнинг қисқа, тўрт йиллик тарихи мисолида биз ушбу кенг қамровли муаммодан айрим жиҳатларини ёритдик холос. Ушбу маълумотлар мазмуни орқали юқорида кўйилган саволларга бир қадар жавоб топиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, 1928 йилнинг кузидан бошлаб Ўзбекистон ССР ҳудудидаги Вақф мулклари бутунлай тугатилиб, "худосизлик ҳаракати" кучайиб, диний муассаса ва ташкилотлар вайрон қилинди, улар қамоқхона, омбор, дўкон, ётоқхона, отхона кабиларга айлантирилди.

Совет ҳокимияти йилларида маънавиятимиз, ахлоқ-одобимиз сарчашмаларидан бири бўлган ислом қадриятларидан узоқлашиб, даҳрийлик таъсирига тушиб қолин-

¹³³ ЎзРМДА. 94-фонд, 1-рўйхат, 322-ҳужжат, 14-варақ.

¹³⁴ ЎзРМДА. 94-фонд, 1-рўйхат, 332-ҳужжат, 15-16 -варақ.

ган эди. Истиқлол туфайли ҳақиқий маънодаги эътиқод эркинлиги тикланди, бобокалонларимизнинг муқаддас қабрлари зиёратгоҳга айлантирилди ва ислом дини маънавияти сарчашмаси вабулоқларидан баҳраманд бўлмоқдамиз. Янгиланган Ўзбекистон диёрида яна вақф идораларининг фаолият кўрсата бошлаши эса, яратганнинг иноятидир.

БУХОРОДА АМЕРИКА ПАХТА НАВИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ДАВРИЙ МАТБУОТ МАЪЛУМОТЛАРИ (“БУХОРО АХБОРИ” ВА “ОЗОД БУХОРО” ГАЗЕТАЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

1920 йил 2 сентябрда амирлик тартиби тугатилганидан сўнг, унинг ўрнида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР-1920-1924 йиллар) ҳукумати ўрнатилиб, янги ҳукумат даврида ўзбек тилидаги матбуот органларини ташкил этиш ҳаракати натижасида “Бухоро ахбори” (1920-1923) ва “Озод Бухоро” (1923-1925) газеталари чоп этиб турилди. Мазкур газеталарнинг саҳифаларида БХСР тасарруфига кирган ҳудудларда Америка пахта навини етиштириш масаласига доир маълумотлар мавжуд.

Аслида Америка пахта нави Бухоро амирлигида 1888-1920 йилларда ҳам экилган бўлиб, бу экин турининг етиштирилиш тарихи “Бухоро ахбори” газетасидаги айрим мақолаларда, газетанинг хабарлар рукнидаги маълумотларда келтирилган¹³⁵. Шунингдек, газеталарнинг ўнлаб мақола ва хабарларида БХСР вилоят ва туман-лардаги суғориш тизими, сунъий суғориш иншоотлари, “сув масаласи” билан боғлиқ муаммолар

¹³⁵ Туркман деҳқонларига ёрдам // Бухоро ахбори. 166-сон, 1923 йил 5 май; Пахта мавсусига ҳозирлик // Ўша газета, 132-сон, 1923 йил 10 март; Сулаймон Али бой ўғли. Бухорода пахтачилик // Ўша газета, 210-сон, 1923 йил 6 октябр; Бухоро деҳқонларига қарз бериш // Озод Бухоро, 9-сон, 1923 йил 8 ноябр; Пахта экувчи деҳқонларга ёрдам // Бухоро ахбори, 138-сон, 1923 йил 3 март ва ҳоказо.

келтирилган. Уларда БХСРда пахтачиликнинг ривожланиши сунъий суғориш иншоотлари (ариқ, канал, зовур, тўғон, дамба) ҳамда Зарафшон дарёси ва Амударё сувини адолатли тақсимоти билан боғлиқлиги қайд этилган¹³⁶. Америка пахта навининг тарқалиши суғориш масаласига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, унинг вегетация даврида айнан сув тақчиллиги юз бериши эса салбий ҳолат эканлигига газета маълумотларида асосий урғу берилган.

БХСР ҳукумати ташкил топган дастлабки йилдан 1922 йилга қадар республика ҳудудидаги кескин сиёсий ва ҳарбий муаммолар қишлоқ хўжалиги, асосан деҳқончилик тармоқлари ривожига салбий таъсир кўрсатди. Пахта вабошқа экинлар экиладиган ер майдонлари ўз салоҳиятини йўқотиб, кўпгина ерлар ташландиқ жойларга айланди ёхуд экин экилмай бўш қолиб кетди. Амирлик даврига нисбатан ер фондлари кескин қисқариб, пахтачилик ҳам катта зарар кўрди.

Амирлик даврида пахта экиладиган майдонлар 300.000 танопгача бўлиб, ундан олинадиган даромад 25-27 млн. олтин сўмни ташкил этган. БХСРнинг иккинчи йилида (1921 йил) пахтачилик инқироzi юз бериб, пахта экин майдонлари 10 баробар қисқарди ва бор-йўғи 30.000 танопни ташкил этди¹³⁷. Газеталардаги маълумотлар ўрганилар экан, улар орқали пахтачилик ишларига тўсқинлик қилган омиллар ёрқинлашади. Инқилобий

¹³⁶ Амударёдан машина билан сув чиқариш // Бухоро ахбори. 68-сон, 1921 йил 29 март; Амударё лабини маҳкам қилиш // Ўша газета, 105-сон, 1922 йил 22 октябрь; Нарпай ариғи ва “Қозоқ банд” // Озод Бухоро, 84-сон, 1923 йил 27 апрел; Нарпай дарё Бухорога бериладур // Бухоро ахбори, 104-сон, 1922 йил, 22 октябр. Суғориш ишлари // Озод Бухоро, 113-сон, 1923 йил 10 июл; Иқтисодий ишлар // Ўша газета, 162-сон, 1923 йил 25 апрел; Сув масаласи // Ўша газета, 1923 йил 16 сентябр; Амударёдан ариқ қазиш масаласи // Ўша газета, 207-сон, 1923 йил 28 сентябр; Қишлоқ хўжалиги кўрсаткичига ҳозирлик // Ўша газета. 210-сон, 1923 йил 10 октябр ва ҳоказо.

¹³⁷ “Деҳқон”. Жумҳуриятнинг қишлоқ хўжалиги // Бухоро ахбори. 108-сон, 1922 йил 5 ноябр.

урушлар ва “босмачилик” (совет режимига қарши кураш) ҳаракатлари оқибатида сунъий суғориш иншоотлари вайрон қилинди, сармоянинг етишмаслиги деҳқонларнинг танг иқтисодий аҳволини келтириб чиқарди, четга чиқариладиган ва бозорларда сотиладиган пахтага солиқ таърифлари юқорилиги пахта бозор нархининг харажатларини қопламади каби сабаблар хабар ва мақолаларда ўз аксини топган. Шунингдек, 1917 йилда очарчилик юз бериб (лекин Бухоро воҳасида эмас), пахтакор деҳқонлар ўз ерларига буғдой экишга мажбур бўлгандилар. 1918 йилдан 1922 йилга қадар пахтачилик ривожига пасайиш кузатилиб, пахта нархи бозорда арзонлашган. 1922 йилда 1914 йилда етиштирилган пахтанинг 30 фоизи, 1915 йилда етиштирилган пахтанинг эса атиги 25 фоизи олинган холос ¹³⁸. Пахтачиликни тиклаш учун деҳқонларга 1 пуд пахтага 2 пуд буғдой бериш, улардан солиқ олмаслик, пахта экиладиган ерларни биринчи навбатда сув билан таъминлаш, пахтакорларга етарли миқдорда уруғлик чигитларини тақсимлаш, “Рус-Бухоро пахта ширкати” ва “Давлат пахта ширкати” ва “Давлат пахта кўмитаси” кабилар томонидан (1922 йил қайта тикланди) бўнак пули (олдиндан пахта пулини тўлаш) бериш, имтиёзли қарзлар ажратиш каби чоралар кўрилган. “Рус-Бухоро пахта ширкати” томонидан деҳқонларга америкача тухум (чигит) тарқатиш, чигитни фақат экиш учун сарфлашга мажбур этиш, тухум (чигит)нинг ҳар бир пуди олтин ҳисоби билан 1 сўму 50 тийин сотилади”, -деган маълумот келтирилади “Бухоро ахбори” газетасининг 170-сонида¹³⁹. Шунингдек, 1922 йилдан бошлаб БХСРнинг Чоржўй ва Зирабулоқ

¹³⁸Сулаймон Али бой ўғли. Бухорода пахтачилик // Бухоро ахбори, 210-сон, 1923 йил 5 октябр.

¹³⁹ Қишлоқ хўжалиги тухум-чигит // Бухоро ахбори, 170-сон, 1923 йил 15 май; Бутун куч-иқтисодий аҳволимизни кўтариш майдониға // Ўша газета, 141-сон. 1923 йил 10 март; Хитобнома // Бухоро ахбори, 150-сон, 1923 йил 1 апрел.

туманларидаги пахта майдонларига асосан Америка пахта нави экилган¹⁴⁰. Америка пахта нави чигити қадалган ер майдонлари пахта майдонларининг 3/1 қисмини ташкил этиб, ҳукумат томонидан деҳқонларга 1923 йилда 500 минг олтин сўм қарз берилди. “Давлат пахта ширкати” тарафидан амриқони пахта эккан деҳқонлар 500 минг сўм олтин бермакка қарор қилди. Ушбу қарз миқдори кейинчалик 1,5 млн. олтин сўм, 3 млн. сўм ёки ундан ҳам ортиқ бўлишига тегишдур¹⁴¹-деб ёзади “Озод Бухоро” газетаси. Газеталардаги манбавий аҳамиятга молик материаллар тадқиқ қилинар экан, Америка пахтаси бозорда маҳаллий пахтадан юқори баҳоланганига гувоҳ бўлинади. “Бу йил (1922 йил) деҳқонлар амриқони пахтага қараганда ғўзани (маҳаллий пахта) кўпроқ экканлар. Бозорда амриқони пахта ғўзага нисбатан юқори баҳода нархланадур. Шу сабабли жойдари пахта (маҳаллий ғўза) эккан деҳқонлар зарар тортмоқдалар. Ҳукумат ғўза билан амриқони пахта нархлари фарқини камайтириш чорасини кўрмоқда”- деб ёзади газета¹⁴². Ёхуд “Озод Бухоро”нинг 70-сонидан: “Деҳқонларимиз азалдан ғўза экиб келар эдилар. Тажрибага кўра ғўза амриқоча пахтага кўра кам фойда берар экан, 2-3 баробар арзон туради. 1 таноп ерға ғўза экилганда 20 пуд беради, бунинг пудини 2,5 сўмға сотганда 50 сўм бўладур, 1 таноп амриқоча уруғ 15 пуд пахта бериб пудини 5 сўмдан сотганда 75 сўм бўладур. Ғўзанинг паст нави юқорисиға қараганда 4-5 марта арзон”¹⁴³, -деган маълумот ўқиймиз. Демак, Америка пахта навининг ҳосилдорлик даражаси паст бўлса-да, нархи бозорда юқори баҳоланган. Бухоро маҳаллий

¹⁴⁰ Пахта экувчи деҳқонларға мурожаат //Бухоро ахбори. 141-сон, 1923 йил 10 март.

¹⁴¹ БХШЖда пахтачилик ишлари //Озод Бухоро, 43-сон, 1924 йил 2 феврал.

¹⁴² Ғўза ҳамда амриқони пахта //Озод Бухоро, 43-сон. 1924 йил 2 феврал.

¹⁴³ Амриқони пахта //Озод Бухоро, 70-сон, 1924 йил 2 апрел.

пахтасига эмас, аксинча “амриқоча пахта” толасини “Марказ”даги тўқимачилик корхоналари қайта ишлашга мослашганди.

1922 йил пахта мавсумида пахта етиштиришда (америка пахта нави ва ғўза) бир қадар кўтарилиш бўлиб, деҳқонларга ҳукумат сотган пахталари учун червон курси билан пул тўлаган. Червон курси Республикада амал қилаётган бошқа қоғоз пуллардан қадрли бўлиб, нисбатан барқарор эди. Бироқ БХСРда етиштирилган пахта маҳаллий пахта тозалаш заводлари эҳтиёжини қондира олмаган. “Давлат пахта ширкати” томонидан пахта мавсуми бошлангандан бери 560 минг пудпахта (Америка пахтаси) ва ғўза сотиб олинган, янада 640 минг пуд олмоқ ўйланадур. БХШЖдаги бир қатор пахта заводлари пахта билан етишмак даражада таъмин этилмоқда. Чоржўй ва Кармина заводларида пахта оз бўлиб, Чоржўйга Қоракўлдан, Карминага Ёждувондан пахта келтирмак ўйланадур”,-деб ёзади “Озод Бухоро”. 560-640 минг пуд миқдорида пахта етиштиришга БХСРнинг учинчи йилидагина эришилди. Ушбу миқдор амирликда 1917 йилга қадар бир йилда олинган пахта ҳосилининг 5/2 қисмини ташкил этиши аён бўлади.

Пахтачилиқни ривожлантириш учун, деҳқонларга ёрдам бериш мақсадида “қишлоқ хўжалиқ қарз ширкатлари” очилиб, улар ихтиёридаги банклар пул билан таъминланган. “Озод Бухоро”нинг 50-сони: “...ўтган йилнинг (1922 йил) сентябр ойидан 24 январга қадар (1923 йил) 36 та қишлоқ хўжалиғи қарз ширкатлари очилган. Буларнинг 23 таси пул билан таъмин қилинган бўлиб, қолғонлари ҳам яқинда пул билан таъмин қилингисидур”¹⁴⁴-деб ёзганди.

¹⁴⁴ Пахта теварағида: пахта нархи қатъийдур. Қанча пахта олинғон //Озод Бухоро, 48-сон, 1924 йил 13 феврал; Деҳқонларға ёрдам ишлари //Озод Бухоро, 50-сон, 1924 йил 16 феврал.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида БХСР йилларида Америка пахтаси ва ғўзанинг нарх-навоси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилади. Шунингдек, пахта нарhini ошириш масаласининг долзарблиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган экан: “Амриқорни пахтанинг нархи пудига 4 сўму 50 тийин, ғўзанинг нархи 1-навига 2 сўму 60 тийин тайин қилинган. Ғўза ва пахтанинг нарhini ошириш даркор, 250.000 олтин сўм давлат пахта ширкати берган қарздан воз кечиш деҳқонларға моддий мадад бўларди”¹⁴⁵- мазмунидаги сатрлар келтирилади газетада. БХСР ҳукумати четга чиқарилган пахта эвазига (асосан Россияга) чит, каноп, чой, метал харид қилган. 1920 йилда 1917 йилга қадар етиштирилган пахтанинг 10/1 қисми ҳам олинмаган, натижада маҳаллий пахта тозалаш ва ёғ заводлари ишлаб чиқариш фаолияти тўхтаб қолган. Ушбу инқирозли ҳолатларни газеталараҳолидан яширмай, рўй-рост ва очиқ баён қилган. Амирлик даврида пахта савдосидан олинган 25-27 млн. олтин сўм ўрнига, 1,5-1,7 млн. олтин сўм даромад олиниши БХСР иқтисодий аҳволи оғирлигидан дарак бериб, 1923 йилга келибгина юқори иқтисодий кўрсаткичга кўтарилганди.

БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Абдулқодир Муҳиддинов ва муовинлари Абдулҳай Орифов ва Содиқ Маҳмудийлар имзоси билан “Бухоро ахбори”нинг 1920 йил 29 ноябрдаги 10-сонида босилган “Хитобнома”да: “Пахтани экиш мамлакатимизда деярли йўқ даражаға тушди. Бу йил (1920 йил) юртимиздан Русияга 10.000 пуд пахтадан ортуқ чиқариб бўлмайдур. Савдо ва саноат назоратинда бир шўъба очиб, шу шўъба воситаси билан пахта харидини қилиб деҳқонларға чит, ёғ ва бошқа зарур нарсаларбермоққа қарор қилинадур... Яна Когон станциясидаги Русия Шўролар Жумҳуриятига тегишли тўртта

¹⁴⁵Пахтачилик ишлари //Озод Бухоро, 79-сон, 1924 йил 19 апрел.

пахта ва ёғ заводларини Русия ҳукуматидан илтимос қилиб ўз тасарруфимизга олдик”¹⁴⁶,- деб маълумот берилган.

Республикада Америка пахта навини экишни рағбатлантириш мақсадида БХСР ҳукуматининг учинчи йилида “ғўза ва амриқони пахта тайёрлаш ишлари давлат пахта ширкати қўлига ўтказилди. Пахтани эркин сотиш ва сотиб олишга рухсат берилди, давлат томонидан ва маҳаллий ташкилотларнинг солиқлар таърифи пахтакор деҳқонлар учун бекор қилинди, пахтакорларга ўз вақтида сув етказиш ҳукумат зиммасига юклатилди, Америка пахта нави уруғлари арзонлаштирилди, “махсус амриқоча тажриба экинзорлари ташкил этиш”, амриқоча пахта экканларнинг ҳамма шартларига ҳукумат тайёрлиги каби имтиёзлар жорий этилди¹⁴⁷.

Бухоро шаҳри атрофидаги 15 десятинали (1 деятина-1.09 гектар) собиқ амирга тегишли Ширбудин саройи атрофидаги ер майдони “қишлоқ хўжалиги-тажриба станцияси” ихтиёрига берилган. У ерда наслчилик ишлари билан бирга амриқо пахта нави уруғчилик маркази ҳам фаолият юритди¹⁴⁸.

Хуллас, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари БХСР тарихини ўрганишдаги муҳим манба бўлиш билан бирга, XX аср бошларида қишлоқ хўжалигининг пахтачилик тармоғи аҳволдан бугунги авлодни хабардор ҳам қилади. Газеталарнинг кўплаб сонларида Америка пахта навини етиштириш, сотиш, қайта ишлаш билан боғлиқ маълумотлар берилганлиги матбуот тарихий ҳақиқатни ўрганишда муҳим манба бўла олишига шубҳа туғдирмайди.

¹⁴⁶БХШЖ МИҚ тарафидан Хитобнома //Бухоро ахбори, 10-сон, 1920 йил 29 ноябр

¹⁴⁷Амриқони пахта //Озод Бухоро, 1923 йил 2 апрел; Ғўза савдоси очик //Ўша газета, 211-сон, 1923 йил 7 октябр.

¹⁴⁸Қишлоқ хўжалик тажриба станцияси //Бухоро ахбори. 163-сон, 1923 йил 28 апрел; Шербудин саройи зироат назоратина //Бухоро ахбори, 167 –сон, 1923 йил 7 май.

Даврий матбуот материаллари ўрганилар экан, куйидагича якуний фикр-мулоҳазаларга келиш мумкин.

1. Бухоро амирлиги худудига Америка пахта нави янги экин тури сифатида XIX аср 80-йиллари охирида кириб келган ва Россия империяси пахта хом ашё базасини мустаҳкамлаш мақсадида амирлик вилоятларида оммавий экин тури сифатида тез тарқалган.

2. Амирлик даври ва БХСРдаги умумий пахта майдонларининг 30-40 фоизи Америка пахта навини етиштиришга ажратилган бўлиб, “амриқони пахта” ҳосилдорлиги дастлаб маҳаллий пахта навидан паст бўлсада, уни пахта бозорида 2-3 баробар юқори нархда баҳолашган.

3. Россия марказидаги тўқимачилик саноати корхоналари асосан Америка пахта навидан олинган толани қайта ишлашга мослашгани учун, “амриқоча нав”ни эккан деҳқон хўжаликларига имтиёзлар бериш, уларни солиқ ва бож тўловларидан озод қилиш ҳукумат ва шунингдек, рус ширкатларидиққат-марказида бўлган.

4. Газета материаллари таҳлил қилинар экан, БХСРнинг сўнггийилида ҳам (1924 йил) пахта етиштириш амирлик даври даражасига кўтарила олмаганлигига амин бўлинади.

БУХОРО ШИРИНМИЯСИ ГЕРМАНИЯДА

Жаннатмакон юртимиз фауна ва флорага бой, саҳий табиат неъматларининг юзлаб турлариучрайди. Ўзбекистонда ўсадиган ўсимликлар орасида шифобахшлари ҳам салмоқли ўринга эга. Жумладан, ширинмия (чучукмия), қизилмия, сутчўп, ғозпанжа, ҳатто, юлғунлар ҳам турли-туман касалликларга даво бўлувчи доривор ўсимликлар ҳисобланади. Юқоридаги рўйхатни давом эттириш мумкин. Лекин биз олдимизга шифобахш, доривор ўсимликлардан бўлмиш ширинмия ва унинг БХСР даврида бизниҳорижий мамлакатлардан

бири бўлган. Германия билан ҳамкорлик алоқаларимиздаги мавқеи ҳақида фикр билдирмоқчимиз.

Асл мақсадимиздан олдин ўсимликшунос бўлма-сакда, ширинмиянинг фойдали жиҳатлари ҳақида бироз фикр юритишни лозим топдик.

“Бухоронома” газетаси таҳририятида узоқ вақт фаолият юритган жонкуяр мухбирлардан бири, ижодкор ва журналист Истам Иброҳимов “Ўзбекистон женьшени” номли мақоласида (“Бухоро ҳақиқати”, 1995 йил 6 декабрь) XVIII аср табиби Давоийнинг “Фавойид-ал-инсон” (“Инсонга фойдали нарсалар”) рисоласидаги фикрларга таяниб, ширинмиянинг томири ва шираси ташналикка, йўталга, иситмага, бўйрак ярасига шифо бўлажаги, инсонларга жинсий қувват бериши ҳақида маълумот беради.

Суҳбатларимиздан бирида Бухоро давлат университети ўқитувчиси Баёз Ғиёсов: “Ширинмия илдизини қайнатиб ичиш ошқазон, ичак ва юрак касалликларига даво эканлигини, мен унинг илдизини қайнатиб ичганимда тўла амин бўлган эдим”-деган эдилар.

Ҳозирги авлоднинг кўпчилиги бу ўсимлик ва унинг шифобахшлиги ҳақида эҳтимол, тасаввурга эга бўлмаслиги мумкин, лекин XX асрнинг 60-70 йилларида ўрта мактаб парталарида ўтириб ўқиган, бугунги кунда нафақа гаштини сураётган кишилар билан суҳбатларда улар барчалари ширинмия ҳақида маълумотга эга эканликларини ҳикоя қилишган. Жумладан, Бухоро вилояти Вобкент туманида истиқомат қилувчи 1950 йиллар фарзанди, қурувчи-муҳандис Жамол Раҳмонов: “Биз мактабда ўқиб юрган кезларимизда ўқитувчиларимиз ширинмия илдизини териб келишни топширишарди. Биз ўқувчилар таҳсилдан кейин, қўлбола халтачаларда ширинмия илдизини териб, эртаси кун ичимиз билан мактабга олиб борардик. Кўпроқ ширинмия илдизини тўплаб келганлар ҳатто, рағбатлантирилиб,

табий фанлардан юқори баҳо билан “сийланарди”¹⁴⁹, -деб хотирлайдилар.

Ширинмия ва унинг табий хусусиятлари, вегетация даври ҳақида айрим истиқболли табиатшунос ёки тадқиқотчилар билан суҳбатлашганимизда, улар ширинмия ва аччиқмия ўсимликлари мавжудлиги, уларнинг қиёсий таҳлили ҳақида гарчи бизни қониқтирмаган бўлсада, баъзи маълумотлар беришди.

Сўзни мухтасар қилиб, ширинмиянинг бундан бир аср илгари халқаро ҳамкорлик алоқаларимиздаги ўрни тўғрисида фикр юритсак.

Маълумки, 1920-1924 йилларда мавжуд бўлган Бухоро Халқ Республикаси Европа ва Шарқнинг бир қатор мамлакатлари билан иқтисодий, маданий, сиёсий соҳаларда ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга, мустақил тараққиёт йўлини танлашга ҳаракат қилганлигини таъкидладик. Бухоро Халқ Республикаси ҳукумат бошлиғи Файзулла Хўжаев: “Немислар зўр халқ, Германия кучли мамлакат, улар ҳар қандай вақтда ҳам ўз сўзини айта оладилар, бизда уларнинг элчихонаси очилса ва алоқаларимиз йўлга қўйилса, Россия ўз таъсирини ҳадеб тиқиштиравешининг олдини олиш мумкин”-деган фикрлар билдирган. Бухоро Республикаси ва Германиянинг Веймар буржуа-демократик республикаси ўртасида савдо-сотиқ шартномалари имзоланган, маданий ҳамкорлик алоқалари бошланган. Шу ҳамкорликнинг бир жиҳати, биз юқорида тилга олган шифобахш ўсимлик-ширинмия билан боғлиқлигига оид қимматли 2-3 та маълумотга эга бўлдик. “Бухоро ахбори” газетасини варақлар эканмиз, унинг 1923 йил 13 август 189-сонида “Бухоро хабарлари” рукни остида “Германиядан касалхона асбоблари”, “Иқтисодий ишларимиз” рукни остида “Ширинмия тўғрисида”, 22 август 192-сонида

¹⁴⁹Муаллифларнинг Ж.Раҳмонов билан мулоқот маълумоти.

“Ширинмия тўғрисида Германия савдо ширкатининг таклифи” каби мақолалар босилганлиги шоҳиди бўлди.

Мазкур манбаларда Германия ширкатлари Бухоро ширинмияси ва унинг нархи билан қизиққанликлари, дори-дармон тайёрлашда бу ўсимлик кўпроқ асқотиши, уни Германияга олиб кетиш таклифлари таъкидланади. Айниқса, “Шредер ва унинг шериклари” ширкати Бухоро ширинмияси билан савдо қилиш катта фойда келтириши мумкинлигини ҳисоб-китоб қилиб чиққан. Ушбу ширкатнинг савдо шўъбалари Озарбайжон Республикасининг пойтахти Бокуда, РСФСР маркази Москвада мавжуд бўлиб, ўша шаҳарлардан Бухоро ваколатхоналарига ширинмия савдосини йўлга қўйиш мурожаатлари қайта-қайта таклиф қилинган. “Савдо-саноат назорати (Бухоро) Боку савдо шўъбасига хориждаги ширинмия нархлари намуналарини олдириб, нархини билмак учун «Шредер» ширкатига кўрсатмакка таклиф қилди, шунинг билан баробар Москвадаги шўъбасидан ҳам, Масков ва Ҳамбург (Германия) ширинмия нархлари тўғрисида маълумот сўралди”¹⁵⁰, -деб ёзади газета.

Таъкидлаш жоизки, Бухоро Республикасига амирлик тузуми давридан иқтисодий ва маданий қолоқликлар билан бирга маиший турмушдаги оғир асорат ва касалликлар ҳам мерос бўлиб қолди. Республика йилларида халқнинг соғлиғи муаммоси кескинлашиб, аҳоли ришта (тери ости қуртлаши), безгак, Бухоро “варажаси” каби касалликлардан азоб чекарди. Республикада очилаётган касалхоналарни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, тиббиёт муассасаларига аҳолинидаволашни тезлаштирадиган дори-дармонлар етказиб бериш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаётган эди. Бу соҳада эса Бухоро ҳукумати учун энг яхши ҳамкор Германия бўла олиши исбот талаб

¹⁵⁰Бухоро ахбори, 192-сон. 1923 йил 22 август.

қилмаслиги табиий. Шунинг учун Германия ширкатларининг ширинмия ўсимлигини сотиб олиш таклифи Бухоро ҳукумати раҳбарларини эътиборсиз қолдирмайди. Айти пайтда Бухоро учун бу савдо иқтисодий фойда олиб келиши билан бирга Германиядан замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар сотиб олиш учун имкон берарди. Ширинмия савдо-сотиғида Бухоро ва Германия дастлабки амалий қадамлар қўйди. Манбалардан бирида Германиянинг “Шредер ва унинг шериклари” ширкати, Рус пайчилик савдо уюшмаси ҳамда Бухоро ҳукумати ширинмия савдосини йўлга қўйиш тўғрисида 5 йил муддатга мўлжалланган учёқлама шартнома тузганлиги ҳақида ёзилганди. Ҳа, бу йўналишда истиқболга хизмат қиладиган режалар ва орзу-умидлар жуда кўп эди. Ҳатто, савдо-сотиқ муносабатларини йўлга қўйиш мақсадида Рус-Бухоро-Германия пайчилик ширкатларининг ҳар бири ширинмия савдоси учун 30.000 олтин сўмдан дастлабки маблағ айланмасини ҳам йўлга қўйган эдилар. Бухоро Республикаси ширинмия савдоси истиқболини ўйлаб, Чоржўйда савдо-саноат назорати вилоят шўъбаси қарамоғида махсус “Ширинмия заводи”ни ишга туширган ва келажакда уни Германиядан келтириладиган замонавий асбоб-ускуналар билан қуроллантириш ва кенгайтириш чоралари ҳақида ҳам ўйлаётган эди.

Бухоро ширинмияси Германияга етиб борганида бир қатор ширкатлар уни қайта ишлаб дори-дармонлар оладиган корхоналар очишган. Бу эса XX аср 20-йилларида оғир иқтисодий аҳволда қолган, 1,5 млн. аҳолиси ишсиз бўлган Германия фуқароларидан анчасини янги ишчи ўринлар билан таъминлаш имконини берган эди.

И. Иброҳимовнинг эслатилган мақоласида ҳозирги кунда Аму-Бухоро машина канали атрофида доривор экин-ширинмия кўпайганлиги, унинг плантацияларини

барпо этиш лозим, деган фикри ўринли эканлигигаамин бўламиз.

Эҳтимол, ота-боболаримизнинг ҳур ва эркин жамият қуриш орзу-истаклари ўша суронли XX аср 20-йилларида ҳаётий ҳақиқатга айланганида Бухоро воҳасининг поёнсиз саҳро ва чўлларида ширинмия плантациялари майдонга келармиди?

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ўнлаб хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Бугунги кунда республикамизда шифобахш ўсимликлардан дори-дармон тайёрлайдиган ўнтача корхона фаолият олиб боряпти. Тиббий соҳада энг яқин ҳамкорларимиздан бири Германиядир. Лекин ҳозирда дорихоналаримизга кириб қолар экансан, кўпроқ Россия, Германия, Ҳиндистон, Покистон, Хитой мамлакатларида тайёрланган, нархи жуда баланд дори-дармонларни харид қилишга мажбур бўламиз.

Қолбуки, серқуёш ўлкамизда деярли барча дори-дармонларни тайёрлайдиган ўсимлик ва хом ашё ресурслари мавжуд. Келгусида Ўзбекистонда тайёрланган ва дунё мамлакатлари халқларини дардига шифо бўладиган дори-дармонлар ишлаб чиқарилишига шакшубҳа йўқ.

БУХОРОДАН ГЕРМАНИЯГА ЎҚИШ УЧУН ЮБОРИЛГАН ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ ФОЖИАЛИ ТАҚДИРИ (XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАРИ)

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукумати йилларида (1920 - 1924) хорижга ўқиш учун юборилган ўқувчи ва талабалар тарихий тақдирлари ҳақида маълумотлар беришга қаратилган тадқиқотлар, мақола ва рисоалар¹⁵¹ талайгина ёзилган бўлса-да, бу соҳадаги

¹⁵¹ Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар... – Т. Фан, 1991 (1-нашри), 2009(2-нашри); Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер (Туркистон

изланишлар ҳамон давом этмоқда. Агар 1922-1923 йилларда Туркистон АССР ва ХХСРдан Германияга ўқиш учун юборилган йигит-қизлар катта ёшли, балоғатга етган шахслар бўлишса, БХСР ўқувчи ва талабалари улардан фарқ қиларди.

Биринчидан, БХСРдан Германияга юборилган ёшлар нафақат ушбу ҳукумат тасарруф этган ҳудуд, қолаверса, Тошкент, Самарқанд ва Туркистон минтақасининг бошқа жойларидан ҳам тўпланганди.

Иккинчидан, улар уч даражага бўлинган бўлиб, кичик, ўрта, катта ёшлилар эди. 1922 йилнинг ёзида БХСРдан биринчи партида Германияга ўқиш учун юборилган 44 нафар ўқувчи ва талабаларнинг 5 нафари 20 - 24 ёш оралиғида, 9 нафари 17 - 19 ёш оралиғида, 14 нафари 13 - 16 ёшда, 15 нафари 11 - 12 ёшда, 1 нафари 10 ёшда бўлган¹⁵². Бухоро Республикаси ўқувчиларининг кўпчилиги ёш болалар бўлишганлиги юқоридаги рақамлардан аён бўлади.

Чунки БХСР маориф нозирлигининг Эски Бухоро, Чоржўй ва Қарши шаҳарларида хорижга талаба юбориш учун очилган 5-6 ойлик махсус курслари ҳақидаги эълонда: “Хорижга кетадиганларнинг ёши 9 дан кам, 15 дан зиёд бўлмаслиги қайд этилганди”¹⁵³.

Учинчидан, БХСР ўқувчи ва талабалари асосан етимхона (сағирхона)дан тўпланган ўзбек, тожик (форс-тожик), туркман, татар миллати вакиллари эди. Бойбадавлатлар фарзандларини чет элга ўқиш учун юборишга кўп ҳолларда рағбат билдиришмасди.

халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан).– Т. : Адолат, 1997; Наимов Н. Бухоро жадидлари. – Т.: Фан, 2001; Ҳайитов Ш. А., Раҳмонов К. Ж. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари. - Т.: Фан, 2004; шу муаллифлар. Бухоронинг хориждаги талабалари. Бухоро-2003 ва ҳ.к.

¹⁵² ЎЗРМДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 393-иш, 131-варақ.

¹⁵³ Қаранг. Хорижга талаба юбориш учун курс //Бухоро ахбори, 79-сон, 1922 йил 23 апрель.

Тўртинчидан, бухоролик ўқувчи ва талабалар Германия шаҳар ва вилоятлари бўйлаб тарқатилиб, кичик ёшлилар (10-14 ёшлилар) Германия пойтахти Берлин шаҳри яқинидаги манзиллардан биридаги немис болалари билан бир пансионга жойлаштирилган ва улар Германия маориф назоратига топширилганди. Ўрта ёшлилар немис ўлкаларига юборилиб, хусусий хонадонларга қўйилган. Катта ёшлилар Берлин шаҳрида 6 ойлик немис тилини ўрганиш курсларида таҳсил олганлар¹⁵⁴.

Бешинчидан, БХСРдан Германияга юборилган ёшлар орасида (улар сони 47; 49; 52; 56 нафар каби рақамларда қайд этилади. Ўша йилларда: “Берлинга ва Туркияга БХСР ҳукумати 123 нафар ўқувчи ва талаба юборди”, - деган маълумот ҳам бор). Татар қизи Шамсулбанат Эшмурод қизини ҳисобга олмаганда, улар орасида қизлар йўқ эди. Чунки БХСРда 15-20 та қизлар мактаби очилган бўлсада, қизлар сағирхонаси (етимхонаси) йўқ эди. Шамсулбанат Эшмурод қизи Берлиндаги ўрта мактаб мудирини Росма ҳузурида муваффақиятли имтиҳон топшириб, қабул имтиҳонида олий балл “прима” олиб, Берлин университети тиббиёт факультетига ўқишга кириди¹⁵⁵. У “Германиядаги Бухоро маориф комиссияси” раиси Олимжон Идрис билан кейинчалик оила қуради.¹⁵⁶

¹⁵⁴Германияда Бухоро талабаси // Бухоро ахбори, 144-сон. 1923 йил 17 март.

¹⁵⁵ Қаранг. Ҳайитов Ш. А., Раҳмонов К. Ж. Бухоронинг хориждаги талабалари. (XX асрнинг 20-йиллари). Бухоро -2003. –Б.13.

¹⁵⁶ Олимжон Идрис (1880-1957) – қозонлик татарлардан бўлиб, Биринчи жаҳон уруши йилларида немисларга асир тушган. Немисларнинг мусулмон асирларига ижобий муносабатидан фойдаланиб, Берлин яқинидаги Винсдорф шаҳарчасидаги мусулмон масчитида имом-хатиб бўлган. БХСР ва Германия маориф нозирлиги ўртасида воситачилик қилган. У немис, Америка, рус айғоқчиси сифатида ўзи Германияга бошлаб борган бухоролик ёшлар ҳаётига зомин бўлди. Хотини Шамсулбанат Эшмурод қизи Мусо Жалил гуруҳига кириб, айғоқчилик қилди. У умрининг охирида ақлдан озиб жиннихонада жон берди. Уларнинг ўғли Элдор Идрис Германияда тиббий бир журналда муҳаррир бўлиб ишлаган.

Олтинчидан, Бухородан Германияга борган ёши кичик ўқувчилар олий мактаб, университетларга эмас, хунар мактабларига, гимназияларга, ишлаб чиқариш корхоналари қошидаги махсус ўқув юртларига, хусусий ўқув даргоҳларига, медицина коллежларига жойлаштирилган. “Озод Бухоро” газетаси бу ҳақда: “Фрайнбург (Саксония) кўн-тери ишлаш мактабида икки нафар бухоролик, Лейпциг шаҳридаги матбаачилик мактабида икки нафар, Бранденбург дорихонаишлари мактабида бир нафар, гимназия ва хусусий ўрта мактабларда олти нафар, машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш корхоналари қошидаги амалий таълим таълимгоҳларида олти нафар ўқувчи таҳсил кўрадур”¹⁵⁷, – деб маълумот беради.

Юқоридаги ўқув даргоҳларини битиргандан сўнг, бу ўқувчилар Германиядаги олий ўқув юртларига кириши инobatга олиниб, БХСР ҳукумати ҳар бир ўқувчи ҳисобига Берлин банкасига 9-10 йилга етадиган (125 минг доллардан) маблағ, шунингдек, ўқувчиларга дастлаб 25, кейин 35 олтин сўмдан стипендия белгилаб қўйганди. Шу сабабли кичик болаларнинг Германиядаги таҳсили 1931-1932 йилларга қадар чўзилди ¹⁵⁸.

Бироқ, кам сонли бўлса-да, Бухородан Германияга юборилган талабалар орасида катта ёшлилар бор эди. Улар немис муаллимлари кўз олдида ўз қобилиятларини намойиш қилиб, қисқа муддатда (6 ой ичида) немис тилини ўргандилар. Бу ёшлар Берлин, Дрезден, Куслин, Бранденбург, Винсборг, Гольштейн университетларининг турли факультетларига муваффақиятли имтиҳон топширдилар. Бухоролик ёшлар техника, геология, химия технологияси, қишлоқ хўжалиги, матбаачилик, фалсафа, санъат, журналистика соҳаларида таҳсил олдилар.

¹⁵⁷ //Озод Бухоро, 25-сон. 1923 йил 16декабрь.

¹⁵⁸ Вали Қаюмхон. Қийратилган қисматлар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1922 йил 24 апрель.

Аҳмаджон Шукрий Берлин университетининг Фалсафа факультетига, Вали Қаюмхон ушбу университетнинг Зироат (қишлоқ хўжалиги) факультетига, Аҳмад Найим Ҳакимов Иқтисодиёт факультетига, Саттор Жаббор Олий техника факультетига ўқишга кирдилар. Аҳмад Найим (1900-1984) хориждаги ўзбеклар орасида биринчи иқтисодчи олим мартабасига эришди, Вали Қаюмхон эса “Диплом ландершафт”ни олиб олий маълумотли агроном бўлди. У кейинчалик, Берлин университети Сиёсий факультетини ҳам битирди.

Хуллас, БХСР ҳукуматининг Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Қори Йўлдош Пўлатов, Абдулвоҳид Бурҳонов, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев каби аъзолари томонидан Туркия ва Германияга юборилган ўқувчи ва талабалар ўзларини қобилиятли, илм-фанга меҳр қўйган ёшлар сифатида намоён эта олишди. Тақдир тақозоси билан хорижда яшаб қолган 14-16 нафар туркистонлик собиқ талабаларнинг барчаси фан доктори, профессорлар даражасига эришганлиги фикримизнинг исботи бўла олади.

Маълумки, XX аср дастлабки ўн йилликлар даври тарихи Ўрта Осиёда анча чигал, мураккаб ва мунозарали лавҳалардан иборат. Совет ҳокимияти мавжуд бўлиб турган йилларда Марказнинг буюк давлатчилик сиёсати билан маҳаллий ҳукуматларнинг манфаатлари тўқнаш келганлиги, хорижда таҳсил олганлар тақдири тарихий воқеликлари манбавий таҳлили орқали ҳам ёрқинлаштирилиб бориляпти. “Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)нинг хориждаги талабалари” мавзуси илмий изланишлар тизимида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Кейинги йиллардаги тадқиқотларда БХСРдан истиқболни ўйлаб, замонавий илм-фан асосларига эга бўлган малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида юзлаб ёшлар РСФСР, Озарбайжон Республикаси, Туркия, ҳатто,

Франция ва Японияга ўқишга юборилганлиги ҳақида кўп ёзилмоқда.

Айниқса, 1922-1923-йилларда БХСРдан Германияга ўқиш учун юборилган бухороликлар тарихий тақдири соҳа мутахассисларини ўзига кўпроқ жалб қилаётганлиги кузатилади. 50 дан ортиқ (56 та) БХСР ўқувчи ва талабалари (10-24 ёш ораларида)нинг айримлари ҳақида маълумотлар тўпланди. Жумладан, Вали Қаюмхон (1904-1993), Аҳмад Найим Нусратуллобек (Ҳакимов), Саттор Жаббор (Абдусаттор Жабборов, 1905-1938), Шамсулбанат Эшмурод қизи (Ширатхонова, 1905-1982), Саид Али Усмон Хўжаев ва ҳоказолар ҳақида мақола ва рисоалар орқали бир қадар кенгроқ маълумотларга эга бўлдик. Бироқ, ҳар бир Германияда ўқиган ўқувчи ва талабанинг шахсидан етарлича хабардор бўлиш тарихни янада теранроқ идрок этиш истиқболларини очади. Ёхуд, алоҳида олинган биргина муҳожир ўзбекнинг ўтмиши тарихга дахлдор ва бир мақолага арзигуликдир. Ушбу эҳтиёждан келиб чиқиб, БХСРнинг “хориждаги талабалари”, хусусан, Германияда таҳсил кўрганларнинг аянчли ва фожиали тақдири тўғрисида фикр юритиш орқали қатағон қилинганлар тарихи саҳифаларини кўрсатмоқчимиз.

Маълумки, Ўрта Осиёда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида советлаштириш сиёсати туфайли Туркистон АССР, БХСР, ХХСР ҳукуматлари вужудга келди. Ушбу ҳукуматлар Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланишга қадар қисқа вақт яшаб, 1925 йилда иттифоқдош республикалар таркибига киритиб юборилди.

Оқибатда БХСР томонидан чет элларга ўқиш учун юборилган талаба ва ўқувчилар ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, улар моддий таъминотсиз қолиб кетди. Совет ҳокимияти талаба ва ўқувчиларни асл Ватанларига қайтариш учун тарғибот ҳамда ташвиқот кўрсатишни авжига олдирди. Ёхуд, ёзги таътилга келган ёшлар

Германияга ўқиш учун юборилмай, кўпларнинг ўқиши чала қолиб кетди.

Германияга юборилган БХСР ўқувчи ва талабаларининг тақдири турлича кечди. Биринчи гуруҳга: 1930-йилларга қадар Ўзбекистонга қайтарилганларни киритиш мумкин. Улар орасида ўқишини тугатган ва чала қолдирганлар ҳам бор эди. Бундайлар аввал ҳукумат идораларида, таълим муассасаларида, нашриёт ва оммавий ахборот тизимида самарали иш бошладилар. Бироқ, 1937-1938 йиллардаги қатағон қилиш Германияда таҳсил олган собиқ талабаларни ҳам четлаб ўтмади. Уларга “империализм малайи”, “немис айғоқчиси”, “Ватан хоини”, “сотқин”, “Файзулла Хўжаевнинг думи”, “аксилинқилобчи унсур” каби ясама айблар қўйилиб, 15-20 йил ГУЛАГга сургун қилинди, ёхуд бундайларга нисбатан отувга ҳукм қўлланилди.

Журналист ва ёзувчи Н. Наимовнинг ёзишича, 1930-йилларда “Бухоро ҳақиқати” (ҳозирги “Бухоронома”) газетаси таҳририятида бош муҳаррир ўринбосари лавозимида Германияда таҳсил олган Аброр Рашид исми-шарифли шахс фаолият юритган. Шунингдек, Ақром Қавмиддин исм-шарифли шахс босмахона мудири сифатида ишлаган. Улар иккаласи аҳён- аҳёнда немис тилида сўзлашиб туришган. Тегишли махсус ташкилот кўп ўтмай уларни ҳибс қилади ва немис жосуслари сифатида қатл этиладилар¹⁵⁹.

Ўша пайтда Бухорога қайтган 10-15 нафар собиқ Германия талабалари доим кўрқув ва таҳликада яшашган. Уларни махсус идора ходимлари усти ёпиқ машиналарда олиб кетишар, кўз кўриб қулоқ эшитмаган қийноқларга солишарди. НКВД (Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги)нинг Бухоро вилоят бўлимида ишлаган лейтенант Филлиманов ва Пашковлар айби билан бундайлар жабр-зулмга дучор

¹⁵⁹ Наимов Н. Бухоро жадидлари (тарихий очерклар, ҳужжатли қисса).-Т.: Фан, 2001.-Б.38.

қилинганди. Қатл қилинмаганлар одамови бўлиб қолишарди ва айрим ҳолларда асабий ҳолатга тушиб, жинни бўлишгача боришган. Бу ҳақда тарихий маълумотлар мавжуд.

Иккинчи гуруҳга кирувчилар: таъқиб ва тазйиқдан, хавф-хатардан ҳоли бўлиш учун Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларига кўчиб овлоқ жойларга бориб, исм-шарифларини ўзгартириб яшашга мажбур бўлишган. Бундайлар ўқув муассасаларида ўқитувчилик қилишган, механик, муҳандис, табиб, ҳатто, тирикчилик қилиш илинжида оддий ишчи ва қоровул ҳам бўлиб ишлаганлар. Германияда таҳсил олган собиқ талабалар қаерда яшамасин, ўзининг интизоми, газетхонлиги ва китобхонлиги, бой кутубхонага эга бўлиши, немис ва бошқа хорижий тилларни билиши, илми пухталиги, ораста кийиниши, қўли қалтираб, 80 ёшдан ошиб, кексайиб қолган бўлса-да, галстук тақиши билан бошқалардан ажралиб туришган. Уларнинг ҳозирда ҳаёт қавм-қариндошлари билан шахсий мулоқотларда амин бўлиндики, ўзларини тегишли идоралар камроқ безовта қилиш мақсадларини кўзлаб, Европа миллати вакилларига уйланишган. Жамоат жойларида, маъракаларда, жамоат транспортларида ушбу кишилар ўзининг назокати ва юксак маданияти, дунёқараши кенглиги билан ажралиб турган, кўплар истиқлол мафкураси, озодлик ва эркинликни олий қадрият, энг қимматли неъмат деб билишган.

Германия собиқ талабаларининг ушбу оз сонли гуруҳи ўз ажали билан, вақти-соати етиб бу дунёни тарк этишган. Улар қавм-қариндошчилик алоқаларини сир тутганлар, бу билан ўз яқинларини ҳам қатлга тортилишининг олдини олганлар.

Учинчи гуруҳга: оз сонли бўлса-да хорижда яшаб қолишга муваффақ бўлган, абадул-абад муҳожирликка маҳкум этилганларни киритамиз. Чет элларда қолиб

кетишни истаганлар кўп бўлган албатта, бироқ бирор-бир мамлакатга виза (чақирув) қоғози олиш қийин бўлган. Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890-1970) ўз хотираларида бухоролик талабалар билан ўқиш учун Германияга борган қозоқ йигити, зиёли Азимбек Беримжонов ҳақида эслаб: “Ўқишни тамомлаганидан кейин у Туркияга бормоқчи бўлди. Лекин виза ололмади. Тақдири фожиали бўлишини тушуниб, йиғлай-йиғлай мамлакатига қайтиб кетди. Усмон Қувватов(бошқирд) ва Абдусаттор (Саттор Жабборов) сингари у ҳам қатл этилди”¹⁶⁰- деб ёзган эди. Германияда махсус таҳсил олган бухоролик талаба ва ўқувчилардан фақат бир нафари, яъни Вали (Абдували) Қаюмов (Қаюмхон) умрининг охиригача мана шу мамлакатда яшади. Кўпгина муҳожир собиқ талабалар тақдири эса, Туркия Республикаси тарихи билан узвий боғлиқ.

Хуллас, Германияда 1920-1930-йилларда таҳсил олган Бухоро ёшларининг тарихий тақдири турлича кечди. Ҳаёти ўз мамлакатида фожиали ўлим билан тугаган, Ватанида бўлсада бир умр таҳлика ва ҳадиксираб яшаган, ёхуд Ватан меҳри ва ёдини бир дақиқа унутмай муҳожирликда кун кўрган юртимиз фарзандлари тарихини ўрганиш истиқболда давом этади. Бу эса XX аср биринчи ярми ўлка тарихини ва қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолияти солномасини атрофлича, кенг қамровли ҳолда ўрганишга ёрдам беради деган умиддамиз.

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ХОРИЖДАГИ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ (МУАММОНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ)

¹⁶⁰ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер (Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан). Хотиралар. – Т.: Адолат, 1997.- Б.255.

Ўзбек миллий давлатчилигида ўзига хос босқич ҳисобланган, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукумати даври (1920-1924 йиллар) тарихий тадқиқотлар тизимида ҳанузгача долзарблиги билан муҳим ўрин тутди.

БХСР ҳукумати мавжуд бўлиб турган йиллар хорижий давлатлар ва қўшни республикалар билан имкон қадар мустақил дипломатик ҳамда савдо-сотиқ алоқалари ўрнатишга ҳаракат қилинди. Республика ҳукуматининг дипломатик вакиллари Туркистон АССР, ХХСР, Озарбайжон Республикаси, Татаристон Республикаси, Бошқирдистон, РСФСР, Қирғизистон Республикаси кабиларга юборилди. Шунингдек, ушбу республикалардан Бухорога вакиллар 1921-1922 йилларда етиб келдилар. БХСР томонидан Хивага (ХХСР) Мирбобо Муҳсин ўғли ва Фатҳулла Комил ўғли вакил бўлиб кетдилар, Русияга муваққат намоянда бўлиб Муҳиддин Мансуров, Нажиб Ҳусайнов, Мирзо Баҳром Аҳмадқул жўнаб кетди... Туркистон АССР (Тошкент)га аввал Мирмуҳсин Мирфозилов, 1922 йилда А.Акмалов, кейинчалик эса Абдувоҳидов элчи қилиб тайинланди... Қирғизистон жумҳурияти пойтахти Ўренбургга (Оренбург) БХСРнинг консули юборилгандур..., Ашхобод шаҳрида БХШЖ сафарот хонаси (элчихонаси) очилиб, 1922-1923 йилларда ишлади. Астраханга Бухоро фуқаролари ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун махсус бир консул ўртоқ Абдулла Искандар юборилди... БХСРдан Қосим Қориев ва Муҳаммад Абдукаримовлар Эронга элчи қилиб юборилдилар... 1922 йилнинг март ойида Бухородан Маҳмуд Ражаб ва Маҳмуд Назарлар Туркияга элчи бўлиб кетдилар. Абдурахим Юсуфзода бошчилигидаги 13 нафар элчилар гуруҳи Афғонистон пойтахти Кобулга элчи бўлиб кетди... Германия пойтахти Берлинда БХСР ҳукуматининг махсус ваколатхонаси иш

бошлади...¹⁶¹ Хуллас, юқоридаги каби маълумотларни кўплаб келтириш мумкин.

БХСР ҳукумати хориждаги элчихона ва консулхоналари ёхуд дипломатик¹⁶² вакиллари тақдирини, шунингдек, Бухородаги Хорижий ваколатхоналар фаолияти тарихи масалалари тўла ўрганилган деб ҳисоблай олмаймиз.

БХСРнинг Афғонистонда фавқулотда ва мухтор элчиси ҳамда ҳукумат элчихонаси мавжуд бўлиб, 1923 йилнинг охиригача, аввал Абдурахим Юсуфзода (1880-1937), кейин эса Ҳошим Шойиқ (Ҳошим Шайх Бухорий 1882-1954)¹⁶³ элчилик миссиясини бажардилар.

Эронда ҳам БХСР дипломатлари фавқулотда ва мухтор элчи мақомида бўлишган. Кўпгина республикаларда ва мамлакатларда Бухоро дипломатлари 2-даражали мақомга эга бўлиб, ваколатхоналарнинг консули ёхуд ишончли вакил (3-даража) сифатида фаолиятларини юритишган. Улар ваколатхона аъзоси, савдо алоқалари бўйича аташше, маданий алоқалар бўйича вакил бўлиб ҳукумат манфаати йўлида хизмат қилишган. Советлаштириш сиёсати оқибатида БХСР элчихоналари СССР элчихоналарига қўшиб юборилди ёхуд хориждаги ваколатхоналар тугатилди. БХСР ҳукумати субъект сифатида тугатилганидан сўнг кўпгина дипломатлар Бухорога чақириб олинди.

¹⁶¹ Қаранг. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Шарқ мамлакатлари (1920-1924 йиллар). Бухоро-2004, -Б.4-5; Р.Шамсутдинов. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. -Т.: Шарқ, 2001. -Б.53-56; Н.Наимов Бухоро жадидлари. -Т.: Фан; 2000. -Б.40-41.

¹⁶² Дипломатия ваколатхоналари бошлиқларининг уч даражаси бўлиб, улар чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган фавқулотда ва мухтор элчи, фавқулотда ва мухтор вакил, чет давлат Ташқи ишлар вазири ҳузурида аккредитация қилинадиган Ишончли вакил бўлиши мумкин. (Қаранг. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.-Т.: 2002. -Б.312)

¹⁶³ ЎзРМДА фондларидаги ҳужжатлардан бирида Ҳошим Шойиқ 1865-1935 йилларда яшаган тарзида маълумот учрайди.

БХСР ҳукумати ваколатхоналарининг фаолияти тарихини ўрганиш учун мавжуд бўлган манбаларни қуйидагича туркумларга ажратиш мумкин.

1. Архив ҳужжатлари
2. Даврий матбуот материаллари
3. БХСР ҳукуматида фаолият юритган шахсларнинг хотиралари, қатағонга тортилган собиқ дипломатларнинг тергов ҳужжатлари ва ҳоказо.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг (ЎЗРМДА) БХСР фондида сақланаётган 47, 48, 53, 59-фондларининг йиғма жилдларида, 14-фонд ҳужжатларида ташқи алоқаларга оид бой маълумотлар мавжуд. Уларда хориж ва қўшни республикаларга юборилган элчилар, консул ва ишончли вакиллар таркиби, ушбу шахсларга юклатилган вазифалар, ваколатхоналар ходимларининг сони ва фаолият доирасини акс эттирувчи бирламчи манбалар жамланган. БХСРнинг Кавказ ортидаги (Тбилиси шаҳрида) савдо ваколатхонасининг хориж билан, айниқса, АҚШ билан қорақўл тери, ширинмия, ичак савдосини йўлга қўйганлиги ҳақидаги маълумотлар ЎЗРМДАнинг 1914-фондларида сақланганлиги муҳимдир. Шунингдек, БХСР-Афғонистон ўртасидаги элчилик муносабатлари тарихи ҳақида ЎЗРМДАнинг 48- ва 53-фондларидан бой маълумотлар олиш мумкин.

2. БХСР ҳукуматининг бирдан бир матбуот органи бўлган “Бухоро ахбори” газетасида ҳамда муҳожир ўзбекларнинг “Йени Туркистон” (Истанбул, 1927-1932), “Ёш Туркистон” (Париж, 1929-1939), “Амал” (Бухарест, Руминия) ҳамда “Миллий Туркистон” (1943-1975) каби матбуот органларида БХСР ваколатхоналари фаолияти билан боғлиқ манбавий маълумотлар учрайди. Биргина “Бухоро ахбори”нинг 1921-1922 йилларда чоп этилган 39; 41; 54; 77; 79; 82; 98; 99; 105; 106; 131; 146; 160; 207-сонларида БХСРнинг Афғонистон, Туркия, Эрон,

Озарбайжон билан дипломатик муносабатларига оид ўнлаб хабар ва мақолалар босилган. Бундан ташқари 1920-йилларда Туркистон АССРда чоп этилган газета ва журналларда ҳам БХСРнинг хориж билан алоқалар тарихига оид маълумотлар манба сифатида муҳимдир.

3. БХСР ҳукумати аъзолари ҳисобланган Файзулла Хўжаев (1896-1938), Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965), Саид Аҳрорий (1895-1931) кабиларнинг мақола ва хотира характеридаги асарларида БХСРнинг ташқи муносабатларига оид маълумотлар учрайди. Улардан манба сифатида фойдаланиш самарали илмий натижалар беради.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни илмий вазифа сифатида қайд этиб ўтишни лозим топдик.

1. БХСРнинг хориж мамлакатлари ва қўшни республикалар билан дипломатик ва савдо-сотиқ алоқалари тарихини яхлит бир тадқиқот доирасида ўрганиш зарур.

2. БХСРнинг хориждаги ваколатхоналарининг дипломатия, савдо-сотиқ, илмий-техникавий, маданий алоқалардаги фаолиятига оид ҳужжатларни тўплаш ва чоп эттириш.

3. БХСР ваколатхоналарида ишлаган элчи, консул, дипломатик ишончли вакилларнинг таржимаи ҳоллари, фаолияти ва тарихий тақдирлари ҳақида илмий изланишлар олиб бориш керак деб ҳисоблаймиз.

4. 1920-1924 йилларда ватандошларимиз дипломатия соҳасида эришган ютуқлар тажрибасини умумлаштириш ва тегишли хулосаларга келиш ҳам фойдадан холи бўлмасди.

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO АЛОҚАЛАР ТАРИХИГА ДОИР

Биринчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Шарқ дунёсида миллий озодлик ва мустақиллик учун курашлар

авж олди. Маълумки, Туркия (Усмонийлар салтанати) Германия томонидан уруш ҳаракатларига кириб, Учлар иттифоқи енгилганидан сўнг ўз миллий бирлигини йўқотиш хавфи остида қолди. Ҳатто, мамлакат пойтахти Истанбулни Англия эгаллаб олди. 1918 йилнинг охиридан Туркиядаги озодлик курашига туркий халқларнинг буюк фарзанди Мустафо Камол Пошо бошчилик қилиб, 1920-1923 йилларда у тузган «Анқара муваққат ҳукумати» мустамлакачиларни (асосан Англия ва Италия ҳарбий кучлари) она-Ватани тупроғидан ҳайдаб чиқаришда йўлбошчилик қилди.

Туркияда сиёсий воқеалар кескин кечаётган бир даврда БХСР ўзининг фаол ички ва ташқи сиёсатини юритаётган эди. Бухоро Республикасининг истиқболли режасида хорижий мамлакатлар билан дўстона дипломатик, иқтисодий, маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, узоқ асрлик анъанавий ҳамкорлик алоқаларида бўлган Туркия билан қизгин муносабатларга киришилди. Умуман XX аср бошларида Туркиядаги “ёш турклар” билан Бухоро жадиidlари - “ёш бухороликлар” ўртасида дўстона, маърифий-маданий алоқалар ўрнатилганди. Бухоролик жадиidlар Туркияда нашр қилинган “Сиратул мустақим” (Тўғри йўл) журналинини катта қизиқиш билан ўқиб боришган. Узоқ вақт Европа мамлакатлари ва Туркияда яшаган, аслиота-бобоси бухоролик, кейинчалик тақдир тақозоси билан сибирлик ўзбек бўлиб қолган Абдурашид Абдурахим жадиidчилик ҳаракатида биринчи марта миллий, маданий, сиёсий мустақиллик масалаларини кун тартибига қўйганди.

Бухоро жадиidlаридан Абдурауф Фитрат, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳамидхўжа Меҳри, Усмон Хўжа Пўлатхўжаевлар 1908-1910 йилларда Туркияга таҳсил олиш учун борган эдилар.

1910 йил Туркияда Абдурауф Фитратнинг (1886-1938) “Сайҳа” шеърий тўплами, “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи” каби фалсафий асарлари ёзилганди. “Мухтасари тарихи ислом” (Исломнинг қисқача тарихи) китоби ҳам ушбу мамлакатда дунё юзини кўрганди. Абдурауф Фитрат асарларининг асосий ғояси: Туркистон ҳозир турғунликда, Оврўпага эргашиб иқтисодий ислохотлар ўтказиши учун Туркиядан намуна олиши керак.

“Туркистонликлар Биринчи жаҳон уруши йиллари арафасида ва уруш йилларида Туркияга қардошлик ёрдамини кўрсатиш мақсадида маблағ ҳам тўплаганлар. 1913 йил 13 апрелда 28000 сўм миқдорида Туркия учун “Хайрия” тўпланди”,-деб ёзилади манбалардан бирида.

Янги тарихий вазиятда, ҳақиқатдан ҳам БХСР ташкил топган 1920 йилда Туркия сиёсий ҳаётида истиқлол учун кураш авж олганди. Туркий халқларнинг асл ватани бўлган Туркистонда Туркиядаги тарихий жараёнларни ўта синчковлик билан кузатиб бориш, туркларни имкон қадар маънавий-моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлини танланиши ўз-ўзидан аён эди. Юқорида қайд қилинганидек, Биринчи жаҳон урушидан мағлуб бўлиб чиққан Туркия 1920 йил 10 августда Париж яқинидаги Севр шаҳарчасида Антанта давлатлари билан имзоланган шартномага кўра, амалда ярим мустамлакага айлантирилди. Франция ва Англия ўртасида тақсимланган Усманийлар салтанати фақатгина Кичик Осиё ярим ороли ҳамда Истанбул билан чекланишга мажбур бўлди. Истанбул инглиз истилочилари томонидан эгалланиб, прогрессив кучлар Анқарада Мустафо Камол раислигида “Янги Анқара муваққат ҳукумати”ни тузиб, озодлик ва мустақиллик учун кураш майдонига кирадилар. Антанта давлатлари, айниқса, Англиянинг қўллаб-қувватлаши билан юнонлар “Буюк Греция” давлатини тузиш байроғи остида турклар шаҳри Измирни истило қиладилар.

Ҳаёт – мамот жангига кирган “Анқара муваққат ҳукумати” ва унинг йўлбошчиси Мустафо Камол ҳақида “Бухоро ахбори” газетаси: “1921 йил 16 июлда турклар Мустафо Камол пошо бошчилигида бутун фронт бўйлаб юнонларга қарши қатъий ва умумий ҳаракатлар бошлағонлар. Шул вақтда турклар душмоннинг 3-4 баробар кўп бўлгон кучларига қарши қатъият билан курашиб, улар ҳужумини тўхтатурлар. Яшасин ўзларининг қаҳрамонлик ва ғайратлари орқасинда Европа таҳликасига (Юнонистон ва Англияга) қарши туриб ҳарб майдонида умумий ғалаба қозониб, ўз ватанларини муҳофаа қилгон турк аскарлари!”¹⁶⁴- деб ёзганди.

Туркия ва юнон урушлари икки йил (1920-1922) давом этиб, 1922 йил 9 сентябрь Муддания жангида турклар ҳал қилувчи ғалабага эришди ва Измирдан юнонларни ҳайдаб чиқарди. “Анқара муваққат ҳукумати” кўшинлари Мустафо Камол пошо раҳбарлигида турк шаҳарлари ҳисобланган Бурса, Ардахон, Иғдир, Эскишаҳарларни ҳам эгалладилар.

Туркларнинг адолатли урушдаги муваффақияти ҳақида: “Ниҳоят турклар ўз озодликлари йўлида ҳаракат қилиб, зарба бердилар. Ўзларининг озодлиги учун бутун ислом дунёси Англия ва унинг мамлакатлари билан муқаддас урушга киришдилар. Турклар озодлик байроғини баланд кўтариб, ўз истиқлолларини қўлга киритмишлар”¹⁶⁵ , - деб ёзилганди маълумотлардан бирида.

“Анқара муваққат ҳукумати”нинг озодлик учун кураши Бухоро халқининг муҳим диққат марказда бўлган. Туркия ҳукумати 1921 йил 16 мартада РСФСР билан

¹⁶⁴ Зиё Усманий. Туркия ҳамда юнон муҳорабаси // Бухоро ахбори, 50-сон, 1921 йил 25 сентябр.

¹⁶⁵ Г.Хасаний. Туркларнинг ғалабаси муносабатила // Бухоро ахбори, 101-сон, 1922 йил 28 сентябр.

дипломатик ва ҳамкорлик шартномасини имзолайди. Совет ҳукуматининг мутассадилари Ленин, Чичерин, Караханлардан Мустафо Камол пошонинг Москвадаги вакили Бекир Семибей молиявий ёрдам сўрайди. Совет даври тарихий адабиётларида 1920 йил сентябрдан 1922 йил май ойига қадар совет ҳукумати учун оғир ва машаққатли йиллар бўлиб, Мустафо Камол ҳукуматига БХСР ҳукуматида аввал молия нозири, кейин эса Марказий Ижроия Қўмита раиси лавозимида ишлаган Усмон Хўжа Пўлатхўжаев (1878-1968) Бухоро ҳукумати хазинасидан 100 млн. олтин сўм маблағ билан моддий ёрдам кўрсатган. Ушбу маблағнинг асосий қисми Москвада сақлаб қолиниб, 10/1 улушигина Онадўли (Туркия)га юборилган. Турк тарихчи олимларидан Меҳмет Сарай 1990 йилда Истанбулда чоп эттирган “Отатуркнинг совет сиёсати” номли китобида: “Советларнинг Туркияга ёрдами тўлиқ бўлмасада, аммо ўша пайтда миллий озодлик ҳаракати ғалабасида муҳим роль ўйнаганди”,-деб ёзганди. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев муҳожирликка кетганидан сўнг 1922-1923 йилларда Мустафо Камол пошо билан мулоқотда бўлган. Туркиянинг бўлажак президенти унга ўз ҳукумати органларида ишлашни таклиф этган. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев унга Туркистон тарихи, маданияти қўлёзма асарларини тадқиқ қилиш масалалари билан шуғулланишини айтган. Шундан кейин Туркия ҳукумати томонидан ватандошимизга Мустафо Камол бўйруғи билан умрининг охиригача катта миқдорда нафақа тайинланади. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев вафотидан кейин бу нафақа турмуш ўртоғи ҳисобига ўтказилган.

Бухоро халқи турк-юнон уруши майдонида турклар қўли баланд келганлиги муносабатига шодлик ва хурсандчилик билан 1922 йил 12 октябрда митинг ва намойишлар ўтказган. Уларда давлат раҳбарлари, ислом уламолари, оддий меҳнаткаш аҳоли, мактаб ўқувчилари

ва мадраса талабалари иштирок қилишган. Турк шаҳидларининг руҳиг Қуръони карим тиловат қилиниб, мотам куйлари чалинган. Бу тадбирларда БХСР Халк Нозирлар Шўроси муваққат раиси Ато Хўжа, БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси раисининг биринчи муовини Аминов, маориф нозирини Қори Йўлдош Пўла-тов, ҳатто, Россиянинг Бухородаги вакили Фонштейн ҳам нутқ сўзлаган. Ўша кунимитинг кечгача давом этган. Бухоро халқидан Туркия ҳукумати номига табрик телеграммаси тайёрланган. Мазкур телеграммадан: “Душмонни тор-мор қилиб буюк майдон муҳорабадаги Туркиянинг матлубини ҳал этиб, ушбу порлоқ тарихий ғалабангизни, уч миллион нуфузинда бўлгон ва икки йилдан буён сизни жаҳонгир сармоядорларни енги-шингизни тилоғон Бухоро халқи номидан самимийликдан табрик этадур, олқишларла ушбу шодлигингизга шерик бўламиз. Сизнинг ғалабангиз муносабатила бутун Бухоро аҳолиси ва инқилобий шўролар ҳукумати 12 октябрда ўзининг маъмурлари, зиёлилари, талабалари билан буюк бир митинг тартибила ўтказди. Аҳолимизнинг руҳли шодлиги мақсади ила Бухоронинг “Масжиди Калони”да хатми Қуръон ўқилиб, шаҳидларнинг руҳига ҳадя этди. БХШЖ ҳукумати туркларнинг порлоқ натижаларини, Истанбул ҳукумати қатъиятингизни бутун ҳаяжон ва интизор этмакдадур.

Яшасин туркларнинг ғалабаси!

Қаҳр ўлсун, мағлуб ўлсун, ғарбнинг сарватдор жаҳонгирлари!”¹⁶⁶- каби сатрларни ўқиймиз.

Икки ҳукумат ўртасидаги дипломатик алоқалар эса анча олдинроқ, 1920 йилнинг қишидаёқ бошланган эди. Бу йўналишда ташаббус “Анқара муваққат ҳукумати” томонидан бошланиб, 1920 йил БХСР ҳукумати ташкил топганидан 4 ой ўтар-ўтмас Мустафо Камолнинг ҳукумати БХСРга биринчи бўлиб ўзининг элчиларини

¹⁶⁶ Туркларнинг ғалабаси муносабатила Бухорода байрам //Бухоро ахбори, 103-сон, 1922 йил 19 октябр.

юборди. Бухорода биринчи бўлиб хорижий мамлакатлардан Туркия элчихонаси иш бошлайди. Мустафо Камол юборган Туркия элчилари гуруҳига Ғолиб пошо бошчилик қилган. Анқара ҳукуматининг Бухоро Республикасидаги элчихонаси биринчи котиби, таниқли турк ёзувчиси Рушен Ашраф бўлганди.

1922 йилнинг март ойида Бухоро Республикасидан Мустафо Камол пошо ҳукуматини расмий суратда таниш ва ўзаро муносабатлар ўрнатиш учун Маҳмуд Назар ҳамда Маҳмуд Ражаб афандилар бошчилигида бухоролик вакиллар Анқарага ташриф буюришди. Бухоро ҳайъатини расмий равишда “Муваққат Анқара ҳукумати” ташқи ишлар вазирининг муовини Зиёдбек ҳамда хорижий ишлар вакили Юсуф Камолбеклар кутиб оладилар. Турк тарихчиси Меҳмет Сарайнинг маълумотича, Маҳмуд Назар ҳамда Маҳмуд Ражаблар бир пайтлар Истанбулда таҳсил олишган. Меҳмет Сарайнинг ёзишича, улар элчилик вазифасини уддалаб, ортга қайтганларида рус айғоқчилари (большевиклар) томонидан хоинона ўлдирилганлар. Ушбу тафсилотлар тарихий далиллар орқали исботланиш зарур.

БХСРнинг фавқулотда сиёсий вакиллари шарафига зиёфат уюштирилиб, унда Мустафо Камол пошо ҳам шахсан иштирок этган. “Бухоро ахбори” газетасида Туркия ҳукумати бошлиғи Мустафо Камол ҳамда Бухоро вакили Маҳмуд Назар афанди нутқлари тўла ҳолда келтирилган. Мустафо Камол нутқида: “Диндош ва қондош Бухоро халқининг орзусини юзага чиқариши учун бу қардош миллатга ўзимнинг фотиҳамни бераман”¹⁶⁷, -деган фикри баён қилинган.

Бухоро ҳайъати вакиллари Мустафо Камол пошога ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида юртимиздан олиб борилган олтин дастали қилич, Амир Темур замонида кўчирилган Қуръони Каримнинг нодир нусхаларидан

¹⁶⁷Бухоро ҳайъати Мустафо Камол пошо ҳузурида //Бухоро ахбори, 77-сон, 1922 йил 4 апрел.

бирини ҳамда Туркия халқ аскарлари учун Бухоро тасвири туширилган нишонлар тақдим этишди.

Туркияда озодлик йўлида турк зобит ва аскарларигина эмас, хотин-қизлар, болалар ҳам босқинчиларга қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётганлиги, мустақиллик олий неъмат эканлиги Бухоро халқи томонидан чуқур идрок қилинган. Муҳими шуки, ўз мустақиллиги йўлида кураш олиб бораётган Бухоро Республикаси ҳарбий ва моддий жиҳатдан Туркияга ёрдам беролмаса ҳам, унинг озодлигини бутун вужуди билан қўллаб-қувватлаётганлиги аниқ эди.

Туркияга олиб борилган совғалар орасида юқорида қайд қилинган, шахсан Мустафо Камол пошога аталган олтин дастали қилич билан бирга бир сира кўрк (бухороча сарупо) ва яна икки қиличнинг топширилиши юқоридаги фикримиз тўғрилигини тўла исботлайди. Мустафо Камолга ва унинг шонли ғозий (ғолиб) армиясига аталган қиличлар жасоратга чорлаб, порлоқ ғалабага қадар руҳан тетик бўлишга даъват қилиши ўз-ўзидан аён эди. Икки қиличдан бири қаҳрамон Исмаил пошога ҳадя этилган. Юнонлар истило қилган Измирни озод қилишда алоҳида жасорат кўрсатган ва шаҳарга душман мудофаасини биринчи бўлиб ёриб кирган отлик қўшин зобити Шерифбейга Бухородан юборилган учинчи қилич насиб этганди. Уни Мустафо Камолнинг ўзи Шерифбей белига тақиб қўйган¹⁶⁸. Мустафо Камол ушбу совғаларни Бухоро вакиллари билан қабул қилиб олар экан, аждодлари юрти Туркистонга эътиқоди юксаклигини ўз нутқида ошкор этиб миннатдорчилик туйғуларини баён қилди. Эҳтимолки, ўша оғир дамларда беш миллион аҳолилик бухороликларнинг маънавий қўллаб-қувватлаши Мустафо Камолни Туркия озодлиги кураши йўлида қатъиятли бўлишида бир қадар мадад бергандир. Зероки,

¹⁶⁸ Mehmet Saray. Milli Mucadele Villarında Buhara Cumhuriyetinin Turkiye Vardimi. Turkistonda Venilik Hareketleri ve ihtilaller: 1900-1924. Haarlem. 2001: 341, 342.

у аждодлар юрти Туркистонга, яъни илдизга умид кўзлари билан қараган. Чунки илдиз кўкартувчи, яшнатувчи ва юксакликка элтувчи, илҳом берувчи омилдир. Бежиз бу улуғ инсон “биз ҳам Туркистоннинг жужуқларимиз (болаларимиз)” демагандир.

“Бухоро ахбори” газетаси ўз саҳифаларида “Шарқ дунёси” рукни остида Туркиянинг истиқлол йўлидаги ғалабаларидан илҳомланганлиги билан боғлиқ бўлган мақолалар эълон қилиб борди. Мақолалардан бирида: “Европа жаҳонгирларининг ҳаракатига маҳқум этилганлиги учун Эрон, Афғонистон, Усмонли (Туркия), Арабистон, Туркистон, Бухоро, Хоразм ва ислом ўлкалари бир-бирлари билан ҳамсоя бўлғонлари ҳолда мустақил бир иттиҳод (иттифоқ) вужудга келтириб, ўзларининг истиқлолиятларини муҳофаза қилиб биладурлар. Агарда бу ҳукуматлар орасинда иттифоқ вужудга келса, ул вақтда фақат ислом оламининг эмас, балки бутун Шарқ миллатининг Ғарбий Европа занжири асоратидан халос бўлиши муқаррар”¹⁶⁹,-каби сатрларни ўқиймиз.

Туркиянинг Англия сингари қудратлидавлатларга қарши Ватан мустақиллиги ва ҳимояси учун кураши газетада жасорат баробар баҳоланиб, унга маънавий ва моддий ёрдам беришга даъват қилувчи талайгина мақолалар бор. 1921-1922 йилларда Бухоро ҳукумати камолчилар инқилоби ғалабаси учун ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берганлиги билан боғлиқ маълумотлар мавжуд.

Муҳожир ўзбеклар билан шахсий мулоқотларда Истанбул инглизлар кўлига ўтган бир даврда (1920 йил) юртдошларимиз Анқарага, яъни Мустафо Камол ҳукумати ва ҳарбий қисмлари учун бу шаҳар орқали яширин равишда моддий ва ҳарбий мадад сифатида озиқ-овқат ва қурол-яроғ юбориб, Туркия истиқлолига муносиб ҳисса қўшганликлари ҳам бизга маълум.

¹⁶⁹Туркия-Афғонистон-Эрон орасинда бошланган шартномалар муносабатида Шарқ матбуоти //Бухоро ахбори, 131-сон, 1923 йил 5 феврал.

“Бухоро ахбори”да: “Инқилобий Туркияга ёрдам керак” мақоласи босилиб: “Биз Туркияни озодлик йўлида кураш майдонига кириб, 200-300 кишилик аскарӣ фирқаларда қўмондонлик қилган турк хотинларини ҳам муҳорабада кўрдик... Туркия халқининг биздан бошқа дўстлари ва хайрихоҳлари йўқдур, Туркияга ёрдам кўрсатмак ва шунинг билан турк халқига руҳ бермак бизнинг қарзимиздур”¹⁷⁰, - деб ёзилганди.

Газетада Туркия халқи миллий мустақилликни таъминлаш йўлида ҳар қандай қурбонлар беришга тайёр эканлиги, халқаро анжуманларда ўз иззат-нафсини ҳимоя қилаётганлиги билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларга бой мақолалар эълон қилинган. Туркиянинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти билан боғлиқ хабарларга салмоқли ўрин ажратилган. Жумладан, “Шарқ дунёсида Туркия: Миллат Мажлисига кимлар сайланди?”, “Туркия-Польша шартномаси”, “Туркияда Албания ҳайъати”, “Туркияда янги Америка ширкати”, “Туркияда Миллий Мажлис очилди”, “Туркия ҳукуматининг Шимолий Америка Жумҳуриятига мурожаати”, “Туркия-Арманистон муносабатлари”, “Истанбул бўшатилды”, “Туркияга мутахассисларни жалб қилиш”, “Туркия урушга қарор берган” каби ўнлаб хабар ва мақолалар¹⁷¹ мавжуд. “Бухоро ахбори”да Туркия Республикасининг биринчи президенти, камолчилар инқилобининг ташкилотчиси ва раҳбари, йирик давлат арбоби, XX аср буюк шахслари қаторидан муносиб ўрин олган Мустафо Камол пошо (1881-1938, 1923-1938) шахсияти ҳамда фаолиятига боғлиқ бир қатор мақолалар чоп этилган. Ҳатто “Озод Бухоро” газетасининг 11(224)-сонида Мустафо Камолнинг қиёфаси акс

¹⁷⁰С.Қосимов. Инқилобий Туркияга ёрдам керак //Бухоро ахбори, 121-сон,1922 йил 28 декабр.

¹⁷¹//Бухоро ахбори, 1923 йил 2 август.185-сон; 7 август, 187-сон; 11 август, 188-сон; 15 август, 190-сон; 29 август, 195-сон; 5 октябр, 210-сон; 10 октябр, 212-сон; 12 октябр, 213-сон.

эттирилган. Газета билан танишар эканмиз, “Инқилобий турк аскарларининг бошлиғи қаҳрамон - Камол пошо”, “Мустафо Камол-Миллат Мажлиси раиси”, “Мустафо Камол пошо- Жумхурраис”, “Мустафо Камол пошо ва совет раҳбарлари” каби йирик мақолаларда ¹⁷² бу шахснинг ҳаёт йўли, сиёсий фаолияти, ҳарбий қўмондонлик маҳорати, Туркистонга муносабати атрофлича баён қилинади. Бу эса Туркиядаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг Бухоро Республикаси матбуоти орқали батафсил ёритилиши билан боғлиқ.

«Ҳозирда, - дейилади газетада, - Камол пошо турк халқи тарафидан эътироф этилган бошлиқ ва Туркия халқининг қимматли раҳбаридур... Шунини ҳам айтмоқ керакдурким, асрлар бўйича бир-бирига катта душмон бўлиб яшагон Русия ва Туркия муносабатлари ҳозирда Камол пошо сиёсати соясинда ижобийдур»¹⁷³.

Бу ўринда Россия ва Туркиянинг XVII-XIX асрларда ўзаро душманлик кайфиятидаги муносабатларидаги асрий қарама-қаршилиқлар, ҳудудий можароларни бартараф қила олган, ўз мамлакати манфаати йўлида рақиб билан ҳам тил топиша оладиган дипломат, давлат арбоби сифатида Мустафо Камолга юқори баҳо берилганлигини идрок қилиш қийин эмас.

Газета мақолаларидан бирида: “Мустафо Камол пошо насл жиҳатидан бир майда хунарманднинг боласи бўлиб, ёши 52 теграсиндадур (атрофидадир)”¹⁷⁴, -деб ёзилган маълумотни ўқиймиз. Аслида бу ҳақиқатдан йироқроқ бўлиб, Мустафо Камол 1881 йил 10 ноябрда Юнонистоннинг Салоника шаҳрида таваллуд топган. Отаси Али Ризо Афанди ўрмон маҳсулотлари савдоси билан шуғулланган, кейинчалик божхона чиновниги лавозимида ишлаган.

¹⁷²Ўша газеталар. 106-сон, 1922 йил 29 октябр. 193-сон 1923 йил 24 август.

¹⁷³ Инқилобий турк аскарларининг бошлиғи қаҳрамони Камол пошо //Бухоро ахбори, 106-сон, 1922 йил 29 октябр.

¹⁷⁴Ўша газета. 106-сон, 1922 йил 29 октябр.

Онаси Зубайдахоним Файзуллоҳ Оқа қизи ҳам бадавлат оиланинг фарзанди бўлган. Мустафо Камолнинг асл исми Мустафо бўлиб, Камол деган номни ўта қобилиятли бўлганлиги учун унга 14 ёшида мактабдаги математика ўқитувчиси берган¹⁷⁵. Демак, Мустафо Камол биринчидан, ҳунарманд оиласида дунёга келган эмас, иккинчидан эса, газетада таъкидланганидек, 1922 йилда 52 ёшда эмас, балки 41 ёшда бўлган. Холбуки, Мустафо Камол Отатурк вафот этганида, яъни 1938 йилда 57 ёшида бўлган¹⁷⁶.

Мустафо Камол Отатурк жасур ва бошлаган ишини охирига етказадиган шахс эди. У Туркия истиқлолини ярим йўлда қолишини истамаган, ҳарбийларга хос қатъиятли киши бўлганлиги ҳам манбаларда қайта-қайта таъкидланганиди. “Биз ортиқ қурбонлар бера олмаймиз, имтиёзли музокараларнинг давом этиши бизнинг миллий шаънимизга нуқсон келтирадур. Туркия асоратга қараганда урушни ортиқ кўрадур ҳамда шуни давом эттирмоқ учун Туркия сўнгги қонига қадар урушга қарор қилди”, деб ёзилганиди “Мустафо Камолнинг баёноти”да¹⁷⁷. Бу ўринда токим Лозанна конференцияси (Швейцария, 1923 йил 24 июл)га қадар Туркия мустақиллигини тўла тан олмаслик учун ҳаракат қилаётган Англия, Франция вакилларига ватанпарвар раҳбарнинг муносиб жавобининг гувоҳи бўламиз.

Тарих гувоҳлигича, Лозанна конференциясида Антанта давлатлари Туркиянинг мустақиллигини тан олиб, нотенг шартномаларни бекор қилишга мажбур бўлишган эди.

¹⁷⁵Қаранг. Эргашев Ф. Янги Туркиянинг отаси //Жаҳон адабиёти, 8-сон, 1998 йил; Абдурахмон Зоҳидий. Мустафо Камол Отатурк //Фан ва турмуш, 1-сон, 2001 йил.

¹⁷⁶ Мустафо Камол Отатурк узоқ давом этган жигар хасталиги туфайли 1938 йил 10 ноябр пайшанба куни эрталаб соат 9.05 да Анқарадаги Дулмабоғча саройида вафот этган.

¹⁷⁷ Туркия уришишга қарор берган. Мустафо Камол пошо баёноти //Бухоро ахбори, 129-сон, 1923 йил 28 январ.

Туркиянинг муносиб йўлбошчиси ва давлат раҳбари Мустафо Камол Отатурк шахсияти “Бухоро ахбори”да фаолият олиб борган ижодкор мухбирларнинг ҳам диққатини тортган. Газетанинг 1922 йил 19 октябридаги 103-сонида Мустафо Камол пошони олқишлаб “Минглар яша!” ғазали босилган. Мазкур ғазалнинг муаллифи Х.Олмош бўлиб, унинг ғазалидан:

“Эй, фидойи Камол пошо
Раҳбарисан мазлумларнинг
Нажоткори шарқлиларнинг

Аскарингла минглар яша-минглар яша!”¹⁷⁸ каби сатрларни ўқиймиз.

“Бухоро ахбори” газетаси Туркия ва Бухоро ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, қардошлик алоқалари XX аср 20-йилларида ривожланганлиги, айтиш мумкинки, юқори поғонага кўтарилганлиги ҳақида маълумот берувчи қимматли манбалардан биридир. У ҳақиқатдан ҳам “Шарқ дунёси ва Бухоро Республикаси” тарихий тадқиқот муаммосини келажакда ҳал қилиш манбаларидан бири бўла олади. Камол пошо шахсияти масаласига келсак, айтиш мумкинки унинг ҳаётлигида туркий халқлар орасидаги ҳурмат-эҳтироми қандай бўлса, ҳозирда ҳам ундан баланддир.

Мустафо Камол бошчилигида турк халқи ғалабага эришди. Шарқ дунёсида биринчи бўлиб Туркияда республика тартиби ўрнатилди. Камолчилар таълимоти ўзини оқлади ва ҳақли суратда 1934 йилдан эътиборан турк халқи ўз йўлбошчисига Отатурк (Турклар отаси) унвонини берди.

XX аср буюк шахслари қаторидан Мустафо Камол номи мустаҳкам ўрин олди. Мустафо Камол Отатурк билан Бухоро Республикаси вакиллари учрашган тарихий санадан ҳам юз йилликнинг 4-чораги ўтиб бормоқда.

¹⁷⁸ Х.Олмош. Минглар яша! //Бухоро ахбори, 103-сон, 1922 йил 19 октябр.

Туркия халқи Отатурк номини абадийлаштириш учун унинг жасади қўйилган пойтахт Анқарада этнография музейини ташкил қилишган. Музейда Мустафо Камол Отатурк ҳаёт йўли ва фаолияти билан боғлиқ юзлаб асори-атиқалар, буюмлар, китоб ва нашрлар, ҳарбий кийим, қурол-яроғ кабилар қўйилган. Улар орасида бухороликлар томонидан Туркия раҳбарига ҳадя қилинган нишонлар ва буюмлар ҳам бор. Бу эса халқларимиз ўртасидаги синовдан ўтган мустаҳкам қавм-қариндошчилик, олтин сингари зангламас дўстона алоқаларнинг умрбоқийлигидан далолатдир.

Республикамиз истиқлолга эришган дастлабки кунларда Мустафо Камол васиятига содиқ бўлган камолчиликнинг 6-босқичида ривожланиш йўлидан кетаётган Туркия ва унинг марҳум президенти Турғут Озал юртимиз келажагига ишонч билан қаради ва бизни 1991 йил 16 декабрда расмий жиҳатдан биринчи бўлиб тан олган давлат ҳам Туркия Республикаси бўлди.

Туркия Республикаси шаклланмаган, “Анқара ҳукумати” мавжуд бўлган йилларда бу юрт мустақил бўлишига ишонч билан қараган Бухоро ҳукумати кўрсатган қатъият ва ишончни салкам бир асрча вақт ўтганидан сўнг Туркия ҳам Ўзбекистон келажаги олдида масъуллигини англаши табиий эди.

Ҳозирда халқаро муносабатлар зиддиятли, мураккабликларга тўла, хуллас, қандай бўлишидан қатъий назар Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, мавқеи ва салоҳиятига эга бўлган мамлакатдир.

Турклар йўлбошчиси ва раҳнамози шахси билан боғлиқ масалага баҳо берганда эса Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг «Мустафо Камол Отатурк нафақат қардош турк халқининг, балки барча туркий халқларнинг буюк фарзанди ва ифтихоридир»,-деган фикрлари айти ҳақиқатдир.

БУХОРО-ОЗАРБАЙЖОН: ҲАМКОРЛИК ВА АЛОҚАЛАРНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛЛАРИ

Буюк ипак йўлининг марказий нуқталаридан бирида жойлашган Бухоро халқаро савдо-сотиқ маркази сифатида ушбу йўл ўз аҳамиятини йўқотган тарихий даврларда ҳам Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан анъанавий иқтисодий ва дипломатик алоқаларини давом эттирган. Бухоронинг Кавказорти ўлкасидаги Озарбайжон билан ҳамкорлик алоқалари ўзига хос характерга эга. XVII-XVIII асрларда Озарбайжоннинг Ганжа, Шемаха, Боку, Ардабел каби шаҳарлари билан Бухоро савдогарлари қизғин савдо-сотиқ олиб боришган.

Бухородан Озарбайжонга жун, қоракўл тери, ҳунармандчилик буюмлари, қоракўл теридан қилинган телпаклар чиқарилган. Озарбайжондан эса, нефть ва ипак маҳсулотлари Бухорога келтирилганлиги ҳақида кўплаб манбаларда маълумотлар учрайди. Инглизларнинг “Москва савдо компанияси” (1555 йил ташкил топган) аъзолари ҳисобланган Р.Хогт ва Г.Томпсон XVIII асрнинг 40-йилларида Ўрта Осиё хонликлари бўйлаб саёҳатлар қилишди. Уларнинг мақсади Эрон ва Кавказорти орқали Бухорога инглиз савдоси учун йўл очиш эди. Улар маълумотича, Бухоро хонлигининг ташқи савдодан оладиган бир йиллик даромади 1000 дукат бўлган¹⁷⁹.

Амирлик даврида (1753-1920 йиллар) ҳам иқтисодий, савдо-сотиқ алоқалари Эрон ва Озарбайжон билан давом этиб турган. Лекин чор мустамлакаси даврида бу муносабатлар Россия назорати остида амалга ошириларди. Чунки амирлик Россиянинг хом ашё бозорига айланган, эркин ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалар олиб боришдан маҳрум эди.

¹⁷⁹Раҳмонов К. Бухоронинг Озарбайжон билан алоқалари /“Тарихий хотира-маънавият асоси” мавзусидаги анжуман материаллари.Бухоро- 2010.–Б. 88.

Биз Бухоро-Озарбайжон алоқаларининг ўтмишига қисқача эътибор қаратдик. Бухоро Халқ Совет Республикаси билан Озарбайжон Совет Республикаси қисқа даврда бўлсада, ўзаро дипломатик, савдо-сотиқ ва маданий алоқаларда бўлганлиги билан боғлиқ масалалар кенгроқ баён қилинишга арзигуликдир.

1920 йил сентябрда Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати тузилганидан сўнг, янги ҳукумат Ғарб ва Шарқнинг бир қатор мамлакатлари билан дипломатик ва савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилди. Жумладан, Афғонистон, Эрон, Туркия каби давлатлар билан элчилик алмашинувлари йўлга қўйилиб, бу давлатларда Бухоро Республикаси ваколатхоналарини очиш ҳаракати бошланди. БХСР Озарбайжон билан ҳам дўстона муносабатлар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратди.

1921 йилнинг кузида БХСР ҳукумати бошлиғи, ташқи ишлар нозири Файзулла Хўжаев Озарбайжоннинг ташқи ишлар нозирлигига телеграмма йўллаб: “Амир ва унинг тарафдорларининг истибдод ва зулмини йиқитиб, тараққий бўлурға кирган БХШЖ ҳукумати самимий суратда биродарлик ва қўшничилик робитасини тақдим қилиб ва ҳар икки жумҳуриятнинг иқтисодий юксалмаклари ва сиёсий келишувлари мақсади билан бир-бирларида намояндалар (вакиллар) бўлмоғи орзусидадур. Шу орзу ила тарафимиздан юборилатурғон вакилнинг қабулини илтимос қиламан. БХШЖ ҳам ўз жумҳуриятининг ичида сизнинг вакилингизни кўрса, жуда шод бўлғусидир¹⁸⁰”, -деб ёзган эди.

Ёш нозир Озарбайжон ҳукуматидан икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини тиклаш, икки мамлакатда ваколатхоналар фаолиятини йўлга қўйиш таклифини

¹⁸⁰ Сиёсий алоқалар: Бухоро ва Озарбайжон //Бухоро ахбори, 52-сон. 1921 йил 12 октябрь.

киритганидан сўнг, Бокудан ҳам кўп ўтмай ижобий жавоб олинади.

Озарбайжон Хорижия комиссари (ташқи ишлар нозир) Ҳасанов (Ҳусенов) жавоб телеграммасида: “Озарбайжон Жумхурияти билан биродарлик робитасини қурмоқ орзусини изҳорингизга ҳукуматим номидан арз қиладурманки, тарафингиздан юборилатурғон намояндангизни сабрсизлик билан кутамиз. Унинг учун шаҳримизнинг марказида хусусий жой тайёрланадур. Сизнинг жумхуриятингизда бизнинг намояндамизни бўлиши тўғрисида бўлса, ҳеч иккиланмасдан тарафимиздан бир киши тайин қилиниб, сизга юбориладур”¹⁸¹,-каби самимий, айти пайтда ўта мамнунлик, розилик ҳамда ўрнатилажак муносабатларга интиқлик руҳи сингдирилган жавоб берилади.

Озарбайжонга сиёсий вакил билан биргаликда савдосотиқ муносабатларини йўлга қўйиш учун иқтисодий вакил ҳам юбориш кўзда тутилган. Унинг вазифаси Озарбайжон-Бухоро савдо алоқаларини йўлга қўйиш ва Бухорога Озарбайжондан сотиб олиш керак бўлган моллар рўйхатини тавсия этиш эди.

“Бухоро ахбори” газетасининг маълумотича, Озарбайжон Республикасининг элчиси Али Ризо Наримонов 1922 йилнинг август ойида Бухоро шаҳрига келган. Наримонов ўрнашиб олганидан кейин, 1922 йил 27 августда Файзулла Ҳўжаев уни қабул қилиб, ўз вазифасини бажаришга киришганлиги билан табриклаган. Озарбайжон элчиси ўз вақтида тегишли ҳужжатларни Бухоро ҳукумати раҳбари ва ташқи ишлар нозирлигига тақдим этган¹⁸².

Боку ўрта асрлардан буён Шарқ мамлакатлари марказий бозорларидан бири бўлиб, бу шаҳарда бир

¹⁸¹ Ўша жойда.

¹⁸² Бухорода Озарбайжон вакили//Бухоро ахбори, 99-сон, 1922 йил 14 сентябрь.

йилда икки борўтказиладиган “Боку ярмаркаси” айниқса машхур эди.

1922 йил сентябрь ойида Боку ярмаркаси очилиши муносабати билан Бухорога Боку ярмаркаси комиссиясинингаъзоси Йўлдош Юсуф Аҳмадов келган¹⁸³. Унинг Бухорога келишидан мақсад 1922 йил 15 сентябрда бошланадиган Боку ярмаркасида иштирок этиш учун бухоролик савдогарларни даъват этиш ва бозори чаққон товарларни танлашда бухоролик савдогарларга ёрдам бериш эди. Й.Аҳмадов Янги Бухоро (Когон)да 10 кун давомида бўлиб, Боку ярмаркаси учун кўп турдаги Бухоро қишлоқ хўжалик товарларини танлайди. Хабарлардан бирида: “Боку ярмаркасига Эски Бухоро шаҳридан 5 вагондан иборат ҳукумат ва хусусий одамларнинг моллари узатилғон. Ўша моллар ичида 25 минг адад қоракўл, 37 минг адад ошланган тери ҳамда 140 адад мол ичаги ҳамда бошқа товарлар юборилғон¹⁸⁴”, -деб ёзилади.

Мазкур маълумотдан Бухоро Республикаси Боку ярмаркаси учун қоракўл тери, катта шохли молларнинг ошланган териси, ичак ҳамда маълум миқдорда озиқ-овқат махсулотлари юборган. Бухоронинг моллари ярмаркаларда немис савдогарларини қизиқтириб келганлиги манбаларда кўп бор тилга олинади.

Боку ярмаркасидан Бухоро эҳтиёжлари учун Озарбайжондаги Бухоро савдо ҳайъати томонидан 2 вагон гурунч, 1 вагон ҳар хил халқ истеъмол моллари харид қилинган¹⁸⁵.

Бухоро Халқ Республикасидан Европа ва Туркияга вакиллар юбориш ҳам Бокудаги ваколатхона орқали амалга оширилган.

Туркияга ўқиш учун юборилган бухоролик талабаларни хавфсизлигини таъминлаш, уларга моддий

¹⁸³ Бокуда ярмарка //Бухоро ахбори, 98-сон, 1922 йил 2 сентябрь.

¹⁸⁴ Боку ярмаркаси моллари//Бухоро ахбори, 108-сон, 1922 йил 5 ноябрь.

¹⁸⁵ Бокудан Бухорога мол //Бухоро ахбори, 105-сон, 1922 йил 26 октябрь.

ва маънавий шарт-шароитларни яратиб беришҳамда Туркиягача етиб боришга ҳомийлик қилиш БХСРнинг Озарбайжон ваколатхонаси зиммасида эди. Айтиш мумкинки, юқоридаги масъул вазифаларни ваколатхона тўла-тўқис уддалади.

БХСРнинг Озарбайжондаги ваколатхонаси Бухорода театр ва муסיқа санъати, матбаачилик ҳамда маориф соҳаларини ривожлантириш мақсадида Озарбайжон ҳукумати доиралари билан музокараларга киришиб, малакали мутахассис кадрларни юртимизга юбориш чораларини кўрган. Бухоро Республикаси ҳукумати таркибида ва маданий-маърифий муассасаларда 1920-1924 йиллар давомида татар, бошқирд, озарбайжон миллати вакиллари ҳам фаолият олиб борганлиги фикримизга далилдир.

Айни пайтда Озарбайжоннинг ўзида ҳам таҳсил олиш учун бухоролик талабалар юборилган. “Маориф назорати тарафидан Боку намояндамиз Муҳиддин Рафиқ ила Боку мактабларида илми-таҳсил қилмоқ учун Бухородан 5 нафар талаба юборилиб, у талабаларнинг тарбиялари Боку намоёндамиз ҳузурида бўлғусидир”¹⁸⁶, -деб ёзади “Бухоро ахбори”. 1925-1930 йилларда Берлиндаги олий техника мактабини ўқиб тугатган Истанбул университети профессори, ўзбек муҳожирини Аҳмаджон Иброҳим Ўқай 1941 йил 15 июнда ёзган таржимаи ҳолида Туркистондан Озарбайжон (Боку)га 25 талаба ўқиш учун юборилганлигини ёзганди¹⁸⁷.

БХСР ва Озарбайжон Республикасининг қизгин алоқалари йўлга қўйилаётган бир даврда бу мустақиллик одимлари Москва, яъни марказ ҳукумати раҳбарларига ёқмади. 1922 йил декабрь охирида СССР ташкил топиши натижасида Озарбайжон Республикаси мустақиллиги

¹⁸⁶ Бухородан талабалар юборилди //Бухоро ахбори, 82-сон, 1922 йил 4 май.

¹⁸⁷А. Иброҳимов. Тошкентнинг бир япроғи //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил 28 май.

тугатилиб, ЗСФСР (Закавказье Совет Федератив Социалистик Республикаси) таркибига киритилиб, Грузия ва Арманистон билан қўшиб юборилди.

Янги давлат уюшмасининг маркази Грузиянинг пойтахти Тбилиси шаҳри қилиб белгиланди. БХСР ҳукумати ҳар қандай тазйиқ ва тўсиқларга қарамасдан, Озарбайжон Республикасидаги элчихонасининг тугатилганлигини катта йўқотиш деб ҳисобласа-да, ўзаро ҳамкорликни сақлаб қолишга кўп уринди. Чунки БХСР ва Туркия ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда ҳам бу ваколатхонанинг роли катта эди.

Хуллас, Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Озарбайжон Совет Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари иккита туркий халқлар ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим босқич бўлиб қолди.

3-БОБ. БУХОРОЛИК ОЛИМЛАР

БУХОРОНИНГ УЛУҒ ФАРЗАНДЛАРИ ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ВА АБДУРАУФ ФИТРАТ

Истиқлол туфайли тарихни объектив ва холисона тадқиқ қилиш, миллатимиз орасидан етишиб чиққан юртпарвар, фидойи инсонларнинг қадр-қимматини ўз жойига қўйишдек хайрли мақсадларга эришдик. Бундай тарихий шахслар орасида Файзулла Хўжаев (1896-1938) ва Абдурауф Фитрат (1886-1938) сиймолари ҳам ўзига хосўрин тутади. Тарихимизнинг ўта мураккаб ва зиддиятли кечган даврида яшашган икки юртдошимизнинг ўзаро муносабатлари, маслакдошлиги, шогирд ва устоз сифатидаги муштарак фаолиятлари хусусида мухтасар фикр юритмоқчимиз.

Адабиётшунос ва тарихчи Мажид Ҳасанов 1960 йилларда Файзулла Хўжаевнинг қизи Вилоят Хўжаевага “Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаев” номли рисоласини тақдим этади. Ушбу рисола ни ўқиб чиққан Вилоят Хўжаева муаллифга китобча анча меҳр ва завқ билан ёзилганлигини айта туриб: “Аmmo, сиз “Фитрат ва Файзулла Хўжаев” номи билан китоб ёзганингизда яна ҳам яхшироқ бўларди... Албатта, С.Айнийнинг адабиётимизга хизмати катта. Бироқ Фитрат сиймоси ўзгача, мен Сизга очиғини айтсам, отамнинг биринчи устозларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий билан Фитрат ҳисобланарди¹⁸⁸”, -каби фикрларни билдирган.

Отасининг ҳаёт йўли ва фаолиятига жонли гувоҳ бўлган Вилоят Хўжаева Абдурауф Фитрат билан ҳукумат раҳбари устоз ва шогирд мақомида бўлганликларига кўплаб далиллар келтиради. Мустақиллик йилларида “фитратшунослик” соҳасида анча илмий

¹⁸⁸ Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – Б. 180.

ютуқлар қўлга киритилди. Абдурауф Фитратнинг асарларидан халқимиз баҳраманд бўлди, олимнинг тарих ва ижтимоий фанлар ривожига қўшган ҳиссаси билан боғлиқ илмий мақолалар, тадқиқотлар эълон қилинди. Бу борада бухоролик зиёлиларнинг хизмати ҳам оз эмаслигини таъкидлаш ўринли бўларди ¹⁸⁹. Бироқ юқоридаги тадқиқотларда Абдурауф Фитрат билан Файзулла Хўжаев ўртасидаги устоз ва шогирдлик, ўзаро маслақдошлик масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Абдурауф Фитратнинг тергов ҳужжатлари асосида ёзилган Ж.Муртазоев ва Х.Соҳибовларнинг мақоласида¹⁹⁰ бу икки тарихий шахснинг юрт мустақиллиги, она тилимиз софлиги, Ватан тараққиёти йўлидаги ягона мақсадга қаратилган ҳатти-ҳаракатлари архив ҳужжатлари орқали бир қадар очиб берилган.

Маълумки, 1996 йил 22 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йирик давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти етакчи олимлари Файзулла Хўжаевнинг “Бухоро инқилобининг тарихига материаллар” асарини 1926 йилда эски ўзбек ёзувида чоп қилинган биринчи нашрини кирилл алифбосига ўгириб,

¹⁸⁹ Раҳматов И., Раҳматова Х. Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарида тарих илми хусусида / “Тарихий хотира – маънавият асоси” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро – 2008. – Б. 96-97; Наврўзова Г., Раҳмонова М. Фитратнинг илмлар таснифида тарих илми / Ўша тўплам, №3. Бухоро – 2010. –Б. 171-173; Орипова М. Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарида оила вазифаси талқини / Ўша тўплам.№4. - Бухоро – 2011. –Б. 89-90; Салохов А. Маърифатпарвар Абдурауф Фитратнинг фалсафий мероси / Ўша тўплам. - №7. - Бухоро – 2014. – Б. 205-208; Жамолова Д. Абдурауф Фитратнинг ахлоқий қарашлари / Ўша тўплам. - №7. Бухоро – 2014. – Б. 314-315; Темиров Ф., Темирова Г. Садриддин Айний – замондоши Фитрат ҳақида / Ўша тўплам. - №8. - Бухоро – 2015. – Б. 334-337 ва ҳоказо.

¹⁹⁰ Муртазоев Ж., Соҳибов Х. Фитратга қарши фитна // Жаҳон адабиёти, 1997. - №3. – Б. 97-114.

нашр этишди ¹⁹¹. Ушбу китобида Файзулла Хўжаев Абдурауф Фитратнинг ижтимоий келиб чиқиши, Бухоро амирлигидаги маърифатчилик фаолияти, жадиdчилик ҳаракатидаги ўрни ҳақида муҳим маълумотлар келтиради. У Абдурауф Фитратнинг “Ёш бухороликлар” ҳаракати ва партияси сафларида етакчилардан бири бўлганлигига асосий эътиборни қаратади.

Ф.Хўжаев жадиdчилик ҳаракати асосчиларидан Садриддин Айний, Абдувоҳид Бурхонов, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев, Жўрабой деҳқон кабиларнинг ижтимоий келиб чиқиш ҳолати ҳақида ёзиб: “Фитрат – толиби илм, шоир, унча катта бўлмаган шаҳар савдогарининг ўғли”¹⁹², – деб фикр билдиради.

Абдурауф Фитратнинг “Ёш бухороликлар” партиясидаги мавқеи ҳақида эса: “Ташкилот янги муҳим ишларга йўлбошчилик учун марказий кўмита сайладилар. Янги марказий кўмитага қуйидаги кишилар сайланди. Абдувоҳид Бурхонов (раис), Фитрат (саркотиб), Усмон Хўжаев (хазиначи), аъзолари: Муҳитдин Рафъат, Мусо Саиджонов, Отахўжаев, Аҳмаджон Абдусаидов, мен ҳамда Ҳомидхўжа ¹⁹³”, –деб ёзади Файзулла Хўжаев.

Файзулла Хўжаев Абдурауф Фитратнинг жадиdчилик ҳаракатининг сўл қанотини бошқаришдаги ташкилотчилик фаолиятига ҳам юқори баҳо беради. Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат БХСР ҳукумати таркибида ҳам маслакдош бўлиб, муштарак мақсадлар йўлида фаолият юритишган. Абдурауф Фитрат 1920-1923 йилларда БХСР вақфлар бошқармасида мудир, Ташқи ишлар нозири, Халқ маорифи нозири, Меҳнат кенгаши раисининг ўринбосари (1922-1923) каби қатор масъул

¹⁹¹ Қаранг. Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Ф.Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Т.: Фан, 1997. –174 бет.

¹⁹² Ўша китоб. – Б. 74.

¹⁹³ Ўша китоб. – Б. 102-103.

вазифаларда ишлади. У Файзулла Хўжаевнинг тавсияси ва топшириғи билан 1922 йилнинг ёзида 19 моддадан иборат “Вақф ишлари ҳақида” лойиҳа ишлаб чиқди. Лойиҳада вақф ишларини тартибга солиш ва вақф мулкларидан фойдаланишнинг замонавий концепцияси яратилганди¹⁹⁴.

Абдурауф Фитратнинг ташаббуси ва Файзулла Хўжаевнинг қўллаб-қувватлаши билан 1921 йилда БХСРда ўзбек тили давлат ва расмий ҳукумат тили сифатида жорий қилинди. Ҳукумат идораларида ўзбек тилида сўзлашмайдиганлар ҳатто, жаримага тортилиши билан боғлиқ жазо ҳам жорий қилинганди¹⁹⁵.

Абдурауф Фитрат ва Файзулла Хўжаев 1922-1923 йилларда ёш республика истиқболини ўйлаб Германия, Туркия, Япония сингари мамлакатларга маҳаллий миллат вакилларини ўқиш учун юбордилар. Ушбу собиқ талабалардан бири Вали Қаюмхон (1904-Тошкент, 1993-Германия) Абдурауф Фитратнинг бу борадаги жонбозлигини қуйидагича эслайди: “Мен Тошкентда туғилганман. Пичоқчилик маҳалласида ўсганман, мен турли мактабларни битиргандан сўнгра, Навоий мактабини битиргандан сўнгра, айниқса менга катта таъсир берган киши Фитрат устоз билан яқинлик пайдо бўлди ва мени Бухорога чақирди. Бухорога бормасдан илгари бўлган ҳоқон Темур (Амир Темур) сағанасининг олдида тиз чўкиб ваъдалар (қасамёд)да бўлдим, кўзимдан ёш чиқди. Фитратнинг олдида борган пайтимда Фитрат мендан бирор миллий масалалар устида сўз очмоқчи бўлди, қўл бердим, онт ичдим ва менинг Оврўпага қайтиб кетишимда: “Қайтиб келмайсан, вазифаларни адо қилмагунча қайтиб келмайсан, деди”¹⁹⁶.

¹⁹⁴ Вақф ҳақида лойиҳа // Бухоро ахбори, 88-сон, 1922 йил 29 июн.

¹⁹⁵//Бухоро ахбори, 42-сон. 1921 йил 3 июл.

¹⁹⁶Интернет маълумотлари. www.12.uz.

Абдурауф Фитрат ҳукумат таркибидан чиқарилиб, илмий педагогик фаолият билан машғул бўлган 1923-1926 йилларда ҳам Файзулла Хўжаев устози билан ўзаро алоқаларини узмади. Бевосита унинг ёрдами билан 1924 йилда Германияда Абдурауф Фитратнинг “Ҳинд ихтилочилари” асари ўзбек ва тожик тилларида нашр этилди. Абдурауф Фитратнинг тарихий асарлари ва драмалари, “Мунозара”, “Раҳбари нажот”. “Оила”, “Қиёмат”, “Абу Муслим” каби китоблари Файзулла Хўжаев томонидан мутолаа қилинган ва улар ҳақида муносабат билдирилган.

Файзулла Хўжаев ҳордиқ чиқариш пайтида шахмат ўйнашни ёқтирарди. Унинг таклифи билан Абдурауф Фитрат “Шарқда шахмат” деган мақола ёзган ва ушбу каттакон мақола “Ер юзи” журналининг 1929 йилдаги 8-сонида босилган.

“Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат” мавзусидаги фикр-мулоҳазаларни янада кенгайтириш учун бухоролик ёзувчи, марҳум Н.Наимовнинг истиқлол йилларида яратган бир қатор тарихий роман ва қиссаларига ¹⁹⁷ мурожаат қилинса фойдадан холи бўлмайди. Хуллас, “Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат” мавзусида тарихий манбалар ва ҳужжатлар асосида йирик тадқиқот яратиб, китобхонлар ҳукмига ҳавола қилиш келажак зиммасидадир.

БУХОРОНИНГ БИРИНЧИ ИҚТИСОД ПРОФЕССОРИ - АҲМАД НАЙИМ (ЎКТАМ)

Истиқлол туфайли мустабид совет тузуми йилларида тақдир тақозоси билан хорижда яшашга мажбур бўлган

¹⁹⁷Наимов Н. Мен яшашни истайман (роман – хроника). – Бухоро:“Бухоро” нашриёти. 1994. -326 бет; шу муаллиф. Бухоро жадидлари (тарихий очерклар, ҳужжатли қисса). -Т.: Фан, 2000. – 48 бет; шу муаллиф. Fitrat fojiasi (tarixiy qissa). – Т.: Fan, 2005. - 167 бет;шу муаллиф. So’ngi hukmdor (tarixiy qissa). “Buxoro” nashriyoti, 2008. –167 бет.

миллатдошларимиз ҳақида маълумот берувчиўнлаб мақола ва хабарлар эълон қилинди. Юртдошларимизнинг чет элларга бориб қолиш сабаблари, машаққатли ҳаёт йўли ва фожиали тақдирларини ёритишга қаратилган илмий ишлар ҳам кўплаб чоп этилмоқда. Жумладан, 1920-1924 йилларда яшаган Бухоро Халқ Совет Республикасининг хорижий мамлакатлардан Германия ва Туркияга ўқиш мақсадида юборилган талабаларининг тарихий қисмати ҳақида ҳам анча тасаввурга эга бўлиб қолдик.

Фикр юритадиганимиз Аҳмад Найим барча Бухоро ёшлари каби юксак орзулар билан Германияга ўқиш учун йўл олган, лекин совет ҳокимиятининг қатағон ва зўравонлик сиёсати туфайли умр бўйи Ватанидан йўли айри тушиб, бир умр ғурбатда яшаган 14-16 нафар собиқ туркистонлик талабалардан биридир¹⁹⁸.

Совет давлатининг махсус идоралари томонидан “империализм айғоқчиси”, “сотқин”, “Ватан хоини” каби қора рўйхатга киритилган Аҳмад Найим ким эди?¹⁹⁹ 1922 йилга қадар, яъни Германияга ўқиш учун юборилгунгача ушбу шахс қандай ҳаёт йўлини босиб ўтган? Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати Аҳмад Найимга қандай муносабатда бўлган? Хорижда ўз умрининг асосий қисмини яшаган Аҳмад Найимнинг муҳожирликдаги ҳаёт йўли ва қисмати қандай кечди? каби саволларга имкон қадар жавоб излашга ҳаракат қилинади.

Аҳмад Найим Нусратиллобек Бухоро амирлигининг пойтахти Бухоро шаҳридаги Бозоригул кўчасида, йирик савдогар оиласида 1900 йилда таваллуд топган. Тарихий манбаларда талабалар Германияга қараб йўлга чиқишганида, у 21-22 ёшлардаги йигит бўлганлиги

¹⁹⁸ Вали Қаюмхон. Қийратилган қисматлар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил 24 апрель.

¹⁹⁹ Унинг номи Найим, Наим, Нойил тарзида ҳам ёзилган. Кейинчалик исми-шарифидан сўнг “Ўктам”, “Ўқой” ҳам қўшилган.

ҳақидаги маълумот ҳам ушбу санага мувофиқ келади. Қолаверса, Аҳмад Найим Колумбия университети (АҚШ) профессори Эдварт Оллворт билан шахсий суҳбатида ҳам ўз таваллуди билан боғлиқ юқоридаги санани қайта-қайта такрорлайди ва оиласи яшаган уй болохонали бўлиб, шаҳар қабристонининг орқа томонида эканлигига алоҳида урғу берган. Аҳмад Найим бобоси Мурод Ашурбой карвонбоши, отаси эса Ҳожи Абдулкаримбой номи билан эл орасида юксак обрў-эътиборга эга бўлишганлигини, онасининг исми эса Назокатойим эканлигини айтиб ўтади.

Бухоро ўрта асрлардаёқ ислом дунёсида алоҳида мавқе, хурмат ва эътиборга лойиқ бўлиб, илм маскани, айни пайтда халқаро савдо-сотик марказларидан ҳам бири бўлган. Аҳмад Найимнинг бобоси Мурод Ашурбой ўша пайтда таомилга кўра 3 йил муддатга сайланадиган карвонбошилиқ лавозимини бир неча бор эгаллаган. Шунинг учун унга мурожаат қилганларида “карвонбоши” атамасини исм-шарифидан кейин қўшиб айтиш таомилга кирганди. Карвонбоши лавозимига сайланган шахс Бухорода савдо-сотик ишларини бошқарган, харидор ва савдогарлар ўртасидаги муносабатларни назорат қилиш ваколатига эга бўлган. Ўзига тўқ, тижоратчи оиласида туғилган Аҳмад Найим ўзидан олдин Абдулҳалим деган акаси ва яна бир акаси борлигини ҳам ўша суҳбатида қайд қилади²⁰⁰. Лекин унинг номини тилга олмайди²⁰¹. Суҳбат совет тузуми ҳукмронлиги йилларида бўлганлигини ҳисобга олсак, Ўзбекистонда яшаётган акаси номи ҳақида гапирмаганлиги китобхонда ҳеч қандай эътироз туғдирмаслиги табиий ҳол эди. Аҳмад Найимлар оиласи,

²⁰⁰ Ҳалим Ашуров-Бухоро жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган, БХСР ҳукумати тузилганида зироат нозири муовини (қишлоқ хўжалиги вазир ўринбосари) лавозимида ишлаган.

²⁰¹ Аҳмад Найимнинг иккинчи акаси Мажид Ҳалимов бўлиб, ушбу инсон Самарқандда яшаб, журналистлик касбини улуғлаб, узоқ умр кўрдилар.

яъни унинг ота томонидан бобокалонлари асли Керки (ҳозирги Туркменистон Республикасидаги шаҳар) шаҳридан бўлиб, туркманларнинг эрсара (эрсаройли) номли уруғидан бўлишган. Она томонидан аجدодлари тубжой бухоролик бўлиб, шаҳар атрофига яқин ҳудудлардаги ер-мулкларга эгалик қилардилар. Аҳмад Найим ҳамда акасининг тўлиқ номлари аслида Абдулнаим ва Абдулҳалим бўлиб, бу номлар арабчадан таржима қилинганда “Худонинг фарзанди” деган маънони англатади. Ҳақиқатдан ҳам Оллоҳнинг 99 сифатлари қаторида Найим, Ҳалим, Самад, Ҳамид каби сифатлар ҳам бўлиб, инсонларга ўз номлари Абдусамад, Абдулҳамид тарзида қўйилмаса, улар “худо” бўлиб қоладилар.

Аҳмад Найим етти ёшига қадар Бухорода яшайди. 1907 йилда онаси вафот этганидан сўнг, оила аъзоларидан амакиси билан бирга, унинг раҳнамолигида Қўқон ва Тошкент орқали Чимкент (Қозоғистон)га кўчишади. Чимкентда оиланинг ер ва мол-мулклари (дўконлари) бўлиб, бу ерда ака-ука Ҳалим ва Найимлар амакилари билан бирга қисқа вақт истиқомат қилишган. Юқорида қайд қилинган йилда тижорат ишларини йўлга қўйиш учун унинг амакиси Истанбул (Туркия)га кўчади. Амакиси билан бирга Истанбулга борган ака-укалар 1907-1914 йилларда ибтидоий (бошланғич) мактаб-лицейда, “идади” деб аталадиган ўсмирлар таълим масканида ўқишган. Унинг амакиси Истанбул орқали Мисрга Бухоро молларини етказиб бериб, тадбиркорлик ва савдо-сотиқ ишлари билан машғул бўлган. 1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон уруши натижасида савдо-сотиқ ривожига путур етади. Иқтисодий аҳволи оғирлашишига қарамай ака-укалар, амакилари ёрдамида француз тилини ўргатадиган турк муаллимидан хусусий сабоқ оладилар. Ҳожи Абдулкаримбой ўғли савдо-сотиқ ишлари билан Истанбулга борганида ва уч марталик Макка ва Мадина

ҳаж сафарини Туркия орқали адо этган йилларда ўз фарзандлари аҳволдан хабар олиб турган. Француз тили ўқитувчиси билан мураси бузилиб қолган Ҳалим Ашуровни отаси 1914 йилда ўзи билан бирга Бухорога олиб кетади. Кўп ўтмай Аҳмад Найим ҳам отаси ва акаси ортидан Бухорога келади. Аҳмад Найим Туркияда таҳсил олган йиллар бу мамлакатда “Ёш турклар” ҳукумати таъсирида илғор ислоҳотчилик ва маърифатпарварлик ғоялари кенг тарқалганди. Туркия Шарқдаги мазлум халқларнинг озодлик ҳаракати авж олган марказ сифатида юзлаб ёшларни ўзига чорлаётганди. Бу мамлакатда Европадаги фан ютуқлари ва илғор ғояларни ўзида жамлаган энциклопедиялар ҳамда Европада чоп этилган француз ва инглиз тилидаги китобларни турк тилига таржима қилиш кенг йўлга қўйилганди. Бежиз Аҳмад Найим француз тилини иштиёқ билан ўрганишга киришмаганди. Кези келганда таъкидлаш ўринли бўлардики, Аҳмад Найим француз тилини яхши билган. Фикримиз исботи сифатида унинг XX аср 20-30 йилларида Мустафо Чўқай (1886-1941) билан биргаликда Парижда яшаганлиги, Франция-Германия орасида қатнаб немис шаҳарларида таҳсил олаётган бухоролик талаба ва ўқувчилар ҳолидан хабар олиб турганлигини қайд қилиш мумкин. Германиядаги ўзбек талабаларининг таътил пайтида Парижга қилган саёҳатларига ҳам шахсан Аҳмад Найим ҳамкорлик қилган ²⁰². Ҳозирда Туркиянинг Истанбул шаҳрида истиқомат қилувчи, ота-бобоси асли марғилонлик бўлган Собир Сайхонли (Холмуҳаммад Хокий ўғли, 1931 йилда туғилган) билан шахсий суҳбатларимиздан бирида: “Мен Аҳмад Найимни икки-уч бор кўриб, у билан шахсан суҳбатларда бўлганман. Суҳбатларимиздан менга унинг қўлида қалин муқовали, француз тилида ёзилган, истиқлолимиз тарихига оид

²⁰²Қаранг. Ш.Турдиев. УларГерманиядаўқиганэдилар. -Т.: “Фан”, 1992 йил.

китобни кўрсатди. У менга ушбу китобни ўзбек тилига ўгириши кераклиги, унда ўзининг исм-шарифи ҳам икки бор тилга олинганлигини айтган эди. Лекин ушбу хайрли мақсад ҳосил бўлган ёки бўлмаганлигидан хабарим йўқ”²⁰³- деганди.

1914 йилда Бухорога қайтган Аҳмад Найим ёшлигига қарамай, жаидчилик ҳаракати намоёндаларига яқинлашади. Эҳтимолки, у Истанбулда турганида бу шаҳарга ўқиш учун борган Абдурауф Фитрат, Усмонхўжа, Ҳамидхўжа Меҳри, Отахўжа, Мазҳар Маҳзум, Бурхон Маҳзум кабилар билан Туркиядаёқ таниш бўлгандир. “Бухоро маорифихайрия жамияти”нинг бир бўлими Истанбулда ҳам очилган бўлиб, 1909-1913 йиллар давомида кўп ёшлар у ерда таҳсил олиб қайтдилар... 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та ўқувчи ушбу шаҳарга таҳсил олиш учун юборилган эди²⁰⁴.

Бухоролик ёшларнинг биринчи гуруҳи Истанбулга боришидан икки йил олдин, яъни 1907 йилда бу шаҳарга етиб келган Аҳмад Найим, айтиш мумкинки, болалигиданоқ сиёсий жараёнлар тез кечаётган муҳитда тарбия кўрган.

Аҳмад Найим 1914-1917 йилларда Бухоро амирлигидаги кўпгина сиёсий воқеалар гувоҳи ва иштирокчиси бўлган. Амирликдаги ислохотчилик ҳаракати, жаидларнинг илғор сўл қаноти (ислохот тарафдорлари) билан ўнг қаноти (консерваторлар) ўртасидаги кураш, Саид Олимхоннинг 1917 йил апрелидаги манифести кабилар Аҳмад Найим сиёсий онгининг шаклланишига жуда катта таъсир кўрсатган. У Абдурауф Фитрат, Усмон Хўжа, Абдувоҳид Бурхон кабилар билан маслақдош бўлган.

²⁰³2019 йил 12-20 август кунларида муаллифлардан бири Истанбулда кекса отахон Собир Сайхонли билан суҳбатларда бўлганида, у киши Аҳмад Найим нафақага чиққанидан сўнг мени Боязид майдонидаги дўконимда кунора бўлиб турардилар, мазмунидаги фикрни билдирдилар.

²⁰⁴ Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. Тошкент. «Чўлпон», 1994 йил, 29-бет.

Аҳмад Найим 1917 йил апрелидаги амир манифестини ёқлаб, Бухоро жадидлари уюштирган, охиروقибатда қонли тўқнашувлар билан тугалланган намойишда ҳам иштирок қилган. А.Найимнинг эслашича, жадидлар “Зинда бош амири Бухоро!” (“Яшасин Бухоро амири!”), “Озодлик!”, “Тенглик!”, “Адолат!” шиорлари билан намойишга чиқишган.

Улар: “Оҳ, ота юртимиз жонажон Ватан!

Бўл бугун хурсанд ва қувноқ!”-

каби мисралар билан бошланадиган қўшиқни айтиб амир қароргоҳи-Арка қараб боришган. Намойишчиларнинг ёшлардан иборат қанотини эндигина 17 ёшга тўлган Аҳмад Найим бошқарган. У АҚШлик профессор Эдварт Олворт билан суҳбатида намойишчиларнинг кўпчилиги ҳибсга олинганлиги, амир зиндонида Усмон Хўжа, Атоулла Хўжа кабилар билан битта ҳибсхона (зиндон)да ётганлигини айтган. Ҳатто турк тилини яхши билган Атоулла Хўжа унга Туркия туркчасида: “Хўш, Найимжон бу ерда нега ёлғизсиз!”-деб ҳазиллашганда, “Сиз ёлғизланманг деб биз ҳам келдик” деб ҳазиломуз фикр айтган.

Амир томонидан жазоланган 15 киши билан бирга²⁰⁵ Аҳмад Найим Янги Бухорога (Когон) келади. 1917 йилнинг охири 1918 йил бошларида Аҳмад Найим 2та турк офицери (зобити) ҳамкорлигида амир айғоқчилари таъқибидан қочиб, Ашхабод-Машҳад-Техрон-Мосул-Дамғон-Табриз орқали Истанбулга етиб борди. Аҳмад Найим Истанбулда яшаётган амакиси ёрдамида ўзининг таҳсилани давом эттиради. Аввал, Истанбул ҳарбий академиясининг заҳирадаги ўқувчилари рўйхатига ёзилиб, бу соҳада бир оз таҳсил ҳам олган. Лекин иқтисодий аҳволи танглашгани туфайли ҳарбий

²⁰⁵ Улар орасида елкаси қамчи зарбидан маматалоқ бўлиб кетган Садриддин Айний, Ҳожи Мирбобо ва Абдурахим Юсуфзода, Зиёвуддин қори кабилар бўлишган.

академияни ташлаб, нафақа (стипендия) тўлаб таҳсил берадиган Истанбул университети ҳузуридаги олий ва ўрта мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш курсига ўқишга кирган.

1918-1920 йилларда Истанбул университетида ўқиб юрган Аҳмад Найим Бухорода амирлик тартиби ағдарилганлиги, Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати тузилганлиги каби ўзгаришлардан хабардор бўлади.

Истанбул университетида ўқиш билан бирга Аҳмад Найим амакисининг тижорат ишларига ёрдам берган. Биринчи жаҳон урушида Германия томонида туриб ҳарбий ҳаракатларда қатнашган Туркия енгилиб, Кичик Осиёга инглиз-француз-итальян қўшинлари киритилганди. Усманийлар салтанати қўлидаги бутун ерлар собиқ Антанта иттифоқи мамлакатлари томонидан бўлиб олинган, ҳатто, Туркиянинг ўзи ҳам миллий мустақиллигини йўқотиш хавфи остида қолган эди. Ҳолиб мамлакатлардан бири Англия эса Эгей денгизи бўйида ўзига тарафдор бўлган “Буюк Греция” давлатини тузиш орқали Туркия мустақиллигини тугатиш режасини илгари сурганди. Версаль шартномасининг бир қисми бўлган, 1920 йил 10 августда имзоланган Севр (Париж яқинидаги шаҳарча) битимига кўра Туркиянинг суверен давлатчилиги тугатилганди. Туркия халқи Мустафо Камол пошо бошчилигида истиқлол учун кураш майдонига кирди. 1921 йилда Истанбул инглизлар қўлида бўлиб, Афғонистон орқали бу шаҳарга келган туркистонлик муҳожирлар турк қардошларига яширин равишда кўпмиқдорда қурол-яроғ юбориб “Анқара ҳукумати”га амалий ёрдам кўрсатишган. Туркия ҳукумати номидан Бухоро Халқ Республикасига Анқарадан Ҳолиб пошо бошчилигидаги элчилар етиб келган. Анқара ҳукуматининг Бухоро Республикасидаги элчихонаси биринчи котиби таниқли турк ёзувчиси Рушен Ашраф бўлган. Ўз вақтида Бухоро Халқ Республикасидан

Анқарага 1922 йил сентябрда грек қўшинларидан Измирни тортиб олиб, мамлакат мустақиллигини сақлаб қолиш муносабати билан қутлаб Маҳмуд Ражаб ва Маҳмуд Назар бошчилигидаги элчилар келишган. Улар ўзлари билан олтин дастали қилич ва яна иккита қилич, “Қуръони карим”нинг Амир Темур даврида кўчирилган нодир нусхаларидан бирини, ҳамда турк солдатлари учун Бухоро тасвиритуширилган нишонлар олиб келишган²⁰⁶. Икки мустақил мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқалар қизғин давом этаётган бир даврда Аҳмад Найим Туркияда ўз таҳсилини давом эттираётган эди. Истанбул университетиде ўқиш билан бирга савдо-сотик билан шуғулланаётган бу йигит инглизлар томонидан таъқиб қилинади. Уларнинг йўриғига юрмаганлиги учун бир марта ҳатто инглиз божхонасига 10 турк лираси ҳисобида жарима тўлашга ҳам мажбур бўлган. 1922 йилда у Туркияга ташриф буюрган бухороликларнинг вакили (Садриддин исмли киши) орқали Абдурауф Фитратнинг Бухорога таклифини олган. Бухоро Республикаси ҳукумати раҳбарларидан бири бўлган Абдурауф Фитрат яқиндан ўзи таниган Аҳмад Найимни “Биз сиздек кишиларга муҳтожмиз!”-деб Бухорога таклиф қилган. Аҳмад Найим ўқишини тугатмаган бўлсада, бир неча турк вакиллари билан бирга нашриётчилик ишлари учун зарур бўлган типография станоклари ҳамда китоб ва ўқув анжомларини олиб Бухорога томон йўл олади. Италия савдо кемасида Ботуми портига, ундан Боку (Озарбайжон)га етиб келган Аҳмад Найим Озарбайжондаги Бухоро Республикаси ваколатхонасига боради. Маълумки, 1922 йил охиригача мавжуд бўлиб турган Озарбайжон Республикасига 1921 йил ёзидаёқ Бухоро Республикасидан машҳур матбаачи “Бухоро ахбори” газетасининг биринчи бош муҳаррири Маҳмуд

²⁰⁶Қаранг: //Бухоро ахбори, 77-сон, 1922 йил 4 апрель; 103-сон, 1922 йил 19 октябрь.

Саид Аҳрорий (1895-1931 йиллар) элчи қилиб юборилган эди²⁰⁷. Кейинчалик Муҳиддин Маҳсум Бухоро ҳукумати-нинг Озарбайжондаги ваколатхонасини бошқарган. Аҳмад Найим Муҳиддин Маҳсум ҳузурида икки ҳафта меҳмон бўлиб турганидан сўнг, Боку-Красноводск-Ашхобод-Чоржўй йўналиши орқали Бухорога етиб келган.

1922 йилнинг дастлабки ойларида Бухорога етиб келган Аҳмад Найим, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Ато Хўжа, Юсуфзода, акаси Ҳалим Ашуров ва кўплаб қариндошлари билан учрашди. У Оллворт билан қилган суҳбатида ташқи ишлар вазири бўлган Абдурауф Фитрат, Аҳмад Найимга: “Сен бизни ҳукуматда ҳарбий вазир бўлишинг керак эди²⁰⁸”, -деган фикрни билдирганлигини айтади. Аҳмад Найим Абдурауф Фитратдан ўз қариндошларини кўриш учун Самарқанд, Тошкент, Шарқий Бухоро(ҳозирги Тожикистон Республикаси)га бориб келиш учун ижозат сўраган. Абдурауф Фитрат республикадаги мушкул вазиятни унга тушунтириб, Анвар пошо билан омонсиз жанглар давом этаётганлигига алоҳида урғу берган. 1922 йилнинг баҳори ва ёзида Бухоро Республикаси ҳукумати Германия ўқув юртларига талабалар юбориш масаласида амалий ҳаракатларни бошлаган эди. Германияга ўқиш учун бухоролик ёшлар биринчи марта 1922 йил июнь-июль ойларида юборилган²⁰⁹. Назаримизда Аҳмад Найим хорижга талаба юбориш мутассадилари бўлган ФайзуллаХўжаев, Абдурауф Фитрат, Қори Йўлдош Пўлатов, Абдувоҳид Бурхоновларга хориждаги ўқиши чала қолганлиги, талабалар билан бирга Германияга олий маълумот олиш учун юборишларини илтимос қилиб

²⁰⁷Саид Аҳрорий. Танланган асарлар. -Тошкент.: “Маънавият”, 2001 йил (Истиқлол қаҳрамонлари. Тўплаб нашрга тайёрловчиХолидаАҳророва).-Б.3.

²⁰⁸Оллворт билан суҳбат. Эслатилган китоб.105-бет.

²⁰⁹//Бухоро ахбори, 93-сон. 1922 йил, 27 июль; 95-сон, 1922 йил 16 август; 97-сон, 1922йил 27 август.

сўраган. Туркияда икки бор бўлган, Истанбул дорулфунунида таҳсил олган бир қадар тажриба ва билимга эга бўлган Аҳмад Найимнинг Германияга ўқиш учун талабалар сафида жўнашига улар монелик қилишмайди. Бухоро Халқ Республикасининг Германияга жўнатилган биринчи гуруҳ талабалари қаторида Аҳмад Найим ҳам хорижга ўқиш учун кетди. Унинг эслашича, бухоролик ёшлар 15 кишидан иборат бўлиб, улар орасида Вали Қаюмхон, Аҳмаджон Шукрий, Саттор Жаббор, Саид Али Анқаралар ҳам бор эди. Бухоро талабалари Германияга жўнашларидан олдин Абдурауф Фитрат етакчилигида Самарқандга боришган. Амир Темур мақбарасини зиёрат қилишган. Сўнгра Тошкент орқали Москвага етиб боришади. Ҳатто Москва кўчаларида Бухоро Республикасининг байроғини кўтариб, намойиш ҳам қилишган. Москвадаги Бухоро ваколатхонаси бошлиғи Ато Хўжа, ҳукумат аъзоси Абдувоҳид Бурхонов, асли қозонлик татар, Берлин яқинидаги жойлашган Винсдорф шаҳарчасидаги мусулмонлар масчити имом-хатиби Олимжон Идрисий (1880-1957) кабилар ёшларга раҳнамолик қилишган. Москвадан Петроградга келган бухоролик бўлажак талабалар немис кемасида Болтиқ денгизи орқали Германияга жўнаб кетишган. Шундай қилиб Аҳмад Найимнинг муҳожирлик ҳаётидаги учинчи даври бошланади. Ўшанда у ўз она юртидан бутунлай ажралаётганлиги, Ватан йўллари унинг учун абадул-абад ёпилганлиги, 60 йилдан ортиқ умри муҳожирликда кечишини тасаввур ҳам қилмагандир. Германияга йўл олаётганида Аҳмад Найим барча бухоролик ёшлар сингари хориждан Ватанимга билим ва маърифат олиб келаман, халқим, мамлакатим ривожига хизмат қиламан деб ўйлаган эди.

Бироқ 1924 йилда Бухоро Халқ Республикаси давлатчилигининг тугатилиши, совет жамиятидаги қатоғон ва қирғинлар, мафкуравий тўсиқлар туфайли

Бухоронинг Германиядаги талабалари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Тақдирнинг аччиқ қисмати туфайли ўнлаб ўз юртига қайтган собиқ талабалар “немис айғоқчиси”, “сотқин”, “Ватан хоини” каби асоссиз айблар билан йўқотилди ёки уларнинг асосий қисми Сибирь ва Магадан ўрмонларида 15-20 йил қамоқхона азобини тортдилар. Совет ҳукуматининг Г. Меерсонсингари қўл-оёғи чаққон мафкурачилари ва “махсус идора” вакиллари хорижда қолган талабаларни Ўзбекистонга қайтишга мажбур қилганлар. Ватанда эса уларни ўлим кутарди.

Аҳмад Найим 1925-1930 йилларда талабаларнинг Ўзбекистонга қайтиб бориши хавфлилигини англаб уларни Туркия Республикасига қочириб кўчириш ва жойлаштириш чора-тадбирларини кўрган. Берлин ва Истанбул орасида қатнаб юрган Аҳмад Найим бухоролик олти нафар талабани Туркиянинг турли шаҳарларида жойлаштирган²¹⁰. Ўша пайтда Туркияда бошпанага эга бўлиш ҳам осон эмасди. Агар хорижда яшаб қолган талабалар сони 14-16 та атрофида эканлигини ҳисобга олсак 6 кишининг ҳаётини сақлаш учун Аҳмад Найим ҳақиқий ўктамлик қилганлигининг гувоҳи бўламиз. Аҳмад Найимга ушбу хайрли ишлари, қатъияти ва жасорати, таъкидлаш жоизки, кўрсатган жонбозлиги учун “Ўктам” деган номи ҳам берилди. У ҳаётини сақлаб қолган ўзбек миллати вакиллари Туркия Республикасининг олийгоҳларида фан докторлари, профессорлар даражасига кўтарилдилар. Уларнинг илмий тадқиқотлари Туркистон тарихи, маданияти, иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий муаммолари масалаларига қаратилди. Қолаверса, собиқ бухоролик талабаларнинг фарзандлари ҳозирги Туркия Республикаси тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. XX асрнинг 30 йилларида Аҳмад Найимнинг ўзи ҳам Туркияга кўчиб ўтади. Мустафо

²¹⁰ Ш. Ҳайитов, К. Рахмонов. Бухоронинг хориждаги талабалари (XX асрнинг 20-йиллари). Бухоро-2003. –Б. 19.

Камол Отатурк Туркияда юритган миллий сиёсат заминиди турк миллати бирлигини мустақкамлашга қаратилган мақсад ётарди. Шунинг учун 1935 йилдан бошлаб барча Туркия фуқароларига миллатидан қатъий назар туркча фамилия олиш тартиби, қонуни жорий қилинган. Аҳмад Найим (Ўктам) ҳам шундан кейин ўзига Ўқой (Ўқтой) фамилиясини танлайди. Ўқой-ўқ ва ой қўшилуvidан иборат ягона номдир. Муҳожир ўзбеклардан З. Бобоқурбон “Аҳмад Найим Берлинда ўқиган бухороликлардан биринчи иқтисодчи олим эди”, - деб маълумот беради. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Аҳмад Найим, Усмон Хўжа сингари юртдошларимиз қатори турли мамлакатларда яшашга мажбур бўлади.

1954 йилда Истанбулда “Туркистонликлар культур ва социал ёрдамлашма жамияти” (“Туркистон маданий ва ижтимоий ёрдамлашма жамияти”) тузилади. Мазкур жамият Туркиядаги миллатдошларимизни бирлаштириш, миллий маданиятимиз, тилимиз ва ўзлигини сақлаш, маданий жиҳатдан бир-бирларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган эди. Мақсади хайрли ишлар бўлган жамиятнинг биринчи раиси эса Аҳмад Найим Ўқой бўлган. 1960 йилга қадар туркистонликлар ташкилотини бошқарган Аҳмад Найим бир пайтнинг ўзида Истанбул шаҳар коммунал хўжалик хизматида мутассади раҳбарлардан бири ҳам бўлган ²¹¹. У хориждаги ўзбеклар томонидан асос солинган бир қатор матбуот органларида ўз мақолалари билан қатнашиб турган. Жумладан, Мустафо Чўқайнинг “Ёш Туркистон”

²¹¹Муаллифлардан бири 2019 йил августда Истанбулда бўлганида, Истанбул Буюк шаҳар Баладияси (ҳокимлиги) Инсон қайноқлари (маиший хизмат) мудирлиги жорий архивида бўлиб, Аҳмад Найимнинг шахсий папкаси билан танишишга муваффақ бўлди. Ушбу папкадаги маълумотларда, у 1899 йилда Бухорода туғилган, ўқиган жойи Берлин университети Иқтисодиёт факультети, отаси Ҳаким, онаси Назокатойим, 1933-1935 йилларда Истанбул университети Иқтисодиёт факультетида дарс берган. 1947-1950 йилларда Истанбул Буюк шаҳар Баладияси (ҳокимлиги) иқтисод ишлари мудир лавозимида ишлаган деб қайд этилган.

журналида “Ашурбой” номи билан мақолалар эълон қилган. “Ашурбой” тахаллусини олиши бобоси Ашур Мурод Карвонбоши хотирасига иззат-ҳурмат рамзи бўлса керак.

1975-1977 йилларда Туркиядаги муҳожир ўзбекларнинг “Хур Туркистон учун” газетаси лотин имлосида, турк тилида чоп этилган. Ушбу газетанинг 1976 йилдаги 39-сонида Аҳмад Найимнинг “Усмон Хўжа Пўлатхўжа ўғли” номли йирик мақоласи чоп этилган. Мақола матнидан Усмонхўжани Аҳмад Найим яқиндан билганлиги, ушбу тарихий шахс ҳақида автобиографик бой маълумотлар берганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзбек адиби Тоҳир Қаҳҳор “Хур Туркистон учун” (Тошкент, “Чўлпон”, 1994), турк тарихчиси Меҳмет Сарай “Отатуркнинг Совет сиёсати” (Истанбул, 1990, турк тилида) номли китобларини ёзишда Аҳмад Найимнинг юқорида номи кўрсатилган мақоласидан фойдаланишган ²¹². Бухоро жадиличлик ҳаракати иштирокчиси, Бухоро Республи-касининг 1920 йилларда Германияга ўқиш учун юборган талабаларидан бири ҳаёти билан ўз юртида эмас, қардош Туркия Республикасида видолашди.

Аҳмад Найим “ёвузлик империяси” (Р. Рейган ибораси) - Совет Иттифоқидан, яъни мустабид тузум асоратидан ўз қариндошларини қутқариб Туркияга олиб кетишга ҳам уринган. Айни пайтда юртимиздаги унинг яқин кишилари А. Найимни муҳожирлик азобидан халос қилишга интиланганлар. Лекин икки томоннинг ҳаракати ҳам натижасиз бўлиб, улар маъмурий буйруқбозликка асосланган, ноинсоний сиёсат қурбонига айландилар.

Муҳожир ўзбеклардан бири ўз мақоласида Туркистонда жадиличлик ҳаракатининг сўнгги вакиллари 1937-

²¹² Аҳмад Найимнинг Усмон Хўжа ҳақидаги кенг қамровли мақоласи 1968 йилда ушбу инсон вафотидан кейин совет муҳожирларининг бир қатор журналларида ҳам босилган.

1938 йиллардаги қатағонлик сиёсати натижасида узил-кесил маҳв этилганлигини ёзганди.

Ушбу фикрга бир оз эътироз билдирган ҳолда таъкидлаш жоиз бўлардики, жадиждларнинг истиқлол ва озодлик учун курашлар тарихи хорижий мамлакатларда Усмон Хўжа Пўлатхўжаев (1878-1968) ва Аҳмад Найим (Ўктам) Ўқой (1900-1984) кабилар орқали узоқ давр яшади. 1946 йилда таваллуд топган Аҳмад Найимнинг қизи томонидан берилган маълумотга кўра, у 1984 йил 21 апрелда Истанбулда вафот этган. Аҳмад Найимнинг жасади Истанбулнинг Анатолиан қисмидаги Карасааҳмед қабристонига дафн этилган²¹³.

Ватан ҳасрати ва дардида муҳожирликда вафот этган Аҳмад Найим сингари юртдошларимизнинг орзу-умидлари истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Инчунин, юртимизни ҳур ва озод кўриш, мустақил мамлакатда яшаш уларнинг мақсади эди. Ушбу бахт биз авлодларга насиб этгани учун яратганга ҳамду-санолар бўлсин.

БУХОРОНИНГ БИРИНЧИ ДИПЛОМАТИ - ҲОШИМ ШОЙИҚ (ҲОШИМ ШАЙХ ЁҚУБОВ)

1920 йил 2 сентябрда Бухоро амирлигитартиби ағдарилганидан сўнг, ўша йилнинг 14 сентябрида БХСР ҳукумати тузилди. Халқ Нозирлар Шўроси деб номланган ҳукуматда ташқи ишлар нозирининг ўринбосари сифатида Ҳошим Шойиқ ҳам ушбу таркибга киритилганди. Ҳошим Шойиқ БХСРда ўзига хос ўринга эга бўлган ҳукумат аъзоси эди. Туркистонда XX аср бошларида озодлик учун ҳаракатнинг ғоявий

²¹³ Аҳмад Найим турк аёлидан иккита қиз кўриб, унинг қайнотаси Истанбул Буюк шаҳар Баладияси (ҳокимлиги)да раҳбар лавозимида ишлаган. Муаллифлардан бири Истанбулда бўлганида Аҳмад Найимнинг Инжа хоним исмли қизи билан икки бор телефон мулоқотида бўлди. Истанбулнинг Анатолий қисми шаҳарнинг Осиё қисмида жойлашган Ускудор районида бўлиб, Мармар денгизи шаҳарнинг Европа ва Осиё қисмини бир-биридан ажратиб туради.

раҳномаларидан бири Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890-1970) ўз хотираларида Ҳошим Шойиққақида қуйидагича маълумот беради: “У (Ҳошим Шойиқ) Бухоронинг мусулмон яҳудийларидан, лекин Бухоро муҳитида ўсиб туркий доирани ўзиники деган бир дўст шоир эди. У кейинги вақтда Бухорода етишган шоирлар тўғрисида ёзди. Ўзининг ҳам тўплами бор. Бухоро ёшлари билан Туркияга бориб, у ерда муаллимлар тайёрлайдиган олий илмгоҳини тамомлаган. 1918 йилнинг бир мураккаб шароитида Боку орқали мамлакатига қайтар экан, “Миллий тадқиқотлар” тўпламини, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатут турк” ва “Дада Қўрқут” сингари бутун Туркистон зиёлилари учун бебаҳо манба ҳисобланган асарларни Бухорога олиб келган. 1920 йилда Бухоро ҳукуматининг хорижий ишлар вазири қилиб тайинланган. Лекин жуда қўрқоқ ва шубҳаланувчи бир киши бўлганлигидан чет эл ишлари билан шуғулланиш орқасида юзага келган воқеалар унга ором бермай турарди. Ниҳоят, ишларнинг мураккаблашувини кўргач, вазир ўрнига элчи бўлишни истаб, Қобулга кетиб қутилди”²¹⁴.

АҳмадЗакий Валидий Тўғон 1923 йилнинг ёз ва куз ойларида (5 ой давомида) Афғонистонда муҳожирликда яшаганида Ҳошим Шойиқ билан бир неча бор мулоқотларда бўлган. Аслида яҳудий миллатига мансуб бўлган Ҳошим Шойиқ мусулмончилик эътиқодига ўтган. Унинг ўзбек, форс-тожик, турк, рус, француз тилларини билганлиги, бадий ижод, яъни шеърят биланшуғулланиши, “Бухоромаориф жамияти” кўмагида Абдурауф Фитрат, Усмон Хўжа, Ҳамидхўжа Меҳри, Абдулвоҳид Бурҳоновлар сингари Истанбулда таълим

²¹⁴ Аҳмад ЗакийВалидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер (Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар). -Т.: Адолат, 1997. -Б.222-223.

олганлиги, муаллим, маърифатпарвар эканлиги Аҳмад Закий томонидан эътироф этилган.

Ҳошим Шойиқ БХСР ҳукумати таркибида 1922 йил февраль ойи ўрталарига қадар фаолият юритган. Архив ҳужжатларининг маълумотича, Афғонистонда биринчи давқулотда ва мухтор элчи Абдураҳим Юсуфзода (1880-1937)нинг 16 ойлик элчилик фаолиятидан сўнг, унинг ўрнини 1922 йил 8 апрелда Ҳошим Шойиқ эгаллаган. Янги элчи Афғонистон ҳукумати билан музокаралар олиб бориб, Бухоро фуқароларини ўз юртига қайтариши, икки ҳукумат ўртасидаги сиёсий ва молиявий масалаларни ҳал қилиши зарур эди²¹⁵.

Ҳошим Шойиқ Афғонистондаги ўзбек сиёсий муҳожирлари (Амир Олимхон, Усмон Хўжа, Абдулҳамид Орипов ва ҳ.к.) билан яқин алоқаларда бўлади.

У БХСР элчихонаси фаолиятини мустақил иш кўриши, Кобулдаги РСФСР элчилари (Раскольников, Суриц)га бўйсунмаслиги учун кўп ҳаракат қилди. Бироқ, БХСРнинг Афғонистондаги элчихонаси совет ҳокимиятининг талаби билан тугатилади.

БХСР ҳукуматининг бу хатосини Ф.Хўжаев эътироф этиб: “Биз Бухоро Халқ Республикасида афғон ваколатхонасининг тугатилишига рози бўлиб, катта хатога йўл қўйдик. Афғон ваколатхонасини сақлабқолишгина эмас, балки бошқа мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатмоқ керак эди”²¹⁶, - деганди.

Ҳошим Шойиқ Кобулдаги БХСР ваколатхонаси тугатилганидан сўнг (1923) ўз юртига қайтмади. У совет ҳукумати жосуслари томонидан “қора рўйхат”га киритилганди. БХСРнинг собиқ элчиси “Туркистон Миллий Бирлиги” ташкилотининг қарори билан Японияга бориши ва ушбу мамлакатда миллий

²¹⁵ЎзРМДА, Р-48-80, 1-р, 182-х, -328 в; 207 -х., 5,7,8 варақлар

²¹⁶ Муртазоев Ж., Соҳибов Ҳ. Фитратга қарши фитна // Жаҳон адабиёти, 1997. -№3. -Б.181.

мақсадларга қаратилган ишлар билан шуғулланиши керак бўлган. Аммо, у Афғонистонда муҳожирликда яшаб қолишни лозим топди.

Ҳошим Шойиқ Афғонистон маориф нозирлигида “Бухорий” номи билан янгидан фаолиятини бошлаб, дунёвий мактаблар учун дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзди.

Афғонистон маориф нозири, Амир Омонуллахоннинг амакиси Файз Муҳаммадхон Зикриё топшириғи билан Ҳошим Шойиқушбу мамлакат дунёвий мактабларида ўқийдиган ўқувчилар учун “Тарих” дарслигини ҳам ёзади. Ушбу дарслик “фавқулотда диниисломга берилган”(Маҳмудбек Тарзи ибораси) афғон халқи ва диний уламолар қаршилигига учрайди. Ўша кунларда Ҳошим Шайхнинг ҳаёти хавф остида қолганди²¹⁷.

Ҳошим Шайх ёзган дарслик Афғонистон мактабларигатарқатилган, ўқувчилар ундан фойдаланиб, Жаҳон тарихига оид маълумотлардан хабардор бўлишган. Ушбу шахс Афғонистонда 1935 йилга қадар истиқомат қилди.

Ҳошим Шайх Ёқубов (1865-1935)нинг бой шахсий кутубхонаси бор эди. Унинг вафотидан сўнг қизи Нафиса кутубхонани афғон ҳукуматига топширди.

Хуллас, БХСР ҳукумати аъзоларидан бири шоир, маорифчи, дипломат Ҳошим Шойиқ кўшни Афғонистон давлатининг пойтахти Кобулда муҳожирликда вафот этди.

БУХОРОДА ТАРИХШУНОСЛИК ИЛМИЙ МАКТАБИНИНГ АСОСЧИСИ

Тарих - ибрат ва намуна мактаби. Тарих соҳасида тадқиқотлар олиб бориш, юртдошлари онгида тарихий хотираниуйғотишдек хайрли ишга қўл уриш эса

²¹⁷ Қаранг. Муҳаммад Али. Абадийсоғинчлар. (роман- хроника).-Т.: 2005 , -Б.100-115.

жасоратли ва журъатли инсонга насиб этади. Тарихчи ва тарихшунос деган жиҳатларни ўзида бирдек мужассам қилган тарих фанлари доктори, профессор Фарҳод Ҳабибович Қосимов (1941-2006) минг-минглаб зиёлилар, ватандошлари қалбида ўчмас из қолдирган, шогирдларида тарих фанига чексиз меҳр-муҳаббат уйғотган инсондир. Профессор Ф.Ҳ.Қосимов таваллудига 75 йил тўлди. Асрларга татигулик умр йўлини босиб ўтган бу закий инсон Бухоро мозийшуносларининг ҳақиқий сардори, илмий маслаҳатчиси ва йўлбошчиси эди.

Биз ушбу тадқиқотимизда профессор Ф.Ҳ.Қосимовнинг таржимаи ҳоли, инсоний фазилатлари, раҳбарлик ва жамоатчилик соҳасидаги баракали ҳамда ибратли фаолияти, дўсту-биродарларига кўрсатган меҳр-оқибати ҳақида фикр юритишни четлаб ўтишни лозим топдик. Устоз вафотидан сўнг (2006 йил 10 декабрь) у кишининг ҳамкасблари, дўсту- шогирдлари, қавм-қариндошлари ўзларининг хотираларини изҳор қилибзабардаст олимга беқиёс ҳурмат-иззат кўрсатганлар²¹⁸.

Профессор Ф.Ҳ.Қосимов тарихий изланишлар майдонига ХХ асрнинг 60-йилларида кириб келди. Ўтган аср ўрталарида Ўзбекистонга тарихшунослик фани тетапоядаврини ўтаётган эди. Бу соҳанинг етакчи

²¹⁸ Қаранг. Ибратли умр саҳифалари (Профессор Ф.Ҳ.Қосимов замондошлари хотирасида).-Т.: Фан. 2007.-114 бет; Инсон хотираси муқаддас (Бухоро давлат университети (собик педагогика институтидатурли йилларда сабоқ айтиб, мангулик дунёсида ором олаётган профессор ўқитувчилар ҳақида лавҳалар). -Т.: Фан, 2007.-266 бет; Воҳидов Р.Ж. Йиллардан қолганмаънавий ёдгорлик. -Т.: Зарқалам, 2006. -Б.241-245; Ю.Ҳайдаров. Бухоро тарихи ҳамда маданий меросини ўрганиш фидойиси (Профессор Фарҳод Қосимовнинг маънавий жасоратиҳақида) /"Кўҳна ва боқий Бухоро тарихи ҳамда маданий мероси-комил инсон тарбиясида муҳим манба" мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Бухоро-2012. -Б.52-54; Қосимов Н. Оиламиз шажараси (ХІХ асрда Бухоро шаҳрида яшаган Мирзосалом (Қосимовлар) ва Ашурмурод Ашуровлар авлодлари ҳақида қисқача маълумотлар). -Бухоро: 2013.- 55 б.; Алламов А. Камтарлик ва ибрат тимсоли эди... // Хабарчи, 2015. 10 декабрь; Асадова Ш.И. Тарихшунос Фарҳод Ҳабибович Қосимов /В кн.:История и историки Узбекистана в ХХ веке.- Т.:NAVROZ. 2014. -С.364-378.

мутахассис олимларидан Д.А.Алимова ва Ш.И. Асадовалар: “Фарҳод Ҳабибович 60-йилларнинг охирида “Тарихшунослик фани фанми?”, “Бу соҳа умуман керакми?” деган баҳслар кечаётган бир пайтда тарихшунослик соҳасига ўзининг мустақил илмий қарашлари, ёндашувлари билан “фарҳодона” шиддат билан кириб келди”²¹⁹, - деб фикр билдирганларида тўла ҳақли эдилар. 1960 йилларнинг иккинчи ярмида тарихшунослик соҳасига қўл урган Ф.Ҳ.Қосимов, аввало, ушбу фаннинг вазифалари, тадқиқот усуллари ҳақида чуқур назарий асосларни эгаллади. 1968 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети собиқ “СССР тарихи” кафедрасида “Бухоро Халқ Совет Республикасининг совет тарихшунослиги” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли муҳокамадан ўтказди. Доцент М.У.Аминов раҳбарлигида бажарилган ушбу илмий иш ёш тадқиқотчининг ҳар бир тарихий воқеликка жиддий муносабат билдириши, БХСР тарихини ўрганишга бағишланган каттаю кичик тадқиқотларга теран баҳо бера олишидан далолат берарди. 1968 йилнинг ноябрь ойида ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясига²²⁰ Республиканинг етакчи олимлари Ҳ.Ш.Иноятов ва К.О.Оқиловлар расмий оппонентлик қилиб, уни юқори савияда бажарилганлигини қайд этдилар.

Ф.Ҳ.Қосимов номзодлик диссертациясида БХСР тарихи ҳақида асар ва мақолалар ёзган В.Юдовский, А.Машицкий, А.Самойлович, Л.Соловейчик, Н.Какурин, Акчурин, Умняков, Гловацкий, Рябинский, Я.Шарапов, О.Эшонов, С.Раджапов, Т.Тўхтаметов, А.Бобоҳўжаев ҳамда “инқилоб йилномачилари”нинг эсдалик ва хотираларини таҳлил қилади. Архив ҳужжатлари ва ўша давр матбуоти материаллари билан муқоясақилиб ўрганилган ишда:

²¹⁹ Ибрatли умр саҳифалари. -Т.: Фан, 2007. -Б.15.

²²⁰ Касымов Ф.Х. Советская историография Бухарской Народной Советской Республики. авт.дисс... на соиск.учен.степ. канд.ист.наук. -Т.: 1968. -33 стр.

БХСР маориф нозирлиги хузурида Марказий Архив комиссияси, археология ва тарих бўлими тузилганлиги, 1920 йил 11 ноябрда ушбу нозирликнинг “Бухоро инқилоби тарихини ўрганиш” бўйича қарори вабу таркибга профессор Б.Солиев ҳамда ёзувчи Садриддин Айнийлар киритилганлиги каби маълумотлар ҳанузгача ўз қадрини сақлаган²²¹. Устознинг номзодлик диссертацияси коммунистик мафкура қолипида ёзилган бўлсада, унинг хулосасида ишлабчиқилган 6 пунктдан иборат БХСР тарихини истиқболда ўрганишга қаратилган таклиф ва мулоҳазаларнинг айримлари долзарблигича қолмоқда. Айниқса, БХСРда ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолияти, “Ёш бухороликлар” ҳаракати, БХСРнинг хориж тарихшунослигини ўрганиш²²² борасидаги ишлар ҳамон интиҳосига етказилган эмас.

Ф.Ҳ.Қосимов илк жиддий тадқиқотидаёқ тарихшуносликни ўтмиш ва келажакни туташтириб турувчи муҳим ҳалқа ёхуд кўприк деб идрок эта олганди.

Олим тенгдошлари орасида биринчилардан бўлиб, докторлик диссертациясига қўл урди. Айтиш мумкинки, Ф.Ҳ.Қосимов собиқ СССР пойтахти Москвада ўз даврининг йирик тарихчи ва тарихшунос олимларидан маслаҳатлар олиб, докторлик диссертациясида катта ҳажмдаги илмий вазифани бажарди. Тарих фанлари доктори, профессор, хизмат кўрсатган фан арбоби, Қирғизистон Республикаси Миллий академияси академиги В.Шерстобитовилмий маслаҳатчилигида ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси, расмий оппонентлар: академиклар М.П.Ким, К.Е.Житов ва профессор А.И.Зевелевлар томонидан ижобий баҳоланди.

Ф.Х.Қосимовнинг докторлик иши совет даврининг “долзарб” мавзусига бағишланганлиги туфайли тадқиқот коммунистик мафкура, синфийлик назарияси ва марксча-

²²¹ Ўша жойда.- С.7.

²²² Ўша жойда.-Б.32.

ленинча методология ҳамда социализм (коммунизм) идеалларини исботлаш тамойилига йўналтирилган. Кейинчалик устознинг айрим мухолифлари “феноменал (ғоят кучли) салоҳиятга эга бўлган шахс умрини мавжуд бўлмаган нарсаларга сарф қилди”, - деб фикр билдиришганди. Аслида докторлик диссертацияси ва унинг юзасидан чоп этилган автореферат ҳамда китоблар ²²³ заминида машаққатли меҳнат, тунни кунга улаб ўқиш, изланиш ётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Адабиётшунос олим, профессор Р.Ж. Воҳидов (Аллоҳ раҳматига олсин!) Ф.Х.Қосимовнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан ёзган мақоласида: “...олим тадқиқотлари ҳавзасида бугунги тарихшунослик муаммолари марказий ҳалқа ҳисобланади ва унинг чоп бўлган ишларида шўро мафкураси таъсири, ўша руҳ чанглари анча куюқдир. Албатта, улардан кўз юмиш айни ҳақиқатни инкор қилиш инсофдан эмас. Шунингдек, зикри ўтган жиҳатлар иллат саналадиган бўлса, булар фақат Ф.Х. Қосимовга даҳлдор бўлмай, балки давр тарихшунослиги бошига тушган кулфатдир”²²⁴, - деб фикр билдирганда ҳақли эди. Бироқ, 1980 йилларда Москвада “Наука” (Фан) нашриётида 24 босма табоқдан иборат монографияни чоп эттириш, “Марказ”нинг етакчи тарихшунос олимлари назарига тушиш ҳали 40 ёшни ҳамқораламаган ўзбек йигитига насиб қилганлигини тан олмоқ керак. Олимнинг талаба шогирдларидан бири, тарих фанлари номзоди Ш.И.Асадова Ф.Х.Қосимов тарихшуносликнинг тарихий билимлар тизимида ўз объекти, предмети, функциялари ва вазифаларини чуқур англаган, тарихшунослик жараёнини барча мураккабликлари ва ички

²²³ Касымов Ф.Х. Советская историография перехода народов Средней Азии к социализму, минуя капитализм. Авт.дис... на соиск.учен.степ.докт.ист.наук. - Москва. 1979. -51 стр. (Специальность 07.00.09 – Историография и источниковедение). Касымов Ф.Х. Переход народов Средней Азии к социализму, минуя капитализм. Историографический очерк.-Т.:Фан; 1979.-167 стр.; Касымов Ф.Х.Минуя капитализм Советская историография перехода народов Средней Азии к социализму. -М.: Наука, 1980. -375 стр.

²²⁴ Қаранг. Воҳидов Р.Ж. Йиллардан қолган маънавий ёдгорлик.-Т.: “Зарқалам”. 2006. -Б.244.

зиддиятлари билан холисона ёритишга уринган, ўрганилишига доир мавзуга оид барча манбаларни тўла жалб қилишга ҳаракат қилган, ўз ишига ўта масъуллик ва жиддийлик билан ёндашиш, диапозони кенг тадқиқотчи бўлганлигига фикрниқаратган²²⁵.

Хуллас, Ф.Ҳ.Қосимов 1980 йилларда нафақат Ўзбекистонда, қолаверса, бутун мамлакатда тарихшунос олим сифатида танилган, айна пайтда жамият ва халқ хизматиغا бел боғлаган масъул вазифаларда (кафедра мудири, декан, ректор) самарали фаолият юритаётган ташкилотчи раҳбар поғонасига кўтарилган эди.

Совет ҳокимиятида “қайта қуриш” ва “демократия” сиёсати юритилган, мамлакат ҳаёти инқирозли, мураккаб ва зиддиятли кечган йилларда (1985-1991) Ф.Ҳ.Қосимов аввал деканлик, сўнгра ректорлик лавозимларида фаолият юритиш билан бирга, тарих ва тарихшунослик фани соҳасида ҳам илмий изланишлар доирасини кенгайтирди. Ўзбек ва рус тилларида равон гапириб, хатосиз ёза оладиган, қомусий билимлар соҳиби бўлган Ф.Ҳ.Қосимовилмсевар тарих фани соҳасида иқтидорли ва истиқболли шогирдларни ўз атрофида бирлаштирди. Оз сонли олимларга насиб этадиган тарихшунослик илмий мактабига асос солиниши эса, устознинг юксак салоҳиятида муҳимбарометр бўлди. Ўзбекистон тарихшуносларидан бири, тарих фанлари доктори, профессор Д.Ҳ.Зияева Ф.Ҳ.Қосимов ҳақида: “Устознинг ўз мактабини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам ибратлидир. Домла ўз атрофига Бухоронинг энг зийрак ёшларини тўплади вашасий ибрат кўрсатиб, илм йўлига бошлади, уларни маданиятли, фаол олим бўлишга ўз фаолияти мисолида даъват эта олди... Бугунги кунда тарихшунослик бўйича энг фаол марказлар қаторида Республикада Тошкент шаҳридан сўнг Бухоро университети фахрли ўринда туради десак муболаға бўлмайди”²²⁶,- деб

²²⁵ Қаранг. Кн: История и историки Узбекистана в XX веке.-Т.: 2014. –Б.364-378.

²²⁶ Қаранг. Ибратли умр саҳифалари.-Б.42.

ёзганди. Тарих фанининг мураккаб йўналиши - тарихшуносликка асос солишдаги хизматлари билан бирга профессор Ф.Ҳ.Қосимов ўз шогирдларини бевосита тарихшунослик ва манбашунослик (ўша пайтда 07.00.09. рақамли) ихтисослигида илмий тадқиқот майдонига журъат билан бошлади. Унинг бевосита илмий раҳбарлиги остида У.Ҳ.Темиров, У.Ж.Рашидов, Ф.М.Аминов, Г.А.Астанова “Тарихшунослик, тарихий тадқиқотлар методлари” йўналишида номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Лола Муҳаммаджонова XX аср бошларида Бухородаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таҳлиliga бағишланган диссертациясини домла илмий раҳбарлигида ёқлади. Ф.Ҳ.Қосимов 60 ёшга тўлганида Бухорода ўз тарихшунослик илмий мактабини ярата олган олим сифатида шуҳрат шоҳсупасига чиққан эди. Бироқ, камтарлик ва оддийликни тимсоли бўлган олим дабдабали юбилей тантаналарни ўтказилишига шахсан рухсат бермади. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, бухоролик адибСамандар Воҳидов: “2001 йилда у киши (Ф.Қосимов) 60 га кирганини ўзуйида, дўстлар даврасида нишонлади. Ана шу қувончли кунига таклиф қоғозини ўзи телевидениега олиб келди.

- Фарзандлар бир даврача тузмоқчи эканлар, шунга марҳамат қилсангизлар,- деди ийманганнамо. Мен у кишига:

- Фарҳод ака, Сиз катта олимсиз, тарих фанлари доктори, профессорсиз, Вилоят телевидениесида бир кўрсатув тайёрласак, дедим. Қатъиян рад этди: “Ҳожати йўқ” -деб фикр билдирганини эслайди²²⁷.

Ф.Ҳ.Қосимов илмий мактабидан етишиб чиққан фан номзодлари 1920-1930 йиллардаги Ўзбекистонда кечган тарихий жараёнларнинг тарихшунослиги масалалари билан шуғулланганликлари кўзга ташланади. Олим ўз илмий мактабидан етишиб чиққан тарихшунослар билан бирга

²²⁷ Қаранг. Ибратли умр саҳифалари. -Б.31-32.

мустақиллик йилларида самарали изланишлар олиб борди. Унинг бевосита раҳбарлигида вамасъул муҳаррирлиги остида “Бухоро: тарих саҳифалари”, “Бухоро тарихи масалалари” каби илмий тўпламларининг бир қатор сериялари чоп этилди. Ф.Ҳ.Қосимов Республиканинг илмий нуфузли журналларида, халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмийанжуманлари тўпламларида “Ф.Ҳўжаев – инсон ва сиёсатчи”, “Бухоро ва Хоразм Республикалари тарихшунослиги”, “Бухоро ва Фарғона: буюк ипак йўлида”, “Бухоронинг Шарқ тамаддунига қўшган ҳиссаси” каби 120 га яқин мақолалари чоп этилди.

Ф.Ҳ.Қосимов истиқлол йилларида Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари тарихшунослиги масалаларини янгича тафаккур асосида қайта ўрганиб, бу борадаги янги тадқиқотларни илмий муомалага киритибёш олимлар учун дастуруламал бўлган “Бухоро Халқ Республикаси тарихшунослиги” (Бухоро-1996), “Драма револүции, правда истории” (Инқилоб драмаси, тарих ҳақиқати” (1997), “Бухоро-Париж: асрлар садоси” (ўзбек ва француз тилларида, Бухоро-1997) каби китоб ва рисоаларини чоп эттирди. Ф.Ҳ.Қосимовнинг истиқлол йилларида яратилган, даврнинг долзарб масалаларига бағишланган “Темурийлар даврида Бухоро” (Бухоро-1998) “В плену иллюзий (Религиозный фундаментализм-угроза миру и стабильности) А.В.Альмеев билан ҳаммуаллифликда, -Т.: Фан, 2004) монографияси, “Истиқлол ва тарихий хотира” (Бухоро-2006) номли китоби бугунги кунда ҳам илмий жамоатчилик эътиборида қадрлидир.

Бухоро тарихшунослик илмий мактабига асос солган олим Республиканингқайси худудида тарихшунослик йўналишида жиддий илмий тадқиқот ёзилса ёхуд бирор бир китоб чоп этилса, унга ўз муносабатини билдирарди. Ушбу йўналишда ёзилган ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилиш, тақриз ёзиб ўз илмий муносабатини билдириш Ф.Ҳ.Қосимов зиммасида

эканлигини Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти етакчи олимлари эътироф этадилар.

Устознинг номи Бухоро Давлат университетида ортда қолган салкам бир асрлик даврда турли фанлардан шаклланган бармоқ билан санарли илмий мактаблар орасида ярқираб турганлиги ҳозирда фаолият юритаётган тарихчилар қалбини фахрга тўлдиради.

Ф.Х.Қосимов Бухоро тарихининг зукко билимдони, илмий ишлари шодасида “Бухоро” мавзуси, айниқса, ўрта аср ва XX аср дастлабки ўн йилликлар даври тарихи салмоқли ўринни ташкил этади. Бухоро Давлат университетининг 2014-2019 йиллардаги ректори, тилсимли Бухоро тарихининг ихлосманди, техника фанлари доктори, профессор А.А.Тўлаганов олийгоҳга биринчи раҳбар бўлиб келган дастлабки кунлардаёқ (2014 йил), университетда фаолият юритган азалий илмий мактабларни тиклаш, янгиларини яратиш ташаббуси билан чиққанди. Тарих ва тарихшунослик соҳасида Ф.Х.Қосимов илмий мактабини давом эттириш ва янги йўналишларга асос солиб юксак марраларга эришиш олимнинг турли олийгоҳларда фаолият юритаётган шогирдлар зиммасидаги масъулиятли ишлардан биридир.

БУХОРО ИЛМУ ФАНИНИ ВА ПЕДАГОГЛИК КАСБИНИ БИРДЕК СЕВГАН ОЛИМ

Муборак ҳадиси - шарифда инсонни бахтиёр ва ўз ҳаётидан қониқиб яшаш аломатларидан бири - ўзи яшаб турган ватанда ризқ-рўзинитопиб ҳаёт кечирishi, яна бири эса, яшаётган макони кенг ҳамда бепоён бўлиши ҳақида панд-насихат қилинади. Биз кўп йиллик таҳсилимиз давомида “макон-чексиз, замон-абადий” формуласи билан боғлиқ ҳақиқатнибот-бот эшитганмиз. Ушбу замонда ҳаётни уммонга қиёсласак, ҳар бир инсон умри шу уммондан бир томчидир. Умр деб аталган

имтиҳондан ким қандай ўта олиши эса аввало яратганнинг, сўнгра ҳар бир кишининг ўз измидадир. Минг – минглаб дўсту биродарлари, шогирду ва танишбилишлари қалбида муборак номлари абадул-абадга муҳрланган инсонлар орасида адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор, фольклоршунос ва болалар адабиёти билимдони Охунжон Сафаров ҳам муносиб ўринда туради.

Устоз Охунжон Сафаровни мен 1979 йилдан буён, яъни Бухоро давлат университети (собиқБухоро давлат педагогика институти)нинг Тарих-педагогика факультетига талаба бўлган дастлабки кунларданоқ яхши билардим²²⁸. Биз талабалик давримизда институтнинг Ўзбек филологияси факультетида М.Мирзаев, С.Алиев (Аллоҳ уларни раҳматига олсин!) сингари забардаст тилшунос, адабиётшунос олимлар, Т.Қораев, Р.Воҳидов, О.Сафаров (Уларни Аллоҳ раҳмат қилсин) сингари истиқболли фан номзодлари ҳақида, қолаверса, уларнинг илмий тадқиқотлари, китоб ва рисолалари тўғрисида ҳам яхшигина маълумотга эга эдик. Собиқ Иттифоқнинг турли бурчакларидан, пойтахт Тошкент шаҳридан Бухорога шоир ва ижодкорлар ташриф буюришса, улар билан талабалар ва олийгоҳимиз педагогик жамоаси ўртасида ижодий мулоқот кечалариташкил қилинарди. Бундай мулоқот кечаларида, адиблар юбилейи муносабати билан ўтказилган учрашувларда Т.Қораев каттакон, китобларга тўла портфелларини, Р.Воҳидов ва О.Сафаровлар ўз жуссаларига салобат билан ярашиб турган қўлтиқ папкаларини кўтариб кириб келганликларини кўп бор гувоҳи бўлганман. Бундай учрашувларда ушбу олимларнинг портфель вапапкаларини бир зум бўлсада, кўтариш бахтига муяссар бўлган Ўзбек

²²⁸ Мазкур маълумотлар Охунжон Сафаровнинг юбилейлари муносабати билан чоп этилган китобдан олинган. (Мақола муаллифлардан бири Ш.А.Ҳайитов томонидан ёзилган).

филологияси факультети юқори курс талабаларига ҳавас қилганимиз ҳам айни ҳақиқат. Ушбу бахтга муяссар бўлган, устозлари олдида юриган ўша “собик талабалар”нинг анчаси бугунги кунда фан номзодлари ва фандокторларидир. О.Сафаровнинг солиҳа ва қобил фарзандларидан Ҳ.Сафарова билан олийгоҳда бир даврда ўқиганмиз. Ота насиҳатини шуур ва қалбига сингдирган бу тўнғич фарзанд, бугунги кунда филолог олима сифатида падари-бузруквори билан ҳаммуаллифликда кўплаб тадқиқотлар эълон қилди.

О.Сафаров илм-фан йўлида ҳар қандай машаққатдан кўрқмайдиган, бу борада барча масъулиятни ўз зиммасига оладиган, неқбин, орзу-мақсадлари амалга ошиши учун ҳар қандай улфатчилик, меҳмондўстлик, даврачинликдан ўзини тия оладиган забардаст олим эдилар. Адашмасам домла адабиётшунос, тенгдош дўстларидан бир оз олдинроқ, яъни 1986 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Ўзбекистонда фольклоршунослик соҳасида ўша даврларда забардаст олимлар жуда кўп эди. Шу сабабдан бўлса керак, домланинг жиддий тадқиқоти катта илмий мунозараларга сабаб бўлганди. Мен 1984-1986-йилларда институтнинг “КПСС тарихи” кафедрасида фаолият юритиб, Бадиий графика, Педагогика, Физика-математика факультетларида талабаларга семинар машғулотларидан сабоқ берардим. Домланинг ҳимояларидан бир неча ойкейин биз Педагогика факультетининг эски биноси ҳовлисида суҳбатлашгандик. Ўша суҳбатда устоз сифатида менга маслаҳатлар берар эканлар, О.Сафаров: “Олийгоҳда фаолият юритишни мақсад қилган бўлсанг, илмий иш қилишинг шарт!” деганлари кечагидек кўлоғим остида жаранглаб турибди. Домла докторлик диссертацияси устида ишлаганда, ёхуд фундаментал монографик тадқиқот ёзаётган пайтларида меҳмондор-чилик, зиёфат ва сайр-саёҳатни умуман

йиғиштириб қўяр, бутун вақти, салоҳияти, куч-қувватини ўзи бошлаган ишни тугатишга қаратарди. Биз ёш бўлсакда, аҳён-аҳёнда у кишининг дўсту биродарлари, тенгдош жўралари суҳбати даврасигақўшилиб қолардик. Бундай инсонлар томонидансамимийлик, беғаразлик билан айтилган: “Охунжон, жиддий илмий тадқиқотини яқунлаш учун даврамиздан чиқаёзди”, -деган фикрларни эшитган пайтларимиз бўлган. Бундай пайтларда илм-фанни муқаддас ва тақдир, деб билган домламизга ҳавас қилганмиз.

Ўзбек ва тожик тилларини яхши билган (зуллисонайн) О.Сафаров Бухорои шарифни бутун вужудлари билан севардилар. Туркистон минтақасида яккаю-ягона бўлган шариф шаҳримиз халқининг урф-одатлари, маросим ва удумлари, қўшиқчилик санъати, халқ оғзаки ижоди, миф ва афсосоналари, ривоятлари, Афанди латифалари, Наврўз байрами удумлари, Шашмақом, мавригихонлик, амир созандалари ва улар ҳақидаги бағишловлар, халқ ўйинлари, айтишувлар (ўзбекча ва тожикча), хуллас, олимнинг тадқиқот доиралари кенг эди.

Бухоро вилояти Шофиркон туманида таваллуд топган, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих Институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Қ.Ражабов, мен ва устоз, яъни учаламиз кўп бор илмий мулоқотларда бўлганмиз. Ушбу ақлни чархлайдиган, истиқбол сари дадил қадам ташлашга ундайдиган суҳбатларга О.Сафаров “жон киритар” эдилар. Ўша мулоқотларимизда янги илмий мақола ва китобларимиз учун мавзу топилгани ҳам сир эмас.

Мулоқотлардан бирида домла адиб, қатағон қурбони Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон ҳақида йирикроқ бир асар яратиш истагида материал тўплаб юрганликлари, албатта шоирнинг Бухоро билан боғлиқ ҳаёти ва фаолиятини

ёритиш мақсадини кўзлаганликларини айтиб қолдилар. Умуман О.Сафаров тарихимизнинг қайси босқичида фикр юритилса, суҳбатни Бухоро мавзусига боғлар эдилар. У киши жадинчилик, тараққийпарварлик ҳаракати ҳақида суҳбатқурсак, XIX аср охири -XX аср бошларида Бухородаги адабий-тарихий вазиятни эҳтирос билан сўзлаб кетардилар. Ёхуд, Чўлпон ҳақида баҳслашсак, андижонлик бўлган ушбу адибнинг Бухородаги муҳаррирлик фаолияти, бу шаҳарда 17 та шеърий, бир қатор насрий, публицистик асар ва мақолалари яратилганлигини айтиб қолардилар. Чўлпон “Халқ” номли машҳур шеърини айнан Бухорода яшаган пайтда ёзилганлигини қайд қилиб ўтишни эса, унутмасдилар. Абдурауф Фитрат, Садриддий Айнийлар ижодида ҳали тадқиқотга тортилмаган қирралар жуда кўплиги, бу йўналишда илмий вазифалар талайгина эканлиги билан боғлиқ фикрларни билдиришдан чарчамасди олим. Профессор Охунжон Сафаровдаги бу жиҳатлар киндик қони тўкилган она юртга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатидан эди. Ушбу табаррук инсон ва фидоий олим биз ёшларни эришган муваффақиятлар билан қутлашни унутмас, чоп эттирган китоб ва мақолаларимиз ҳақида шахсий фикр-мулоҳазаларини билдириб, тавсиялар бериб боришдан чарчамасди. Мен тарихчи бўлсамда, адабиёт билан қизиққанлигим, адабиётшунослик соҳасида яратилган янги тадқиқотлар билан танишиб боришга иштиёқ-мандлигим туфайли домла чоп эттирган ўз китобларидан тақдим этардилар. Мен ёзган китоб ва рисоаларимни домлага тақдим этганимда, у киши ўқиб чиқар, айрим пайтларда ўринли эътирозлар билдирардилар. Ҳар бир масалани жиддий ўрганиб, сўнгра фикр билдириш, ҳар бир далил ва рақамни аниқлигига эътибор қаратиш, бирор бир китобни ўқимасдан тақриз бермаслик, каби хислатлар устозлардан бизга мерос бўлиб қолган.

Профессор Охунжон Сафаров бизга аудиторияда дарс бермаганлар. Бироқ, илмий анжуманларда, Илмий Кенгашларнинг йиғилишларида, адабий кечаларда у кишининг мазмундор, фикрлар шодаси узвий боғланган, кишини тўлқинлантирувчи, ўз-ўзидан қуйилиб келаверадиган, нафас олиб чиқаришни ҳам қизғанадиган, илмий далил ва рақамлар билан тўйинтирилган ўнлаб маърузаларидан баҳраманд бўлганман. Домлани кўп бор каттакон папкаси лиқ тўла китоблар билан талабаларга маъруза ўқиш учун катта қадам ташлаб, баланд руҳ ва кайфият билан аудиторияга шошилаётганлигига ҳавас қилганман. Чунки, профессор Охунжон Сафаров аудиторияда маъруза ўқишни, педагог олим сифатида сидқидилдан талабаларга билим беришни бутун вужудлари билан севардилар. У кишидан дарс тинглаган шогирдлар домла ҳақида фақат ижобий фикр билдириш билан бирга, “ўзларига ҳам қаттиқ талаб қўйиб ишлайдилар, бизни ҳам вазифа ва топшириқлар билан “кўмиб” ташлайдилар”-дейишарди. Мен профессор Охунжон Сафаров билан охирги марта у кишининг вафотларидан чамаси 5-6 ой олдин учрашдим. Биз университет профессор-ўқитувчилари Бухоро туманидаги Галаосиё Педагогика коллежида бир тадбирда иштирок этиб, қайтиш олдидан домла телефон қилиб, автовокзалга яқин кўчалардан бирида кутиб туришлари, бир тўхтаб ўтишимизни биздан сўрадилар. Мен шогирдим тарих фанлари номзоди, доцент К.Рахмонов билан анжумандан қайта туриб, уй кийимида кутиб турган домланинг олдаридида машинани тўхтатдик. Назаримда домла “Чўлпон Бухорода” китобларини яқунлаш арафасида эдилар. Учаламизнинг илмий мулоқотимиз салкам икки соат чўзилди. Бундай фан чўққиларини забт этишга, педагогик маҳоратни оширишга хизмат қиладиган мазмунли суҳбат оёқда

туриб бўлсада, бизга куч-қувват, баланд руҳ ва кайфият бахш этганди.

Профессор Охунжон Сафаров минглаб шогирдлар етиштирдилар, оқил фарзандларни тарбиялаб ўстирдилар, фан номзодлари ва фан докторларига илмий раҳбарлик қилдилар.

Заҳматкаш олим, юртсевар инсон, моҳир педагог, илм-фан, она-юрт ва ўз касбини бирдек севган устоз-мураббий профессор Охунжон Сафаровнинг ёрқин хотираси қалбимизда доимо барҳаёт.

БУХОРО ИЛМИ ВА ИНСОНИЙЛИК МАКТАБИНИНГ САРБОНИ

Туркий халқлар учун қадрли бўлган Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида:

*“Ўткинчи дунёда тирикликка керак ишлар қил,
Кишиларга яхшилик қил, савоб ишлар қил”-*

деб панд-насихат қилади. Илм савоб ишларнинг гултожи, инсонийлик илми эгаси бўлиш эса олимликнинг юксак бегадидир. Умр деб аталувчи карвоннинг 80 ёшлик довони билан юзлашган, тарих фанлари доктори, профессор Сулаймон Иноятович Иноятов илм билан машҳур бўлиб, савоб ишлар қилди, инсонийлик ибратини кўрсатиб икки карра савоб ичида қолган таниқли муаррих, устоз-мураббий, ташаббускор инсон, дилтортар, кўнгли дарё дўстлик ва ҳамдардлик кўрсатишнинг ўрناق олса арзигулик ёрқин намунаси.

Устоз 1938 йил 12 мартда Бухоро шаҳрининг Мохи-Хосса мавзесидаги Шехон қишлоғида Иноятхўжа Атоуллахўжа ўғли хонадонида таваллуд топди. Олимнинг болалиги ва ёшлиги иккинчи жаҳон урушининг суронли йиллари-ю, 1950 йилларда совет ҳокимияти сиёсатидаги зиддиятли, мураккаб жараёнлар билан тўлиб тошган воқеликлар таъсирида ўтди. С.И.Иноятов ўрта мактаб

таълимини аъло баҳоларда тугаллаб, Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ)нинг Тарих-филология факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳда устозлардан олинган пухта билим, ўзидаги ақл-заковат теранлиги, кучлиирода феномени унинг қалбида илмий изланишлар олиб боришга истак ва рағбатни оширганлигига ортда қолган йилларнинг ўзи гувоҳ.

Тарихни янги даврида Хитой жамиятида олимлар мавқеи баланд бўлиб, уларни “шэньши” - деб аташган. Олимликка даъвогарлар юз минг чиғириқдан ўтказилган. Синов ва имтиҳонлардан биринчи босқичда ижобий баҳо олганларга “кичик шэньши” (кичик олим) орадан анча йиллар ўтиб, иккинчи босқичли илм довонини, “забтэтган”ларга “катта шэньши” (катта олим) мартабасини беришган. Айтиш мумкинки, С.И.Иноятов 1969 йилда номзодлик, 1987 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, иккала даражани ҳам эгаллаган, 1989 йилда эса профессорлик илмий унвонига сазовор бўлиб, бу ютуқларни мустаҳкамлаш бахтига муяссар бўлган тарих илми сарбонларидан биридир.

С.И.Иноятовнинг ҳаёти ва фаолияти йўлига назар солсак, олим илмда, Ватан ва миллат манфаати йўлида хизмат қилишдек хайрли мақсад учун умуман тиним билмаган, эл-юрт бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилгани, бу борада ҳамон олдинги сафларда туриб келаётганига амин бўламиз. Оқсоқол олим меҳнат фаолиятини ўзи таҳсил олган олийгоҳда ёшлар етакчилигидан бошлаб, профессорликгача бўлган “ярми қувончли, ярми ташвиш ва ғам-андуҳли” йўлни матонат билан босиб ўтди. Бухоро давлат педагогика институти Рус филологияси ва Тарих факультетларида декан, институтда илмий ишлар проректори, кафедра мудири лавозимларида кўрсатилган фаолият, олий малакали кадрлар тайёрлашдаги беминнат хизмат С.И.Иноятов

номини улуғлади, эл-юртга танитди. 1995 йилда С.И.Иноятов Навоий давлат кончилиқ институтига маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозимига ўтказилди. Янги институтни оёққа қўйишда, вилоятда таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этишда ушбу закий инсон амалга оширган ишларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Навоий вилоятида маънавий-маърифий ишларни ва бу ҳудуд тарихини янгича концептуал-назарий асосда ўрганиш-нинг ташаббускори ва тарғиботчиси бўлиш С.Иноятов номини юксакликка кўтарди. 2002 йилда давлат мукофоти-“Дўстлик” ордени билан тақдирланиш эса, давлатимиз ва ҳукуматимизнинг ҳалол ва фидойий инсон меҳнатига билдирилган миннатдорчилик ҳамда эътироф рамзи бўлди.

Дунё тобора глобаллашаётган ҳозирги даврда ёшлар қалбига миллий ўзлик, миллий ғурур, миллий мерос ва қадриятларга ҳурмат, аجدодлар анъанасига садоқат руҳини сингдириш учун устоз томонидан ойнаи жаҳонда ҳамда турли даражадаги минбарлардан туриб қилинган юзлаб таъсирчан нутқ ва маърузалар куч-қудратини таърифлашга эса тил ожизлик қилади. Нотиқлик санъатининг энг нозик сирларини ҳам моҳирона юксак санъат даражасида ўзлаштирган С.И.Иноятов халқчил, содда ва равон, илмий далил ва рақамларга тўла оташин нутқлари билан ёшларда мафкуравий иммунитетни тарбиялашнинг “мустаҳкам қалъаси”ни барпо эта олди. С.И.Иноятовнинг илмий ижоди истиқлол йилларида янгидан қайнар булоқдек кўз очиб, ўз тадқиқотларида юртимиздан ўтган буюк тарихий шахслар, уламо ва машойихлар, тарихий жойлар ҳақида ўқувчига манзур келадиган асарлар нашр юзини кўришида мислсиз хизмат қилинди. Бухоро ва Кармана тарихи ҳақида яратилган китоблар, сон-саноксиз илмий мақолалар тарих фани маънавий хазинасига қўшилган беқиёс ҳисса бўлиб

кирганлигини эътироф этмаслик инсофдан эмас. Олимнинг 40 га яқин каттаю-кичик китоблари, 400 дан ортиқ журнал, тўплам, газеталардаги мақолалари китобхон ва муштарийлар қалбига етиб борган. С.И.Иноятов “матбуотчилик тарихи” мактаби асосчиларидан бири сифатида икки нафар фан номзодини, бир нафар тарих фанлари бўйича фалсафа докторини тарбиялаб етиштирди, уч нафар шогирди фалсафа доктори даражасини олиш арафасида туришибди.

Фидойи инсон, таниқли муаррих олим, самимият тимсоли, яхшилик ва савобли ишлар ташаббускори С.И.Иноятовга юз ёш билан юзлашиш бахтини тилаб қоламиз.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

Раҳбарий адабиётлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев асарлари ва расмий нашрлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентлиги лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ.– Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том-I. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. - 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Том-II.– Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018.– 508 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148-сонли Фармони

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил, 24 майдаги ПҚ-3737-сонли қарори

6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола [матн]/Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети. – Т.: “Маънавият” нашриёти, 2017. – 244 б.

Архив ҳужжатлари ва материаллари

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви
(Ўзбекистон МДА)

1. Ф. И-1 - Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси

2. Ф.И - 3 - Бухоро амирлигидаги Россия сиёсий агентлиги

3. Ф - 47 - Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия кўмитаси

4. Ф - 48 - БХСР Халқ нозирлар шўроси

5. Ф - 2661 -ЎзССР чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти (УЗОДКС)

6. Ф - 2822 - Хориждаги ватандошлар билан алоқа боғлаш “Ватан” жамияти

7. Ф - 837 - ЎзССР ХКС

Даврий матбуот органлари

1. Yas Turkistan (Париж-Берлин). 1929-1939.

2. Бухоройи шариф (1912-1913)

3. Турон (1912-1913)

4. Бухоро ахбори (1920-1923)

5. Озод Бухоро (1923-1930)

Адабиётлар

1. Абдуллаев К.Н. От Синьцзяна до Хорасана. Из истории среднеазиатской эмиграции XX века. -Душанбе.: “Ирфон”, 2009.-572 стр.

2. Агабеков Г.С.Секретный террор: записки разведчика. -М. : Терра – Книжный клуб, 1998. -336 стр.

3. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форсайдан А.Ирисов таржимаси. -Т.: Фан, 1991.-32 бет.

4. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар /Асарлар. 8 томлик. -Т.: Ўздавадабийнашр, 1963. Т.1.-Б. 181-355.

5. Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида таълим тизими. -Т.: “Адиб”, 2014. -128 бет.

6. Жалилов С. Бухорийлар қиссаси (муҳожирот тарихидан лавҳалар). –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси.2006. -284 бет.
7. Жуманазар Абдусаттор. Бухоро: таълим тизими тарихи. –Т.: “Академнашр”,2017.-592 бет.
8. Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. -Т.: Узбекистан, 1969. -392 стр.
9. Наимов Н. Бухоро жадидлари (тарихий очерклар, ҳужжатли қисса). –Т.: Фан, 2000. -46 бет.
10. Орзиев М. Бухоро амирлигида босмахоначилик фаолияти тарихидан. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти,2016.– 68 бет.
11. Ражаббой Отатурк.ЮракдагиБухоро.-Т.: Маънавият, 1996.-239 бет.
12. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. -Т.: “Маънавият”, 2002. -142 бет.
13. Ражабов Қ. ва б. Бухоро тарихи.–Т.: “Тафаккур”, 2016.-460 бет.
14. Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917-1933). -Т.: "Наврўз". 2020. -168 бет.
15. Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. - Бухоро:Бухоро,2003.-99 бет.
16. Рашидов У. ва б. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги сиёсийва иқтисодий жараёнлар. Бухоро: “Бухоро” нашриёти.2011.– 67 бет.
17. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920-1924 йиллар). - Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2012. – 176 бет.
18. Саййид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги. /Форс тилидан таржима, таржимон номидан сўзбоши ва айрим изоҳлар муаллифи Тўраев Ҳ.. Бухоро, 2004.
19. Сафаров О. ва б. Чўлпон Бухорода.–Т.: “Муҳаррир”, 2012. -188 бет.

20. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар... Т.: Академхизмат, 2006. -256 бет.
21. Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате.-Т.: Фан. 1990. -34 стр.
22. Қосимов Ф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. Бухоро - 1997. -70 б.
23. Ҳайитов Ш. ва б. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920-1924 йиллар).-Т.: Фан, 2004. -102 бет.
24. Ҳайитов Ш. ва б. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005. -154 бет.
25. Ҳолбоев С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. - Т.: Фан, 2008. -180 бет.
26. Hayit, Baymirza. Turkistan Devletlerinin Milli Mukadele Tarihi. (1917-1984). Ankara, 1997.-367s.
27. Huseyin Ikram Han. Turkistanlinin 2 Dunya Savasi Natiralari. Bedir. Istanbul, 1999. 299 s.
28. Turkistanda Yenilik Hareketleri ve ihtilaller: Osman Hoja fnisina ictlemeler. Hazirlayan Timur Kojaoglu. Harlem, 2001.
29. Mehmet Saray. Mulli Mucadele Yillarinda Buhara Cumhuriyetinin Turkieye Yardimi//Turkistonda Yenilik Hareketleri ve Ihtilaller: 1900-1924. Osman Hoca Anisina Incelemeler. Hazirlayan Timur Kocaoglu (турк, инглиз, ўзбек тилларида).-Haarlem, 2001. -.S. 339-347.
30. Zeki velidi Togan/ Bugungi Turkili (Nurkistan) ve yakin tarihi/ - Istambul, 1981.

Диссертация ва авторефератлар

1. Бобожонова Ф.Ҳ. Бухоро амирлигида таълим тизими(ХІХ аср охири – ХХ аср бошлари). Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: 2011. – 185 б.

2. Бобожонова Ф.Ҳ. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири – XX аср бошлари) Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2011. – 30 б.

3. Гафаров Т.У. Культурно-просветительская деятельность джадидов в Бухарском эмирате (начало XX века) Автореферат. дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. – Душанбе. 1999. – 24 с.

4. Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2019. – 54 б.

5. Расулов А.Н. История взаимоотношений народов Туркестана Повольже и Приуралья (1917-1924 гг) Автореферат дисс. на соиск. учен. степ. док. ист. наук. Т.: 2005. – 54 б.

6. Рашидов О.Р. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2018. – 49 б.

7. Раҳмонов К.Ж. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари -Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси. – Т.: 2009. – 180 б.

8. Раҳмонов К.Ж. “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари- Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2009. – 33 б.

9. Шадманова С. Вопросы социально-экономического и культурного положения Туркестана на страницах

периодической печати (1870-1917 гг.) Автореферат.дисс. док. ист. наук. Т.: 2011. 61 с.

10.Эргашев Б.Х. Из истории становления и развития общественно – политических идей джадизма, идеология младобухарцев: Автореферат дисс. учен. степ. канд. филос. наук. – Т., 1993. – 56 с.

11. Ҳайитов Ш.А. XX аср ўзбек муҳожирлиги тарихи. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси. – Т.: 2009. – 284 б.

12. Ҳайитов Ш.А. История узбекской эмиграции XX вв. автореферат. дисс. ... на соиск. учен. степ. док. ист. наук. – Т.: 2009. – 50 с.

МУНДАРИЖА

1-боб. Бухоронинг жаҳоний шуҳрати	3
“Бухоро” ва “Бухорий” номларини жаҳоний шуҳрати	3
Бухоро қорақўлининг афсонавий таснифи - тарихий манбалар талқинида (“Туркистон тўплами” мисолида)	9
Бухороликларнинг хориждаги мулклари ва ворисийлик ҳуқуқи масаласига доир	18
Бухоро амирлигидаги афғон фуқаролари ва уларнинг машғулоти хусусида	27
Бухоро нақшбандияшайхларининг Туркиядаги ўзбек (такя) теккелари тарихидан	30
Бухоро (Туркистон) теккелари тарихи ҳақидаги китоб	35
Бухороликларнинг хориждаги ташкилот ва уюшмалари тарихидан	39
Бухоро амирлиги ва Афғонистон масаласида Англия – Россиязиддиятлари (XIX асрнинг 70-90-йиллари)	44
Бухоро амирлиги ва Ўрта Осиё хонликлари дипломатиясининг Россия империяси босқини арафасидаги ҳолати	49
Бухоро тараққийпарварларининг Туркистонда матбаачилик фаолияти	54
Бухорода манғитлар ҳукмронлиги даври тарихи германиялик шарқшунос талқинида	61
Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхоннинг муҳожирликдаги қисмати тадқиқотчилар талқинида	70
Бухоронинг мухтасар қомуси	75
Бухорода таълим-тарбия тизимининг манбавий асослари ва адабиётлар таснифи	80
Бухоронинг ноёб ёдгорлиги - Исмоил Сомоний мақбараси (XX аср 20-йиллари матбуотидаги бир мақола хусусида)	86
Бухоро шаҳарсозлиги ҳозирги босқичда	91
2-боб. Бухоро Халқ Совет Республикаси даври -ўзбек давлатчилигининг муҳим босқичи	100
Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий масала	100
Бухоро Халқ Совет Республикасида вақф мулклари	112

Бухорода Америка пахта навининг тарқалиши ҳақида даврий матбуот маълумотлари (“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари асосида)	117
Бухоро ширинмияси Германияда	124
Бухородан Германияга ўқиш учун юборилган ўқувчи ва талабаларнинг фожиали тақдири (XX асрнинг 20-30-йиллари)	129
Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматининг хориждаги ваколатхоналари (муаммонинг манбашунослиги)	137
Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Туркия ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихига доир	141
Бухоро-Озарбайжон: ҳамкорлик ва алоқаларнинг машаққатли йўллари	155
3-боб. Бухоролик олимлар	161
Бухоронинг улуғ фарзандлари Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат.....	161
Бухоронинг биринчи иқтисод профессори - Аҳмад Найим (Ўктам)	165
Бухоронинг биринчи дипломати - Ҳошим Шойиқ (Ҳошим Шайх Ёқубов)	179
Бухорода тарихшунослик илмий мактабининг асосчиси ..	182
Бухоро илму фанини ва педагоглик касбини бирдек севган олим	190
Бухоро илми ва инсонийлик мактабининг сарбони	196
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	200

**Шодмон Ҳайитов, Камол Раҳмонов,
Олимжон Аҳмадов**

БУХОРО ВА БУХОРИЙЛАРНИНГ ЖАҲОНИЙ ШУҲРАТИ

Муҳаррир: Н.Рустамова
Мусахҳих: М. Расулов
Техник муҳаррир: А.Қаландаров

Босишга руҳсат этилди: 24.01.2020 йил. Times New
Roman гарнитураси. Офсет усули. Бичими 60x84 1/16. Шартли босма
табоғи 13.0. Нашриёт ҳисоб табоғи 13.0. Адади: 200 нусха. Бюртма
№7.

“Наврўз” нашриёти. Лицензия №АІ 170. 23.12.2009 йил.
Тошкент шаҳри. 100000 А. Темур кўчаси 19 уй.

МЧЖ “Садриддин Салим Бухорий” босмаҳонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-26-45.